ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ

“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

«ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(II қисм)
(2022 йил 10-11 ноябрь)

САМАРҚАНД – 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

«ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(II қисм)
(2022 йил 10-11 ноябрь)

САМАРҚАНД – 2022

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКА И СЕРВИСА

КАФЕДРА “ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА”

«РАЗВИТИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ»

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
республиканской научно-практической конференции

(часть II)

(10-11 ноябрь 2022 г.)

САМАРКАНД – 2022

UO'K: 338.2:004(575.1)
M 90
КВК: 65.9(5Ў)

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш: муаммо ва ечимлари. / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (Iқисм). 2022 йил 10 ноябрь куни. Самарқанд, СамИСИ, 2022. – 236 бет.

и.ф.д., профессор К.Ж.Мирзаевнинг умумий тахрири остида

Нашр учун масъуллар:

1. **Қ.Ж.Мирзаев – и.ф.д., профессор.**
2. **Д.Х.Аслановна- и.ф.ф.д., профессор.**
3. **Э.Шавқиев – и.ф.н., доцент.**
4. **С.Р.Джулматова – и.ф.н. доцент.**
5. **С.А.Исҳакова – и.ф.ф.д., доцент.**
6. **С.Бобоқулов – и.ф.ф.д., в/б доцент.**

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Мустафоев Ғ.С.– доцент в.б.
Саҳифаловчи: Улуғмуродов Ф.

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий соҳаларда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг илмий-назарий ва методологик ёндашувлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини юксалтиришдаги ролини ошириш масалалари, хизмат индустрияси билан интеграциялашув жараёнларидаги тенденциялари ва истиқболли йўналишлари, соҳани ривожлантириш муаммо ва ечимлари, бошқарув усуллари ва ижтимоий иқтисодий ривожланишда рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш йўллари, рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ соҳа самарадорлигини банк – молиявий тизими орқали ошириш механизмлари, корхоналарда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистик ҳисоб усулларини такомиллаштиришнинг инновацион ёндашувлари, сервис тизими хизматларининг сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари, соҳани шакллантиришда рақамлаштириш муаммолари ва уларнинг ечимларига қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

ISBN: 978-9943-8583-5-0

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

I ШЎЪБА “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ”

РЕСПУБЛИКАДА САВДО ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШДА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.

Мирзаев Қулмамат Жонузоқович-СамИСИ,профессори,и.ф.д. Рақамли иқтисодиёт”кафедра мудири. Тел.+998915240066
Саттарова Наргиз Тохировна – СамИСИ, “Менежмент” кафедраси ассистенти. Тел.+998943712002 e-mail: nargiza19844@icloud.com

Аннотация. Ушбу мақолада бозор иқтисодиёт шароитида мамлакатимиз ўрнини оширишда рақамли иқтисодиётнинг устунликлари кўрсатиб берилди. Шу билан биргаликда савдо хизматлари сохасини хорижда савдо ва технологик жараённи оптималлаштириш учун турли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологияларини бошқаришнинг асосий устувор йўналишларига алоҳига урғу бериб, республикамиз савдо корхоналари амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, савдо хизматлари, ҳалқаро савдо, прайс чекер, ахборот киоски.

Ўзбекистонда савдо хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда савдо хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президентини “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси”[1]да белгилаб қўйилган.Савдо хизматларининг Ўзбекистонда ривожланишининг тарихий шарт-шароитларни ўрганиш, бу соҳанинг (савдо хизматлари) ҳалқаро даражада қандай илмий асосда тарақий этганлиги билан бевосита боғланган.

Халқаро савдо назарияларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларни хронологик тартибда меркантилизм, абсолют устунлик назарияси, қиёсий устунлик назарияси, Хекшер-Олин назарияси, маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси, глобал стратегик рақиблик назарияси ҳамда миллий рақобат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентини “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси

устунлиги назариялари сифатида эволюцион ривожланиб борганлигини кўришимиз мумкин[2].

Меркантилизм таълимоти 1630 йиллардан бошлаб шаклланиб, унинг луғавий маъноси италянчадан савдогар деган маънони билдиради. Меркантилизм ривожида икки даврни ажратиш мумкин: 1. Илк меркантилизм ёки монетаризм (XV-XVI аср урталари). 2. Ривожланган меркантилизм, савдо баланси (ёки мануфактура системаси) (XVI-XV1II аср урталари)[3]. Меркантилизмнинг биринчи даври Уша давр ибораси билан айтганда монетар, яъни олтин ва кумуш пуллар туплаш билан борлик, эди. Бунда пул баланси сиёсати олиб борилган, четдан имкони борича кам тайёр товар сотиб олишга уринилган. қимматбаҳо металлни ташцарига, четга олиб кетиш тацикуганган. Савдогарларга олиб чиқилган маҳсулотнинг бир қисмига пул олиб келиш мажбурияти юкланган. Чет эллик савдогарларни эса сотилган мол пулининг ҳаммасига янги товар сотиб олишга мажбур қилинган (пул олиб чиқиб кетмасликлари учун). Бу сиёсат назорат кучли бўлишини талаб этган, ташқи иктисодий алокаларнинг ривожини сусайтирган. Миллий рақобат устунлиги назарияси Майкл Портер томонидан 1990 йилда ишлаб чиқилган. Портернинг фикрича ҳар қандай корхонанинг халқаро бозорда муваффақияти ўша корхона фаолият олиб бораётган саноатнинг янгиланиш қобилияти ва инноватив сиғимига боғлиқ ҳисобланади. Шу билан бирга, Портернинг фикрига кўра маҳаллий бозорда ресурсларнинг очиқлиги ва уларга бўлган нархлар даражаси савдо сотиқнинг ривожланишини белгилаб беради. Бундан ташқари корхонанинг рақобатчиларига нисбатан янги шароитга тезроқ мослашиш қобилияти ушбу корхона брендининг муваффақиятини белгилаб беради деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат ҳозирги глобализация жараёнининг вужудга келиши кўп жиҳатдан савдо хизматларининг ривожланиши асосида билимлар алмашинувининг юз бериши сабабли дейишимиз мумкин. Глобал интеграция ҳам хусусий секторнинг ривожланиши ҳам ижтимоий институтларнинг тараққий этишида муҳим рол ўйновчи инвестициялар ҳажмининг ошишининг асосий омили ҳисобланганлиги учун бугунги кунда илмий доираларда ушбу мавзуда жуда кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш зарурки, илмий, ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назардан илмий асарларда, ўқув ва оммабоп адабиётларда савдо ва бозор тўғрисида ҳар хил илмий қарашлар мавжуд.

Бу борада жахонинг йирик маркетологи Ф.Котлер [1] савдо амалга оширадиган маскан - бозорни «Мавжуд ва потенциал товар сотиб олувчилар мажмуаси», деб таърифлайди. Шунингдек дунедаги йирик иктисодчиларидан яна бир гурухи К.Р.Макконел ва С.Л.Брюлар бозор ва

[2] International Trade Theories Notes | Definition and Types (businessstudynotes.com)

[3] Роззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: Молия, 2002

савдони, бир-бирига боғланган компонент сифатида маҳсулот ва хизматни, сотувчи ва сотиб олувчиларни қўшувчи механизм деб аташади.[2]

Сўнгги йилларда хорижий амалиёти электрон тижорат жадал суръатлар билан ривожланмоқда.Бунда кўплаб фирмалар савдо хизматлари турларини кўпайтиришга эътибор қаратмоқда. Шу муносабат билан корхоналарнинг ташкилий тузилмасида ноанъанавий хизматларни (тозалаш хизмати, юбилей, тўйларни видеоёзувга олиш, уй-жойни иситиш хизматлари кабилар) амалга ошириш ва таклиф қилиш бўйича алоҳида бўлимлар шаклланмоқда.

Савдо хизматларини кўрсатиш нафақат АҚШда, балки бошқа саноати ривожланган мамлакатларда ҳам савдо фирмалари фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Савдо хизматлари харидорларга талабни яхшироқ қондириш ва фойдани кўпайтириш учун товарларни сотиб олиш, уларни ташиш ва ишлатишда ёрдам беришга қаратилган. Шу боис хорижий давлатлар тажрибасини пухта ўрганиш ва республикамиз савдо корхоналари амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хорижда савдо ва технологик жараённи оптималлаштириш учун турли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологиялари кенг қўлланилади. Қуйида санаб ўтилган технологиялар (прайс чекер, ахборот киоски, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассаси, радиочастотали белгилар (RFID технологияси), харидорнинг “шахсий” ёрдамчиси, “ақлли” виртуал ассистентлар ва бошқалар) сўнгги ўн йил ичида Европа мамлакатларида фаол равишда жорий етилмоқда, бу еса кўпроқ истеъмолчиларни жалб қилиш ва дўконлардаги харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Бу тажрибалар Ўзбекистон Республикаси савдо тизимида жуда ахамиятли ва янги имкониятларни очиб беради. Савдо жараёнининг самарадорлиги ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бу харид жараёнини янада соддалаштиришга имкон берди. Савдо хизматлари самарадорлигини оширишда прайс чекерлар ҳозирда Ўзбекистонда кенг тарқалмаган. Ушбу қурилма орқали харидорлар ходимлар ёрдамисиз товарлар нархларини аниқлаш имкониятига эга бўлади. Аммо баъзи МДҲ давлатларида, масалан, Белорусияда прайс чекерлардан кенг фойдаланилади. Бу қурилмарни асосан катта ассортиментга эга йирик дўконларда учратиш мумкин[4]. Ахборот киоски - бу турли ахборот ресурсларига киришни таъминлаш учун мўлжалланган сенсорли экранли кўп функцияли электрон қурилма ҳисобланади. Ушбу ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологиясининг асосий вазифаси маҳсулот ҳақида батафсил маълумот беришдир.

Ахборот киоски корхоналарда аввал бўлган қоғоз каталогларнинг ўрнини тўлиқ босади. Сканерланган маҳсулот ҳақидаги маълумотни ушбу дўконда ишлайдиган акциялар ва сотувлар ҳақидаги эслатмалар билан тўлдириш мумкин. Харидорга тегишли чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда

[4] https://belcrystal.by/products/shop-equip/infokiosk/

якуний нархни ҳисоблаш мумкин. Ахборот киосклари турли немис компаниялари томонидан муваффақиятли қўлланилади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассалари - бу мижозларга дўкон ходимлари ёрдамисиз товарларни ўзлари сканерлаш, қадоқлаш ва тўлаш имконини берадиган технологиялар ҳисобланади. Ушбу технология харидорларнинг дўконга қизиқишини оширади ва чакана сотувчиларнинг аралашувисиз харид жараёнини тўлиқ назорат қиладиган инновацион истеъмолчиларни жалб қилади. Ходимлар томонидан товарларни узлаштириш эҳтимоли, шунингдек, қалбаки банкнотлар ва тангаларни қабул қилиш кабиларнинг олди олинади. Бироқ харидорлар томонидан бундай холат эҳтимоли сақланиб қолади, чунки харидор сотиб олган маҳсулотни сканерлай олмаслиги мумкин, шунинг учун муайян хавфсизлик чораларини кўриш талаб этилади.Бу борада алохида таъкидлаш керак дастлаб Германияда Метро Гроуп чакана савдо тармоғи томонидан 300 та дўконда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассалари жорий этилган. Аксарият ходимларнинг фикрига кўра, ушбу технология энг тирбанд соатларда ходимлар ишини енгиллаштиришга ва дўкон иш вақти соатларини кўпайтиришга ёрдам беради. Янги касса аппаратлари Германия бозорида ишлайдиган бошқа компанияларда ҳам қўлланилган (Едека, Икеа кабиларда).

Радиочастота белгилари (RFID технологиялари) замонавий штрих-кодларнинг ўрнини босади, бу харидорга харид қилиш саватчаси нархини бир зумда ҳисоблаш имконини беради. Ушбу контактсиз қурилма 1,5 м гача масофада ишлай олади ва сканер ёрдамида бир вақтнинг ўзида юзлаб белгиларни ўқий олади.

Ҳозирги вақтда Германияда RFID белгилари фаол равишда жорий этилмоқда. Deutche Bank маълумотларига кўра, RFID технологияси айланмасининг ўртача йиллик ўсиш суръати 19% ни ташкил қилган. Ушбу технологиялар аллақачон Метро, Карстадт, Реве ва Гарри Вебер каби чакана савдо тармоқлари томонидан турли лойиҳаларда қўлланилишини алохида таъкидлаш зарур. Агар товарлар RFID белгилари билан белгиланган бўлса, харидор аравача билан маҳсулотларни йиғиб, уни кассадаги махсус турникет орқали олиб ўтади. Сканерлар саватдаги маҳсулот ҳақидаги барча маълумотларни автоматик равишда ўқийди ва чек чоп этилади, шундан сўнг харидор банк картаси билан тўлайди.

Харидорнинг шахсий ёрдамчиси (PSA) бу махсус қурилма бўлиб, унинг ёрдамида харидор харид қилиш жараёнида ўзини қизиқтирган товарларнинг штрих кодларини мустақил равишда сканерлайди, дисплейда маҳсулотлар ва аксиялар ҳақидаги сўнгги маълумотлар кўрсатилади. Бундан ташқари, шахсий ёрдамчи кўпинча мижознинг клуб картаси орқали фаоллаштирилади, шунинг учун у истеъмолчи томонидан ўтмишда қилинган харидлар рўйхатини акс эттириши мумкин, бу еса харид жараёнини янада осонлаштиради[5]. Германияда ушбу ускуна хозирги кунга кадар бир қатор

[5] https://studwood.ru/904700/marketing

дўконларда, хусусан, Доҳле чакана савдо тармоғида ва Метро тармоғида қўлланилмоқда. Бу компанияларга ўзаро сотиш ва истеъмолчига аниқ уни қизиқтирадиган товарларни таклиф қилиш имконини берди. Бундан ташқари, қурилма дисплейида рекламалар сабабли товарларни сотиб олиш даражаси ошди[6].

Таъкидлаш жоизки, Республикада савдо хизматларига назарий жиҳатлар билан бир қаторда қуйидаги хорижий давлатлар тажрибаси муҳим ҳисобланади.

Биринчидан, Европа давлатларида кенг тарқалган мижозларни ўз ўзига хизмат кўрсатиш технологияларга асосланган усуллардан харидорнинг “шахсий ёрдамчиси” “ақлли вертувал ассистент” кенг фойданилган.

Иккинчидан, жаҳоннинг етакчи давлатини хисобланган Германия давлати тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда ўз ўзига хизмат кўрсатишда радио частота белгилари RFID технологиялари кенг фойдаланишган.

Учинчидан, МДҲ давлатларидан Белорусияда кенг қўлланиладиган прейс чекеерлар кенг фойдаланиш шу кабилардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси.

2. International Trade Theories Notes | Definition and Types (businessstudynotes.com).

3. Роззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: Молия, 2002

4. https://studwood.ru/904700/marketing

5. Коваль, А.Г., Пецольд, К. Инновации в розничной торговле: технологии самообслуживания как путь повышения конкуренто способности компаний. Инновации / А.К. Коваль, К. Пецольд. - 2012 - №7 - с. 78-81.

[6] Коваль, А.Г., Пецольд, К. Инновации в розничной торговле: технологии самообслуживания как путь повышения конкурентоспособности компаний. Инновации / А.К. Коваль, К. Пецольд. - 2012 - №7 - с. 78-81.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING MA'NAVIY JIHATLARI.

Ashurova Oltin Yuldashevna – SamISI assistenti.
tel. +998-90-605-22-47
Qodirova Umida – Buxgalteriya
hisobi va audit – 320 guruh talabasi

Аннотация: мақолада иқтисод соҳасида хизмат кўрсатувчи кадрлар тайёрлашнинг маънавий жиҳатлари шаклланишида миллий қадриятларнинг ўрни, амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: кадр, кадрларни танлаш, тайёрлаш, кадрнинг психологик

Bugungi kunda Respublika hukumati tomonidan mamlakatimizda olib borilayotgan iqtisodiy va ijtimoiy islohotlarning asosiy maqsadi xalimizning munosib hayot kechirishi, fuqarolarimizning bunyodkorlik salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish ekanligini e'tirof etish also mubolag'a bo'lmaydi.

Raqamli iqtisodiyot bilan shug'ullanuvchi, ilm-ma'rifatli kadr – bu bugungi kunimizning ilg'or vakilidir. Aristotel, agar biz axloq bobida emas, ilm bobida ilgarilab borayotgan bo'lsak, unda biz oldinga emas, orqaga ketayotgan bo'lamiz, - deb ta'kidlagan edi. Ya'ni b soha vakillari ilm bobida, zamonaviy texnologiyalarni bilish borasida o'z zamondoshlaridan ilgarilab ketgan bo'lsalar-u, biroq axloq borasida, ma'naviyat borasida ortda qolayotgan bo'lsalar, o'z tili, milliy mentaliteti, milliy qadriyatlarini bilish borasida ortda qolayotgan bo'lsalar, unda ulardan mahalliy kadr sifatida kutilayotgan natijalarga erishish mushkul. Shuning uchun bu soha kadrlarini tanlash, joy-joyiga qo'yish, tarbiyalash sohaga munosib kadr sifatida shakllantirish uchun ularning shaxsiy psixologik, ma'naviy salohiyatiga ham jiddiy e'tibor qaratish lozim. Raqamli iqtisodiyot sohasida xizmat qiluvchi kadrlarni o'z sohasini yaxshi bilishi bilan birga ular ilm ma'rifatli bo'lishi, o'z o'tmishini, o'tmish mutafakkirlarini ma'naviy merosini yaxshi bilishi, o'z milliy qadriyatlarini anglay oladigan bo'lishlari kerak.

Respublikamiz deyarli barcha sohalarida sog'lom ma'naviy-axloqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy-siyosiy muhitning hukm surishi, xalqimiz, millatimiz, mamlakatimizning porloq istiqboli, avvalo shu vazifaning bajarilishiga bog'liq.

Kadrning u yoki bu kasbga tayyorligi juda ko'p jihatlarni mujassamlashtiradi. Ya'ni xodim, malakali kadr sifatida, kasbga huquqiy, jismoniy, siyosiy, pedagogik, tibbiy yoki boshqa jihatlariga ko'ra tayyor bo'lishi zarur. Uning tayyorgarlik darajasini ma'lum bir me'yoriy xujjatlar bilan aniqlash mumkin. Biroq har qanday kadr uchun eng ahamiyatli bo'lgan jihat, uning kasbga psixologik tayyorligini belgilashning yagona me'yori yo'q. Shuning uchun ham kadrning

kasbga psixologik tayyorligi masalasi azaldan eng murakkab masalalardan biri bo'lib kelgan. Shu muammoli masalaning hal etilishi, ham shaxsning, ham u a'zo bo'lgan jamoaning rivojlanishini ta'minlovchi eng muhim omil hisoblangan. Bunday mulohazalar kadrni muayyan kasbga tayyorlash masalasi naqadar ahamiyatli va uning tarixi insoniyat tarixi bilan teng.

Kadrning individual-psixologik xususiyatlarini adekvat baholash zarurati , boshqa har qanday sohada arifmetik progressiya bo'yicha ortayapti desak, " Odam-odam" kasb klassifikatsiyasiga mansub xizmat idoralari, kadrlari uchun bunday zarurat geometric progressiya bo'yicha ortmoqda.

Har bir sohani malakali mutaxassis bilan ta'minlash muammosi birdaniga hal bo'ladigan, bir shaxs yoki muayyan jamoa ishi emas. " Kadrlar tayyorlash uzoq vaqt davom etadigan jarayon bo'lib, u har birimizdan astoydil, betinim, izchil mehnat qilishni talab etadi ". Buning uchun sohaga taalluqli bo'lgan barcha bo'g'inlar ishini muvofiqlashtirish, ular faolligini malakali kadr tayyorlash maqsadiga yo'naltirish lozim.

Eng " qimmat mahsulot " bo'lmish kadrlarni tayyorlash muammosining yechimlaridan biri, ularning ruhiy-ma'naviy olamini boyitishdir. Bu esa o'z ustida uzluksiz ishlashni taqoza qiladigan, " igna bilan chuqur qazish "dek mashaqqatli, lekin, kadr uchn bajarilishi shart bo'lgan tadbirlardan hisoblanadi.

Ma'lumki, raqamli iqtisodiyot sohasida kadr muayyan vazifani bajarishida, uning shu faoliyatiga bo'lgan motivatsiyasi muhim ahamiyatga ega. Motivatsiya ikki turga bolinadi:

1.Tashqi ijtimoiy ahamiyatli;

2.Ichki shaxsiy ahamiyatli.

Birinchi turdagi motivatsiyalar ma'lum bir muddat yoki qisqa muddatga kuchli bo'lishi mumkin, lekin ichki shaxsiy ahamiyatli motivatsiyalar istiqbolli hisoblanadi.

Shuning uchun joylarda raqamli iqtisodiyot bilan shug'ullanuvchi kadrlarni tanlab olish va joyiga qo'yishda, ularning shaxsiy manfaatdorligini oshirish, ma'naviy-ruhiy yetukligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratish kerak. Ichki shaxsiy ahamiyatli motivatsiyalarga uning moddiy va shaxsiy manfaatdorligi, e'tiqodi, yo'nalish xususiyatlari kiradi. Bu borada xorijiy davlatlarda yetarlicha tajribalar ortirilgan. Masalan, o'tgan asrning 70-yillariga kelib, xorijiy davlatlarda shaxsni o'rganish bo'yicha, kadrni tanlash baholash, undan o'rinli maqsadlarda foydalanish masalalari bilan shug'ullanuvchi maxsus markazlar, nomzodni o'rganish byurolari tashkil qilingan. Mazkur markazlarda shaxsning alihida jihatlarini baholashga mo'ljallangan psixodiagnostik vositalar jamlangan. Ular aprobatsiya qilinib, shaxsni o'rganish metodlari, intellectual testlar tizimiga solingan.

Biroq bizda xorijiy davlatlaridagidek, sharoit va imkoniyatlar yo'q. Maxsus ma'lumotga ega, yuqori malakali mutaxassislar taqchilligi mavjud. Mentalitet, milliy va hududiy tafovutlar ham, ularda erishilgan yutuqlarni to'g'ridan – to'g'ri joriy etishda jiddiy muammo tug'diradi, hatto ziyon yetkazishi ham mumkin.

Shunday ekan, bizning o’z usulimiz, yo’limiz bo’lishi kerak. Ta’kidlash joizki, bu kabi markazlarda amalga oshirilayotgan ishlar biz uchun, bizning mentalitetimiz uchun yangilik emas. Faqat, “ Yar qanday yangilik-bu yaxshi unutilgan eskilikdir ” deyilganidek, biz o’z ajdodlarimiz meroslariga nazar tashlasak, ular bilan yaqindan tanishadigan bo’lsak, oldimizda turgan muammoning yechimiga oid ko’plab ma’lumotlarni ko’ramiz. Shuni unutmasligimiz kerakki, hech kim hech qachon chetdan kelib bizning ishimizni o’nglab, og’irimizni yengil qilib, muammolarimizni yechib bermaydi. O’z hayotimizni o’zimiz ashkil etishimiz, barcha muammolarni o’zimiz hal qilishimiz lozim. Buning uchun avvalo o’zimiz o’qishimiz, o’rganishimiz, yetuk kadr sifatida shakllanish ,

Insoniyat taraqqiyotining hozirgi holatida, bugungi kun qadrini bilishda, avallari bo’lganidek, shaxsiy tajriba, sog’lom fikr kabilar kamlik qiladi. Buning uchun har yoqlama bilimga ega bo’lish lozim. Bunday bilimlarni o’zlashtirish uchun kuchli iroda, qunt, sabr, o’z ustida muntazzam ishlash, kadrlar tayyorlash samaradorligini oshirishga erishish lozim. Bu faoliyatning muvaffaqiyati shaxsning ichki ijobiy motivatsiyasiga, ma’naviy-ruhiy tayyorligi, mafrasiga ko’p jihatdan bog’liq.

Xulosa o’rnida aytish joizki:

-kadrlarni tayyorlashda, ularning kuchiga kuch qo’shadigan, vaqti kelganda, hal qiluvchi omilga aylanadigan ma’naviy-ruhiy tayyorgarligi, ularnig baquvvat iroda, faol hayotiy pozitsiyaga ega bo’lishi, eng muhimi, xizmat sohasini chuqur anglashi va tushunishi kabilar asos bo’lib xizmat qilishi kerak.

-buning uchun, bo’lajak kadrlarni tayyorlashda, ularga milliy qadriyatlarimiz bo’lmish xalqimiz tarixi, ajdodlarimiz merosi, ularning umumbashar sivilizatsiyasiga qo’shgan ulushi , u yoki bu ilm sohasida olamshumul yutuqlari kabilar haqidagi asosli ma’lumotlar bilan qurollantirish, demak bunday ma’lumotlarni yana ham ko’proq chop etish va o’quvchilar e’tiboriga yetkazish kerak.

-o’zini ham, mamlakatimizni ham porloq istiqbolga olib boruvchi “ ko’prik ” ni mustahkam qurilishiga o’zining munosib ulushini qo’shish kabilar,har qanday kadr uchun u bajarayotgan vazifaning “ Ichki shaxsiy ahamiyatli motivatsiya ”larga aylanishini ta’minlaydi. Bu esa har bir kadrning kasbga ma’naviy-ruhiy tayyorgarligining asosi bo’lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi Toshkent. 24.01.2022 yil.

2.Temur tuzuklari. X.Karomatov tarjimasi. B.Axmedov tahriri ostida.- T.G’.G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. 2011. 84-bet.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INKLYUZIV TA’LIMNI RIVOJLANTIRISH AHAMIYATI

D.Z.Norkulova – SamISI, “Turizm” kafedrasi dosenti, norkulova_d@mail.ru

Hozirgi davrda jamiyatda mavjud bo’lgan ommabop qarashlardan biri sifatida, tsivilizatsiya darajasi jamiyatning ma’lum bir ijtimoiy va kommunikativ muammoga duchor bo'lgan odamlarga qanday munosabatda bo'lishiga qarab belgilanadi deb hisoblashlariga e’tibor qaratish joizdir. So'nggi paytlarda nogironligi bo'lgan ko'plab odamlar izolyatsiyaga, maxsus bolalar bog'chalari, maktablar bilan ta'minlashga va natijada o'z tengdoshlaridan va jamiyatdan umrbod izolyatsiyaga mahkum bo'ldi. Bu toifadagi insonlarning katta qismi iqtisodiy nofaol bo’lib, davlatning ijtimoiy to’lovlari hisobidan kun kechirishlari davlatning iqtisodiyot sohalariga salbiy ta’sir ko’rsatish omillariga egadir. Ammo hozirgi davrda jamiyat va sanoatning deyarli barcha jabhalarida raqamli texnologiyalar kirib kelishlari barcha toifadagi insonlarning daromad olish imkoniyatlarini oshirishga ko’maklashmoqda.

Salomatlik insonning eng muhim hayotiy qadriyatidir. Sog'liqni saqlash muammolari bo'lgan odam o'z funktsiyalarini to'liq bajara olmaydi, inson faoliyati imkoniyatlarini cheklaydigan ko'plab kasalliklar mavjud. Zamonaviy jamiyat nogironlar hayotini sezilarli darajada yaxshilash uchun g'amxo'rlik qiladi: davlat ularga muntazam nafaqa to'laydi, bepul tibbiy yordam va ta'lim beradi.

Iqtisodiy faol bo’lish uchun insonlarda qaysidir kasbga doir malaka va ko’nikmasi shakllantirilgan bo’lishi, ya’ni shu sohada belgilangan muddatda tahsil olishi talab etiladi. O'quv faoliyati - turli faoliyat turlari va muloqot shakllari jarayonida bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirish, ya'ni yangi tajriba, odatlar, qobiliyatlar, ko'nikmalar, bilimlarni o'zlashtirish jarayoni. Bu vazifalar o'qituvchi tomonidan tashqi nazorat va tashqi baholash asosida o'z-o'zini nazorat qilish va o'z-o'zini baholashga aylanadi. Biroq, amaliyot shuni ko'rsatadiki, turli xil ta'lim sharoitida talabalar sezilarli darajada farq qiladi, bu ularning psixologik holatidagi farqni ko'rsatadi. Shunday qilib, nogiron bolalar ham umumiy ta'lim muassasasiga qabul qilinadi, uning asosiy rivojlanish nuqsoni kognitiv jarayonlarning shakllanishini sekinlashtiradi va kognitiv faollikni pasaytiradi. Ta'lim - bu shaxs, jamiyat, davlat manfaatlarini ko'zlab, o'quvchining belgilangan davlat ta'lim darajalariga erishganligi to'g'risidagi bayonot bilan birga keladigan maqsadli jarayon va tarbiya va ta'limning erishilgan natijasidir.

Har bir nogiron bolalar guruhining o'ziga xos ta'lim ehtiyojlari bor, bu o'qituvchi tomonidan bajarilishi kerak. Bunday o'quvchilarning ta'lim jarayoni juda ko'p farqlarga ega, ammo raqamli texnologiyalardan foydalanish o'qituvchilarga qulayroq sinf muhiti tufayli bunday bolalarga yaqinroq bo'lishga yordam beradi. Nogiron bolalarning ustuvor ehtiyojlari insonning asosiy (asosiy) ehtiyojlari

hisoblanadi. Ular oziq-ovqat, sevgi, himoya va ta'limga muhtoj. Umumiy ta'lim sinfidagi maktab o'quvchilari va nogiron maktab o'quvchilari o'quv faoliyatini rivojlantirishda umumiy qonuniyatlarga ega.

Har qanday yoshdagi nogironlik nafaqat insonni amalga oshirishga xalaqit bermasligi, balki ijtimoiylashuv - jamiyatda to'liq hayot kechirish imkoniyatlariga ega bo'lishlari kerak. Jamiyatning vazifasi ilm-fan va ta'lim olamini nogiron o'quvchilar uchun qulay qilishdir. Ushbu muammoni hal qilish inklyuziv ta'lim bo'lishi mumkin. U umumiy ta'lim maktablarida nogiron bolalarni o'qitish jarayonini o'z ichiga oladi. Inklyuziv ta'lim barcha odamlarga teng munosabatda bo'lishni ta'minlaydi va alohida ehtiyojli talabalar uchun alohida sharoitlar yaratadi.

Inklyuziv ta'lim - bu nogiron bolalarning ta'lim olish imkoniyatini ta'minlaydigan barcha bolalarning turli ehtiyojlariga moslashish nuqtai nazaridan hamma uchun ta'lim mavjudligini nazarda tutadigan umumiy ta'limni rivojlantirish jarayoni. Uning maqsadi nogiron bolalarning ta'lim olishida to'siqsiz muhit yaratishdir. Nogiron bolalarni tarbiyalash uchun zarur bo'lgan chora-tadbirlar majmuasi ta'lim muassasalarini texnik jihozlash, shuningdek, o'qituvchilar va boshqa talabalar uchun nogironlar bilan o'zaro munosabatlarni rivojlantirishga qaratilgan maxsus o'quv kurslarini ishlab chiqishni nazarda tutadi. Bundan tashqari, umumiy ta'lim muassasasida nogironlar bilan moslashish jarayonini engillashtirish uchun maxsus o'quv dasturlari (rejalari), uslubiy ishlanmalar kerak. Inklyuziv ta'limda "Bir bolani boshqasi bilan solishtirib bo'lmaydi, bolaning yutuqlarini uning imkoniyatlari bilan solishtirish kerak, har kim o'zi bilan yetishishi kerak" degan qoida mavjud. Inklyuzivlik ta'limning eng yaxshi yo'lidir, chunki har bir talaba individualdir va chinakam alohida yondashuvni talab qiladi.

Mamlakatning iqtisodiy va ijtimoy sohalarini raqamlashtirishning asosiy ijobiy jihatlari:

- ***mustaqil bo'lishni o'rganish***. Kelajakdagi tizim mustaqil ishlashni nazarda tutganligi sababli, bola bolaligidanoq o'zi bilimga intilishi kerakligini tushunadi. Bunday tarbiya kelajakda inson xarakterini yanada mustahkam qiladi. O'qituvchilarning ortiqcha g'amxo'rligi bo'lmasa, talaba yaxshi natijalarga erishadi.

- ***ortiqcha hujjatbozlig yo'q***. Maktab o'quvchilari bir vaqtning o'zida bir nechta darslik va daftarlarni olib yurishlari kerak, ular juda ko'p joy egallaydi va sumkada og'irlashadi. Yuk shunchalik kuchli bo'lishi mumkinki, bolaning tanasi og'riydi. Raqamli ta'lim odamni qog'ozlar va kitoblar tog'idan qutqaradi. Kompyuter barcha darsliklar va o'quv qo'llanmalariga mos keladi va planshet ish kitoblarini almashtiradi.

- ***iqtisodiy tejamkorlik***. Raqamlilashtirish qog'oz nusxalarini yo'q qilgani uchun ota-onalar daftar, darslik, ruchka va boshqa ish yuritish buyumlariga pul sarflashlari shart emas. Bundan tashqari, maktab anjomlari juda qimmat. Elektron versiyalarni faqat eski jihozlar buzilgan taqdirda yangilariga almashtirish kerak bo'ladi.

- insonlarning ishini soddalashtirish. O'qituvchilik kasbi eng qiyinlardan biri hisoblanadi. Yosh ongni tarbiyalash uchun katta kuch va asablar sarflanadi.

Raqamli tizimda o'qituvchining vazifasi faqat yordam berishdir. O'qituvchi o'quvchilarning rivojlanish yo'nalishini belgilaydi. Talabalar unga faqat bahsli vaziyatlarda murojaat qilishadi.

- ***kelajakka ishonch bilan qarash.*** Raqamli ta’limga o‘tish internet texnologiyalarini yaratish yo‘lidagi muhim qadamdir. Hozir ilm-fan yuqori tezlikda rivojlanmoqda, har kuni yangi tuzilmalar paydo bo'ladi. Ta’limni raqamlashtirish maktab o‘quvchilariga kelajakda axborot olamida yaxshiroq navigatsiya qilishga yordam beradi.

Ammo bu faoliyatning kamchiliklarini ham sanab o’tish maqsadga muvofiqdir:

- ***salbiy natija xavfi***. Bu o'zgarishlar dramatik bo'ladi. Bunday yangilik ijobiy bo'ladimi yoki yo'qmi aniq aytishning iloji yo'q. Ushbu tizim birinchi marta qo'llaniladi, shuning uchun uni shunga o'xshash narsa bilan taqqoslash mumkin bo'lmaydi.

- ***ijodkorlikning etishmasligi***. Olimlar rang sxemasi va emotsiyalar odamga ma'lumotni yaxshiroq eslab qolishga yordam berishini isbotladilar. Hatto kattalar ham o'z yozuvlarini kichik tuzatishlar bilan yaratishga da'vat etiladi. Shuningdek, u ijodkorlikni rivojlantirishga yordam beradi. Biroq, axborot texnologiyalari o'zini ifoda etish imkoniyatini istisno qiladi. Elektron versiyalar tabiatda "quruq". Bola zerikarli hikoyaga tezda o'rganib qoladi. Bolalar ijodi sezilarli darajada yomonlashadi.

- ***aqliy faoliyatning pasayishi***. Bu hodisani allaqachon kuzatish mumkin. Insonga biror narsa haqida o'ylashning hojati yo'q, u mustaqil ravishda ma'lumot olishni to'xtatdi. Kerakli ma'lumotlarni bilish uchun Internetga kirish kifoya. Bu aqliy qobiliyatlarning zaiflashishiga olib keladi.

- ***ijtimoiylashuvning yo’qligi***. Muassasada o’quvchi nafaqat bilim oladi, balki do'stlar orttiradi, jamiyat bilan muloqot qilishni o'rganadi. Axborot tizimi insonning ijtimoiylashuv darajasini sezilarli darajada pasaytiradi. Bu shaxsning keyingi rivojlanishiga ta'sir qiladi.

- ***jismoniy rivojlanish bilan bog'liq muammolar***. Ekranlarga uzoq vaqt qarab turish ko'zning charchashiga olib keladi. Vaqt o'tishi bilan quyidagilar bo'ladi: quruqlik; qizarish; tirnash xususiyati; ko'rishning yomonlashishi. Keyingi avlodlarda ko'rish qobiliyati yaxshi odam bo'lmaydi. Biroq, ehtimol, kelajakda texnologiya bolalar rivojlanishi uchun xavfsizroq bo'ladi. Klaviatura va planshet bilan ishlash barmoqlarning fiziologiyasini o'zgartiradi. Suyaklar, bo'g'inlar va mushaklarning tuzilishi o'zgarishi mumkin.

- ***mutlaq nazorat***. Har bir shaxs uchun shaxsiy ish ochiladi, oila haqida batafsil ma'lumotlar yig'iladi. Bu jamiyatning to'liq nazoratiga olib keladi. Agar siz pastroq darajada o'ylasangiz: bola kattalardan hech narsani yashira olmaydi. Ilgari, kundalikni yashirish, bahoni tuzatish, eslatma haqida sukut saqlash mumkin edi. Kelajakda bu mumkin bo'lmaydi, bu bolalar uchun yomon. Bu mustaqillikka sezilarli ta'sir qiladi.

- ***faoliyati raqamlashtirilgan kasb egalarining vazifasi***. Raqamlashtirishdan so‘ng ma’lum bir kasb tushunchasi butunlay o‘zgaradi. Professionallar o'rnini robotlar va virtual tizimlar egallaydi. Odamlar ishsiz qoladilar.

Raqamlashtirish sharoitida inklyuziv amaliyotni tashkil etish uning ishtirokchilaridan yangi professional vakolatlar, yangi mutaxassislar va raqamli texnologiyalardan foydalanishni talab qiladi. Bu faoliyatni tashkil etish va boshqarish bilan shug’ullanuvchi mutaxassislar uchun qo’yidagilar muhim hisoblanadi:

• insonparvarlik qadriyatlari (mutaxassislar inklyuziv ta'lim g'oyalarini qo'llab-quvvatlashlari kerak, ular bu vazifani engishda manfaatdor bo'lishlari kerak - bolaga o'zi duch kelgan qiyinchiliklarni engishga yordam berish);

• hayot sifati (mutaxassis bu muhitda o'zini qulay his qilishi uchun bolaga ma'lum ko'nikmalarni egallashga yordam berishi kerak);

• natijaga emas, balki jarayonga urg‘u berish (jarayonga e’tibor qaratish orqali ancha katta natijaga erishiladi);

• inklyuziya maqsadlarini tushunish;

• tadqiqot pozitsiyasi (mutaxassis shoshqaloq xulosalar qilmasligi kerak, mutaxassis uchun nima o'zgarishi mumkinligi, bu vaziyatni hal qilish uchun vaziyatni qanday qilib boshqacha qurish mumkinligini bilish muhimdir);

• jamoaviy ish.

Xulosa qilib aytganda, raqamlashtirish sharoitida inklyuziv amaliyotni tashkil etishda uning ijobiy va salbiy jihatlarini inobatga olish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Alexina S.V. Inklyuzivnoye obrazovaniye: illyuziya ili realnost? // Sibirskiy vestnik spesialnogo obrazovaniya. 2017. № 1 (19). S. 4-6

2. Borisova N.V, Prushinskiy S.A. Inklyuzivnoye obrazovaniye: pravo, prinsipы, praktika. M.: Perspektiva, 2009. 272 s.

3. Booth T., Ainscow M. Index for inclusion: Developing learning and participation in schools. Bristol, UK: Centre for Studies on Inclusive Education, 2011.

4. https://novator.team

5. https://iteacher.rybakovfond.ru/help/

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Арабов Нурали Уралович,
и.ф.д., профессор СамДУ
+998939913458, n_arabov@mail.ru.
Исмаилов Бахыт Абдиреймович,
и.ф.ф.д.,, доцент в.в.б
Қорақалпоқ давлат университети
тел: +998972202079, Ismailov_Bakhit79@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатлар миллий иқтисодиётлари таркибининг ўзгариши ҳамда иқтисодий фаолиятнинг барча йўналишларини трансформациялашишига, рақамли иқтисодиётнинг рақамли ахборот ва билимлар ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида тавсифланган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, иқтисодий ривожланиш, рақамли иқтисодиёт, рақамли хизматлар, ЯИМ, иқтисодий ўсиш.

Жаҳонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши мамлакатлар миллий иқтисодиётлари таркибининг ўзгариши ҳамда иқтисодий фаолиятнинг барча йўналишларини трансформациялашишига олиб келмоқда.

Жаҳонда хизмат кўрсатиш соҳасини самарали ривожлантириш борасидаги тажрибалар негизида сервис корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш жараёнларини модернизациялаш ва интенсивлигини таъминлаш, корхоналар фаолияти ривожланишини стратегик режалаштириш, хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқаришнинг самарали усулларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш каби илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 30 сентябрдаги ПФ-6318-сон «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари белгиланган вазифаларни амалга оширишда хизмат қилади.

Хизмат кўрсатишнинг фаолият турларининг мунтазам кенгайиб бораётганлиги хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг аниқ чегараларини белгилашда мураккабликни юзага келтирмоқда. Ҳақиқатдан ҳам ушбу фаолиятнинг кенгайиб бориши иқтисодиётнинг баъзи соҳаларида асосий бўлади, қолганларида эса мазкур фаолият қисман иштирок этади. Шунга

кўра, хизматлар соҳасининг асосий жиҳатларидан бири, унинг турли хиллиги, статистика учун хизматлар чегарасини белгилаш анча долзарб ҳиобланади, чунки ушбу воқийликни ўрганишнинг муайян даражада ноаниқлиги миллий иқтисодиёт ривожланишида бевосита шаклланади, иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсиш натижалари ва аҳоли турмуш фаровонлиги, яхлит иқтисодий фаолият турлари, иқтисодий жараёнлар ҳамда иқтисодиётнинг баъзи тармоқлари ва ҳудудлар бўйича статистик ахборотларнинг интеграциялашиши асосида мамлакатлар рейтинги баҳоланади.

Тадқиқотлар шундан далолат бермоқдаки, агарда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши олтмиш беш фоиздан кам бўлса, бундай давлат ривожланган мамлакатлар қаторига киритилмайди. Бу эса ҳозирги замон миллий ва жаҳон иқтисодиётида асосий макроиқтисодий тенглик сифатида хизмат кўрсатиш ва моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг нисбати билан белгиланади. Хизматлар соҳаси ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти таркибида аҳамиятли улушга эгадир.

Хизматларни кўрсатиш бўйича кўплаб тармоқлар узоқ даврда иқтисодиётнинг ривожланиши учун асосий аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу соҳа мамлакатнинг илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзига хос «локомотив»га айланди. Бу ерда гап биринчи ўринда фан-техника ва илмий хизматлар кўрсатиш, таълим, турли-туман касбий хизматлар, соғлиқни сақлаш, алоқа ва ахборот хизматларини кўрсатиш тўғрисида боради. Гарчи, илгаригидек иқтисодиётда ҳали ҳам хизматлар соҳасининг етарлича анъанавий бўлган молия, савдо, шахсий хизматлар кабилар муҳим рол ўйнасада, XXI аср бошларининг ўзига хослиги шундан иборатки, ҳам иқтисодиёт, ҳам жамият учун хизматлар соҳасининг янги тармоқлари гуруҳининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасида самарали хўжалик юритишни ташкил этиш индустриал тармоқлар фаолиятига нисбатан кенг миқёсда тадқиқ этилган бўлиб, бунда фаолиятни ривожлантириш жамиятда одамларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш жараёнларининг инновационлигини ошириш ҳамда юқори технологик сиғимга эга иқтисодиётни ривожлантиришни назарда тутади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида рақамли иқтисодиётнинг ўрни алоҳида бўлиб ҳисобланади. Инновацион юқори самарадорликка эга бўлган техника - технологиялардан барча тармоқлар ва соҳаларда ёппасига фойдалана бошладик. Бу эса мамлакатларнинг миллий иқтисодиёт тизимини рақамли иқтисодиёт шаклига олиб келди. Рақамли иқтисодиёт ривожланиши хизматлар соҳасини, рақамли хизматлар соҳаси атамаси билан аташ керак эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли бизлар ҳар иккала иқтисодий атамага назарий жиҳатдан тўхталиш керак деб ҳисоблаймиз.

Рақамли иқтисодиёт кўп қиррали фаолият бўлиб, унда рақамли ахборот ва билимлар ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қўлланилади,

зарурий фаолият майдони тариқасида замонавий ахборот тармоғи иқтисодиёт структурасини оптималлаштириш ва унумдорликни оширишнинг етакчи омили тариқасида ахборот коммуникацион технологиялардан самарали қўлланилади.

Рақамли иқтисодиёт – бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир. Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки цивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтиши бир неча ўн йил аввалгина бошланган. “Рақамли иқтисодиёт” атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануэл Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” номли уч жилдли монографиясини чоп этган. Илмий адабиётларда ҳозирги замон “Янги рақамли иқтисодиёти” турли хил атамалар билан номланади. Масалан, “Постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “Ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “Мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), “Техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “Билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт).

Рақамли хизматлар – бу инсонларнинг турли талаб, хоҳиш ва истакларини қондириш мақсадида, яшаш шароитини яхшилашга кўмаклашадиган, кундалик воситалар ёрдамида техника ва технологияларга асосланган хизмат кўрсатишнинг юқори замонавий шаклидир.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини тушуниб, иқтисодиётни рақамлаштириш томон ҳаракатни онгли равишда бошлади. Бу йўналишни биринчилардан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой бугунги кунда рақамли пойгада норасмий етакчилар саналади. Улардан кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Беларус ва бошқалар туради. Рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувларни, хусусан, АҚШ бозор йўналишини, Хитой эса режали иқтисодиётни танлаб олган. Қолган мамлакатлар маълум бир оралиқ вариантларга риоя қилади.

Рақамли иқтисодиёт платформалари тузишда ривожланган давлатлар транспорт, телекоммуникация, энергетика, маълумотларни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар логистикаси, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш йўналишларига эътибор қаратмоқда.

Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ҳамда технологик базис яратишга имкон беради, уларни бошқа соҳаларга кўчирган ҳолда Ўзбекистон етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин. Илғор мамлакатлар рақамли иқтисодиёти кўплаб дастурлари (АҚШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқалар) асосий эътиборни «рақамли тиббиёт» ҳамда «ақлли шаҳар» ижтимоий йўналишларига қаратмоқда. «Рақамли тиббиёт» ва «ақлли шаҳар» ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш кўпроқ мураккаблик ҳамда хилма-хилликни талаб қилади ва бундай лойиҳалар кенг халқ оммаси томонидан эътироф этилади.

Жаҳон банкининг «Рақамли дивидентлар» номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатди. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этаётир. Демак, интернет тезлиги икки баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажмининг қарийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин. Жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, АКТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бурменко Т. Д. Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т. А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. - М.: КНОРУС, 2007. – 328 с. – С. 64-65.
2. How big is China’s Digital economy? Bruegel, Working Paper, Issue 04, 17 May,2018.
3. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 8 бет.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАМЛАКАТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Файзиева Ширин Шодмоновна
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
доценти, и.ф.н.
Абиддинов Б.Б., Ибрагимов И.Ҳ.
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
2-курс талабалари

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари баён этилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ахборотлашган жамият, рақамли технологиялар, Электрон ҳукумат.

Маълумки, рақамли иқтисодиёт ҳозирги мавжуд соҳаларнинг ярмидан кўпроғида беқиёс ўзгаришлар келтириб чиқариши таъкидланмоқда. Жумладан, Жаҳон банки экспертлари фикрича, тезкор интернетдан фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга кўпайиши миллий иқтисодиётлар ялпи ҳажмини ҳар йили ўртача 0,4-1,4 фоизга ошириш имконини беради. Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсишининг суръатлари йилига деярли 20 фоизни ташкил этмоқда. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида рақамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта наф кўришмоқда. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари йилига 400 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ рақамли хизматларни экспорт қилмоқда. Мазкур давлат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан кўпроғи бевосита интернет ва ахборот-телекоммуникация технологиялари билан боғлиқ соҳаларга тўғри келади. 2025 йилгача АҚШ саноатни рақамлаштиришдан қўшимча 20 трлн. доллар даромад олиши кутилмоқда. Бундай иқтисодий самарадорлик, айниқса истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (10,3 трлн. доллар), автомобил саноати (3,8 трлн. доллар) ва логистикада (3,9 трлн. доллар) юқори бўлиши таъкидланмоқда.[3]

Турли тадқиқотлар натижалари бўйича рақамли иқтисодиётнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи 4,5 фоиздан 15,5 фоизгачани ташкил этади. Жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари секторида яратилаётган қўшилган қийматнинг деярли 40 фоизи ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ патентларнинг 75 фоизи Америка Қўшма Штатлари ва Хитой Халқ Республикаси ҳиссасига тўғри келади.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта “Рақамли дивидендлар” мавзусида маъруза эълон қилди

Рақамлаштиришнинг аҳамияти ва таъсирини қанчалик ортиб бораётганлигини баҳолаш учун сўнгги ўн йилликдаги бир нечта йирик технологик компаниялар ва рақамли платформаларнинг жаҳон бозоридаги капиталларининг улушини кўриш кифоя. Хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси маълумотларида қайд этилганидек, бу кўрсаткич 2009 йилда 16 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг охирига келиб 56 фоизга етган.

2018 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5598-сонли Фармони эълон қилинди. [2] Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Фармонда электрон ҳукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ҳамкорлигини, шунингдек, жаҳоннинг рақамли маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгилаш кўзда тутилган. Лойиҳалар бўйича ягона миллий дистрибюторни ташкил этиш орқали яхлит жараён (ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, келишиш, товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш, шунингдек, уларни фойдаланишга топширишнинг ягона тизими) барпо этилади. Натижада мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллашиб боради, инвестиция иқлими ва ишчанлик муҳити яхшиланади.

2018 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5598-сонли Фармони эълон қилинди. [2] Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Фармонда электрон ҳукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ҳамкорлигини, шунингдек, жаҳоннинг рақамли

маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгилаш кўзда тутилган. Лойиҳалар бўйича ягона миллий дистрибюторни ташкил этиш орқали яхлит жараён (ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, келишиш, товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш, шунингдек, уларни фойдаланишга топширишнинг ягона тизими) барпо этилади. Натижада мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллашиб боради, инвестиция иқлими ва ишчанлик муҳити яхшиланади.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган. Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи “Рақамли Тошкент” комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ‘“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.[1] “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида рақамли ривожланишнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари сифатида рақамли инфратузилмани, Электрон ҳукуматни, рақамли иқтисодиётни, рақамли технологиялар миллий бозорини ва ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном бериш таклифи илгари

сурилиши том маънода Ўзбекистон ҳаётида глобал тараққиётга ҳамоҳанг равишда тарихий бурилиш даври бошланганини тасдиқлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “‘Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони // www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5598-сонли Фармони // www.lex.uz

3. Клаус Шваб. Четвертая промышленная революция. – М., Эксмо. 2016. С.30

4. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. - Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019й

5. “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси // www.lex.uz

МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ

Яхшиева Нигина Акром қизи
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти 3-курс талабаси

Аннотация. Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт ҳақидаги маълумотлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида рақамли иқтисодиётнинг ўрни тўғрисидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ахборотлашган жамият, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, рақамли технологиялар, Электрон ҳукумат.

Ҳозирги даврда биз технологиялар қандай қилиб оммавий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ўзгартираётганини кўряпмиз. Воситачиларни олиб ташлайдиган, мижоз ва таъминотчи ўртасидаги алоқаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишига олиб келадиган Убер каби янги бизнес-моделлар пайдо бўлмоқда. Аввалроқ худди шунга ўхшаш ўзгаришлар молия сектори ҳамда телекоммуникацияларда ҳам рўй берган эди. Саноатда ҳам бир қанча принципиал ўзгаришлар кузатилмоқда, чунки рақамли корхона ва инсоннинг рақамли қиёфадоши — роботлар пайдо бўлиши бутун инсоният функционал моделини жиддий равишда ўзгартириб юбориши мумкин. Бу эса шуни кўрсатадики, ахборот технологиялари аста-секинлик билан одамларнинг ўрнини эгаллаб боради. Худди мана шу ҳолат рақамли иқтисодиёт хисобланади.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта “Рақамли дивидендлар” мавзусида маъруза эълон қилди.

Масалан, харидорга пойафзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш - рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, иш ҳақларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт - бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий белгилари:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

Рақамли иқтисодиётнинг қулайликлари:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).

2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.

4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини тушуниб, иқтисодиётни рақамлаштириш томон ҳаракатни

онгли равишда бошлади. Бу йуналишни биринчилардан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой бугунги кунда рақамли пойгада норасмий етакчилар саналади. Улардан кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Беларусь ва бошқалар туради. Рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувларни, хусусан, АҚШ бозор йуналишини, Хитой эса режали иқтисодиётни танлаб олган. Қолган мамлакатлар маълум бир оралиқ вариантларга риоя килади.

Рақамли иқтисодиёт платформалари тузишда ривожланган давлатлар транспорт, телекоммуникация, энергетика, маълумотларни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар логистикаси, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш йўналишларига эътибор қаратмокда. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ҳамда технологик базис яратишга имкон беради, уларни бошқа соҳаларга кўчирган холда Ўзбекистон етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин. Илғор мамлакатлар рақамли иқтисодиёти кўплаб дастурлари (АКШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқалар) асосий эътиборни “рақамли тиббиёт” ҳамда “ақлли шахар” ижтимоий йўналишларига қаратмокда. “Рақамли тиббиёт” ва “ақлли шахар” ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш кўпрок мураккаблик ҳамда хилма хилликни талаб қилади ва бундай лойихалар кенг халқ оммаси томонидан эътироф этилади.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидентлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатди. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этаётир. Демак, интернет тезлиги икки баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ хажмининг карийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин. Жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, АКТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади.

Демак, биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортига қаратмасдан, балки “ноу-хау”, блокчейн технологиялар фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шулар қаторида, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси - Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан биргаликда, аҳоли онги, илми ва қарашларини замон билан уйғунлаштиради, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштиришади. Ва, пировардида, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий-демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан жой олишга эришади деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “‘Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони // www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 13 февралдаги ахборот технологияларини ривожлантиришга бағишланган тадбирдаги маърузаси // www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги “Рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4321-сонли Қарори // www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли Қарори // www.lex.uz

MAISHIY XIZMAT SOHASINI RAQAMLASHTIRISHNING MUHIM HUSUSIYATLARI

Mirzayev Q.J., SamISI, professor
Ulug’murodov F.F. SamISI, Raqamli iqtisodiyot kafedrasi asisstent-stajyori

Annotatsiya: Respublikada xizmatlar sohasini rivojlantirishda maishiy xizmatlarning alohida o’rni mavjud. Shunday ekan maishiy xizmat servisini muhim turlariga ustuvorlik berish hamda sohani raqamlashtirish asosida yuqori iqtisodiy natijadorlikka erishish muhim vazifalardan hisoblanadi.

Kalit so’zlar: maishiy xizmat, servis, sartaroshlik servisi, zargarlik servisi, maishiy servisni raqamlashtirish.

Respublikamizda xizmatlar sohasining ustuvor yo‘nalishlaridan biri maishiy xizmat servisi sohasi xisoblanadi. Maishiy xizmat servisi xizmat ko‘rsatish sohasida insoniyatga qadim davrlardan buyon aholining bu sohadagi extiyojlarini qondirib kelayotgan servis sifatida muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada respublikamiz Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan O’zbekiston Respublikasining “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi”da belgilab berganidek “Shahar va tumanlar markazlarida aholining kundalik extiyoji yuqori bo’lgan maishiy va kommunal xizmatlarni rivojlantirish

bo’yicha pullik santexnika, elektrik, uy jixozlarini tamirlash, keytering kabi xizmatlarni ko’rsatish punktlarini rivojlantirish”[7] muhim asosiy vazifa hisoblanadi.

Bugungi kunda maishiy xizmat servisini respublikamizda quyidagi turlari shakllangan, bular jumlasiga:

- sartaroshlik xizmati;
- poyabzal ta’mirlash, bo‘yash va tikish – buyurtmachining (iste’molchining) poyabzalini ta’mirlash va qayta tiklash xizmati;
- Tikuv, mo‘yna, charm va trikotaj buyumlarni, bosh kiyimlarni va to‘qimachilik galantereyasi buyumlarini ta’mirlash va tikish xizmati;
- Radioelektron apparatlar hamda elektr mashina va uskunalarga texnik xizmat ko‘rsatish xizmati;
- Zargarlik buyumlarini ta’mirlash va tayyorlash xizmati;
- Mebel tayyorlash, restavratsiya qilish va ta’mirlash xizmati;
- Kimyoviy tozalash va bo‘yash xizmati;
- Kirlarni yuvish xizmati;
- Transport vositalari, mashina va uskunalarga texnik xizmat ko‘rsatish;
- Rasmxona, rasm chiqarish laboratoriyasi (fotoxizmat) xizmatlari;
- Hammom-sog‘lomlashtirish majmualari xizmati;
- Tozalash va uy xo‘jaligini yuritish bo‘yicha xizmatlar va boshqa shu kabilar kiradi;

Olib borilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki maishiy xizmat nafaqat bizda balki jaxonning juda ko‘p rivojlangan davlatlarida ham ushbu muammoni hal etish muhim vazifalardan hisoblanadi jumladan maishiy xizmatlarni yuqori samarali tashkil etish, ayniqsa rivojlangan davlatlardan AQSH hamda Evropa davlatlarida tizimli tashkil etish yo‘lga qo‘yilgan.

O‘tkazilgan taxlil malumotlari shuni ko‘rsatadiki, AQSHda maishiy xizmatlar servisi bo‘yicha dunyoda yuqori darajada natijalarga erishilganligi bilan jumladan ushbu davlatda ko’pgina maishiy xizmat ko’rsatish jarayonlari yuqori darajada raqamlashganligi bilan ajralib turadi. Masalan, kir yuvish xizmatlari to’liq avtomatlashgan bo’lib mijozlar extiyojiga qarab ushbu jarayon tizimli tashkil etilgan. Yaponiyada esa maishiy xizmat servisini amalga oshirish insonlardan ko’ra ushbu xizmatni amalga oshiruvchi “Robotlar” asosida bajarilishi va xar bir qilingan xizmatdan olinadigan daromadlarning raqamlashgan holda qayd qilinishi bilan xarakterlanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, jahonning yetakchi davlatlar tajribasidan kelib chiqib respublikamizda bugungi kunda bunday maishiy xizmatlarni yuqori darajada tashkil etish uni raqamlashtirish bilan bevosita bog‘liqdir bu quyidagilarda namoyon bo’ladi:

1. Blokcheyn texnologiyasi asosida maishiy xizmatni tashkil etish, bunda barcha xizmat jarayonlari raqamli texnologiyalar asosida bajarilishiga asoslangan bo’lib bu sohada yuqori ijobiy samara beradi.

[7] O’zbekiston Respublikasining “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi”

2. Maishiy xizmatlarni samarali tashkil etishda “bulutli tizim”larning o‘rni beqiyosdir. Ushbu “Bulutli tizim” texnologiyasi asosida maishiy xizmat ko’rsatish jarayonlari yagona internet aloqalariga asoslangan holda yuqori iqtisodiy natija olish va istemolchilar extiyojini sifatli qondirish imkonini beradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, bizning nazarimizda respublikada maishiy xizmat servisini raqamlashtirishning quyidagi muhim hususiyatlariga etibor qaratish zarur deb xisoblaymiz:

Birinchidan, maishiy xizmat ko‘rsatish tizimining statistikasini yuritishda yagona bir tizimga keltirishni muammosi mavjuddir chunki bunday servisni amalga oshirishda har bir masul hodim servis xizmatiga individual yondashadi bunda bizni fikrimizcha xarbir maishiy xizmat xodimi yagona raqamlashgan tizimga ulanishi va ularnig xizmatlarini amalga oshirish qayd qilinishi lozim (xuddi yandex taksilari kabi)

Ikkinchidan, maishiy xizmat sohasida kadrlar tayyorlash tizimida soha bo‘yicha yuqori malakali o‘rta va past malakali mutaxassislar jalb qilinadi istemolchilarning extiyojiga ko‘ra bizning fikrimizcha sohani elektron tizimiga o‘tish asnosida, “elektron hukumat” tizimiga asoslanib istemolchilarning talabini qondirish darajasi va ularning muammolarini bartaraf etishga va maishiy xizmatlari xodimlari mehnatiga xaq to’lash va ularni rag’batlantirish tizimini amalga oshirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan tasdiqlangan “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” 2022-yil 28-yanvar.
2. “Xizmatlar sohasini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 11.05.2021 yildagi PQ-5113-son

РЕСПУБЛИКАДА САВДО ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШДА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.

Мирзаев Қулмамат Жонузоқович
СамИСИ, профессори, и.ф.д.
“Рақамли иқтисодиёт”кафедра мудири.
Саттарова Наргиз Тохировна – СамИСИ
“Менежмент” кафедраси ассистенти.
e-mail: nargiza19844@icloud.com

Аннотация. Ушбу мақолада бозор иқтисодиёт шароитида мамлакатимиз ўрнини оширишда рақамли иқтисодиётнинг устунликлари кўрсатиб берилди.

Шу билан биргаликда савдо хизматлари сохасини хорижда савдо ва технологик жараённи оптималлаштириш учун турли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологияларини бошқаришнинг асосий устувор йўналишларига алоҳига урғу бериб, республикамиз савдо корхоналари амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, савдо хизматлари, ҳалқаро савдо, прайс чекер, ахборот киоски.

Ўзбекистонда савдо хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда савдо хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президентини “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси”[8]да белгилаб қўйилган.Савдо хизматларининг Ўзбекистонда ривожланишининг тарихий шарт-шароитларни ўрганиш, бу соҳанинг (савдо хизматлари) ҳалқаро даражада қандай илмий асосда тарақий этганлиги билан бевосита боғланган.

Халқаро савдо назарияларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларни хронологик тартибда меркантилизм, абсолют устунлик назарияси, қиёсий устунлик назарияси, Хекшер-Олин назарияси, маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси, глобал стратегик рақиблик назарияси ҳамда миллий рақобат устунлиги назариялари сифатида эволюцион ривожланиб борганлигини кўришимиз мумкин[9].

Меркантилизм таълимоти 1630 йиллардан бошлаб шаклланиб, унинг луғавий маъноси италянчадан савдогар деган маънони билдиради. Меркантилизм ривожида икки даврни ажратиш мумкин: 1. Илк меркантилизм ёки монетаризм (XV-XVI аср урталари). 2. Ривожланган меркантилизм, савдо баланси (ёки мануфактура системаси) (XVI-XV1II аср урталари)[10]. Меркантилизмнинг биринчи даври Уша давр ибораси билан айтганда монетар, яъни олтин ва кумуш пуллар туплаш билан борлик, эди. Бунда пул баланси сиёсати олиб борилган, четдан имкони борича кам тайёр товар сотиб олишга уринилган. қимматбаҳо металлни ташцарига, четга олиб кетиш тацикуганган. Савдогарларга олиб чиқилган маҳсулотнинг бир қисмига пул олиб келиш мажбурияти юкланган. Чет эллик савдогарларни эса сотилган мол пулининг ҳаммасига янги товар сотиб олишга мажбур қилинган (пул олиб чиқиб кетмасликлари учун). Бу сиёсат назорат кучли бўлишини талаб этган, ташқи иктисодий алокаларнинг ривожини сусайтирган. Миллий рақобат устунлиги назарияси Майкл Портер томонидан 1990 йилда ишлаб чиқилган.

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентини “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси

[9] International Trade Theories Notes | Definition and Types (businessstudynotes.com)

[10] Роззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: Молия, 2002

Портернинг фикрича ҳар қандай корхонанинг халқаро бозорда муваффақияти ўша корхона фаолият олиб бораётган саноатнинг янгиланиш қобилияти ва инновативсиғимига боғлиқ ҳисобланади. Шу билан бирга, Портернинг фикрига кўра маҳаллий бозорда ресурсларнинг очиқлиги ва уларга бўлган нархлар даражаси савдо сотиқнинг ривожланишини белгилаб беради. Бундан ташқари корхонанинг рақобатчиларига нисбатан янги шароитга тезроқ мослашиш қобилияти ушбу корхона брендининг муваффақиятини белгилаб беради деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат ҳозирги глобализация жараёнининг вужудга келиши кўп жиҳатдан савдо хизматларининг ривожланиши асосида билимлар алмашинувининг юз бериши сабабли дейишимиз мумкин. Глобал интеграция ҳам хусусий секторнинг ривожланиши ҳам ижтимоий институтларнинг тараққий этишида муҳим рол ўйновчи инвестициялар ҳажмининг ошишининг асосий омили ҳисобланганлиги учун бугунги кунда илмий доираларда ушбу мавзуда жуда кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш зарурки, илмий, ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назардан илмий асарларда, ўқув ва оммабоп адабиётларда савдо ва бозор тўғрисида ҳар хил илмий қарашлар мавжуд.

Бу борада жахонинг йирик маркетологи Ф.Котлер [1] савдо амалга оширадиган маскан - бозорни «Мавжуд ва потенциал товар сотиб олувчилар мажмуаси», деб таърифлайди. Шунингдек дунедаги йирик иктисодчиларидан яна бир гурухи К.Р.Макконел ва С.Л.Брюлар бозор ва савдони, бир-бирига боғланган компонент сифатида маҳсулот ва хизматни, сотувчи ва сотиб олувчиларни қўшувчи механизм деб аташади.[2]

Сўнгги йилларда хорижий амалиёти электрон тижорат жадал суръатлар билан ривожланмоқда.Бунда кўплаб фирмалар савдо хизматлари турларини кўпайтиришга эътибор қаратмоқда. Шу муносабат билан корхоналарнинг ташкилий тузилмасида ноанъанавий хизматларни (тозалаш хизмати, юбилей, тўйларни видеоёзувга олиш, уй-жойни иситиш хизматлари кабилар) амалга ошириш ва таклиф қилиш бўйича алоҳида бўлимлар шаклланмоқда.

Савдо хизматларини кўрсатиш нафақат АҚШда, балки бошқа саноати ривожланган мамлакатларда ҳам савдо фирмалари фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Савдо хизматлари харидорларга талабни яхшироқ қондириш ва фойдани кўпайтириш учун товарларни сотиб олиш, уларни ташиш ва ишлатишда ёрдам беришга қаратилган. Шу боис хорижий давлатлар тажрибасини пухта ўрганиш ва республикамиз савдо корхоналари амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хорижда савдо ва технологик жараённи оптималлаштириш учун турли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологиялари кенг қўлланилади. Қуйида санаб ўтилган технологиялар (прайс чекер, ахборот киоски, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассаси, радиочастотали белгилар (RFID технологияси), харидорнинг “шахсий” ёрдамчиси, “ақлли” виртуал ассистентлар ва

бошқалар) сўнгги ўн йил ичида Европа мамлакатларида фаол равишда жорий етилмоқда, бу еса кўпроқ истеъмолчиларни жалб қилиш ва дўконлардаги харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Бу тажрибалар Ўзбекистон Республикаси савдо тизимида жуда ахамиятли ва янги имкониятларни очиб беради. Савдо жараёнининг самарадорлиги ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бу харид жараёнини янада соддалаштиришга имкон берди. Савдо хизматлари самарадорлигини оширишда прайс чекерлар ҳозирда Ўзбекистонда кенг тарқалмаган. Ушбу қурилма орқали харидорлар ходимлар ёрдамисиз товарлар нархларини аниқлаш имкониятига эга бўлади. Аммо баъзи МДҲ давлатларида, масалан, Белорусияда прайс чекерлардан кенг фойдаланилади. Бу қурилмарни асосан катта ассортиментга эга йирик дўконларда учратиш мумкин[11].Ахборот киоски - бу турли ахборот ресурсларига киришни таъминлаш учун мўлжалланган сенсорли экранли кўп функцияли электрон қурилма ҳисобланади. Ушбу ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологиясининг асосий вазифаси маҳсулот ҳақида батафсил маълумот беришдир.

Ахборот киоски корхоналарда аввал бўлган қоғоз каталогларнинг ўрнини тўлиқ босади . Сканерланган маҳсулот ҳақидаги маълумотни ушбу дўконда ишлайдиган акциялар ва сотувлар ҳақидаги эслатмалар билан тўлдириш мумкин. Харидорга тегишли чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда якуний нархни ҳисоблаш мумкин. Ахборот киосклари турли немис компаниялари томонидан муваффақиятли қўлланилади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассалари - бу мижозларга дўкон ходимлари ёрдамисиз товарларни ўзлари сканерлаш, қадоқлаш ва тўлаш имконини берадиган технологиялар ҳисобланади. Ушбу технология харидорларнинг дўконга қизиқишини оширади ва чакана сотувчиларнинг аралашувисиз харид жараёнини тўлиқ назорат қиладиган инновацион истеъмолчиларни жалб қилади. Ходимлар томонидан товарларни узлаштириш эҳтимоли, шунингдек, қалбаки банкнотлар ва тангаларни қабул қилиш кабиларнинг олди олинади. Бироқ харидорлар томонидан бундай холат эҳтимоли сақланиб қолади, чунки харидор сотиб олган маҳсулотни сканерлай олмаслиги мумкин, шунинг учун муайян хавфсизлик чораларини кўриш талаб этилади.Бу борада алохида таъкидлаш керак дастлаб Германияда Метро Гроуп чакана савдо тармоғи томонидан 300 та дўконда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассалари жорий этилган. Аксарият ходимларнинг фикрига кўра, ушбу технология энг тирбанд соатларда ходимлар ишини енгиллаштиришга ва дўкон иш вақти соатларини кўпайтиришга ёрдам беради. Янги касса аппаратлари Германия бозорида ишлайдиган бошқа компанияларда ҳам қўлланилган (Едека, Икеа кабиларда).

Радиочастота белгилари (RFID технологиялари) замонавий штрих-кодларнинг ўрнини босади, бу харидорга харид қилиш саватчаси нархини бир зумда ҳисоблаш имконини беради. Ушбу контактсиз қурилма 1,5 м гача

[11] https://belcrystal.by/products/shop-equip/infokiosk/

масофада ишлай олади ва сканер ёрдамида бир вақтнинг ўзида юзлаб белгиларни ўқий олади.

Ҳозирги вақтда Германияда RFID белгилари фаол равишда жорий этилмоқда. Deutche Bank маълумотларига кўра, RFID технологияси айланмасининг ўртача йиллик ўсиш суръати 19% ни ташкил қилган. Ушбу технологиялар аллақачон Метро, Карстадт, Реве ва Гарри Вебер каби чакана савдо тармоқлари томонидан турли лойиҳаларда қўлланилишини алохида таъкидлаш зарур. Агар товарлар RFID белгилари билан белгиланган бўлса, харидор аравача билан маҳсулотларни йиғиб, уни кассадаги махсус турникет орқали олиб ўтади. Сканерлар саватдаги маҳсулот ҳақидаги барча маълумотларни автоматик равишда ўқийди ва чек чоп этилади, шундан сўнг харидор банк картаси билан тўлайди.

Харидорнинг шахсий ёрдамчиси (PSA) бу махсус қурилма бўлиб, унинг ёрдамида харидор харид қилиш жараёнида ўзини қизиқтирган товарларнинг штрих кодларини мустақил равишда сканерлайди, дисплейда маҳсулотлар ва аксиялар ҳақидаги сўнгги маълумотлар кўрсатилади. Бундан ташқари, шахсий ёрдамчи кўпинча мижознинг клуб картаси орқали фаоллаштирилади, шунинг учун у истеъмолчи томонидан ўтмишда қилинган харидлар рўйхатини акс эттириши мумкин, бу еса харид жараёнини янада осонлаштиради[12]. Германияда ушбу ускуна хозирги кунга кадар бир қатор дўконларда, хусусан, Доҳле чакана савдо тармоғида ва Метро тармоғида қўлланилмоқда. Бу компанияларга ўзаро сотиш ва истеъмолчига аниқ уни қизиқтирадиган товарларни таклиф қилиш имконини берди. Бундан ташқари, қурилма дисплейида рекламалар сабабли товарларни сотиб олиш даражаси ошди[13].

Таъкидлаш жоизки, Республикада савдо хизматларига назарий жиҳатлар билан бир қаторда қуйидаги хорижий давлатлар тажрибаси муҳим ҳисобланади.

Биринчидан, Европа давлатларида кенг тарқалган мижозларни ўз ўзига хизмат кўрсатиш технологияларга асосланган усуллардан харидорнинг “шахсий ёрдамчиси” “ақлли вертувал ассистент” кенг фойданилган.

Иккинчидан, жаҳоннинг етакчи давлатини хисобланган Германия давлати тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда ўз ўзига хизмат кўрсатишда радио частота белгилари RFID технологиялари кенг фойдаланишган.

Учинчидан, МДҲ давлатларидан Белорусияда кенг қўлланиладиган прейс чекеерлар кенг фойдаланиш шу кабилардан иборат.

[12] https://studwood.ru/904700/marketing

[13] Коваль, А.Г., Пецольд, К. Инновации в розничной торговле: технологии самообслуживания как путь повышения конкурентоспособности компаний. Инновации / А.К. Коваль, К. Пецольд. - 2012 - №7 - с. 78-81.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси.

2. International Trade Theories Notes | Definition and Types (businessstudynotes.com).

3. Роззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: Молия, 2002

4. https://studwood.ru/904700/marketing

5. Коваль, А.Г., Пецольд, К. Инновации в розничной торговле: технологии самообслуживания как путь повышения конкурентоспособности компаний. Инновации / А.К. Коваль, К. Пецольд. - 2012 - №7 - с. 78-81.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ РИВОЖИДА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Каржавова Хуршида Абдумаликовна
Шароф Рашидов номидаги СамДУ
ассистенти

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимиз хизматлар бозорида ижтимоий хизматларнинг ҳолатига тааълуқли маълумотларни таҳлилий ўрганиб чиқилган. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодий фаолият турлари кесимида ялпи ички маҳсулотининг 2022 йил 2-чорак якунлари бўйича ўсиш суръатларига оид дастлабки ҳисоб-китоблар йиллар кесимида ўрганилиб таклифлар ва тавсифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ижтимоий хизматлар, хизмат кўрсатиш, хизматлар бозори, иқтисодий фаолият, турмуш даражаси, даромад.

Миллий иқтисодиётимизнинг ҳар бир соҳаси ва тармоғи каби хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам ривожланишига жамият фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш нуқтаи назаридан қаралиши лозим. Негаки, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ислоҳотлар натижасида ижобий ўзгариш бўлиши, одамлар буни ўз ҳаётида сезиши керак”[14]. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳасини инсонларнинг биринчи даражали эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жабҳаларини, масалан аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, сифатли ижтимоий хизматлар инсонларнинг турмуш даражаси яхшиланишига олиб келади. Умуман олганда ижтимоий хизматлар – бу инсонларнинг турмуш сифатига бевосита таъсир кўрсатувчи ҳаракатлар

[14] https://president.uz/uz/lists/view/5555

мажмуи бўлиб, унинг таркибига илм-фан, маданият, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилувчи хизматлар киради.

Республикамизда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш корхоналари сони 2014 йилда 111.911 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йилга келиб 417.018 тага орган ва 528.929 ташкил этган. Шунингдек, тармоқлар кесимида фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш корхоналари сони 2014 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда қурилишда 25.077 тага, савдо тармоғида 99.161 тага, ташиш ва сақлаш фаолиятида 9.847 тага, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатишда 21.100 тага, ахборот ва алоқа соҳасида 4.149 тага, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 1.912 тага ортган. Ушбу кўрсаткичлар таҳлили асосида айтиб ўтиш лозимки, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида, соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу билан бир ўринда, хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан инсонларнинг эъҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қатор янги хизмат турлари йўлга қуйилмоқда.

Фикр-мулоҳазаларимизни давом эттирган ҳолда республикамиз хизматлар бозорида ижтимоий хизматларнинг ҳолатига оид маълумотларни таҳлилий кўриб чиқсак. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодий фаолият турлари кесимида ялпи ички маҳсулотининг 2022 йил 2-чорак якунлари бўйича ўсиш суръатларига оид дастлабки ҳисоб-китобларига кўра соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,4 фоиз ўсишни қайд этган, айни кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврида 107,2 фоизни, 2020 йилда 110,4 фоизни, 2019 йилда 105,8 фоизни, 2018 йилда 107,6 фоизни ҳамда 2017 йилда 101,7 фоизни ташкил этган. Бундан кўришимиз мумкинки, 2017-2022 йилларнинг мос даврида соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ўртача 106,1 фоиз ўсиш кузатилган (1-расм).



1-расм. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларнинг ривожланиш динамикаси[15]

[15] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти. https://stat.uz

Ушбу статистик маълумотлардан кўришимиз мумкинки, ижтимоий хизматларнинг ўсиш кўрсаткичлари сезиларли тебранишларни қайд этмоқда ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа тармоқларига қараганда секин ривожланиб бошмоқда. Албатта, ижтимоий хизматларнинг бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари каби жадал ривожланиш ҳолати кузатилмаётганлигига бир қатор сабаблар мавжуд. Масалан, хизматлар соҳасининг бошқа тармоқларидан фарқли ижтимоий хизматларда катта даромад олиш имконияти чекланганлиги, ушбу фаолият билан касбий малакага эга бўлган шаҳслар шўғиллана олиши *(мисол учун тиббий хизмат кўрсатиш билан шўғилланиш учун ушбу соҳада малакага эга бўлиш лозим)*, катта молиявий капитал зарурлигини *(мисол учун шифохона ёки таълим муассасаси очиш учун)* келтиб ўтишимиз мумкин.

Шу сабабли, бугунги кунга қадар ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан асосан давлат корхона ва ташкилотлари шўғилланишади ва давлатимиз томонидан республикамиз бюджетининг катта қисми ижтимоий соҳага, шу жумладан ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тармоқларга йўналтирилади.

Хусусан, давлат харажатларидаги улушига кўра таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағлар

2000 йилда 38,1 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2001 йилда 41,3 фоизни, 2002 йилда 41,7 фоизни, 2003 йилда 42 фоизни, 2004 йилда 43,5 фоизни, 2005 йилда 46,2 фоизни, 2006 йилда 48 фоизни, 2007 йилда 47,4 фоизни, 2008 йилда 49,7 фоизни, 2009 йилда 52,7 фоизни, 2010 йилда 56,4 фоизни, 2011 йилда 55,4 фоизни, 2012 йилда 56,8 фоизни, 2013 йилда 56,6 фоизни, 2014 йилда 56,7 фоизни, 2015 йилда 56,5 фоизни, 2016 йилда 56,7 фоизни, 2017 йилда 52,2 фоизни, 2018 йилда 47,1 фоизни, 2019 йилда 50,6 фоизни ҳамда 2020 йилда келиб 42,2 фоизни ташкил этган (2-расм).

Ушбу маълумотлар асосида айтиш мумкинки, 2000-2020 йилларда республикамиз давлат харажатларининг ўртача 49,4 фоизи айни мақсадларга ажратилган.



2-расм. Давлат хажатларининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимояга ажиратилган улуши[16]

[16] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти. https://stat.uz

Юқоридаги таҳлил асосида айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ижтимоий хизматларни энг аввало аҳолининг энг қуйи қатламларигача етказиш ва бунинг учун маҳаллаларда кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турини ҳамда кўламини кенгайтириш ва ушбу хизматларни замонавий ахборот технологиялари жорий этган ҳолда қулай, тезкор ва сифатли тарзда кўрсатиш амалиётини йўлга қуйиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.Раимова. Хизматлар бозорини ривожлантириш – иқтисодиётнинг устувор йўналиши. Тошкент, 2021. https://review.uz/oz/post/xizmatlar-bozorini-rivojlantirish-iqtisodiyotning-ustuvor-yonalishi
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони, 1-илова, 3.2-банд.
3. Ўзбекистон Республика Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (27.01.2022 йилдаги) ПҚ-104-сон Қарори. https://lex.uz/ru/docs/5840284
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти. https://stat.uz

II ШЎЪБА “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ”

Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси ролининг ошиб бориши ва ходимлар меҳнатини рағбатлантириш стратегияси

СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт”
кафедраси доценти,
PhD. Исхакова С.А.

Аннотация: мақолада Постиндустриал жамиятга ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси ролининг ошиб бориши ва унинг тармоқларида банд бўлганлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш стратегияси назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ЯИМ, хизмат кўрсатиш соҳаси, аҳоли даромадлари, инвестиция, иш ҳақи, бозор иқтисодиёти, товар, бандлик, ишсизлик.

Замонавий цивилизация ривожланишининг характерли хусусияти хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг устувор секторига айланиши ҳисобланади. Кейинги йилларда хизматлар соҳасининг нафақат иқтисодиётга таъсири кучаймоқда, балки унинг ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш, айрибошлаш ва жамғариш жараёнларига, шунингдек аҳоли турмуш даражаси ва ялпи даромадларининг шаклланишидаги роли ошиб бормоқда. Хизматлар соҳасидаги улкан салоҳият уни барқарор иқтисодий ўсишнинг ишончли манбаига айлантиришга ва иқтисодий ўсишнинг ташқи иқтисодий конъюнктурага боғлиқлигини пасайтиришга қодирдир.

Постиндустриал жамият даражасига кўтарилган ҳар қандай мамлакатда тараққиёт суръатлари, биринчи навбатда, хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган ютуқлар билан белгиланар экан, хизмат кўрсатиш соҳаси, уни жадал ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммоларига оид илмий тадқиқотларнинг кўлами кенгайиб, тобора такомиллашиб боради.

Жаҳон амалиётида узоқ йиллар давомида хизматларга оид кўп сонли чуқур назарий тадқиқотлар ўтказилган ва уларнинг натижасида турли илмий қарашлар ва фикр-мулоҳазалар шаклланган. Турли даврларда фаолият кўрсатган турли олимларнинг хизматлар тўғрисидаги илмий қарашларининг таҳлили хизматлар тўғрисида муайян назарий қарашлар мавжуд бўлсада, лекин улар фаннинг мустақил соҳаси сифатида якунланган характерга эга эмаслигини кўрсатди. Иқтисодий адабиётларда хизматлар тушунчасининг илмий асосланган изоҳи йўқ, олимлар ўртасида хизматларнинг таснифланиши бўйича ягона фикр ҳанузгача шаклланмаган.

Хизмат кўрсатиш соҳасига оид айрим фикр-мулоҳазалар, илмий қарашларнинг тарихи узоқ ўтмишга тақалади. Узоқ ўтмишдан бизгача мерос

тариқасида етиб келган илмий қарашлар заҳирасида хизматларни инсон иқтисодий фаолиятининг алоҳида ўзига хос соҳаси, ноз-неъмат тури сифатида талқин этган фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлмасада, лекин айрим хизмат турларига дахлдор ёндашувларни учратиш мумкин.

Инсон иқтисодий фаолиятининг алоҳида ва мустақил соҳаси сифатида хизматлар тўғрисидаги илмий қарашлар дастлаб классик иқтисодиёт назарияси намояндалари асарларида шаклланиб бошлади.

Классик иқтисодий таълимот намояндаларининг номоддий неъматлар ва хизматлар тўғрисидаги тасаввур ва илмий қарашлари кейинги иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида ўз ривожини топди ва бойитилди.

Хизматлар соҳаси ҳақидаги ҳозирги замон назарий билимлар заҳираси улар ҳақидаги дастлабки тасаввур ва илмий қарашлардан мазмунан анча илгарилаб кетди. Шундай қилиб, биз ўтказган назарий таҳлиллар хизмат кўрсатиш соҳаси интеграциялашган хўжалик мажмуаси эмас ва қандайдир алоҳида бир соҳа сифатида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва соҳаларига қарама қарши эмаслигини кўрсатди. У иқтисодиётнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳаси билан бирга жами ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва фойдаланиш, шунингдек аҳоли турмуш даражасини, даромадларини ошириш жараёнларида фаол иштирок этади[17]. Унинг иштирокида аҳоли жами даромадларининг катта қисмининг шаклланиш жараёни юз беради.

Лекин ҳали ҳанузгача хизмат кўрсатиш соҳаси “қолдиқ” тамойили асосида молиялаштирилиб, ушбу соҳа ишчи ходимлари даромадларини шакллантиришда эскича ёндашув амал қилади. Ваҳоланки ушбу соҳада жамиятнинг энг илғор ва малакали мутахассислари фаолият кўрсатадилар ва айнан шу соҳада инсон капитали шаклланиши юз беради.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш ушбу соҳа ишчи-ходимлари даромадларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир. Бу билан, хизмат кўрсатиш соҳаси ишчи-ходимлари иш ҳақини маълум даражада, моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ва тижорат секторидаги иш ҳақига яқинлашишига эришилади. Шу билан бирга, уни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтаришга эришиш учун барча ёлланма ходимлар меҳнат ҳақини ошириш, уни хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли даромадларини шакллантиришнинг етакчи манбаига айлантириш керак.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ишчи-ходимлари даромадларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш иккита энг муҳим вазифани ҳал этишга ёрдам беради: биринчидан аҳоли даромади ва турмуш даражасининг ўсишига, чунки ушбу соҳада иқтисодиётдаги банд аҳолининг ярмига яқини меҳнат қилади; иккинчидан, даромадларнинг тўғри шаклланиши ва оқилона тақсимланиши ходимларнинг ўз меҳнат

[17]Chaston, I. (2017). The Service Sector. In Technological Entrepreneurship: Technology-Driven vs Market-Driven Innovation (pp. 215-239). Cham: Springer International Publishing.

натижаларига қизиқишларини оширади, бу эса ўз навбатида, корхона фаолиятининг якуний натижаларининг яхшиланишига олиб келади. Шу тариқа хизмат кўрсатиш соҳаси ишчи-ходимлари даромадларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш муаммосини ҳал этиш орқали жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш мумкин бўлади.

Бошқа томондан эса, фақат юқори ҳақ тўланувчи иш ўринларигагина рақобатга бардошли, ўз меҳнати натижалари учун маъсулиятли ходимларни жалб этиш мумкин, улардан сифатли ишни талаб қилиш мумкин бўлади. Юқори иш ҳақи меҳнат унумдорлиги ва даромадларнинг ўсишига олиб келади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ЯИМдаги улуши ривожланган мамлакатларда 50-60 фоизга етган, мулкдорлар ва менежерларнинг юқори даромадлари ҳам сақлаб қолинмоқда. Ўзбекистонда бу кўрсатгич 2017 йилда 25,2 фоизни ташкил этган[18].Шунинг учун мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида меҳнатга арзийдиган ҳақ тўлаш дастури зарур бўлмоқда. Республикамиз ҳукумати томонидан иш ҳақини доимий ошириб бориш сиёсати ўтказилиши натижасида мустақиллик йилларида аҳоли даромадлари мунтазам равишда ошиб борган.

Аҳолининг умумий даромадларида иш ҳақи даражасини ошириш ижтимоий ва иқтисодий самарага эга. Юқори меҳнат ҳақидан ижтимоий самара жамиятда қулай ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланишида, аҳлоқий-руҳий муҳитнинг соғломлашувида ва ёлланиб ишловчиларнинг ижтимоий кайфиятида, ўз меҳнатидан қониқишларининг ошишида намоён бўлади.

Иқтисодий самаралар – бу меҳнат сифати ва унумдорлигига талабчанлигининг ўсиши, ишни йўқотишдан хавфсираш, демакки ўз-ўзини тартибга олиш ва назорат қилиш, инсон капиталига инвестицияларнинг кўпайиши, кооперацион меҳнат алоқаларининг ва технологик жараёнлар сифатига ўзаро талабчанликнинг мустаҳкамлаши кабилардир.

Юқори меҳнат ҳақи ҳаммага фойдали: жамиятга ҳам, давлатга ҳам, тадбиркорга ҳам. Ишлаб чиқарувчилар учун бозор сиғими кенгаяди, капитал айланиши тезлиги ва пулнинг қайтиши ўсади. Савдода ортиқча товарлар захираси қисқаради, мурожаат вақти қисқаради, йиллик айланиш ва фойда ошади, товарлар ассортименти яхшиланади, чунки ўрта синфдан бўлган харидорларнинг талаби, камбағалларнинг талабидан фарқ қилади. Юқори даромадлар банкларга ҳам, суғурта компаниялари ва пенсия жамғармаларига ҳам фойдалидир.

Иш ҳақининг ўсишига пропорционал ҳолда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳам кўпаяди, бу мос равишда давлат органларига талабчанликни, уларнинг бошқариш ва қабул қилинадиган қарорлар сифати учун маъсулиятини оширади.

[18] Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси тўплами. //–Т.: 2018, -71 б.

Шундай қилиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хизмат кўрсатиш соҳаси ролининг янада ошиб бориши, унда банд бўлган аҳоли даромадларини шакллантириш ва унинг юқори даражаси таъминланиши муаммосининг ҳал этилишига боғлиқдир. Чунки даромадлар ва уларни тартибга солиш орқали, ушбу соҳа ишчи-ходимларининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришни ҳаракатга келтириш мумкин бўлади.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли даромадларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш ва шу асосда, турмуш сифатини ошириш муаммоларини ҳал этишда унинг иштирокини фаоллаштириш зарурлиги, айнан шу билан тақозоланади. Шу муносабат билан, аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳасидан оладиган даромадлари билан боғлиқ масалаларни янада чуқурроқ ўрганиш зарурияти вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.//М.:. Эксмо, 2009. – С.64.

2.Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. //- М.: Дело ЛТД., 1994. -С.159.

3.Маршалл А. Принципы экономической науки.// в 3-томах. Пер. с англ. - М.: Прогресс, 1993. Т.1, -С.311

4.Слудковская М. А. Политическая экономия Антуана де Монкретьена (к 400-летию выпуска "Трактата по политической экономии"). // Ж.Вестник Московского университета. Серия 6. Экономика, № 2, 2016, -С. 107-

5.Мухаммедов М. М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. - Самарқанд.: “Zarafshon”, 2017. - 31б.

O’ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODNING SOHALAR BOYICHA TAHLILI

Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti tayanch doktoranti
Yusupova Jamila Karamatdinovna (tel: 99 5830405, jami0405@yandex.ru)

Annotasiya. Maqolada mamlakat iqtisodiyotida raqamlashtirishning sohalar boyicha tahlili butun milliy iqtisodiyot darajasida shakllanishi va ularni rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari ishlab chiqilmoqda.

Kalit so’zlar. Elektron hukumat, onlayn davlat xizmati, resurs, raqamlashtirish, indeks, mobil aloqa.

O‘zbekiston xalqaro reytinglarda “Mamlakatda axborot texnologiyalari rivojini baholashda O‘zbekistonning xalqaro reytinglardagi muvaffaqiyatini alohida ta’kidlash joiz. Ushbu reytinglarda egallagan joy bilan bir qatorda ushbu hududning rivojlanish holatini aks ettiruvchi bir vaqtning o'zida bir nechta parametrlarni hisobga oladigan indeks ko'rsatilgan”, deb yozadi tadqiqotchilar.

Ulardan biri Telekommunikatsiya infratuzilmasi indeksi (TII) bo‘lib, u mamlakatning 100 nafar aholisiga to‘g‘ri keladigan quyidagi ko‘rsatkichlar asosida shakllantiriladi: Internet va statsionar telefon liniyalaridan foydalanuvchilar, shuningdek, mobil aloqa, simsiz aloqa abonentlari soni. keng polosali va statsionar keng polosali tarmoqlar. 2016 yildan buyon O‘zbekiston ushbu indeks bo‘yicha o‘z ko‘rsatkichlarini 0,246 dan 0,472 gacha yaxshilagan.

Xalqaro elektraloqa ittifoqi tomonidan oxirgi marta 2017-yil oxirida dunyoning 176 ta davlati orasida tuzilgan AKT rivojlanish indeksi (IDI). IDI indeksi 11 ta statistik ko‘rsatkichdan iborat bo‘lib, aholining AKTdan foydalanish imkoniyatlari, ulardan foydalanish darajasi va amaliy ko‘nikmalarini aks ettiradi. Hozirgi vaqtda IDI indeksini tuzishning yangi metodologiyasi ishlab chiqilmoqda. IDI indeksining so‘nggi reytingida O‘zbekiston 2016 yilga nisbatan 8 pog‘onaga ko‘tarilib, dunyoning 176 davlati orasida 95-o‘rinni egalladi (indeks – 4,9).

Global kiberxavfsizlik indeksi Xalqaro elektraloqa ittifoqi tomonidan ham tuziladi va hukumatning besh yo‘nalish bo‘yicha majburiyatlari darajasini baholaydi: huquqiy choralar, texnik choralar, tashkiliy chora-tadbirlar, salohiyatni rivojlantirish va xalqaro hamkorlik. 2016 yildan buyon O‘zbekiston ushbu reytingda o‘z ko‘rsatkichlarini 0,1471 dan 0,666 gacha yaxshiladi va 175 davlat orasida 93-o‘rindan 52-o‘ringa ko‘tarildi.

Mobil indeksi Xalqaro uyali aloqa operatorlari assotsiatsiyasi (yoki “GSMA assotsiatsiyasi”) tomonidan tuzilgan bo‘lib, unga O‘zbekistondagi barcha uyali aloqa operatorlari ham kiradi. Indeks mobil Internetning rivojlanish va foydalanish darajasini ko'rsatadi. Indeks 170 dan ortiq mamlakatlarda mobil internetni qabul qilishning asosiy omillari: infratuzilma, foydalanish imkoniyati, iste'molchilarning tayyorligi, kontent va xizmatlarga nisbatan o'lchaydi.

Elektron hukumatni rivojlantirish indeksi (EGDI) BMT Kotibiyatining Iqtisodiy va ijtimoiy masalalar departamenti tomonidan uchta kichik indeks ko‘rsatkichlari asosida tuziladi: onlayn davlat xizmatlarini rivojlantirish, telekommunikatsiya infratuzilmasi va inson kapitalini rivojlantirish. Ushbu indeks bo‘yicha O‘zbekiston 2016-yildan buyon o‘z ko‘rsatkichlarini 0,54 dan 0,67 ga yaxshiladi va reytingda 193 davlat orasida 87-o‘rinni egalladi.

Fuqarolarning davlat xizmatlarini elektron formatda olishlari uchun shart-sharoit yaratish maqsadida 2017-yildan boshlab O‘zbekistonda Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalining (Yagona portal, DPI – my.gov.uz) yangi talqini ishga tushirildi, u yagona elektron platforma hisoblanadi. fuqarolar va tadbirkorlar davlat xizmatlarini olish va ular bo'yicha zarur ma'lumotlarni olishlari mumkin. Ayni paytda SPSIda ko‘rsatilayotgan xizmat turlari soni 20 ta yo‘nalish bo‘yicha 300 dan ortiqga yetdi.

Kelgusida 2022-yilga kelib elektron formatda ko‘rsatiladigan davlat xizmatlari ulushini 60 foizga, 2025-yilgacha esa 80 foizga yetkazish, shuningdek, 2025-yilga borib “Elektron hukumat” rivojlanishi indeksida 50-o‘ringa ko‘tarish rejalashtirilgan.

Prezidentimizning 2020-yil 5-oktabrdagi qarori bilan “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi tasdiqlangan bo‘lib, kelgusi ikki yilda mamlakatimiz hududlari va iqtisodiyot tarmoqlarida 280 dan ortiq raqamli transformatsiya loyihasini amalga oshirish ko‘zda tutilgan.

r/p	Ko'rsatkich nomi	O’lchov birkigi	Joriy holati	Yillar bo‘yicha maqsadlar		
				2022	2025	2030
1	Respublikada optik tolali aloqa liniyasining uzunligi	ming.km	41	70	120	250
2	Respublika hududlarini yuqori tezlikdagi internet bilan qamrab olish darajasi	foizda	67	74	85	100
3	Ijtimoiy ob'ektlarni yuqori tezlikdagi internet bilan ta'minlash darajasi	foizda	45	100	100	100
4	Uy xo'jaliklarini Internetga keng polosali ulanish bilan ta'minlash darajasi	foizda	67	74	85	100
5	Aholi punktlarini keng polosali mobil aloqa tarmog'i bilan ta'minlash darajasi	fozda	78	100	100	100
6	Elektron hukumatni rivojlantirish indeksi xalqaro reytingida elektron hukumatni rivojlantirish samaradorligi ko‘rsatkichi	ball (0−1 oraliqda)	0,66	0,70	0,75	0,86
7	Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali ko‘rsatilayotgan elektron davlat xizmatlarining davlat xizmatlari markazlari tomonidan ko‘rsatiladigan davlat xizmatlariga nisbatan ulushi	foizda	34	60	70	90
8	Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalidagi elektron davlat xizmatlariga nisbatan mobil qurilmalar orqali ko‘rsatiladigan elektron davlat xizmatlari ulushi	foizda	5	30	42	60

9	Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali ko‘rsatiladigan tranzaksiya xizmatlari ulushi	foizda	25	45	60	75
10	Korxona resurslarini boshqarish tizimini (ERP) joriy qilgan yirik korxonalar ulushi	foizda	20	40	65	100
11	Onlayn bank xizmatlaridan foydalanuvchilar soni (yuridik va jismoniy shaxslar)	mln birlikda	10	15	17	20
12	Dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalari texnoparklarini inkubatsiya qilish va jadallashtirish dasturlariga kiritilgan startap loyihalar soni	dona	50	250	700	2 300
13	Axborot texnologiyalari sohasida kadrlar tayyorlash uchun oliy va o‘rta maxsus ta’lim muassasalariga o‘qishga qabul qilish kvotalari soni	ming	7	12	15	20

O‘zbekistonda 120 dan ortiq universitet faoliyat yuritib, ularning har birida raqamli o‘quv moduli joriy etilmoqda va inkubatsiya markazlari ochilmoqda. Vertikal ta'limning yangi tizimini yaratishga qaratilgan IT-ta'limni rivojlantirish dasturi qabul qilindi. 2020 yilda dasturlash ko'nikmalarini bepul o'qitishni ta'minlovchi "Bir million dasturchilar" dasturi ishga tushirildi, uning doirasida 130 000 dan ortiq talaba tahsil oladi.

IT-kompaniyalar uchun 2028-yilgacha ekterritoriallik asosida imtiyozlar taqdim etiladi (IT-parklardagi imtiyozlar: daromad solig‘i – 7,5%, korporativ va ijtimoiy soliq – 0%, tovarlar va xizmatlar importi uchun bojxona to‘lovlari – 0%).

“Xorijiy mamlakatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, raqamli iqtisodiyot bir vaqtning o‘zida keng ko‘lamli sohalarda rivojlanmoqda va cheklangan miqdordagi kompaniyalar tomonidan, hatto ularga maxsus vakolatlar berilgan bo‘lsa ham qurib bo‘lmaydi. resurslar.

Tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, davlat iqtisodiy jarayonlarni raqamlashtirishni quyidagi harakatlar orqali rag'batlantirishi mumkin:

- turli tashkilotlarni birlashtirgan umumiy texnologik platformalar tashkilotchisi yoki muayyan texnologik echimlardan foydalanishga qo'yiladigan talablarni direktiv ravishda belgilovchi tartibga soluvchi sifatida, chunki iqtisodiyotning barcha segmentlarida standart texnologik echimlarni joriy etish jarayonlarini sinxronlashtirmasdan, ularni keng taqsimlamasdan. mumkin emas;

- raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni tartibga soluvchi amaldagi me’yoriy-huquqiy bazani doimiy ravishda takomillashtirish va buni muloqot rejimida va amalda yangi turdagi axborot-huquqiy obyektlar va sub’ektlarga duch keladigan foydalanuvchilar, ishlab chiquvchilar va xizmat ko‘rsatuvchi provayderlarning

fikrlarini hisobga olgan holda amalga oshirish. huquqiy ro'yxatga olishni talab qiladigan munosabatlar;

- munosabatlarni raqamlashtirish, shu jumladan elektron hukumat tizimini va elektron formatda ko‘rsatiladigan davlat xizmatlari ro‘yxatini ishlab chiqish orqali umumiy jarayonning ishtirokchisiga aylanish;

- tashkilotlarda axborot tizimlarini, elektron xizmatlarni joriy etishni rag‘batlantirish va rag‘batlantirish hamda raqamli texnologiyalarni, shuningdek, transchegaraviy onlayn savdoni rivojlantirish uchun soliq imtiyozlarini joriy etish;

- IT-mutaxassislari va dasturchilarning o‘zlarini, shuningdek doimiy yangilanib turadigan raqamli texnologiyalardan foydalanishga qodir bo‘lgan malakali foydalanuvchilarni zarur miqdorda kadrlar tayyorlash;

- kibertahdidlardan xavfsizlikni, shuningdek, raqamli iqtisodiyot bilan shug‘ullanuvchi barcha sub’ektlarning ular to‘playdigan, saqlaydigan va foydalanayotgan ma’lumotlari mumkin bo‘lgan jinoiy harakatlardan ma’lum darajada himoyalanganligiga ishonchini ta’minlash;

- xalqaro hamkorlikni kengaytirish va ilg‘or axborot texnologiyalarini iqtisodiy faoliyatning barcha sohalariga kirib borish va joriy etish uchun jozibador sharoitlar yaratishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati:

1. Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони (ПФ–6079-сон, 05.10.2020 й.)

2. O‘zbekiston Prezidenti 2020-yil 28-aprelda “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorni imzoladi.

3. Ю.Кутбитдинов, Б.Исмаилов O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha tadqiqot ishi.

4. Сергеев Л. И., Юданова А. Л. Цифровая экономика.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕҲМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИДА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Ш.Ж.Маматкулова – Маркетинг
кафедраси доценти и.ф.н.

Аннотация Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида меҳмонхона хизматлари маркетингини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, бозор, талаб, таклиф, меҳмонхона, хизматлар.

Рақамли иқтисодиёт шароитида туристик, меҳмонхона ва ресторан хизматлари маркетингини такомиллаштиришдаги асосий йўналишларга тур

маҳсулотни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали реклама қилиб бориш, туризм соҳаси ходимлари иштирокида туризм мавзусига бағишланган махсус кўрсатувлар тайёрлаш, ҳар ҳафтада реклама мақсадларида туристик объектларнинг кўринишлари акс эттирилган видеотасмалар бериб бориш каби тадбирлар киради.

Меҳмонхона тармоғи ривожланишининг бозор иқтисодиёти модели қуйидаги тадбирлар орқали шаклланади:

- меҳмонхона бизнесида фаолият кўрсатадиган хусусий, қўшма корхоналарни ривожлантириш;
- бозор инфратузилмаси элементларини ривожлантириш;
- меҳмонхоналардаги туристик хизматларнинг нархлари ва тарифларини пасайтириш;
- ўрта ва кичик меҳмонхона бизнесининг ривожланишига хайрихоҳлик қилиш;
- меҳмонхона тадбиркорлиги бўйича антимонополия чораларини кўриш, бунинг асосида рақобатчилик муҳитини яратиш;

Меҳмонхона хизматлари маркетингини ташкил этиш турли хизматларни яратиш ва уларни бозорда сотишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олади: талаб катта бўлган хизматларни яратиш, реклама, тақсимот, тушумдан маркетинг тадбирлари учун фойдаланиш. Меҳмонхона хизматлари маркетингини кўп жараёнлари яхши ўрганилмаган. Биз меҳмонхона маркетингини такомиллаштиришнинг қуйидаги жараёнларини таклиф қиламиз:

Ўзбекистонга келувчи хориж ва МДҲ давлатлари туристлари таркибини ўрганиш, уларни меҳмонхона тизимларига жалб қилиш маркетинг тадқиқотларини асосини ташкил этиши лозим. Меҳмонхона хизматларини реклама қилиш ёрдамида туристлар у ёки бу меҳмонхона уларга нимани таклиф қила олиши мумкинлиги ҳақида , шу орқали эса Ўзбекистон ҳақида ҳақиқий тасаввурга эга бўладилар.Бозор сегментлари ичида ишбилармонлик ва хизмат юзасидан Ўзбекистонга келувчи хорижлик сайёҳлар энг қулайи ҳисобланадилар, уларга унча кўп молиявий маблағ сарфланиши талаб этилмайди.Шу билан бирга улардан Ўзбекистоннинг туристик саноатининг ҳар бир бўғимида хусусий корхоналарни ривожлантиришни қўллаб қувватлаши лозим.

Замонавий халқаро туризм турли давлатларнинг жаҳон туризм бозорига чиқишининг ўзига хос механизми бўла олади.Ўз вақтида миллий туристик мажмуаларнинг жаҳон бозорига кириб бориши натижасида миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳалари товар ва хизматлар бозорига кириб боришлари учун шароит яратилади.

Меҳмонхона хизматлари маркетинги мавжуд меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш, меҳмонхона бозорида фаол фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган янги ўринларни очиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш технологияси ва ажратилиши режалаштираётган инвестициялар ҳисоб-

китобини ўз ичига олади. Ундан ташқари маркетинг меҳмонхона хўжалигини мустақил туристик маҳсулотга айланишига ёрдам беради.

Туризмда фаолият натижасини туристик маҳсулот касб этади.Туристик маҳсулот – туристларнинг у ёки бу талабини қондирадиган ва улар томонидан тўланадиган ҳар қандай хизмат кўрсатиш тури ҳисобланади.Туристик хизматга меҳмонхона, транспорт, экскурсия, таржима, маиший-воситачилик ва бошқа хизматлар киради. Меҳмонхона хизматлари ишлаб чиқариш ва истеъмолида маркетинг масалалари жуда муҳим роль ўйнайди. Сифатли хизмат кўрсатмайдиган меҳмонхона корхонаси ўзининг асосий мақсадларига эриша олмайди. Турли меҳмонхона корпорациялари ривожланишининг тарихи фойда маркетингни маҳсули эканлигини кўрсатади. Меҳмонхона корхонаси олдида хизмат кўрсатиш маркетингини керакли даражада сақлаб туриш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мижоз меҳмонхонага яна келиш ёки келмаслиги унга кўрсатилган хизматнинг яхши ёки ёмонлигига боғлиқ. Биринчи марта меҳмонни яхши реклама, бой жиҳозлар ёки кенг турдаги таомномалар билан жалб қилиш мумкин. Аммо иккинчи марта меҳмон ходимларнинг малакали ишлаши ва олдин унга кўрсатилган хизмат сифатининг юқорилиги учун келади. Агар хизмат кўрсатиш корхонасини уни ривожланиш динамикаси нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, унинг ҳаётийлигига энг катта таъсир кўрсатишини кўриш мумкин. Истеъмолчига сифатли маҳсулотни муваффақиятли сотиш корхона фаолиятининг асосий манбаи ҳисобланади.

Мижозларнинг хизмат маркетингига бўлган талабларини доимий ўзгариши ва кўпайишини эътиборга олган ҳолда мижозларнинг барча эҳтиёжларини ва белгиланган стандартларга мос келувчи сифатли хизматлар кўрсатиш муҳим стратегия ҳисобланади. Туризм минтақалари ҳам, алоҳида хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам истеъмолчи билан муносабатда бўлиш соддалаштирилган ҳолда, фақат хизмат кўрсатиш технологияси асосида амалга оширилмаслиги кераклигини тушуна бошладилар. Хизмат маркетинги ҳар доим ҳам истеъмолчилар, раҳбарлар ва катта хизматчиларнинг ўзини ҳам қониқтирмайди. Юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи омил маркетинг стратегиясини танлаш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш стратегиясини ташкил қилиш учун корхона раҳбари энг аввало танламоқчи бўлаётган бозор шароитининг моҳиятини англаб етиши ва бу шароитда корхона қандай ўрин тутишини англамоғи лозим. Яхши ишлаб чиқилган стратегия қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим, яъни биз мижозларни қандай эҳтиёжларини қондира оламиз? Кимдан-дир яхшироқ хизмат кўрсатиш учун, биз етарлича билим ва тажрибага эгамизми-йўқми?

Хизмат кўрсатиш стратегияси ишбилармонларга учта асосий элементни ёдда тутиш лозимлигинни кўрсатади:

- мижозларнинг эҳтиёжлари ;
- бу эҳтиёжларнинг қондиришда корхонанинг қобилиятлари;

- корхонанинг узоқ муддат давомида фойдани ушлаб туриши.

Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳмонхона стратегиясини асосий мақсади – етакчиликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Меҳмонхона хизматлари маркетингини такомиллаштиришдаги асосий йўналишларга кўрсатадиган хизмат турларини кенгайтириш, нархни пасайтириш, реклама тадбирларини кучайтириш лозим.

Маркетинг стратегиясида ташриф буюраётган сайёҳларни мамлакатлар бўйича ўрганиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзиллари, халқаро аэропортлар, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматларнинг сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, ПФ-60-сон 28 январь 2022 йил.

2. Эргашходжаева Ш.Ж.,Қосимова М.С.Маркетинг. Т.ТДИУ, 2018.

3. Басовский Л.Е. Маркетинг. М.:Издательский дом “Вильямс”, 2014

4. Новиков В.С. Инновации в туризме. М.: Издательский центр “Академия”, 2015

Цифровая экономика Узбекистана сегодня: её значение, проблемы и пути их решения.

Старший преподаватель Самаркандского
института экономики и сервиса
Ишонкулова Феруза Асатовна
Тел: 91 555 32 06
f_ishonkulova@mail.ru

Аннотация: В этой статье исследуется развитие и значение цифровой экономики в Узбекистане, возникающие проблемы и пути их устранения, активное внедрение информационных технологий во все сферы.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые технологии, интернет-экономика, индустриальная революция, цифровая инфраструктура, IT-образования, электронное правительство

Как неоднократно отмечал в своих выступлениях Президент Шавкат Мирзиёев, одной из основных задач последовательного социально-экономического развития Узбекистана является широкое внедрение ИКТ и цифровых технологий. Это именно та сфера, которая представляет

эффективный инструмент, способный обеспечить качественное реформирование отраслей экономики и сфер общественной жизни.

Цифровая экономика - это всемирная сеть экономической деятельности, коммерческих операций и профессиональных взаимодействий, которые поддерживаются информационно-коммуникационными технологиями (ИКТ). Ее можно кратко охарактеризовать как экономику, основанную на цифровых технологиях. В первые дни своего существования цифровая экономика иногда называлась интернет-экономикой, новой экономикой или веб-экономикой из-за ее зависимости от подключения к интернету. Однако экономисты и бизнес-лидеры утверждают, что цифровая экономика является более развитой и сложной, чем интернет-экономика, которая, согласно одному определению, просто означает экономическую ценность, полученную из интернета.

Степень развития в стране цифровой экономики, которая напрямую связана с уровнем развития информационно-коммутационных технологий (ИКТ), принято оценивать различными показателями: доля цифровой экономики в ВВП, размеры инвестиций в отрасль ИКТ, скорость интернета, его покрытие территории страны и доступность для использования населением, уровень развития электронной коммерции, доля госуслуг в системе электронного правительства, обеспеченность организаций специалистами в области ИКТ и др. Кроме этого, важными являются показатели в международных рейтингах, оценивающих степень развития в стране информационных технологий.

Цифровая экономика отражает переход от третьей промышленной революции к четвертой промышленной революции. Третья промышленная революция, иногда называемая цифровой революцией, относится к изменениям, произошедшим в конце XX века с переходом от аналоговых электронных и механических устройств к цифровым технологиям. Четвертая Индустриальная революция базируется на цифровой революции. Хотя некоторые лица используют сегодня технологии для простого выполнения существующих задач на компьютере, цифровая экономика более развита. Это не просто использование компьютера для выполнения задач, традиционно выполняемых вручную или на аналоговых устройствах. Цифровая экономика подчеркивает возможность и необходимость для организаций и частных лиц использовать технологии для выполнения поставленных задач лучше, быстрее и часто иначе, чем раньше.

Цифровая экономика - это жизненно важный сектор, дающий довольно существенный рост. Кроме того, воздействие цифровой экономики выходит за рамки информационных товаров и услуг на другие сферы экономики, а также образ жизни в целом. Разработка мобильных устройств, в частности, значительно расширила охват интернета в обществе.

Пандемия возникшая на фоне COVID-19 дало резкий толчок охвата и развития ИКТ и цифровой экономики в Узбекистане. Переход учёбы во всех

учебных заведениях на дистанционный режим обучения, осуществления сервиса доставки через приложения и т.п.

В Узбекистане действую более 120 вузов, в каждом из которых вводится модуль цифрового обучения и открываются инкубационные центры. Принята программа развития IT-образования, направленная на создание новой системы вертикального обучения.

В Республике Узбекистан разработана и активно внедряется национальная стратегия «Цифровой Узбекистан»- 2030, где поставлена задача: в 2030 году доля цифровой экономики в ВВП республики должно составлять 30 %. Интенсивно разрабатывается и внедряется программа развития народного хозяйства до 2030 года, а также программа цифровое «Умное народное хозяйство» Однако, процесс формирования цифровой экономики является не всегда гладким и молниеносным.

На сегодняшний день выявлены следующие проблемы при выполнении национальной стратегии «Цифровой Узбекистан»-2030:

- оснащение регионов Узбекистана оптико-волоконными системами пока имеет недостаточный объем;
- скорость и процент беспроводного широкополосного покрытия интернетом невысокие;
- затруднен доступ к базовой сетевой инфраструктуре в отдаленных районах страны;
- несмотря на активную подготовку специалистов в отрасли ИКТ, ощущается дефицит высококвалифицированных кадров;
- процессы эффективного развития цифровой экономики требуют постоянно модернизации технической и технологической платформ.

Для скорейшего устранения этих проблем и достижения поставленных целей разработана национальная программа и - дорожная карта цифровой экономики до 2030 года.

Несомненно, это обеспечит наиболее полный охват и эффективную реализацию документа, который включает такие приоритетные направления, как развитие цифровой инфраструктуры, электронного правительства, национального рынка цифровых технологий, образования и повышение квалификации в сфере.

Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, принятая 28 января 2022 года, охватывает семь приоритетных направлений реформ, касающихся, охватывает семь приоритетных направлений реформ, касающихся государственного управления, верховенства закона, экономического развития, социальной политики, духовного просвещения, безопасности, а также прагматичной и активной внешней политики.

В Стратегии развития определена дальнейшая цифровизация ряда важных сфер, таких как государственные и социальные услуги, правоохранительные органы, системы управления дорожным движением и здравоохранения, банковский и сельскохозяйственный секторы, и не только.

Кроме того, предусмотрены совершенствования электронного правительства Узбекистана и доведения доли электронных государственных услуг до ста процентов, внедрение системы Mobile ID-идентификации лица при их оказании проектов «Цифровой паспорт граждан» и «Цифровой орган».

Список литературы

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» № ПП – 3822 от 3 июля 2018 года. // Национальная база данных законодательства, 04.07.2018 г., № 07/18/3832/1452.

2. Постановление Президента Республики Узбекистан — Рақамли иқтисодиѐтни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари». ЎзР Президентининг қарори. 21 ноябрь 2019 йил

3. Постановление Президента «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования в области информационных технологий, развитию и интеграции научных исследований с IT-индустрией» от 6 октября 2020 года.

4. Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, принятая 28 января 2022 года

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети,
тадқиқотчи Усманов Илёс Арзикулович,
тел: +998902500026, Email: ilyos7113@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солиш элементлари, усуллари ва воситалари, ижтимоий стандартлар тизимини мақбул даражада шакллантириш ва уларни жорий этиш, ижтимоий хизматлар бозори сегментлари, ижтимоий хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш даражалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ижтимоий сиёсат, ижтимоий хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа, тартибга солиш, ижтимоий соҳа тармоқлари, ижтимоий ислоҳотлар.

Иқтисодиётнинг трансформациялашиши шароитида ижтимоий хизмат соҳаси ҳозирги давр фуқаролик жамиятининг ўзига хос ривожланиб борувчи институти сифатида намоён бўлмоқда. Ижтимоий хизматлар соҳасининг институтционаллашуви билан боғлиқ жараёнлар хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциялари ва миллий дастурларида

ҳам ўз ифодасига эга бўлмоқда. Жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши, ушбу йўналишдаги тадқиқотларни чуқурлаштириш, ижтимоий хизматлар бозори ривожланишини тадқиқ этишга ҳаракатлар кўпайишини юзага келтирмоқда. Бу эса давлатни, жамиятни ижтимоийлашуви билан боғлиқ жараёнларни кенгайиб, ушбу йўналишда муайян инсон фаолиятига тегишли бўлган ижтимоий муаммоларни кескинлашаётгани ва уни ҳал қилиш бўйича турли хил йўналишлардаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва реализация қилишни зарурат этмоқда.

Ҳозирги вақтда ижтимоий хизматлар бозорини самарали ривожлантириш жараёнлари турли даражадаги микро ва макро омиллар таъсирига боғлиқдир. Ҳудудий маркетинг мустақил тадқиқот соҳаси сифатида амал қила бошлагандан буён ижтимоий хизматлар бозорининг фаолият кўрсатиш шароитлари ва ушбу бозорга таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш бозор иқтисодиётига асосланган давлатлар иқтисодиётлари учун менежмент назарияси ва амалиётида алоҳида йўналишга айланди. Буни қўйидаги ҳолатлар билан изоҳлаймиз:

1. Республикамизда ижтимоий хизматларнинг истеъмол бозорини шакллантиришдаги роли мамлакат ва ҳудудлар иқтисодий салоҳиятининг муҳим таркибий қисми сифатида тавсифлаш ҳамда тадбиркорлик фаоллиги ўсишини таъминлайдиган ижтимоий-экотизимни шакллантириш ва ҳудуднинг ижобий имижини ривожлантиришга ёрдам беради.

2. Иқтисодиётнинг трансформациялашиши шароитида маркетинг фаолиятини, айниқса, ижтимоий хизматлар, лойиҳалар ва бизнес моделларини илгари суриш бозорнинг барча иштирокчиларига синергетик самарани олишга имкон берувчи даврда ўзгартириш зарурати юзага келади.

3. Ижтимоий хизматлар таклифи доирасида аниқ маҳсулот ва бозор ихтисослашуви ижтимоий йўналтирилган компанияларга маркетинг йўналишини ҳудудий ёки маҳаллий бозорларга силжитиш орқали нарх таклифини яратиш ва ривожлантириш имконини беради.

4. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида маркетинг воситаларини мослаштириш, бизнесда рақамли экотизимларни шакллантириш, шунингдек, ижтимоий лойиҳаларни реализация қилиш доирасида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги «Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида» ЎРҚ-415-сон Қонунининг 3-моддасида ижтимоий хизматларнинг асосий тамойиллари келтирилган. Ушбу тамойиллар қонунийлик, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, инсонпарвалик, эркин фойдаланиш, профилактик йўналтирилганлик, аниқ йўналтирилганлик ва индивидуал ёндашув, ихтиёрийликка асосланган қоидаларни ўз ичига қамраб олади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ижтимоий хизматлар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларга ушбу хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш; ижтимоий хизматлар олувчиларнинг оила ва жамият билан алоқаларини сақлаш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш; ижтимоий хизматлар стандартларига риоя этилишини таъминлаш; ижтимоий шерикликни ривожлантириш.

Ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солиниши ижтимоий хизматларга талаб ва таклиф асосида ҳуқуқий ва ижтимоий ва иқтисодий усуллар ёрдамида таъсир қилиш орқали амалга оширилади.

Ижтимоий хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш иерархик тарзда, яъни макродаражада, ҳудудий даражада ва микродаражада амалга оширилади:

1. Макродаражада тартибга солиш ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий базани шакллантириш ва турли хил қонун чиқарувчи ва давлат ижро ҳокимияти органлари томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш ва назорат қилиш масалалари бўйича чора-тадбирларни ҳал қилиш назарда тутилади. Макродаражада давлат томонидан тартибга солишнинг ҳаддан ортиқ устун даражаси жуда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолат, масалан, собиқ иттифоқ даврида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими битирувчиларини тўла иш билан таъминлаш тадбирлари сифатида амалга оширилган эди. Шунингдек, давлат миграция сиёсати билан боғлиқ камчиликларни ҳам келтириш мумкин.

Шу ўринда давлатнинг «иш билан бандлик сиёсати ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим элементи бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайишини олдини олиш, меҳнат потенциалидан тўла фойдаланиш, оммавий ишсизликни бартараф этиш, аҳолининг рақобатли бозор муҳитида самарали иш билан бандлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларга қаратилган бўлиши лозим».

2. Ҳудудий даражада ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солишнинг таркибий элементлари, усуллари ва воситалари макродаражадагига нисбатан деярли бир хил амалга оширилади. Шу билан бирга, ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли дастурлар, чора-тадбирлар ва йўналишларни ўз ичига олиши мумкин. Мазкур чора-тадбирлар бюджет ва нобюджет жамғармалар ҳисобига ижтимоий соҳани молиялаштириш, даромадлар сиёсати самарадорлигини ошириш, трансферт тўловлари, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминот ва миграцион жараёнларни ўз ичига олади.

3. Микродаражада тартибга солиш корхона ва ташкилотларда фаолият юритувчи ишчи-ходимларни ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш, якка

тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар фаолиятидаги ижтимоий кафолатлар, ишчи-ходимларни ижтимоий ривожланиш шарт-шароитларини яратиш, ишсизликдан суғурталаш ва янги иш ўринларини яратиш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялаш кабиларни ўз ичига олади.

Ижтимоий хизматлар истеъмолининг ҳар бир тури учун ижтимоий бошқарувнинг шакллантирилган парадигмаси доирасида уларнинг кўриб чиқилаётган мақсадлар ва тизимлар учун муаммоли кўрсаткичлар тизимидаги ўрнини ҳамда уларнинг ижтимоий индикаторларини муҳим кўрсаткичларининг аҳамиятини аниқлаш зарур. Мазкур ёндашув, хусусан, аҳолининг электрон ижтимоий реестрини ишлаб чиқиш бўйича субъектларнинг мақсадли дастурлари доирасида амалга оширилиши мумкин. Шунга ўхшаш ёндашувлар ижтимоий инфратузилма объектларини сертификатлаштириш доирасида ижтимоий хизматларнинг ҳудудий бозорларида таъминот субъектлари учун ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, динамик ёндашувлар доирасида ижтимоий хизматлар тизимининг истеъмолчилар базасини кўриб чиқиш, шунингдек, ижтимоий хизматлар истеъмолчилари типологиясини ишлаб чиқиш, ижтимоий хизматлар бозорида талаб категорияларидан ташқарига чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда аҳолининг қуйидаги аҳоли категорияларини вақтнинг муайян интерваллари ва бозор сегментлари учун ҳисобга олиш, хусусан, «бепул (қисман тўланган) ижтимоий хизматлар ҳамда имтиёзлар» типологиясидан фойдаланилганда қўлланилади:

– бепул хизматлар олиш ҳуқуқига эга бўлганлар;

– хизматлар тўловида имтиёзларга эга (қисман ҳақ тўлаш) бўлганлар;

– пуллик хизматлар истеъмолчилари ҳисобланади (имтиёзларга эга бўлмаган);

– ижтимоий хизматларнинг потенциал мижозлари ҳисобланган кишилар;

– ижтимоий хизматлар бозорида потенциал талабга эга бўлганлар;

– ижтимоий хизматлар бозорининг муайян сегментида ва муайян вақт оралиғида ижтимоий хизматларга муҳтож бўлмаганлар.

Ижтимоий хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга сектори бўлганлиги сабабли давлат томонидан тартибга солишга зарурат сезади. Давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати пуллик хизматлар бозорида монополлашув хавфи ортганда, иқтисодий муҳитда ахборот нотекис тақсимланганда мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур ҳолатда жамият даромадларни адолатли тақсимлашда тенгсизликнинг ижтимоий мақбул чегараларига риоя қила олмайди ва жамиятнинг барча аъзолари томонидан истеъмол қилиниши мумкин бўлган хизматлар ишлаб чиқарилмайди.

Шунинг учун ижтимоий хизматлар бозорида давлатнинг аралашуви қўйидаги йўналишларни ҳам ўз ичига олиши лозим: ижтимоий хизматлар соҳасида самарали ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник, инновацион сиёсат юритиш; ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг

манзилли йўналтирилганлигини таъминлаш; ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар ривожланиши учун давлат буюртмаси, субсидиялар, имтиёзли кредитлар, ижтимоий кафолатлар тизмини ривожлантириш; ижтимоий стандартларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш; ижтимоий хизматлар ривожланишини ахборот-маркетинг таъминлаш марказларини яратиш; муайян турдаги хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ва ташкилотлар фаолиятини ўрнатилган талабларга мувофиқлигини таъминлаш бўйича лицензиялаш; аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз шарт-шароитларга мувофқлигини тасдиқлашни таъминловчи сертификатлаш ва стандартлаштириш; ижтимоий хизматларга таърифлар ва нархларни давлат томонидан тартибга солиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: «Noshirlik yog'dusi», 2018. 206-б.

2. Акмалова А.А. Социальная политика: парадигмы и приоритеты. – М.: Союз, 2011. -312 с.

3. Гранберг А.Г. Социальная политика в программах экономических реформ// Федерализм и региональная политика. - Вып.1. - Новосибирск: ИЭиОПП СО РАН, 2009. – С.7-52.

4. Зияев Т.М., Исроилова Ш.Т., Ёқубов Д.Т. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2011. 15-б.

INNOVATSION G‘OYALAR VA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

Sh.K.Yuldashev – i.f.n.dotsent, SamDU
L.N.Xalikova – i.f.n.dotsent, SamISI

Annotasiya. Ushbu maqolada O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni shakllantirish xususiyatlari, innovatsion g‘oyalar va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish muammolari, ularni hal qilish yo‘llari va bu orqali erishish mumkin bo‘lgan ijobiy natijalar ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, innovatsiyalar va raqamli texnologiyalarning bugungi kundagi o‘rni va ahamiyati, ular o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liq jihatlarga to‘xtalib o‘tilgan.

Kalit so‘zlari. Innovatsiya, innovatsion mahsulot, raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, AKT (axborot kommunikatsiya texnologiyalar), AKT rivojlanish indeksi, IT-park, onlayn savdo, internet aloqa, mobil aloqa, elektron tijorat, elektron biznes.

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan birgalikda raqamli innovatsion texnologiyalar hayotimizning har bir sohasiga kirib bormoqda.Raqamli iqtisodiyot deganda jamiyat ne’matlarini ishlab chiqarish, taqsimlash va iste’mol qilish

jarayonlarida elektron hamda axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish orqali ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, tovar va xizmatlarning taqsimlanish jarayonlarini tezlashtiradi, innovatsion yo‘llar bilan aholi turmush tarzini yaxshilashga qaratilgan iqtisodiy faoliyat tushuniladi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi mamlakatimiz uchun ham uning dunyo miqyosidagi raqobatbardoshligini belgilab beradigan strategik ahamiyatga ega masalalardan biri hisoblanadi. Shularni inobatga olgan holda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020 yil 24 yanvardagi joriy yil uchun eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha quyidagi asosiy masalalarga e’tibor qaratildi:”Birinchi navbatda, qurilish, energetika, qishloq va suv xo‘jaligi, transport, geologiya, kadastr, sog‘liqni saqlash, ta’lim, arxiv sohalarini to‘liq raqamlashtirish;“Elektron hukumat” tizimini, amalga oshirilayotgan dasturlar va loyihalarni tanqidiy qayta ko‘rib chiqib, barcha tashkiliy va institutsional masalalarni kompleks hal etish;Toshkent shahrida zamonaviy infratuzilmaga ega bo‘lgan “IT-park” qurilishini takomillashtirish va bunday “IT-park”larni Nukus, Buxoro, Namangan, Samarqand, Guliston va Urganch shaharlarida ham tashkil etish; Raqamli iqtisodiyotning soha va tarmoqlari uchun yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash maqsadida, xorijiy hamkorlar bilan birgalikda “1 million dasturchi” loyihasini amalga oshirish.

Bugungi kunda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish dunyo davlatlari uchun asosiy ustuvor masalaga aylandi. Bunga sabab raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi har bir mamlakat va uning aholisi uchun ko‘plab ijobiy natijalarga erishish imkonini beradi. Jumladan, iqtisodiy o‘sishning tezlashishi, mehnat unumdorligining oshishi, qo‘shilgan qiymatning ko‘payishi, yangi ish o‘rinlarini tashkil qilinishi, investitsiyalar va zamonaviy texnologiyalarning rivojlanishi va tarqalishi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanganlik darajasi bo‘yicha yetakchi o‘rinda AQSH va Xitoy davlatlari turadi. Masalan, raqamli iqtidodiyotdagi blokcheyn texnologiyalar bilan bog‘liq patientlarni olishning 75%, shuningdek, internet vositalariga qilinadigan xarajatlarning 50 % ham aynan shu davlatlarga to‘g‘ri keladi.

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanish darajasini ifodalovchi ko‘rsatkichlardan biri-AKT(axborot kommunikatsiya texnologiya)larning rivojlanish indeksi hisoblanadi. 2017 yil ma’lumotlariga ko‘ra, jahonda AKTlarning rivojlanish indeksi bo‘yicha Islandiya 8,9 ko‘rsatkichi bilan 1-o‘rinda; Janubiy Koreya 8,85 ko‘rsatkichi bilan 2-o‘rinda; Shvetsariya 8,74 ko‘rsatkichi bilan 3-o‘rinni egallab turibdi.Mamlakatimiz, O‘zbekiston Respublikasi 4,9 ko‘rsatkichi bilan bu ro‘yxatning 95-o‘rinidan joy olgan. BMTning 2019 yilgi ma’lumotlar asosida xabar berishicha, dunyo internet trafigining dinamikasi 2002 yilda sekundiga 100 Gbaytni, 2007 yilda sekundiga 46000 Gbaytni tashkil qilgan bo‘lsa, 2022 yilda bu ko‘rsatkichni sekundiga 150700 Gbaytga yetkazish ko‘zda tutilmoqda. Bundan tashqari, kompyuter texnologiyalari bilan ta’minlanganlik darajasiga ko‘ra,

qashshoq davlatlarda 5 ta oliadan 1 tasi, rivojlangan davlatlarda 5 ta oiladan har 4 tasida kompyuterlardan foydalanish imkoniyati mavjud hisoblanadi.

Raqamli iqtisodiyot rivojlanishining har bir bosqichida innovatsion g‘oyalar o‘ziga xos o‘rinni egallaydi.

Raqamli iqtisodiyotning shakllanishida asosiy omillardan biri- bu innovatsiya, innovatsion g‘oya va uning mahsuli bo‘lmish innovatsion mahsulotlar ekanligi tasvirlangan. Bunga sabab dastlab innovatsion g‘oyalarning paydo bo‘lishi, rivojlantirilishi va buning natijasida yangi mahsulot (innovatsion mahsulot)larning yaratilishi bo‘lib, ular insonlar hayotini bir muncha yengillashtirdi va qulayliklar yaratganidir. Innovatsion mahsulot deganda asosiy e’tibor sun’iy intellekt, super kompyuterlar, smartfonlar, 3D-printerlari, onlayn savdo, internet aloqa, mobil aloqa, IT-parklar haqida bormoqda. Aynan shularning ixtiro qilinishi va keng miqyosda foydalanilishi raqamli innovatsion texnologiyalar nomini oldi. Bu esa yangi bozorlar (xalqaro onlayn savdo, elektron tijorat, elektron biznes)ni vujudga keltirdi. Shu asosida raqamli iqtisodiyotning infratuzilmasi o‘z-o‘zidan tarkib topdi. Xususan, dastlab kompyuterlarning vujudga kelishi, mobil va internet aloqalarining o‘rnatilishi va buning natijasida elektron tijorat, xalqaro elektron biznesning paydo bo‘lishi va rivojlanishi jarayoni innovatsiyalarning raqamli iqtisodiyotdagi ta’siri darajasini belgilaydi. Raqamli iqtisodiyotda innovatsiyalar yangi g‘oyalarni samarali iqtisodiy yechimlarga aylantira oladigan harakatlantiruvchi kuch vazifasini bajaradi. Bizga ma’lumki mamlakatimizda innovatsiyalarni joriy etish va rivojlantirish, raqamli iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha talay ishlar amalga oshirilmoqda. Ammo bu borada mamlakatimizda hali ham bir qancha muammolar mavjud:

- innovatsiya va raqamli iqtisodiyot haqida aholining to‘liq tasavvurga ega emasligi;
- mamlakat hududining AKTlar va internet aloqa bilan to‘liq ta’minlanmaganligi;
- joylarda innovatsiya va raqamli iqtisodiyot bo‘yicha mutaxassislarning yetishmasligi;
- innovatsiyalar va raqamli texnologiyalar ustida izlanish olib boradigan tadqiqot markazlarining mavjud emasligi;
- mobil aloqa, internet, davlat xizmatlari, soliq va boshqa turdagi onlayn to‘lovlarni amalga oshirish imkonini beruvchi mavjud to‘lov tizimlari (Click, Payme, m-bank, Humo va boshqalar)dan foydalanuvchilar sonining kamligi;
- onlayn savdo va savdo maydonchalarining yetarli darajada emasligi;
- barcha tarmoqlar va sohalarda raqamli texnologiyalarni joriy qilish bo‘yicha muammolarning mavjudligi (kompyuter savodxonligi, moddiy baza yetishmasligi, infratuzilmaning mavjud emasligi);

Yuqoridagi muammolarning bartaraf etilishi raqamli iqtisodiyotga o‘tish, uning infratuzilmasini shakllantirish uchun keng yo‘l ochadi.

Fikrimizcha, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda ijobiy natijalarga erishish uchun mamlakatimizda quyidagi ishlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

- raqamli iqtisodiyot infratuzilmasini shakllantirish maqsadida uning huquqiy-normativ asoslarini yaratish;
- aholida innovatsiya va raqamli texnologiyalar haqida tushunchalarni shakllantirish maqsadida joylar(oily ta'lim muassasalari, davlat tashkilotlari va xususiy tashkilotlar)da anjumanlar o'tkazish;
- raqamli iqtisodiyotni shakllantirishda ilg'or xorijiy davlatlar tajribalaridan foydalanish;
- barcha tarmoqlar va sohalarga raqamli texnologiyalarning joriy qilinishi va ularning faoliyatini nazorat qilish;
- onlayn savdo turlari va ularning masshtabini kengaytirish (faqat O'zbekiston hududida emas, butun dunyo foydalanuvchilari uchun qulay bo'lgan, Alibaba, Ebay, Amazon singari).

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning 2020 yil 24 yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi
2. www.cemc.uz
3. www.daryo.uz
4. https://www.bbc.com

Ҳозирги босқичда глобал ва маҳаллий АКТ хизматлари бозорининг динамикаси ва унинг ривожланиш истиқболлари.

Атамуратова Нурзада Байрамовна
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
Давлат Университети докторанти
+998936110000
Nurzda_ab@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада хорижий ва махаллий АКТ хизматлари бозори ўрганилди. Шунингдек, рақамли иқтисодиётни трансформациялаш шароитидаги ривожланган давлатларнинг бир қатор ҳукумат стратегиялари кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: АКТ, рақамли иқтисодиёт, рақамли платформа, саноат инқилоби.

Иқтисодиётнинг ҳозирги ўзгариш тезлиги иқтисодий жараёнларни бошқаришга ёндашувларни тубдан ўзгартирмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва тегишли органларнинг рақамли трансформацияси ижтимоий-

иқтисодий тизим сифатида биргаликда рақамли иқтисодиётни шакллантириш учун замин яратади.

Сўнгги йилларда АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия ва Германия каби ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ҳукумат стратегиялари ишлаб чиқдилар. Жумладан, кўпгина саноат кооперацияси дастурлари, Германияда – “Индустрия 4.0” стратегияси, Францияда-“Франциянинг янги саноат” режаси, Австрияда - Индустрия 4.0, Хитойда – “Made in China 2025”, Японияда –



“Янги робототехника стратегияси”, Жанубий Кореяда – “ИТ интеграцияси ва ривожланиш стратегияси”. Россияда “Россия Федерациясининг рақамли иқтисодиёти”, “Россия Федерацияси ҳудудларини рақамлаштиришнинг миллий рейтинги” ва бошқалар, Ўзбекистонда еса – “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси ишлаб чиқилди.

1-расм. Саноат инқилобларининг асосий босқичлари.

Сўнгги ўн йилликларда жаҳон иқтисодиёти дунёнинг уч даврали конфигурациясини шакллантириш жараёнини якунламоқда, бу мамлакатлар "учлиги" деб аталади, унда АҚШ - Ғарб - Шарқ асосий иштирокчилар ҳисобланади. Бу мамлакатларнинг янги типидаги иқтисодиётини шакллантириш сиёсати тажрибаси бизни алоҳида қизиқтиради. Анъанага кўра, Америка Қўшма Штатлари IT-соҳасида етакчи бўлиб, ҳозирда иқтисодиётни рақамлаштиришни илгари сурмоқда. АҚШ ҳукумати хусусий бизнес ва илмий доиралар билан биргаликда махсус технология ташаббусларини бошлаган.



1- Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш хизматлари
2- Ички ахборот тизимларини ишлаб чиқиш
3- АКТ ускуналари
4- АТ хизматлари
5- Алоқа хизматлари

2 - расм - 2021 йилда жаҳон АКТ бозорининг таркиби.[19]

Рақамли иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи - бу рақамли платформалар ҳисобланади. Сўнгги ўн йил мобайнида бутун дунё бўйлаб маълумотларга асосланган бизнес-моделлардан фойдаланган ҳолда ва мавжуд тармоқларни ўзгартирадиган кўплаб рақамли платформалар пайдо бўлди. Бу платформаларнинг аҳамияти шундан далолат берадики, бозор капиталлашуви бўйича дунёдаги саккизта энг йирик компанияларнинг еттитаси платформали бизнес моделларидан фойдаланадилар. Рақамли платформалар турли компанияларга Интернетда мулоқот қилиш имкониятини берадиган механизм вазифасини ўтайди. Платформаларни икки хил куринишина, операцион платформалар ва инновацион платформаларни ажратиш мумкин. Операцион платформалар-бу икки томонлама ва кўп томонлама бозорлар бўлиб, улар турли томонлар ўртасида операцияларни амалга оширишга имкон беради. Улар йирик рақамли корпорациялар (Амазон, Алибаба, Фасебоок ва еБай каби), шунингдек, рақамли технологиялар кенг қўлланиладиган соҳалардаги корпорациялар учун (Убер, "Диди Чусин" ёки "Аирбнб") асосий бизнес моделига айланди. Инновацион платформалар - бу код ва контентни ишлаб чиқувчилар, масалан, операцион тизимлар (масалан, Андроид ёки Линух) ёки технология стандартлари (видеофайллар учун MPEG формати) кўринишида дастурлар яратадиган муҳит ҳисобланади. Маълумотларга асосланган иқтисодиётда платформали корхоналар муҳим афзалликларга эга. Воситачи ва инфратузилма платформаси вазифасини бажариб, улар онлайн фаолият ва

[19] Gartner: Global IT services market to grow 7,9 % [Electronic resource] // TechTarget. URL: https://searchitchannel.techtarget.com/news/252512323/Gartner-Global-ITservices-market-to-grow-79. 3 маълумотлари асосида олинган.

платформа фойдаланувчилари ўртасидаги битимлар ҳақидаги барча маълумотларни рўйхатдан ўтказиш ва олиш имкониятига эга. Рақамли платформаларнинг ўсиши уларнинг рақамли маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш қобилиятлари билан бевосита боғлиқ, бироқ уларнинг қизиқишлари ва иш услублари даромад олиш учун бу маълумотларни қандай қилиб пул ишлашига боғлиқ булади.[20]

Рақамли платформаларни аҳамиятини қўйидаги мисол билан ҳам тушунтириш мумкин. Бугунги кунда дунё ҳудудининг 11,5 %ини эгаллаган, Россия Федерациясининг шаҳар аҳолисининг 60% ўз ҳудудига боғланган маҳаллий рақамли хизматлардан фойдаланади.

Рақамли платформадан фойдаланиб, бир нечта манфаатдор томонлар бир хил маълумотлардан махсус кўринишлар, хизматлар ва иловаларни яратиши мумкин. Шунинг учун, рақамли платформалардан фойдаланишнинг асосий афзалликлари орасида: даромад олиш; харажатларни камайтириш; янги маҳсулотлар ва хизматларни яратиш учун ҳамкорлик ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш; маҳсулотни мақсадли бозорларга жойлаштириш тезлигини ошириш кабиларни келтириб утиш мумкин. Ўзбекистонда мавжуд ва бугунги кунда фаолият юритаётган рақамли платформалар ва уларни йўналишлар ҳақида қисқача тухталиб утсак. Республикамизда умумий куринишда, яъни бир нечта ахборот хизматларини кўрсатувчи рақамли платформа мавжуд эмас ҳозирча, мавжудлари ҳам битта йўналишга ихтисослашган. Қўйидаги жадвалда мамлакатимизда фаолият юритаётган рақамли платформалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

1-жадвал.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган рақамли платформалар ҳақида маълумотлар

	Платформа номи	**йўналиши**
	Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги https://davxizmat.uz/	Мобиль давлат хизматларини кўрсатиш
	Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали https://my.gov.uz/	Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш
	https://www.afisha.uz/ Афиша	Кино ва театр, музика, ресторан
	https://www.spot.uz/	Бизнес ва технология янгиликлари
	https://zira.uz/	Пазандачилик
	https://uz.khanacademy.org/ https;//Miraman.uz/ abt.uz, https://prep.uz/ http://www.e-	Онлайн видео дарслар ва тестлар

[20] ДОКЛАД О ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ 2019 UNCTAD/DER/2019 (Overview) Организация Объединенных Наций, 2019 год www.un.org/publications маълумотлари асосида олинган.

	teacher.uz/	

2018 йилнинг охирида Ахборот технологиялари бозорини ўрганишга ихтисослашган Америка аналитик компанияси International Data Corporation (IDC) келгуси йиллар учун АТ-саноатининг ривожланишининг етакчи 10 глобал тенденциясини акс эттирган тадқиқотни тақдим этди.[21] Ушбу тадқиқотларга кўра энг биринчи глобал тенденция бу 2022 йилга бориб, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 60% дан ортиғи рақамли технологиялар ва ечимлар ҳисобидан шаклланади. Бунда операциялари ва таклифларини рақамлаштира олмаган ишлаб чиқарувчилар рақобатчиларга ютқазадилар, чунки анъанавий бозор тез орада ўтмишга айланади.

Кейинги глобал тенденция бу 2023 йилга келиб барча АТ-харажатларнинг 75% маҳсулотни реклама қилиш платформаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлади.

Барча корхоналарнинг 90% дан ортиғи рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун ўз рақамли АТ-муҳитини яратади. IDC тадқиқотига кўра, компанияларнинг деярли ярми “рақамли интилишлари”ни эълон қилишган. Бу шуни англатадики, улар ўз бизнесларини дастлаб рақамли технологиялар асосида қурган компаниялар ишига тақлид қилувчи рақамли стратегия ва архитектурани ишлаб чиқишга тайёргарлик кўришмоқда. Бу корхоналар ва ташкилотлар булут, Agile ва DevOps амалиётларидан, рақамли инновацион платформалар ва ҳамжамиятлардан, маълумотларни бошқариш ва монетизациядан фойдаланадилар.

Рақамли платформа, асосан, рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ хизматлар мажмуасининг технологик интеграторидир. Айтишимиз мумкинки, (техник, муҳандислик эмас, балки иқтисодий нуқтаи назардан) у кўплаб ўзаро боғлиқ ва бир -бирини тўлдирувчи хизматлар орқали шаклланади. Ахборот хизматларини кўрсатувчи рақамли платформаларни яратишнинг иқтисодий самараси аниқ. Аслида, рақамли платформалар илгари маълум бўлган харажатларни тежаш ва миқёси туфайли харажатларни тежаш тамойилларининг тимсолидир. Ишлаб чиқаришни миқёслашда бўлгани каби, платформалаштириш тамойилини амалга ошириш, иқтисодий фаолиятнинг барча турларини тезлаштириш хизмати мавжуд бўлганда, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархини сезиларли даражада камайтиради. Бундан ташқари, рақамли платформалар истеъмолчини ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилишда ва унинг индивидуал эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда кўрсатиладиган анъанавий хизматларга “хизмат кўрсатиш хусусиятлари”ни қўшиб, охирги фойдаланувчининг нархини пасайтирадиган қўшимча фазилатларга эга. Шундай қилиб, универсал рақамлаштиришни жорий этиш иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида максимал мувофиқлаштиришга эришиш, харажатларни камайтириш ва институционал

[21] https://www.tadviser.ru/index.php/IDC_(International_Data_Corporation)

муҳитни ташкил этишнинг анъанавий форматларида мавжуд бўлган хавфларни минималлаштириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gartner: Global IT services market to grow 7,9 % [Electronic resource] // TechTarget.URL:https://searchitchannel.techtarget.com/news/252512323/Gartner-Global-ITservices-market-to-grow-79. 3.
2. Головенчик, Г. Г. Цифровая экономика: учеб.-метод. комплекс / Г. Г. Головенчик. – Минск: БГУ, 2020. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM). ISBN 978-985-566-847-4.
3. ДОКЛАД О ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ 2019 UNCTAD/DER/2019 (Overview) Организация Объединенных Наций, 2019 год www.un.org/publications.
4. https://secretmag.ru/enciklopediya/chto-takoe-industriya-4-0-obyasnyaem-prostymi-slovami.htm.
5. https://www.tadviser.ru/index.php/IDC_(International_Data_Corporation)

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TRANSPORT XIZMATLARINI RIVOJLANTRISH YO'NALISHLARI

Ulug'murodov F.F. SamISI, Raqamli iqtisodiyot kafedrasi asisstent-stajyori
Mirzaaxmedov D. SamISI, mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya: ushbu maqolada transport xizmatlarini yanada rivojlantirishda raqamli iqtisodiyotning o'rni va raqamli texnalogiyalardan foydalanish bo'yicha taklif va tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar. Raqamli iqtisodiyot, transport xizmatlari, avtomobil transport, temir yo'l transporti, havo transporti, yuk tashish transporti.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida avtotransport xizmatlari bilan ta'minlash sohasini yanada rivojlantirish, hududlarni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga erishish hamda mamlakat shahar va qishloqlarida aholi bandligi muammolarini hal etishda avtotransport xizmatlari ko'rsatishning rolini kuchaytirish, yo'lovchilar tashish xavfsizligini oshirish, atmosferaga zararli tashlamalarni qisqartirish va respublikada avtomobil transportida yo'lovchilar tashishni yanada rivojlantirish maqsadida quyidagilar belgilangan:

1. Harakatdagi tarkibni zamonaviy, qulay avtobuslar va mikroavtobuslar bilan yangilash, yo'nalishlarni oqilona tashkil etish va kengaytirish, yo'l qoplamalarini birinchi navbatda qishloq joylarda yaxshilash hisobiga aholining

avtomobillarda tashuvlarga bo‘lgan talab-ehtiyojini yanada to‘liq qondirishni ta’minlash;

2. Yo‘lovchilar tashish xavfsizligi chora-tadbirlarini kuchaytirish, yo‘nalishlar bo‘yicha harakatlanish jadvallariga qat’iy rioya etilishini ta’minlash, ko‘rsatilayotgan xizmatlarning sifat darajasini oshirish, yo‘lovchilar tashish sohasida iste’molchilar huquqlarini himoya qilish tizimini shakllantirish, yo‘lkira haqi uchun naqd pulsiz to‘lov tizimini joriy etish;

3. Avtobuslar va mikroavtobuslardan oqilona va samarali foydalanishni ta’minlash, avtomobil transporti korxonalarining moliyaviy-iqtisodiy holatini mustahkamlash;

4. Yo‘lovchilar tashishni boshqarish tizimiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan keng foydalanish.[22]

Bugungi kunda transport xizmatlarini respublikamizda quyidagi turlari shakllangan, bular jumlasiga:

- avtomobil transporti xizmatlari;
- temir yo’l transporti xizmatlari;
- quvur transporti xizmatlari;
- havo transporti xizmatlari;
- yordamchi transport faoliyati va boshqa shu kabilar kiradi.



Hududlar	Xizmatlar hajmi, mlrd. so‘m	O‘sish sur'ati, % da
Qoraqalpog‘iston Resp.	180,2	139,7
Andijon	222,4	107,3
Buxoro	226,8	114,0
Jizzax	77,5	111,6
Qashqadaryo	205,0	115,1
Navoiy	99,2	112,1
Namangan	164,7	119,4
Samarqand	325,3	114,2
Surxondaryo	125,8	110,2
Sirdaryo	48,7	106,2
Toshkent	375,5	108,7
Farg‘ona	266,5	113,5
Xorazm	151,5	109,2
Toshkent shahri	876,0	129,7

2022-yil yanvar oyidagi transport xizmatlari o’sish sur’ati % ko’rsatkichlari

[22] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 10-yanvardagi PQ-2724-son qarori

Yuqoridagi jadval ma’lumotlaridan ko’rinib turibdiki 2022-yil yanvar oyidagi transport xizmatlari o’sish sur’ati 2021-yil shu davrga nisbatan 112.4% o’sganligini ko’rishimiz mumkin.

Olib borilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, xozzirgi raqamli iqtisodiyot jadal rivojlanayotgan birr davrda raqamli texnalogiyalardan keng foydalangan holda transpors xizmatlarini yanada rivojlantirish uchun quyidagi xulosa va tavsiyalarni berib o’tamiz.

Birinchidan, barcha transport turlarini uzviy bog‘lagan holda yagona transport tizimini rivojlantirish, yirik shaharlar o‘rtasida kunlik transport qatnovlari asosida manzilga etib borish va qaytib kelish imkoniyatini ya**ratish;**

Ikkinchidan, havo transportini rivojlantirish orqali shaharlararo qatnovlarda aholi mobilligini oshirish;

Uchinchidan, hududlarda yuklar shakllanishining asosiy nuqtalarini hisobga olgan holda transport-logistika markazlari tarmog‘ini tashkil etish orqali;

To’rtinchidan, xalqaro yuk tashishlardagi transport hujjatlarini («e-Permit», «e-TIR», «e-CMR») elektron ko‘rinishga bosqichma-bosqich o‘tkazish va yuk tashish xarajatlarini 30 foizgacha kamaytirish;[23]

Beshinchidan, avia, temir yo‘l va shaharlararo, viloyatlararo avtobuslarga elektron chiptalarni sotishni nazarda tutuvchi yagona elektron portalni takomillashtirish;

Oltinchidan, transport sohasiga oid tahliliy va statistik ma’lumotlarni aks ettiruvchi elektron portal joriy qilish orqali, bizning nazarimizda respublikada transport xizmatlarini raqamlashtirish orqali juda yaxshi natijalarga erishishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 10-yanvardagi PQ-2724-son qarori// www.lex.uz

2. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan tasdiqlangan “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” 2022-yil 28-yanvar. // www.lex.uz

3. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5 oktyabrdagi ‘“Raqamli O’zbekiston - 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PF-6079-sonli Farmoni // www.lex.uz

4. www.stat.uz ma’lumotlari

[23] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan tasdiqlangan “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” 2022-yil 28-yanvar.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ БАҲОЛАШДА ИЖТИМОИЙ-СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ

Элдор Ғайбуллоев -ҚарМИИ магистранти

Аннотация. Мақолада инсон капиталини ижтимоий - синергетик ёндашув асосида баҳолаш орқали қишлоқ хўжалигида инсон капиталини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари кўрсатиб утилган.

Калит сўзлар. Инсон капитали, ижтимоий-синергетик ёндашув, қишлоқ хўжалиги, инсон омили.

Янги Ўзбекистонни барқарор тараққиётини таъминлаш ва аҳолини озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг асосий шарти, аграр соҳани модернизациялаш, техник технологик янгилаш ва диверсификациялаш ҳамда ишлаб чиқаришни инновацион “инсон капитали” билан таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида глобаллашув ва рақобат муҳитининг шаклланиши қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва сифатини оширишни, уларни таннархини пасайтиришни заруратини намоён этмоқда.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришдаги даромадлар даражаси ва тақсимоти, ижтимоий соҳага ажратмалар каби қатор иқтисодий кўрсаткичлар бевосита инсон капитали билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалигида инсон капиталини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалигида инсон капиталини баҳолаш асосида унинг самарадорлигини ошириш, қишлоқда кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш ҳамда ёш мутахассис кадрларни қишлоқ жойларида яшаши ва ишлашини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳудуларини ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлаш долзарб вазифа саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 2019 йил 23-октябрдаги ПФ 5853 сонли фармони қабул қилинди. Унда яқин истиқболда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегиясида соҳани ривожлантиришда илм фан, таьлим, ахборот ва маслаҳат хизматларини ташкил этиш, қишлоқ ҳудудларини ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш орқали инсон капиталини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эьтибор қаратилган [1].

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигидада инсон капиталини ўрганишга тизимли ёндашиш асосида ижтимоий-иқтисодий тизимда муносиб даромад ва барқарор ижтимоий мавқени таъминлайдиган инсон капиталининг ўрни, роли ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мумкин, бу эса инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш, иқтисодий фаоллик ва барча турдаги даромадларни

кўпайтиришни таъминлайдиган тизимли ечимларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Мураккаб ва кўп ўлчовли “инсон капитали” тоифасини ўрганишнинг методологик асослари сифатида тизимли ва ижтимоий-институционал ёндашувлар билан бир қаторда синергетика ва социология принципларини ягона комплексга бирлаштирган ***ижтимоий - синергетик ёндашув***[24] ҳам хизмат қилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида инсон капиталини ўрганиш учун ижтимоий-синергетик ёндашувдан фойдаланиш, бу жиҳатни ўз-ўзини ривожлантириш ҳодисаси сифатида ўрганишга ва инсон капиталини ишлаб чиқариш тизимининг фаол ўз-ўзини ривожлантириш компоненти сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Бу нафақат ўз капитали даражасини оширишга қодир, балки бутун тизимнинг шахс, уй хўжалиги, корхона, тармоқ, ҳудуд, мамлакат сифатида капиталлашув даражасини сақлаб қолиш, самарали фойдаланиш ва оширишнинг муҳим омилидир.

Тадқиқотимизда фойдалананиладиган ижтимоий-синергетик ёндашувнинг моҳияти қуйидаги концептуал қоидалар билан тавсифланиши мумкин:

Биринчидан, инсон капитали ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида ижтимоий ва табиий муҳит билан органик бирликда, улар билан биргаликда эволюцион ривожланиш динамикасида кўриб чиқилади.

Иккинчидан, синергетиканинг назарий ва методологик ҳолатларини, хусусан, механизмларини тавсифловчи очиқ чизиқли тизимлар ва диссипатив жараёнларда ўзини ўзи ташкил этиш қонунларини, ўрганилаётган ҳодисаларга экстраполяция қилиш имконияти юзага келади.

Учинчидан, ижтимоий тизимларнинг беқарор динамик ҳолатини таҳлил қилиш, қайси бир инсон капитали бўлган мувозанатсиз бифуркацияни ривожлантириш моделлари ва тегишли кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда чизиқли фикрлаш принципларига асосланади.

Тўртинчидан, эмпирик синов процедуралари социология ва иқтисодиётнинг методларидан, воситаларидан фойдаланиб, синергетик дунёқараш ва чизиқли бўлмаган фикрлаш асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истиқболли ғоялари ва гипотезалари асосида ишлаб чиқилади.

Қишлоқ инсон капитали муаммосига ижтимоий-синергетик ёндашув қишлоқнинг ижтимоий ва меҳнат соҳаларида содир бўлаётган ҳодисаларни ташхислаш ва прогнозлашда сифат жиҳатидан янги ўзгаришларни қўллашни, таҳлилнинг ўзини ўзи бошқариш механизмларини тавсифловчи кўрсаткичлар асосида амалга оширилишини англатади. Бу ерда ўлчов шкаласининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардир: тизимнинг очиқлиги ёки ёпиқлиги даражаси,

---

24 Синергетика - бу табиатдаги турли: физикавий, кимёвий, биологик, техникавий, ижтимоий ва бошқа тизимлардаги ўз-ўзини ташкил этиш жараёнларининг асосини ташкил этувчи қонуниятлар ва тамойилларни ўрганадиган илмий тадқиқотлар соҳаси

унинг барқарорлиги ёки беқарорлиги (мувозанатсизлик), чизиқли ёки ночизиқлиги, тартибли ёки тартибсизлик. Бундай ҳолда,ҳодиса ва воқеаларнинг бифуркация нуқталарига яқинлиги, тортишиш зонасида ёки унинг ташқарисида мавжудлиги, диссипатив жараёнларнинг табиати ва бошқалар ҳисобга олинади.

Бундай кўрсаткичлардан фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ёки ҳодисаларни ташхислашда ягона ҳудудни ва умуман мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш учун етарли имкониятга эга бўлган материални кўрсатишга имкон беради. Бироқ, шу билан бирга, уни талқин қилиш учун тегишли усулларни топиш муаммоси юзага чиқади. Баъзи ҳолларда мураккаб ва носоғлом бўлмаган тизимларнинг ишлашини чизиқли бўлмаган математик моделларидан фойдаланиш тавсия этилади, бу ерда жараёнларни инвариант-гуруҳ ечимларини таъминлайдиган тенгламалар билан тавсифлаш мумкин.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий жараёнларни баҳолаш ва прогноз қилишнинг анъанавий усулларидан воз кечишни англатмайди. Ушбу ёндашувнинг асосий мақсади ижтимоий ҳодисаларни ички ташкил этиш қонунларини, атроф-муҳит билан фаол ўзаро таъсир ва алмашиниш шароитида уларнинг таркибини қайта қуриш билан боғлиқ кооператив таъсирларни тушунишдир.

Синергетик ёндашув табиий билишнинг иккита асосий принципига - биринчидан, инвариантлик (консервация) принципига ва иккинчидан, динамик тизимларнинг фазовий ҳажмини “кенгайтириш – сиқиш” принципига асосланади.

Фазалар ҳажмининг сиқиш хусусиятлари табиий ҳодисалар ўртасидаги фундаментал муносабатларга асосланади, улар эквивалентлик ёки компенсация принципи деб номланади. Ушбу принципнинг моҳияти шундаки, бир миқдорнинг ўзгариши бошқа миқдорнинг торайишига олиб келади.

Шундай қилиб, ушбу муаммонинг ечими тегишли табиат объектининг табиий хусусиятларини топиш ва максимал даражада бошқариш ҳамда ўзини ўзи бошқариш жараёнлари бирлигининг умумий объектив қонуниятлари таъсирига асосланган.

Қишлоқ хўжалигининг истиқболли ривожланишини таъминлашда, қишлоқ хўжалиги таълимида қайси йўналишда инвестицияларни йўналтириш устувор ҳисобланади, микро ва макро даражада ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда агросаноат комплексининг кадрлар тузилмасида қандай ўзгаришлар юз бериши, қишлоқда кадрлар қўнимсизлигини қайдай тартибда пасайтиришни таъминлаш мумкинлиги масалалари бугунги куннинг долзарб вазифалари саналади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, қишлоқ хўжалигини инвестициялаш орқали ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси самарадорлигини ошириш масалларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Инсон капиталининг сифат кўрсаткичларини тавсифловчи анъанавий кўрсаткич бу катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси ҳисобланади. У функционал саводхонлик деб аталадиган кўрсаткичлар билан алмаштирилади, уларнинг даражаси одатда ишлаб чиқилган методлар асосида махсус ишлаб чиқилган техникалар асосида аниқланади.

Олинган маълумотларнинг корреляцион боғлиқлигининг заифлиги, шунингдек, аҳолининг компетенцияларини ўрганишга асосланган инсон капиталининг тақдим этувчи баҳоларидан фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқотларнинг мураккаблиги ва харажатлари ушбу услубни нафақат ҳудудий жиҳатдан балки, вақт жиҳатдан ҳам кенг қўллашни чеклайди.

Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёшларда меҳнат фаолиятининг бошланиши билан уларда инсон капиталининг қиймати ошади.

Бу, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш тажрибасини тўплаш, амалий фаолиятда зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда шунга мос равишда мартаба ўсиши билан боғлиқ. Инсон капиталининг босқичма-босқич жамғарилиши 30-40 йил ичида содир бўлади. Инсон капиталининг ўсиш даври пасайиш (қиймат пасайиши) даври билан алмашади. Бу амалий компетенция ва тажрибанинг ошиши ҳисобига унинг қийматининг ўсиш суръатларидан юқори бўлган инсон капиталининг жисмоний ва маънавий эскириши тезлигининг ошиши билан боғлиқ. Характерли томони шундаки, турли тенг шароитларда меҳнат бозорида унинг эгаси бўлган инсон капиталининг бошланғич захираси қанчалик юқори бўлса, тенденциянинг алмашиниш сменаси шунчалик кечикади ва аксинча. Ўз навбатида, биз инсон капиталидаги турли хил компонентлар амортизация тезлиги ва динамикасига турлича таъсир этишини қайд этамиз. Бинобарин интеллектуал капитал жисмоний соғлиқ капиталига қараганда камроқ эскиради. Шунга кўра, турли тенг шароитларда, инсон капиталининг амортизация даражаси, шахснинг меҳнат фаолияти жараёнида қайси компонентлар кўпроқ жалб қилинишига боғлиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2019 йил 23-октябрдаги ПФ 5853 сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Миризиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24-январь. https://www.norma.uz/.

3. Shultz 37. T. Human Capital in the International Encyclopedia of the Social Sciences. — N.Y., 1968. vol.6

4. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. — М., Юнити, 2002. С. 378.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Файзиева Ширин Шодмоновна
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти доценти, и.ф.н.
Яхшиева Нигина Акром қизи,
Номозова Маржона Шерали қизи
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти 3-курс талабалари

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланиш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ахборотлашган жамият, рақамли технологиялар, Электрон ҳукумат.

Жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган иқтисодиёт - бу рақамли иқтисодиётдир. Рақамли иқтисодиётнинг инновацион ғоя эканлиги Жаҳон банки томонидан 2016 йил “Жаҳон тараққиёти ҳақида маъруза – 2016: рақамли дивидендлар” маърузасида маълум қилинган. Рақамли иқтисодиётда бошқарув жараёни - ўзаро алоқаларни бошқаришнинг компъютерли тизими бўлиб, инсониятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш борасида электрон маълумотлардан фаол фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишларни олиб боради. Рақамли иқтисодиётнинг белгилари юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон ҳужжат алмашинуви, бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви, маълумотлар электрон базалари, SRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги, корпоратив тармоқлар кабилардир. Рақамли иқтисодиётда тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта, фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

Рақамли маълумотлар қимматбаҳо иқтисодий ресурс ҳисобланса-да, у рақамли тафаккурга айланганидагина фойда келтиради. Рақамли иқтисодиёт кириб келиши билан рақамли платформалар яратиш ва тез суръатларда ўсиб бораётган рақамли маълумотларни монетизация қилиш муаммолари вужудга келмоқда. Бунда қиймат ярата олиш йўлларини, мазкур жараёнлардаги тўсиқларни бартараф этиш воситаларини аниқлаш муҳимдир. Бу қийматни яратиш ва тарқатиш салоҳиятини, қийматни янгилаш, бошқариш ҳамда қийматни қўлга киритиш шаклларини тушуниш имконини беради. Замонавий тараққиётнинг кейинги истиқболида катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш

технологиялари (Big Data), сунъий интеллект, нейротехнологиялар, квант технологиялари, буюмлар интернети, робототехника ва сенсорика, рақамли электрон платформалар, булутли ва мобил технологиялар, виртуал ва қўшимча реаллик технологиялари, краудсорсинг, блокчейн технологиялари, криптовалюталар, 3Д-технологиялари сингари рақамли технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 13 февраль куни ахборот технологияларини ривожлантиришга бағишланган тадбирда келтирган статистик маълумотларига мувофиқ АҚШда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2 фоиздан ҳам ошмайди[2].

Дунё ҳамжамиятида рўй бераётган бундай жадал ўзгаришлар ва рақобатнинг кескинлашуви жараёнида инновациялар ва рақамли технологияларни кенг жорий этмасдан туриб, яқин ва узоқ келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, унинг рақобатдошлигини таъминлай олмаслигимиз айни ҳақиқат бўлиб, бу эса, ўз навбатида, илмий ва амалий ҳаракатларни кучайтиришни талаб этади. Бу борада, сўнгги йилларда миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар доирасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли Қарори қабул қилиниши рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади маъмурий тартиб ва таомиллардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуш сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган.

Мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида изчил чоралар кўрилмоқда. 2018 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш

имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш мақсадида асосий вазифалар белгилаб берилди. [4]

2019 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4321-сонли Қарори эълон қилинди. Қарорда рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларини изчил амалга оширишнинг муҳим вазифалари белгилаб берилди. [3]

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсоният тараққиётининг ҳозирги даври ва яқин истиқболида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг сифат жиҳатдан ривожланиши рақамли технологияларни кенг жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг истиқболи ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланиши ва рақамли технологияларнинг қамров даражасига таянади. Бунга эришиш учун рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг институционал муҳит ва рақамли инфратузилмани яратиш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш каби асосий шартлари ва устувор йўналишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “‘Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони // www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 13 февралдаги ахборот технологияларини ривожлантиришга бағишланган тадбирдаги маърузаси // www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги “Рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4321-сонли Қарори // www.lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли Қарори // www.lex.uz

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Тўраев Абдувоҳид Қўлдошевич
СамИСИ, “Рақамли иқтисодиёт”
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада бандликни таъминлашга таъсир қилувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан фикр мулоҳазалар келтирилган. Бундан ташқари бандликни таъминлашга таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бандлик, омиллар таъсири, меҳнат аҳли, меҳнат лаёқати.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бормоқда. Зеро, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳаётини яхшилаш тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш борасида изчил давлат сиёсати амалга ошириб келинмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозорини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсири катта, чунки кичик тадбиркорлик янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини, бозорни турли-туман товар ва хизматлар билан тўлдириб келмоқда.

Бундан ташқари, кичик корхоналар бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни дарров илғаб, инвестицион жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб, янги технологиялар базасида иш ўринлари ташкил этиб, ишчи кучининг сифат ва малака даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятлар томонидан барча ҳудудларда, айниқса, олис ва бориш қийин ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманларда банк хизмати турларини кенгроқ тарғиб қилиш, шунингдек ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳа ташаббускорларига яқиндан амалий ёрдам бериш мақсадида аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларга мувофиқ яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитлари юзасидан жойларда

манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиб борилмоқда.

Мамлакатда иш билан бандлик таркибини ўзгартириш зарурати пайдо бўлса, иқтисодиётнинг ҳам таркибини ўзгартириш зарур бўлади, ёки акси – иқтисодиётнинг тармоқ ёки ҳар қандай бошқа тузилишининг ўзгариши мос равишда ишчи кучининг ҳам таркибий жиҳатдан ўзгаришига олиб келади.

Аҳолининг ҳудудий таркиби эса, маълум маънода иқтисодиёт таркибини белгилаши мумкин. Айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудлар меҳнат сиғими катта бўлган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун жуда қулай келади.

Юқорида билдирилган фикрлар иш билан банд аҳоли таркибини ўрганишнинг услубий жиҳатлари бўйича муҳим хулоса чиқаришга имконият беради. Яъни, аҳолининг иш билан бандлик таркибини ўрганиш методологик ва амалий жиҳатдан давлат аҳамиятига эга бўлган жуда муҳим масаладир, чунки иш билан бандлик таркиби давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятидан дарак беради ва бутун дунё бозор муносабатларида тутган ўрнини кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, ишчи кучи ҳолатини яхшилаш учун статистик услубиётнинг барча механизмларидан фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Иш билан аҳоли таркибини яхшилашнинг ҳар қандай мақсад ва вазифасини ҳал қилиш олдин унга таъсир этувчи устувор омилларнинг таъсир даражасидан фойдалана билишни тақозо қилади.

Биринчидан, меҳнат ресурслари меҳнатга қобилиятли аҳоли ва иш билан банд аҳоли такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбаидир. Бу эса, меҳнат ресурслари ўсиш суръатларининг ҳудуд учун муҳим бўлган меъёрлардан камайиб кетмаслигини назорат қилиш ва тартибга солиш объектив лозимлигини билдиради.

Агар ҳудудда меҳнат ресурсларининг бетўхтов юқори суръатларда ўсиши давом этаётган бўлса, ҳисобот даврида бундай ўсишнинг қандай омиллар ҳисобига рўй бераётганини аниқлаш муҳим. Чунки, сабаблар маълум бўлгандагина, иш билан таъминлаш тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ҳудудда меҳнат ресурслари ўсишининг асосий сабаби демографик омиллар билан боғлиқ бўлса – у ҳолда иш жойлари ташкил қилиш, ҳудуднинг олдиндан белгиланган ривожланиш дастурлари асосида анъанавий тадбирлар орқали амалга оширилиши мумкин. Бироқ, меҳнат ресурслари ўсишининг асосий омили миграция ҳисобига бўлаётган бўлса, у ҳолда кўчиб келган аҳоли ва ҳудуд манфаатларини биргаликда мослаштириш тадбирлари кўзда тутилади.

Шу билан бирга, миграция туфайли ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг сифат таркиби мувозанатга келиб мослашиши мумкинлигини ҳам назарда тутиш лозим. Бу эса, ҳудуд бюджети учун сезиларли ижобий натижа келтириши мумкин. Таҳлилнинг аҳамияти ҳам шундаки, миграция ҳудуд учун фойда келтиряптими ёки бу омилдан фойдаланмасдан келиняптими? Меҳнатга қобилиятли аҳолиси камайиб кетаётган ҳудудда эса, заруратга

қараб, меҳнат ресурсларини кўпайтириш ёки бошқа ҳудудлар балансларибилан мувофиқлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг иш билан бандлик тўғрисидаги қонунида таъкидлаб ўтилган фуқароларнинг тўлиқ самарали ва эркин тарзда касб танлаш ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш тамойилини турмуш даражасини таъминлаган ҳолда, давлат миқёсида иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг иш жойига бўлган эҳтиёжини қондириш сифатида тушунмоқ лозим.

Бозор шароитида иш билан тўлиқ банд қилишнинг ижтимоий самараси иқтисодий самарадорлик натижаси ўлароқ, ижтимоий кафолатлар билан таъминлашдан иборат бўлиши керак. Шу муносабат билан оқилона, унумли ва самарали, мақбул иш билан бандлик тушунчаси одамлар меҳнатидан фойдаланиш, унинг маълумот ва жинсига мансуб ёшдаги тузилмани, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат салоҳиятини такрор ишлаб чиқариш ва уни мамлакат ҳудудлари бўйича жойлаштириш тартибларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини шакллантириш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнлари билан уйғунлашиб кетади. Самарали иш билан банд қилиш миллий бойликни тўлаш имкониятларига ва унинг миқдорига ҳамда жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигига эга бўлган ҳолда моддий ва молиявий ресурсларнинг қолган турларини ҳаракатга келтиришни кўзда тутади. Мақбул иш билан банд қилиш иқтисодий ва ижтимоий натижаларни баҳолашга кўра такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг кўплаб вариантларидан энг қулайини танлаш билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда иш билан бандлик тизимининг таркибий элементларини, улар ўртасидаги алоқаларни, уларни тартибга солиш вазифалари ва механиқмларини назарий жиҳатдан тушуниб етиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳолбуки иш билан бандликни тартибга солишга доир олиб борилаётган амалий ишлар ҳозирча тартибга солинган аниқ методологик тасаввурга эга эмас. Тартибга солиш объектини белгилаш асосан республика иш билан бандлик хизмати ваколатларини чегаралаш билан боғлиқ бўлиб келгани туфайли тартибга солиш соҳаси асоссиз равишда чегаралаб қўйилди.

Аҳолини иш билан банд қилишни тартибга солиш масалаларини ҳал этишда меҳнат бозорининг ўзбекча модели ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Бу ишловчиларни ўзаро қўллаб-қувватлашнинг анъанавий усули, яъни, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва секторлари бозорига турлича тезликда ҳаракат қилиш, айрим регионларда, шаҳарлар ва қишлоқ жойларда бозор муносабатларига ўтиш бир маромда эмаслиги каби сифатлар билан боғлиқ коллективизмнинг энг юқори даражасидаги кўринишидир.

Меҳнат ресурсларининг бандлигига таъсир этувчи ташқи омиллар – сиёсий, иқтисодий, технологик ва ижтимоий омиллардан; ички омиллар - бандликни бошқариш бўйича давлат тузилмаларининг хусусиятлари, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг хусусиятлари ҳамда меҳнат ресурсларининг

малакасини ошириш, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

Айтиш жоизки, доимий иш жойига эҳтиёжмандларнинг катта қисми Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ва ижтимоий дастурлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини ҳудудлар миқёсида ҳал этишга қаратилаётир. Мисол учун, меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, ҳар йили иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир дастур қабул қилинаяпти. У иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларни ривожлантириш дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилаётгани туфайли янги иш жойларининг салмоқли қисми қишлоқ жойларида яратилаётир.



1-расм. Ўзбекистонда банд аҳоли сонининг ўзгариш кўрсаткичлари, минг киши[25]

Бунда янги объектлар, асосан, меҳнат ресурслари кўп бўлган ҳудудларда фойдаланишга топширилаётгани, саноат корхоналари модернизация қилиниб, қўшимча қувватлар ишга солинаётгани, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини тараққий эттириш, инфратузилма, коммуникация ҳамда уй-жой объектлари қурилиши кўламини ошириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш чоратадбирларининг рўёбга чиқарилиши ҳисобидан минг-минглаб иш жойлари пайдо бўлаяпти.

Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар кўлами 2017 – 2021 йилларда ҳам жадал давом эттирилиб, умумий қиймати 40 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 649 та инвестициявий лойиҳа қамраб олинган тармоқ дастурларини ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги

[25] Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ортади.

Бу аҳолини, айниқса, ёш мутахассислар бандлигини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш учун катта имкониятдир. Фақат таълим муассасалари, шу жумладан, касбҳунар коллежларини оқилона жойлаштириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлаш лозим. Аммо давлатимиз раҳбари куйинчаклик билан айтганидек, "Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга -жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда".

Чиндан ҳам, ҳамма олий таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарларини қайси соҳага қанча мутахассис кераклиги бўйича тўлиқ маълумотга эга, деб айтолмаймиз. Аслида соҳада учраётган бу каби салбий ҳолатларни ечиш унчалик мураккаб эмас. Масалан, Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, ҳар бир соҳанинг яқин беш йилга мўлжалланган истиқболли режалари ишлаб чиқилиб, унда қайси йўналиш бўйича қанча янги иш жойлари барпо қилиниши, қайси мутахассис ва касб эгаларига эҳтиёж сезилиши қамраб олинса, кифоя.

Шу билан бирга, тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда "Янги иш жойларини барпо этиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмий хисоботга киритиш тартиблари"ни ишлаб чиқиш вақти келди. Бу жараённи тасодифан эмас, балки меъёрийҳуқуқий ва молиявий талаблар асосида олиб боришни ташкил этиш зарур. Яъни фуқароларнинг ҳар бир меҳнат жойи паспорти рўйхатга олиниши, махсус шаклдаги акт билан қабул қилинишини амалиётга жорий этиш керак.

Меҳнат бозорида фаол ҳамда аниқ мақсадга қаратилган шу каби чора-тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлаш, реал даромадларини ошириш, пировардида ҳаёт даражасини юксалтиришга мустаҳкам пойдевор яратади. Бинобарин, аҳолини иш билан таъминлаш мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. "Хизматлар соҳаси иқтисодиёти" Ўқув қўлланма. – Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2014. 384б.

2. Крежев В.Н. Сфера обслуживания при социализме. М.: 1966. – с.131.

3. Мухаммедов М. ва бошқалар "Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари"- С.: Зарафшон 2017.-299 б.

4. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Очилов И.С. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2014. – 384 б.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Умурзакова Дилноза Эгамбердиевна
“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети мустақил тадқиқотчиси
+9998939973050

Аннотация: Ушбу мақолада муаллифнинг мактабгача таълим муассасалари ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари бўйича мамлакатимиз мактабгача таълим хизматларини шакллантириш ва ривожлантиришда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, мактабгача таълим хизматларини ҳозирги ҳолати, истиқболлари ва уни такомилаштиришга қаратилган фикрлари келтирилган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим муассасалари, мактабгача таълим хизматлари, хизмат кўрсатиш, таълим хизмати, ривожлантириш, ислоҳот, инновация, такомиллаштириш, самарадорлик, хориж тажрибаси.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Назарий билимлардан бизга маълумки давлат иқтисодиётини ривожлантириш, ривожланган мамлакатлар қаторига кириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш таълим тизимига қаратилган эътибор орқали эришилади. Таълим тизимини самарадорлигини оширувчи таълим бу мактабгача таълим хизматлари ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотлар ҳозирги даврда ўзининг натижасини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида 10000 тадан зиёд мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Уларда 3-6 ёшгача бўлган болаларни қамраб олиш даражаси 61 фоизини ташкил этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев тамонидан “...мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”[26] керак деб таъкидлаганликлари мактабгача таълим тизимига болаларни қамраб олиш даражасини янада ошириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, 3-6 ёшли болалар таълим-тарбиясига алоҳида этибор қаратишни, мактабгача таълим хизматларини рақамлаштириш, мактабгача таълим соҳаси фаолиятини хусусийлаштириш ва давлат хусусий шерикчилик дастурлари доирасида фаолиятини амалиётга жорий этиш ҳамда давлатимиз ривожи учун муносиб ҳисса қўшадиган “Ватанпарвар” инсонларни тарбиялашни тақозо этмоқда.

[26] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-4312-сон Қарори. Тошкент ш., 2019 йил 8 май. www.lex.uz

Ушбу стратегик мақсадларни амалга ошириш учун давлатимиз тамонидан “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га мувофиқ ҳар бир шаҳар ва туман кесимида МТМлар сони, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш бўйича 2021 йилда янги боғчалар очилди, давлат-хусусий шериклик асосида ҳамда чекка ҳудудлар учун долзарб бўлган мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини ташкил этиш ҳисобига улардаги тарбиячиларни қамраб олиш 56,8 фоизгача ўсиш тенденциясига эришди. 2030 йилда эса бу рақамни 132,3 фоизга етказиш кутилмоқда. Айни шу даврда болаларнинг МТМларга қамраб олиш кўрсаткичини 62,8 фоизгача ошириш кўзда тутилган.

Хусусан, “Finance Inquirer” нашри “RGCA” халқаро тадқиқоти натижалари ва “UNICEF”, Жаҳон банки ва “OECD” маълумотларига таяниб, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш бўйича энг яхши динамикага эга бўлган дунёдаги энг пешқадам 10 та давлатни эълон қилди. Давлатимиз раҳбарияти тамонидан олиб борилган оқилона ислоҳотлар сабабли мамлакатимиз жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллади (1-расм).

#	Мамлакат	2018 / 2019	2019 / 2020	2018 / 2020
1	Ўзбекистон	46 %	9 %	59 %
2	Тожикистон	33 %	0 %	33 %
3	Беларус	5 %	2 %	7 %
4	Финляндия	3 %	4 %	7 %
5	Қозоғистон	4 %	0 %	4 %
6	Литва	2 %	2 %	4 %
7	Туркия	1 %	3 %	4 %
8	Швейцария	0 %	2 %	2 %
9	Полша	3 %	-1 %	2 %
10	Озарбайжон	7 %	-5 %	1 %
15	Россия Федерацияси	0 %	0 %	0 %
42	Буюк Британия	0 %	-28 %	-28 %
43	АҚШ	0 %	-35 %	-35 %
44	Австралия	-3 %	-34 %	-36 %
45	Янги Зеландия	-5 %	-34 %	-37 %
46	Ирландия	0 %	-39 %	-39 %

1-расм. Болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиниши динамикаси бўйича жаҳон рейтинги[27]

Ҳисобот 2018-йилдан 2020-йилгача бўлган даврни ўз ичига олган мактабгача таълимнинг узоқ муддатли тенденцияларининг умумий кўринишини ўз ичига олади. Келтирилган маълумотларга кўра, аксарият ҳудудларда мактабгача таълим билан боғлиқ вазият тўхтаб қолган ёки салбий ўсиш зонасига ўтган, бир қатор мамлакатларда эса таъсирчан ўсиш кузатилмоқда. Энг ёрқин мисол Ўзбекистон бўлиб, у ерда 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишнинг ўсиш динамикаси кўриб чиқилаётган даврда 59 фоизни ташкил этди.

Қайд этилишича, ҳозирда МТМларда ишловчи педагогларнинг 31 фоизигина олий маълумотли[28]. Бу оғриқли муаммо ечими устида ҳам жиддий

[27] https://mpe.uz/post-detail/posts/news/2301

ишлар амалга оширилмоқда ва оширилиб келинмоқда. Жумладан, вазирлик таклифига асосан давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”[29]ги Қарорида мактабгача таълим муассасаларига зарур кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Унга мувофиқ, айни мақсадда бакалавр босқичининг кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларига жами 6400 дан зиёд квота ажратилган.

Мактабгача таълим хизматлари самарадорлигини ошириш учун фақат кадрлар тайёрлаш билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун малакали педагоглар сонини кўпайтириш, шунингдек, ходимларни саралаш, тайёрлаш ва малакасини оширишга янги ёндашувларни татбиқ этиш ишларини амалга ошириш лозим. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида (МТМ) болаларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тадбиркорларнинг “аутсорсинг” асосида хизмат кўрсатиш тизими жорий этиш лозим. Бу усул МТМ мудиралари ва тарбиячиларга асосий диққатини болаларнинг таълим-тарбиясига қаратишга олиб келиб, натижада хизмат самараси юксалишига эришиш мумкин.

Фикримизча, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида олиб борилаётган қурилиш ишлари натижасида янги қурилаётган уйлар атрофида МТМга бўлган эҳтиёж янада ошиб бормоқда. Айни вақтда ҳудудлардаги 1200 дан зиёд маҳаллада мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш зарурати мавжуд. бу масала босқичма-босқич ҳал этиш ўринлидир.

Юқоридаги келтирилган фикрларга таяниб қуйидаги хулоса ва тавсияларга келишимиз мумкин:

- мактабгача таълим соҳаси фаолияти, таълим-тарбия жараёни, соҳани қўллаб-қувватлашнинг қонунчилик базани такомиллаштириш;
- мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия бериш жараёнига миллий усулда ёндашган ҳолатда тарбияланувчиларга интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун таълим-тарбия бериш жараёни учун шароитлар яратиш;
- мавжуд давлат мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан хусусий шерикка нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил қилиш учун ер участкаларини ёки мавжуд давлат таълим ташкилотлари бинолар, техника-технологияларни

---

[28] M.Q.Aytbaevaning “Maktabgacha ta’lim tashkilotlarini jihozlash: muammo va yechim” Applied Sciences and Education Hosted from Berlin, Germany. https://conferencea.org August 30th 2022

[29] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” ПҚ-4359-сон. Тошкент ш., 2019 йил 17 июнь. www.lex.uz

бепул асосида бериш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш мақсадида рақамли технологияларни жалб қилиш;

- ривожланган хориж мамлакатлар мактабгача таълим хизматларидан хулоса қилган ҳолатда МТМларни моддий техник базасини янгилаш, замонавий таълим-тарбия усулларида таълим бериш жараёнларини ташкил этиш, МТМларда икки ёшгача бўлган тарбияланувчилар учун махсус тарбия бериш курсларини шакллантириш ҳамда тарбия олувчиларга уларнинг қизиқиш доирасидан келиб чиқиб комил инсон сифатида шаккланишида таълим-тарбия беришни шакллантириш;

Ушбу таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиши орқали мамлакатимиз ривожланиши учун хизмат қиладиган ватанпарвар инсонларни етишиб чиқиши, янги иш ўринларини яратиши ҳамда боболаримиздек буюк инсонларни шаклланишида муҳим ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-4312-сон Қарори. Тошкент ш., 2019 йил 8 май. www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” ПҚ-4359-сон. Тошкент ш., 2019 йил 17 июнь. www.lex.uz

3. M.Q.Aytbaevaning “Maktabgacha ta’lim tashkilotlarini jihozlash: muammo va yechim” Applied Sciences and Education Hosted from Berlin, Germany. https://conferencea.org August 30th 2022 https://mpe.uz/post-detail/posts/news/2301

РЕСПУБЛИКАДА АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЛАСТЕРЛАШ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.С.Шералиев-СамИСИ, “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Республикада агросервисни ривожлантиришда кластерларнинг ролини ошириш зарурати пайдо бўлади. Мазкур мақолада агросервисни кластерлаш асосида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари илмий асосланган.

Таянч иборалар: агросервис; кластер; кластерлаш асослари, агросервисда талаб ва таклиф; рақобат муҳити, нарх асосида бозорни тартибга солиш.

Ўзбекистонда ҳудудий агросервис кластерини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим иқтисодий масала ҳисобланади. Мазкур муаммоли жараён комплексли характерга эга бўлиб, кластерлаштиришда инвестицияларга оид, солиқларга оид механизмларини ўзида қамраб олиб, молиявий ва таълим тизимининг ҳамкорлигида ижтимоий масалаларни ҳал қилувчи механизмлардан иборат бўлади. “Кластер” назариясининг намоёндаларидан бири, А.Маршалнинг фикрича, алоҳида ҳудудларда ихтисослашган тармоқ ва соҳаларнинг уйғунлашуви тўғрисидаги фикри бир қанча кучларнинг бирлашишига асос бўлиб ҳисобланади. Унинг илмий хулосалари бўйича ихтисослашган фаолият юритувчи субъектларнинг ҳудудий уйғунлашуви малакавий меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, таъминотчи ва қўшимча соҳаларнинг ўсиши ҳамда ҳар хил фирмаларни ишлаб чиқариш жараёнининг турли бўғинларига ихтисослашувининг мавжудлигига асосланган. М.Портер ҳам корхонанинг рақобат курашидаги муваффақияти унинг ҳамкорлари ва истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларининг ривожланишига боғлиқ эканлигини қайд этган. Мамлакат ва ҳудудлар рақобатбардошлигини ривожлантиришга кластер назариясини татбиқ этиш ғоясининг асосчиси Майкл Портер фикрига кўра, “кластер” – жуғрофик нуқтаи назардан қўшни бўлган, ўзаро боғлиқ компаниялар (ишлаб чиқарувчилар, маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқалар) ҳамда уларга алоқадор хизматларни кўрсатиб, маълум соҳада фаолият юритувчи ташкилотлар (таълим муассасалари, давлат бошқарув идоралари, инфратузилмавий компаниялар) гуруҳидир. Ёки “кластер” – ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг ўсишига имкониятлар яратувчи, ўзаро чамбарчас боғланган тармоқлар ягона технологик занжирини ташкил этувчи ҳамжамиятлардир[30].

Республикамизда кластерни шакллантириш ва ривожлантириш молиявий механизми кластерли ташаббусларни амалга оширишни молиялаштириш тартиби ва манбааларини аниқлаб берувчи мураккаб жараёнларни қамраб олган ҳамда ушбу ҳолат қуйидаги иқтисодий шарт-шароитлар билан яратиш билан асосланади, жумладан:

- агросервис кластерлар доирасида йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда талабнинг вужудга келтиради;

- кластер субъектларининг турли хил ташкилий ҳуқуқий шакллардаги ташкилотлар, маъмурий органларда молиялаштириш жараёнларини тизимли ташкил этишни тақозо этади;

- таклиф этиладиган агросервис кластерли ташаббуслар узоқ муддатдаги ўз-ўзини қоплаш хусусиятига эгалиги билан характерланади;

- ҳудудда ягона бир мақсад сари юқори даромадни, ҳамда ялпи ҳудудий махсулотни оширишга эришилади ва ҳ.к.

[30]М.Портер. Конкуренция. – М.: издательский дом “Вильямс”. 2011.

Агросервис кластерини шакллантириш ва ривожлантиришнинг энг муҳим шарти зарурий инвестицияларни жалб этиш ҳисобланиб, у бир неча усуллардан иборат бўлади. Уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: тўғридан тўғри давлат бюджетидан молиялаштириш; давлат томонидан тартибга солишнинг турли хил меъёрий-ҳуқуқий, иқтисодий дастакларидан фойдаланган тарздаги молиялаштириш; молиялаштиришнинг давлат бюджетидан ташқари манбаалари; кластер субъектлари аъзоларининг бирлаштирилган маблағлари асосида ташкил этилган "Жамоат фонди" орқали молиялаштириш; кластер аъзосининг алоҳида шахсий маблағлари асосида молиялаштириш; чет эл иштирокчи корхоналари ёки фуқаролари валюталари орқали инвестициялар киритиш.

Таъкидлаш жоизки, маълум бир худудда агросервис кластернинг ташкил этилиши самарали ривожланиши, авваломбор, инвестицияларни жалб қилиш ва фойдаланишнинг барқарор механизмларининг амал қилишига боғлиқдир.

Кластер тўғрисида назариялар эволюциясини умумлаштириб, унинг икки хил тавсифини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчиси, кластерга уйғунлашган корхона ва фирмалар фаолияти аниқ бир хил турдаги товарлар бозори билан боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқлик вертикал (харид ва сотиш занжири) ва горизонтал (қўшимча бўлимлар ва хизматлар, шунга кетадиган махсус сарфлар, технологиялар ёки институтлар ва бошқа алоқалардан фойдаланиш).

Иккинчиси, кластерлар географик яқин жойлашган ўзаро боғлиқликдаги корхоналар гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларни барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликнинг ривожланиши, кўпроқ қўшимча қийматни яратишига ва бозорда сотилишига имкониятлар яратишдир.

Президентимизнинг **"Қишлоқ хўжалигини ва унинг махсулотларини ривожлантирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди"** деган сўзлари ижросини таъминлаш Республикада кластер тизимини жорий этиш асосида амалга оширилмоқда.

Кластер тўғрисидаги назариялар ва амалий тажрибаларни умумлаштириб, унга қуйидагича таъриф берилган: "Кластер – бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган аграр, саноат ва бошқа издош корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда аграр саноат соҳаларида ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, фан-техника янгиликларини, инновацион ғояларни, янги техника ва технологияларни амалиётга жадал жорий этиб, меҳнат унумдорлигини, қўшимча маҳсулот яратишни ошириш имконини берувчи хўжалик тизимидир"[31]. Кластер тизими Республикамизда дастлаб пахтачиликда ташкил этилган бўлса, бу хўжаликда пахта хомашёси ўзлари томонидан етиштирилиб, қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспертбоп товарга айлантириш кўзда тутилган бўлса.Бу

[31] Ш.Шодмонов, М.Рахматов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.Т. "Замин нашр"-856. 442-бет

йўналишда кластер хўжалиги турли олимлар ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ходимлари салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади.

Айрим кузатув ва ўрганишлар кўрсатадики, жаҳондаги йирик инновацион марказларнинг шаклланиши ва ривожи ўзига хос бўлиб, ҳар бири бетакрор тарихга эга. Уларнинг фаолияти иш юритишга ёндашуви, ходимларнинг билим даражаси, ишлаб чиқариш ҳолати, давлат сиёсати, фан ва таълим муассасалари салоҳияти, ишчи кучи омили каби қатор омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Шундай экан тобора жадаллашиб, шаффофлашиб бораётган ҳозирги даврда "кластер хўжалиги" инновацияларни янада кенгроқ ўзлаштиришга интилмоқда. Бунинг учун ҳар хил, жумладан, давлат тадқиқот ташкилотлари, илмий муассасалари, мижозлар ва таъминотчилар билан ҳам ишламоқда. Инновацион соҳада ҳамкорлик бу инновацион жараёнларни кучайтирувчи, уйғунлашган, фаол инновацион муҳитни шакллантирувчи, стратегик шериклар ва таъминотчилар ўзаро тажриба алмашинувини ҳамда юксалиши ва янгиланишини таъминлайди.

Кластер хўжалигини шакллантириш йўналишида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги "Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2978 сонли қарори ва унда юклатилган вазифаларга жавобан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи тизим яратиш кўзда тутилган. Бу албатта Республикамизда ўз самарасини берди ва энг муҳим агросервис ҳудудий кластерини шакллантиришга асос яратди.

Агросервис бўйича ҳудудда кластерни шакллантириш жараёни бир неча босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Дунё миқёсида мавжуд назараий, амалий ва услубий ёндашувларни чуқур тадқиқ этган ҳолда, биз республикамиз ҳудудларида ҳудудий агросервис кластерни шакллантириш қуйидагича босқичларни таклиф этмоқчимиз (1-расм).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маълум бир ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ҳамда алоҳида кластерни шакллантириш ва режалаштириш стратегиясини муваффақиятли амалга оширилиши ва самарали натижаларга эришилиши учун уларни ўзаро уйғун равишда рўёбга чиқиш лозим.

Ҳудудий стратегияни ишлаб чиқишда, энг аввало, ҳудудда мавжуд ривожланиш нуқталарини аниқлаш ҳамда турли хил манфаатдор гуруҳларнинг ушбу нуқталар доирасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиги ва ривожланиши учун қандай вазифаларни амалга ошириши мумкинлигига эътибор қаратиш лозим. Ўз навбатида, истиқболли ҳудудий кластерларни аниқлаш ҳамда уни ривожлантиришни режалаштиришда ҳудудий стратегия йўналишлари инобатга олиниши лозим.

Самарқанд вилояти ҳудудий агросервис кластери тузилмаси



Ҳудудий агросервис кластери ташкилий тузилмаси

Хулоса сифатида Тадқиқот ишида таклиф этилаётган Самарқанд вилоятида агросервис худудий кластери иқтисодий асосланган ривожланиш бўйича қуйидаги иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятини яратади:

- аграр соҳада кластер кенгашига бирлашган ҳамкор ташкилот, корхоналарни юқори даромад (фойда) олиш имконияти яратилади.

- кластер асосида барча иқтисодий, молиявий, меҳнат ресурсларини ягона бир мақсад сари бирлаштириш имкониятини вужудга келтиради.

- аграр соҳада янги ғоя, фикр илмий ишланмаларни ярата оладиган соҳанинг йирик олимларини, мутахассисларини ўзида бирлаштирган илмий тадқиқот муассасалари ОЎЮларининг ягона илмий уюшмасини яратади. Натижада соҳада юқори самарадорликка эришилади.

- кластерга асосланган интеграция ва кооперация бўйича янги замонавий технологияларни жалб этиш, соҳани рақамлаштиришга асосланган сифатли агросервис хисобига аграр соҳа самарадорлигини оширишга эришилади.

- Давлат томонидан ишлаб чиқилган механизмларни кластер хисобига ҳаракатга келлтирувчи агросервисни 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси асоси асосида соҳада иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

- агросервисни истеъмол қилувчи субъектлар ва агросервисни амалга оширувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тизимли шакллантириш натижасида аграр соҳа эҳтиёжига асосланган юқори самарадорликка эришилади.

- минтақада ташкил этилган агросервис ҳудудий кластер фаолиятининг самарали натижалари хисобига алоҳида олинган ҳудудда ялпи худудий махсулот хажмининг тизимли ошишига эришилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ПФ-60 сон фармони 2022 йил 28 январ.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг ПҚ-2978 сонли қарори “Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 19 май.

3. М.Портер. Конкуренция. – М.: издательский дом “Вильямс”. 2011.

4. Ш.Шодмонов, М.Рахматов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.Т. “Замин нашр”-856. 442-бет.

5.Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Сервис.- Самарқанд. 2009.- №1-Б.38-46.

6.Мирзаев Қ.Ж. Агросервис иқтисодиёти . Иқтисод-Молия. Тошкент 2013. –Б. 13

7.Қурбонов Ж.М. Хизмат, Хизмат кўрсатиш // Сервис. Самарқанд: Servis. 2009 йил 1-сон.

III ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ”

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси ва соҳа ходимлар даромадлари ўртасидаги таҳлил

Самиқтисодиёт ва сервис институти
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси
доценти, PhD. Исхакова С.А.

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш сохасидаги ходимларнинг ўртача иш ҳақисига таъсир этувчи омилларнинг боғлиқлиги таҳлил қилинган ва регрессия тенгламаси тузилган. Шунингдек, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги боғланишни иқтисодиёт тармоқларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиши лозимлиги асосланган.

Калит сўзлар: ЯИМ, хизмат кўрсатиш соҳаси, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи, аҳоли даромадлари, инвестиция, рақобат, рентабеллик, айланма маблағлар**.**

Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳамияти каттадир. Айниқса хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқлари жумладан таълим хизматлари, инновацион иқтисодиётни шакллантириш, инсон фаолиятининг турли йўналишларида янги юқори технологияларни жорий этиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг, инсон капиталини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида инсон капитали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг етакчи омилига айланган. Жаҳон Банкининг маълумотларига кўра, таҳлил этилган дунёнинг 192 мамлакатида жисмоний капиталга умумий бойликнинг ўртача 16 фоизи, табиий капиталга-20 фоизи, инсон капиталига эса-64 фоизи тўғри келади. Россияда эса бу нисбат - 14,72,14 фоизни ташкил этади. Германия, Япония ва Швецияда инсон капиталининг улуши 80% фоизга яқин[32].

Инсон капиталини шаклланишида таълим хизматлари алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда инсон капиталини шаклланишида алоҳида

[32] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т.: 2017, 190б.

эътибор қаратиляпти. Жумладан, мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим ва башқалари такомиллашиб янгиланиб бормоқда. Кейинги пайтларда ушбу таълим турларини инновацион ривожланиши учун бир қатор жиддий ўзгаришлар, президент қарорлари ва фармонлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори шулар жумласидандир.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда таълим соҳасини янада ривожлантириш шу соҳада банд бўлган ходимларни иш ҳақларини ошириш, моддий рағбатлантиришнинг янги усулларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилади. Халқаро тажрибалардан маълумки, ривожланган мамлакатларда олий таълим тизимига сарфланган бир АҚШ долларидан пировард натижада давлат олти АҚШ доллари миқдорида фойда олади[33].

Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш кўп жиҳатдан ушбу соҳада банд бўлган ходимларнинг меҳнатига қандай ҳақ тўланиши ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг қанчалик самарадорлигига боғлиқ.

Ушбу масалага методологик жиҳатдан ёндашишни ва мақсадга эришиш учун хизмат кўрсатиш соҳасига тааллуқли ва аҳоли даромадлари даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш муҳимдир. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун эконометрик таҳлилни амалга оширишни мақсадга мувофиқдир. Эконометрик таҳлиллар учун қуйидаги омиллар танлаб олинди:

x_1 – ЯИМ таркибида хизматларнинг хажми, (млрд сум);

x_2 - хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўртача хажми, (минг сум);

x_3 - хизмат кўрсатиш сохасида рентабеллик даражаси, (улуши %);

x_4 - фондлар қайтими (%);

x_5 - айланма маблағлар (минг сўм);

x_6 - Пуллик хизматларнинг хажми, (млрд сум) ;

x_7 - аҳоли истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг, (улуши %);

x_8 -- хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестицияларнинг улуши, %

x_9 - аҳоли даромадлари, (млрд сум) ;

x_{10} - хизмат курсатиш соҳасида меҳнат унумдорлиги, (минг сум);

y - хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимлар ўртача иш ҳақи (минг сўм).

[33] Щетинин В.П., Хроменков Н.А, Рябушкин Б.С. Экономика образования. — М.: Рос. Агенство, 1998. — С. 88-89.

Ушбу омилларнинг натижавий белги(таълим тизимида банд бўлган ходимларнинг ўртача иш ҳақи)га таъсирини аниқлаш учун корреляцион таҳлил усулларидан фойдаланилди ва қуйидаги натижаларга эришилди (1-жадвал):

1-жадвал

Хизмат курсатиш сохасидаги ходимларнинг уртача иш ҳақисига таъсир этувчи омилларнинг корреляцион боғлиқлиги

	Омиллар	**Корреляция коэффициенти**
	ЯИМ таркибида хизматларнинг ҳажми, млрд сум	0,98847
	Хизмат курсатиш корхоналарининг ўртача ҳажми, минг сум	0,98921
	Хизмат кўрсатиш соҳасида рентабеллик даражаси, %	0,98629
	Фондлар қайтими	0,85053
	айланма маблағлар, минг сўм	-0,81992
	Пуллик хизматларнинг хажми, млрд сўм	**0,99753**
	Аҳоли истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг, улуши %	0,54995
	Хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестицияларнинг улуши %	-0,95211
	Аҳоли даромадлари, млрд сўм	**0,99072**
0	**Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлиги, минг сўм**	**0,99632**

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, натижавий белгининг ошишига 6, 9 ва 10 омилларнинг таъсири катта. Қолган омилларнинг таъсири эса унча катта аҳамиятга эга эмас. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ишчи-ходимларнинг иш ҳақисига таъсир этувчи омиллар боғлиқлигининг эконометрик моделини аниқлаш учун кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлил усулидан фойдаланилди ва қуйидаги регрессия тенгламаси ишлаб чиқилди:

$$Y=770,5+0,27x_6+0,01x_9-0,65x_{10}; \qquad (1)$$

Регрессия тенгламаси орқали унда иштирок этаётган омилларнинг натижавий белгига таъсирининг муҳимлик даражаси баҳоланади. Бунга кўра, пуллик хизматлар ҳажмининг бир фоизга ошиши хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг ўртача иш ҳақи қарийб 0,27 фоизга ошишига,

шунингдек аҳоли даромадларининг бир фоизга ошиши эса хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг ўртача иш ҳақи 0,01 фоизга ошади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат унумдорлиги бир фоизга ошса хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг иш ҳақи 0,65 фоизга камаяди.

Таҳлилларимиз хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат унумдорлиги иш ҳақига тескари боғлиқликда эканлигини кўрсатди. Одатда, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд. Иқтисодчи олимлар В.Я. Горфинкеля, В.А. Швандоралар -"меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи бир-бириги тўғри пропорционал. Иш ҳақи қанчалик ошса меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик ошади [34]"- дейишган. Айрим иқтисодчи олимлар эса жумладан, Г.Э.Шлендера меҳнат унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги тўғри боғланиш корхона фойдасини камайиши ҳисобида амалга ошишини таъкидлайди[35].

Демак, бу олим бундай қарашлари билан меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасида тескари боғланиш борлигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, қоидага биноан бу икки категориялар ўртасида боғланиш тўғри бўлса, улар бирон-бир иқтисодий категорияга таъсир қилмасдан ошиб бориши лозим. Б.П.Плышевсий эса юқорида айтилган иқтисодчи олимларнинг фикрларидан фарқли равишда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги боғланишда меъёр мавжудлигини кўрсатади. У -"меҳнат унумдорлигининг 1 фоизга ўсиши, иш ҳақини 0,7-0,8 фоизга кўпайиб боришини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Агарда иш ҳақи меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатида зиёд ошса, иқтисодий ўсиш бўлмаслигини таъкидлайди"[36]. Шунингдек, иқтисодчи олим Л.С.Боровик ҳам бу борада қуйидаги фикрни билдиради:- "Иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига нисбатан ортиб бориши, пул ва товар массаси ўртасида мувозанат бузилишига олиб келади"[37].

Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги бундай мунозарали фикрларни яна кўп давоб эттириш мумкин. Бироқ бизлар улар ўртасидаги боғланиш иқтисодиёт тармоқларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиши лозим деб ҳисоблаймиз. Масалан, таълим хизматлари натижасини хизмат кўрсатилганда билиш қийин. У маълум вақтдан сўнг ўзини натижасини беради. Шу сабабли таълим хизматлари меҳнатини баҳолашда унинг меҳнат унумдорлиги эмас балки, унинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги, натижанинг сифати билан баҳоланса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Шу ўринда, шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, таълим

---

[34] Экономика предприятия: учебник для вузов/ под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А.Швандора.-М.: Юнити-ДАНА, 2014.-с10-16.

[35] Экономика труда / под.ред. Г.Э. Шлендера-М.: Юристь:2014.-с. 9-25.

[36] Б.П.Плышевсий. Соотношение динамики производительности и оплаты труда //' Вопросы статистики. № 6. 2006.

[37] Л.С.Боровик. Вазимосвязь производительности и оплаты труда: сравнительная динамика и проблемы оптимизации. Белорусский экономический журнал. 2008. № 1. С.70-79.

хизматлари иш ҳақини оширишда натижани кутиш эмас, балки натижа берилгунга қадар оширилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Горфинкеля В.Я..Швандора В.А.. Экономика предприятия: учебник для вузов..-М.: Юнити-ДАНА, 2014.-с10-16.

2. Шлендера Г.Э.Экономика труда / под.ред. -М.: Юристь:2014.-с. 9-25.

3. Плышевсий Б.П. Соотношение динамики производительности и оплаты труда //' Вопросы статистики. № 6. 2006.

4. Боровик Л.С.. Вазимосвязь производительности и оплаты труда: сравнительная динамика и проблемы оптимизации. Белорусский экономический журнал. 2008. № 1. С.70-79.

QISHLOQ JOYLARDA RAQAMLI XIZMATLARNI TASHKIL ETISH YO'LLARI

Xalimov Sh.X. SamISI Raqamli iqtisodiyot kafedrasi assistenti +998996639888

Firstmen05_07@mail.ru

Anotasiya: ushbu maqolada qishloq joylarda raqamli xizmatlarini tashkil etish imkoniyatlari tahlil qilinga va rivojlantirish bo'yicha takliflar berilgan. Shuningdek, keng ko'lamli tarkibiy o'zgarishlar va sifat jihatdan yangilanishlar qishloq xo'jaligidagi vaqt mobaynida makondagi jiddiy o'zgarishlar tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: qishloq joylari, raqamli texnologiyalar, raqamli iqtisodiyot, ximzat, raqamli xizmat, servis, qishloq xo'jaligi texnikalari, yer maydonlari.

Jaxon miqyosida globallashuv sharoitida raqamli texnologiyalarning o'rni beqiyos hisoblanadi. Rivojlangan mamlakatlarda ijtimoiy-iqtisodiy sohalarni raqamlashtirish bo'yicha ilg'or tadbirlar amalga oshirilib kelinmoqda. Bu borada Buyuk Britaniya, Germaniya, AQSH, Yaponiya, Kanada, Singapur, Janubiy Koreya va Xitoy davlatlari boshqa davlatlarga nisbatan raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha yetakchilar qatoriga kiradi. Xususan, AQSH, Buyuk Britaniya, Germaniyada YaIMda raqamli iqtisodiyotning ulushi 11 foizni, Xitoyda 10 foizni, Singapurda 6 foizni tashkil etyotgan bo'lsa mamlakatimiz bu ko'rsatgich 2-3 foizni tashkil etmoqda[38]. Xususan, bu borada mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev "Raqamli O'zbekiston-2030" Strategiyasida

[38] www.stat.com

“...aholi punktlarini internet tarmog‘iga ulash darajasi, shu jumladan keng polosali ulanish portlarini 2,5 milliongacha ko‘paytirish, 20 ming kilometr optik-tolali aloqa liniyalarini qurish va mobil aloqa tarmoqlarini rivojlantirish orqali 78 foizdan 95 foizga yetkaziladi”[39] kabi vazifalar belgilab berilgani mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga alohida e’tibor berilyotganini tasdig’i hisoblandi.

Mamlakatimizda oshirilayotgan islohotlarning samarasi davlatimiz iqtisodiyotini rivojlantirish, aholi turmush farovonligini yuksaltirish, yashash qulayliklarini yaratishga qaratilgan bo’lib, bu natijalarga erishishda qishloq joylarda raqamli xizmatlarni tashkil etish orqali samaraga erishishimiz mumkin hisoblandi. Qishloq joylarda bizga ma’lumki shahar joylarga nisbatan infratuzilma nisbatan sekin rivojlangan bo’ladi. Shu nuqtai nazardan qishloq hududlarda infratuzilmani yaxshilash, raqamli texnologiyalarni joriy etish, raqamli xizmatlarni shakllantirish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Zero, hozirgi vaqtda mamlakatimiz aholisining 49 foizi qishloq joylarda istiqomat qilishini inobatga olib islohotlarni amalga oshirishimiz mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy sohani rivojlanishida muhim omil hisoblanadi.

Qishloq joylarda raqamli xizmatlarni rivojlantirish darajasi hozirgi vaqtda rivojlangan mamlakatlar miqyosida solishtirganimizda ancha ortda qolyotganligi namayon bo’lmoqda. Xususan, Respublikada 2021-yilda qishloq, o‘rmon va baliq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmi 317,8 trln. so‘mni tashkil etib, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 104,0 foizga o‘sgan[40]bo’lib ushbu natijani yanada oshirish imkoniyati mavjuddir. Buning uchun qishloq joylarda raqamli texnologiyalarni joriy etish, raqamli xizmatlarni shakllantirish orqali erishishimiz mumkin. Shunda qishloq xo’jaligining ulushini hozirgi davrga qaraganda o’n barobar yuksaltirish imkoniyati mavjuddir.

Shu maqsadda, O‘zbekistonda “Aqlli qishloq xo‘jaligi” Konsepsiyasini jorish etilishi, natijasida samaradorligini oshishiga munosib hissa qo’shadi. Bunda ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish jarayonlarini sezilarli ravishda yuksaltirishga qaratilgan vazifa va maqsadlar belgilangan bo’lib, qishloq va shahar turmush darajasini bir-biriga yaqinlashtirish, iqtisodiyotni, ijtimoiy sohani rivojlantirishga erishish mumkin. Ammo, “Aqlli qishloq xo‘jaligi” Konsepsiyani jorish etishda quydagi muammolar ham mavjud:

- mutaxassislarni bilim tajribalarini yetarli emasligi;
- logistika infratuzlilmalarni yaxshi yo’lga qo’yilmaganligi;
- oziq –ovqat xavfsizligi yetarlicha ta’minlanmaganligi;
- texnologiyalarni chet eldan import qilinishi natijasida valyutani kata qismi chet elga chiqishi.

[39] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning “«Raqamli O‘zbekiston—2030» Strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-6079-son Farmoni. Toshkent sh., 2020 yil 5 oktabr

[40] www.stat.uz

Ushbu muammolarni bartaraf etish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo‘lidan borish imkoniyatini beradi. Zero, raqamli xizmatlar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, balki ortiqcha xarajatlarni ham kamaytiradi. Shu bilan birga, eng og‘ir illat – korrupsiya balosini yo‘qotishda ham samarali vositadir.

Yuqoridagi fikrlarga tayangan holda qishloq joylarda raqamli xizmatlarni tashkil etishda quyidagi xulosa va takliklarga kelindi:

- qishloq xo‘jaligi yerlaridan foydalanishda raqamli va geoaxborot texnologiyalarini joriy etish;
- zamonaviy kompyuter texnologiyalarini tatbiq etish orqali suv resurslarini boshqarish va undan foydalanish;
- intensiv bog‘larni tashkil etish va bog‘dorchilik mahsulotlarini yetishtirishda avtomatlashtirilgan boshqarish texnologiyalarini joriy etish;
- issiqxona xo‘jaliklarida avtomatlashtirilgan, kompyuterlashtirilgan intellektual texnologiyalarni joriy etish;
- chorvachilik va parrandachilik sohasiga avtomatlashtirilgan texnologiyalarni tatbiq etish;
- qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash jarayonlariga zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari bilan jihozlangan logistika va savdo markazlarini tashkil etish;
- qishloq xo‘jaligining barcha yo‘nalishlari uchun “Aqlli qishloq xo‘jaligi” texnologiyalari bo‘yicha malakali kadrlar tayyorlash va kadrlar malakasini oshirib borish;
- “Aqlli qishloq xo‘jaligi” texnologiyalarini joriy etishning normativ-huquqiy bazasini shakllantirish[41].

Albatta, ushbu xulosa va takliklardan qishloq joylarda raqamli xizmatlarni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko‘p mablag‘ va mehnat resurslarini talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo‘lmasin, bu ishga bugundan kirishishmiz lozim. Davlat va jamiyat boshqaruvi, ijtimoiy sohada ham raqamli xizmatlarni keng joriy etib, natijadorlikni oshirish, bir so‘z bilan aytganda, odamlar turmushini keskin yaxshilash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning “«Raqamli O‘zbekiston—2030» Strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish

[41] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning “O‘zbekiston Respublikasi agrosanoat majmui va qishloq xo‘jaligida raqamlashtirish tizimini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 749-son Qarori. Toshkent. 17.12.2020 y. www.lex.uz

chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-6079-son Farmoni. Toshkent sh., 2020 yil 5 oktabr

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning “O‘zbekiston Respublikasi agrosanoat majmui va qishloq xo‘jaligida raqamlashtirish tizimini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 749-son Qarori. Toshkent. 17.12.2020 y. www.lex.uz

3. Умаров О.С. Рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланиш тенденциялари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.

4. www.stat.com

5. www.stat.uz

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Джалилов Фахриддин Азимович**,**
ассистент, Ш.Рашидов номидаги СамДУ тел: +998 97 910 80 40.
faxriddindjalilov68@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари ўрганилган. АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари ғоялар, лойиҳалар, Японияда илмий-инновацион соҳани ривожлантириш дастурлари: илмий-тадқиқот, амалиётга жорий этиш ва тижоратлаштириш йўллари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Инновацион тадбиркорлик, инновацион ишланмалар, технологиялар, ғоялар, лойиҳалар, стандартлар, халқаро савдо, лицензиялар, патентлар экспорти ва импорт.

Ҳар бир мамлакатда ижтмоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, авваламбор, фан-техника ютуқлари, юқори техника ва технологиялар, замонавий инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларга жорий этиш билан тавсифланади ҳамда нафақат алоҳида корхоналарда рақобатбардошликни ўсишига имкон беради, балки давлатнинг бутун жаҳон миқёсидаги иқтисодий ва технологик мустақиллигини ва рақобатбардошлигини ошириш билан тавсифланади.

Иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасига назар солсак, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари ғоялар, лойиҳалар ва ижрочилар танловлари, аралаш молиялаштириш механизмлари ва хусусий капитални кенг жалб қилиш воситасида инновацион тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишга бозор механизмлари ва бозор мотивациясини шакллантирган ҳолда ўзаро мувофиқликда амалга оширмоқдалар. Бир вақтнинг ўзида мазкур давлатлар миллий устуворликларни ҳимоя қилади, давлат буюртмаларини энг яхши тарзда бажариш учун рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади. Ҳозирги кунда бу давлатлар жамиятнинг иқтисодий ҳаётига самарали таъсир кўрсатмоқда. Шундай экан, АҚШда 50 дан камроқ давлат мудофаа корхоналари қолишига қарамай, қолганлари хусусий капитал ёки аралаш мулк шаклида фаолият юритмоқда. Давлат шартнома муносабатларининг ривожланган тизими орқали ўз соҳасининг ривожланишини тўлиқ белгилайди.

АҚШда инновацион регуляторлар қуйидагилардан иборат: Америка илмий фонди, Америка илмий кенгаши, НАСА, Миллий стандартлар бюроси, Миллий соғлиқни сақлаш институтлари, Мудофаа вазирлиги, Миллий саноат тадқиқот маркази, Миллий фанлар академияси, Америка фан тараққиёти ассоциацияси. Инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфрату-зилмасининг охирги тўртта элементи аралаш молиялаштиришга эга, қолганлари – федерал бюджетдан амалга оширилади.

Япония ҳам инновацион корхоналарни, шунингдек, кичик корхоналарни ҳам фаол қўллаб-қувватламоқда. Япония жуда чекланган табиий ресурсларга эга бўлган энг қудратли иқтисодлар учлигига киради. Бироқ, бу мамлакатнинг асосий бойлиги бизнес сектори (аҳолининг 73,0 % га яқин) ҳисобланди.

Японияда илмий-инновацион соҳани ривожлантириш дастурлари: илмий-тадқиқот, амалиётга жорий этиш ва тижоратлаштиришни ишлаб чиқишда етакчи рол ташқи савдо ва саноат вазирлиги томонидан амалга оширилади. Японияда инновацияларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг боришини мониторинг қилиш ва назорат қилиш Фан ва технологиялар бошқармасига юкланган. Халқаро савдо, лицензиялар, патентлар экспорти ва импорти билан боғлиқ масалалар Япония саноат технологиялари ассоциацияси томонидан назорат қилинади. Япониянинг инновацион тизими илмий-техникавий дастурларни, шу жумладан, узоқ муддатли истиқболга минтақавий дастурларни яратишга қаратилган бўлиб, у фундаментал ва амалий тадқиқотларни рағбатлантириш механизмини ўз ичига олади, асосий эътибор нафақат йирик корпорацияларга, балки кичик компанияларга ҳам қаратилган.

Йилига 3,5 %га яқин илмий-тадқиқот тажриба конструкторлик ишларига, хусусан, фундаментал тадқиқотлар ва янги ғояларни яратишга

сарфланадиган харажатларнинг ўсиши тенденцияси шуни кўрсатадики, Япониянинг илм-фан ва инновацион сиёсатининг асоси лицензиялар, патентлар ва саноат намуналарини экспорт қилишга йўналтирилганлигидир.

Хулоса қилиб шуни айтамизки, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат бизнесни инновацион жараённинг энг муҳим ресурсларидан бири – илмий билим ва ғоялар билан таъминлаш функциясини ўз зиммасига олади. Бу функция давлатнинг умумий иқтисодий фаолиятининг бир қисми сифатида қараладиган давлат илмий сиёсатида аниқ ифодасини топган.

Инновацион ривожланишнинг энг муҳим каналларини, механизмларини кўриб чиқадиган бўлсак, Сингапур ИТ соҳаси ва бошқа соҳаларнинг ривожланганлиги бўйича етакчи ўринда туради.

Бугунги кунда Сингапур Осиёнинг Швейцарияси деб аталади.

Сингапур давлати Гарвард бизнес мактабининг намоёндаси, дунёга машҳур стратегия эгаси Майкл Портернинг тадқиқотларини амалда қўллаш орқали юқори натижаларга эришди: Сингапур ўзининг инновацион ривожланишга эътибори туфайли кичик қишлоқ хўжалиги оролидан дунёдаги энг ривожланган ва рақобатбардош мамлакатлардан бирига айланди. Шу билан биргаликда аҳоли орасида IT саводхонлигини оширишга қаратилган: АКТдан фойдаланиш имкониятини ошириш, кам даромадли аҳолида компmютерларга бўлган талабни ва аҳолининг онлайн хизматларга ишонч даражасини ошириш чора-тадбирлари кенг кўламли йўлга қўйилгани кўплаб натижаларга эришишган.

Сингапурнинг 1990-йиллардан кейинги давр учун тадқиқот ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлари инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва инновацион фаолликни оширишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтканда, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат бизнесни инновацион жараённинг энг муҳим ресурсларидан бири – илмий билим ва ғоялар билан таъминлаш функциясини ўз зиммасига олади.

Адабиётлар рўйхати

1. Инновационные перспективы США, ЕС, Японии (технологические приоритеты и методология их формирования). Отв. ред. чл.-корр. РАН А.А.Дынкин М., ИМЭМО РАН, 2004

2. Goel, K.R.; Rich, D.P. Organization of markets for science and technology // Journal of inst. a. theoretical economics = Ztschr. fur die gesamte Staatswiss. J1TE. Tubingen, 2005. Vol. 161, № 1.

3. UNCTAD World Investment Report 2010: 101 Transnational Corporations and the Internationalization of R&D // Transnational Corporations. Volume 14, Number 3, December 2010.

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Абдукахарова Севара Абдунодировна
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиѐтини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ, кичик илмий ҳодим

Аннотация. Бугунги кунда банк сектори турли янгиликларга бўлган катта иштиёқ билан ажралиб туради. Умуман олганда, сўнгги асрларда банкларнинг роли унчалик ўзгармаганига қарамай, уларнинг ўзаро муносабатлари, шу жумладан мижозлар билан ўзаро муносабатлари доимий равишда ривожланиб, модернизация қилинмоқда. Ҳаёт суръатининг тезлашиши вақт қийматини кескин оширди ва масофадан туриб кўрсатиладиган хизматларга катта талабни келтириб чиқарди. Айни пайтда, бу тизим асосан mobil ва Internet-banking ва ўз ичига олади.

Калит сўзлар: рақамли банк, интернет банкинг,мобил банкинг, мобил илова.

Банк тизимида замон талабларига мос ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва шу орқали кўплаб банк хизматларини автоматлаштириш ишлари жадаллашган. Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ килиш стратегиясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида тижорат банкларини корпоратив трансформация килиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш сохасида асосий вазифалар белгилаб олинган: масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш; автоматлаштирилган скоринг тизими, ракамли идентификациялаш ва кредит конвейерларидан кенг фойдаланиш; банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш; банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни кенг жорий этиш (финтех, ракамли банк).

Бу вазифаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад республикамизда ракамли иқтисодиётни ривожлантириш асносида

ахолининг молиявий ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги интеграциясини жадаллаштиришдан иборат. Маълумки, банкларни рақамлаштириш жараёни банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни рақамли ахборот-коммуникация технологиялари асосида барпо этиш ҳисобланади. Бу жараёнда банк мижозларига молиявий хизматлар қулай, сифатли хамда тезкор равишда амалга оширилиши, операцион харажатларни камайишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда банк тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонун ва фармонлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси жадал амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги 02.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон Президент Фармони, “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3270-сонли Президент Қарори, “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сонли Президент Фармонлари қабул қилинди[2,3,4].

Бунинг натижасида мижозлар билан ишлаш тизими ўзгармоқда, замонавий банк хизматлари турлари кўпайтирилди ва рақамлаштирилмоқда, валюта бозори либераллаштирилиши ҳисобига нақд пул билан боғлиқ муаммолар ечилди, банкоматлар инфратузилмаси ҳамда замонавий тўлов тизимларини жорий этишга шароит яратилди, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

2020 йил 5 октабрь санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳит яратиш ва истиқболли “рақамли” стартапларни ривожлантириш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, - ахборот технологиялари соҳасида янгидан иш бошлаган ва кичик корхоналарга стартап-лойиҳаларни амалга оширишда; - тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш орқали янги инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва уларни кейинчалик амалга ошириш - ташқи бозорда маҳаллий технологик ва дастурий маҳсулотларга бўлган талабни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш [1].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Президент Фармони, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Ресбубликасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” Қарори ҳам рақамли иқтисодиёт шароитида банк хизматларини масофадан кўрсатишни ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

"Необанк" атамаси (қадимги юнон тилидан – "янги") биринчи бўлиб хорижий оммавий ахборот воситаларида 2017 йилда банк хизматларини масофадан туриб тақдим этишни бошлаган банк секторидаги янги ўйинчиларнинг тавсифида пайдо бўлди. Бугунги кунда умумэътироф этилган ягона атама мавжуд эмас, шунинг учун биз "рақамли банк", "виртуал банк", "онлайн банк" ва "необанк"каби номларни топишимиз мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, рақамли банклар 2 турга бўлинади: баъзилари лицензияга эга ва дастлаб ўз бренди остида мустақил равишда ишлайди, бошқалари мавжуд анъанавий банклар билан бевосита ҳамкорлик қилади ва ушбу банкларнинг ўзига хос онлайн филиалларига айланади. Масалан, Ўзбекистонда 2020 йилда Грузияда бош офис ва тўлақонли филиалларга ега бўлган Грузия рақамли банки TBC BANK банки очилди, шунингдек ўз номига ега рақамли бўлинма, TBC BANK банки лицензияси бўлган рақамли банк сифатида жойлаштирилган.

Payments Industry Intelligence портали маълумотларига кўра, дунёда 2018 йилда 60 та рақамли банклар мавжуд эди. 2021 йил бошида рақамли муассасалар сони 319 тагача ўсди. Фақат 2019-2020 йилларда 144 та янги банк очилди. Ҳозирги кунда АҚШда 24 та, Европа Иттифоқида 100 га яқин, Хитойда 10 та, Россияда 3 та ва Қозоғистонда 1 та рақамли банк фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда 2 та рақамли банк мавжуд-бу биринчи маҳаллий рақамли банки Анорбанк, шунингдек Грузиянинг TBC рақамли банки ҳисобланади .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 09.01.2018 йилдаги ПФ-5296-сонли Фармони имзолангандан сўнг банк тизимининг хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда чакана банк ва мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган "рақамли" банклар ва банк бўлинмаларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шунга асосланиб, 2020 йилма мамлакатимизда Анкорбанк ва TBC Банк рақамли банк сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Дарҳақиқат, "рақамли банк" тушунчаси Европа мамлакатларида 2015-2020 йилларда тез ривожланди. Рақамли банклар ўз мижозларига янада қулай ва фойдали хизматларни тақдим этиш учун замонавий рақамли инновациялардан кенг фойдаланадилар.

Бугунги кунда Анорбанк ва TBC Банк ўз мижозларига мобил иловалар ёки шахсий компютерлар орқали рақамли хизматларнинг тўлиқ спектрини таклиф этмоқда. Бу шуни англатадики, рақамли банк мижозларга 24/7 банк хизматларидан фойдаланиши имкониятларини яратади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли банк тизимида мижозга мобил илова тақдим этилади ва мобил илова асосида юқори технологияли ИТ-инфратузилмага эга банк операцияларининг юқори мослашувчанлиги таъминланади.

TBC BANK Ўзбекистондаги тижорат фаолиятини 2020-йил октябрь ойида TBC BANK UZ мобил иловаси орқали чакана банк хизматларини тақдим этувчи Space innovatsion fintech платформаси асосида ишга туширилди. Рақамли банкнинг фаол саъйи-ҳаракатлари ва мижозга йўналтирилган молий хизматлар кўрсатиш бўйича 2021-йил октябр ойи TBC BANK UZ иловасининг юклаб олиниши сони 1 миллиондан ошди ва рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 820 мингга яқинни ташкил этди. Бугунги кунда TBC BANK Uzbekistan 7 та янги авлод филиаллари-" шоу-румлар " ва мамлакатимизнинг 12 та шаҳаридаги 34 та мижозларни фаоллаштириш пунктлари орқали фаолиятини олиб бормоқда. TBC BANK Uzbekistan "The Global Economics" халқаро молиявий нашрининг "Ўзбекистоннинг 2021 йилдаги энг яхши рақамли банки" мукофотига сазовор бўлди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз лозимки, глобаллашув жараёнила банкларини рақамли трансформациялаш долзарб аҳамият кабс этмоқда. Банк соҳасида замонавий рақамли ахборот технологиялари ва уларнинг дастурий таъминотларидан фойдаланиш нафақат банк хизматлари бозорида рақобат устунлигини беради, балки, маъмурий харажатларни камайтириш, меҳнат унумдордигини ошириш, ортиқча вақт сарфини камайтирилишига олиб келади. Рақамли технологияларнинг ривожланиши мижозлар учун банк филиалларига бормасдан депозитларни хавфсиз сақлаш, транзакцияларни қайта ишлаш, банк филиалларида қабул қилиш, ахборот киоскалари ва банкоматлар тармоғидан фойдаланиш, кредитлар олиш, шу жумладан истеъмол ва овердрафтлар, конверсия ва алмашинув хизматлари ва бошқаларни таклиф этмоқда.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сонли Фармони.

2. “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги 02.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон Президент Фармони.

3. “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3270-сонли Президент Қарори.

4. “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сонли Президент Фармони.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАҚАМЛИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Джалалова Дурдона Дилшадбековна
Тошкент давлат аграр университети тадқиқотчиси
Телефон: +998 94 1332221; e-mail: bk.07@bk.ru

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларга асосланган инновацион янгиликларни жорий этиш бўйича ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Япония ва Нидерландия тажрибалари ўрганилган бўлиб, ушбу тажрибаларнинг мамлакатимиз шароитига мос бўлган жиҳатларини қўллаш бўйича илмий ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, “ақлли қишлоқ хўжалиги”, қишлоқ хўжалиги, иновацион янгиликлар, мобил иловалар, имтиёзли кредитлар.

Дунёда иқтисодиётнинг ўсиш тенденцияси, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги рақобат муҳитининг шиддат билан кучайиши, мамлакатимизнинг барча жабҳалари қаторида Ўзбекистон аграр секторини ҳам илмга асосланган инновацион ривожланиш йўлидан боришини муқаррар қилиб қўймоқда. Акс ҳолда дунё бозорида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган агромаҳсулотлар рақобатбардошлигининг пасайиши оқибатида ўз мавқеини аста-секин йўқотиб бориши каби хатарлар пайдо бўлади. Шу боисдан, қишлоқ хўжалигида инновацион янгиликлар, рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича хориж тажрибаларини ҳар томонлама чуқур ўрганган ҳолда мамлакатимиз шароитига мос жиҳатларини тадбиқ этиш бўйича тавсиялар тайёрлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Статистик маълумотларга қараганда, 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг сони 9,5 млрд. кишидан ошади. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг ҳисоботига кўра дунё аҳолисини озиқ-

овқат маҳсулотларига бўлган эхтиёжини қондириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2050 йилга бориб камида 70 фоизга ошириш зарур бўлади. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, ҳайвонлар маҳсулдорлигини мунтазам ўсиб боришини талаб этади. Бу боради аграр секторга биотехнология, нанотехнология, “ақлли қишлоқ хўжалиги” элементларини ва бошқа инновацион янгиликларни жадал равишда жорий этиб бориш, бунда давлатнинг рағбатлантирувчи дастакларини максимал ишга солиш муҳим масалалардан биридир.

АҚШда қишлоқ хўжалиги фанига йўналтирилаётган давлат бюджети ҳаражатлари таркибининг тахлили шуни кўрсатадики, ўсимликчилик тармоғидаги тадқиқотлар учун 24 фоиз, чорвачиликка 12 фоиз, озиқ-овқат соҳаси бўйича тадқиқотларга 4,5 фоиз, ўғитлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотларга 12,5 фоиз маблағ йўналтирилади. Яна бир муҳим йўналиш бўлган биотехнологиялар бўйича тадқиқотлар учун давлат маблағларининг 0,9 фоизи ва 16 фоиз маблағ махсулот сотиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилади. Қолган маблағлар эса рақамли технологиялар, нано технологиялар, биокимё ва бошқа йўналишларга сарфланади[42].

Таъкидлаш жоизки, АҚШ қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича дунёда етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакат аҳолисиннг фақатгина 2 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлгани ҳолда аграр сектор самарадорлиги бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Фермерлар ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасига кўра, юқори тезликка эга бўлган интернет хизматларидан 98 фоиз фермерлар, хосилдорлик бўйича электрон хариталардан, ҳосилдорликни мониторинг қилиш тизимидан ва навигацион GPS тизимлардан 80 фоиз ва ўсимликларни вегетатив индекси таҳлили бўйича спутник маълумотларидан эса 30 фоиз фермерлар фойдаланишлари маълум бўлди. Шу тариқа, қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш борасида ҳам алоҳида давлат дастурлари қабул қилинган.

Нидерландия қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялардан, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда роботлар ҳизматидан ҳамда турли жараёнларда мобил иловалар орқали бошқариш ва назорат қилишда эса интернет имкониятларидан кенг фойдаланилади. Нидерландия қишлоқ хўжалигида мамлакат ахолисининг 2 фоизигина банддир. Нидерландияда кишлоқ хўжалиги ер майдонларининг чекланганлиги энг асосий

[42]Тиреуов К.М. Зарубежный опыт внедрения инноваций в АПК. Журнал: Ізденістер, нәтижелер. Исследования, результаты Алматы 2012г.https://articlekz.com/article/12828

муаммолардан биридир. Шу боисдан, аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналари кичик фирмалар ва оилавий тадбиркорлардан иборатдир. Бунга қарамасдан, улар замонавий инновацион технологияларни мунтазам жорий этиб боришлари туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уруғлик ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича йирик трансмиллий корпорациялар билан ҳам рақобат қила оладилар. Барча фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва ресурстежамкорликка эришиш имкониятларини берувчи юқори технология ва замонавий менежментга асосланган энг яхши амалиётлар жорий этилган. Нидерландия фермерлари ўсимликчилик ва чорвачиликда иновацион технологияларни жорий этиш бўйича дунёда етакчи хисобланадилар. Фермерлар 2000 йилдан бошлаб пестицидлардан фойдаланишдан тўлиғича воз кечишга муваффақ бўлдилар, 2009 йилдан бошлаб эса паррандачилик ва корамолчиликда антибиотиклардан фойдаланиш ҳажмини 60 фоизга қисқартиришга эришдилар. Шу билан бирга Нидерландия янги навлар яратиш ва турли қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини экспорт қилишда дунёда етакчи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда. озиқ–овқат махсулотларини экспорт қилиш бўйича ер майдони бўйича ўзида 270 баробар кўп бўлган АҚШ дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Японияда қишлоқ хўжалигида фермерлар сонининг кескин қисқариши ва уларнинг ўртача ёши 60-67 ёшни ташкил қилиши туфайли хукумат 2014 йилдан бошлаб “ақлли қишлоқ хўжалиги” сиёсатини қабул қилди. Ушбу сиёсатнинг асосий мақсади фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалигида робототехника ва рақамли технологияларни кенг жорий этишдан иборатдир. Масалан, Kubota компанияси қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилишда барча агротехник тадбирларни бажариш учун мўлжалланган автоном тракторларни, кимёвий воситаларни сепишда керак бўладиган учувчисиз аппаратларни яратган. Seven-Eleven компанияси эса биринчи марта ўзининг кўкатлар етиштирувчи автоматларштирилган фермасини очган. Японияда “ақлли қишлоқ хўжалиги” бўйича инновацион технологиялар бозорида сотув ҳажми 14 фоизга ортиши кутилмокда.

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш бўйича олиб борилган тахлиллардан қуйидаги хулоса ва тавсияларни сарҳисоб қилиш мумкин, жумладан:

- жаҳон иқтисодиётини ривожланиш тенденцияси шуни кўрсатадики, Ўзбекистонни келгусида иқтисодий барқарор ва дунё хамжамиятида ўз мавқеини юқорига кўтариш учун билимлар асосланган инновацион ривожланиш йўлидан бориши, бунда қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни хориждаги илғор тажрибалардан шароитимизга мос жиҳатларини жорий этиш билан бирга уйгун равишда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади;

- кўпгина ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида рақамли инновацион янгиликларни жорий қилишда давлат томонидан ажратиладиган маблағларга мутаносиб равишда штатлар ва провинциялар бюджетидан ҳам шунча улуш ажратилади ва бу ҳукуматлар томонидан ҳар томонлама кўллаб-қувватланади;

- АҚШ ва Нидерландияда давлат кафолатлари остида инновацион технологияларни жорий этиш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарига фоизсиз ёки кам фоизли имтиёзли кредитлар ажратилиши амалиётидан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

- барча ривожланган мамлакатларда, жумладан Япония, АҚШ, Нидерландияда рақамли технологиялар, “ақлли қишлоқ хўжалиги” элементларидан кенг фодаланилиши, шунингдек, инновацион жараёнларда хусусий сектор субъектлар иштироки ҳар томонлама рағбатлантирилиши алоҳида аҳамиятга эга;

- ривожланган мамлакатларда инновацион янгиликларни амалиётга жорий қилишда бевосита молиявий кўмакдан ташқари билвосита қўллаб-қувватлаш механизмларидан ҳам кенг фойдаланишлади, жумладан рақамли технологияларни жорий қилаётган фермерларга ҳамда инновацион технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга 50 фоизгача солиқ имитиёзлари тақдим этилади. Бундай солиқ имтиёзлари провинциялардаги шарт-шароит ва хусусиятлардан келиб чиқиб турлича бўлиш мумкин;

- Европа Иттифоқи мамлакталарида қишлоқ хўжалиги корхоналари учун инновацион янгиликларни жорий қилиш бўйича мақсадли грант шаклидаги 75 фоизгача харажатларни коплаш имконини берувчи молиявий кўмаклар ажратиш амалиётини Ўзбексистонда ҳам жорий этиш яхши самара беради деб ҳисоблаймиз ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, келажакда қишлоқ хўжалиги соҳасини рақамли технологияларсиз ривожлантириб бўлмайди, шу боисдан бу борадаги хорижий тажрибалардан мамлакатимиз шароитига мос жиҳатларини жорий этиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.

3. Тиреуов К.М. Зарубежный опыт внедрения инноваций в АПК. Журнал: Ізденістер, нәтижелер. Исследования, результаты Алматы 2012г.https://articlekz.com/article/12828

4. Силкина Е.В. Зарубежный опыт государственного регулирования инновационной деятельности / Е.В. Силкина// Материалы международного форума «Инновационные технологии и системы»: — Минск: ГУ «БелИСА», 2006.

5. Власов С.Д.Зарубежный опыт и проблемы инновационного развития сельского хозяйства России. Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета 2014 год 124-127стр. https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-i-problemy innovatsionnogo-razvitiya-selskogo-hozyaystva-rossii

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Самарқанд давлат университети
таянч докторант Иброҳимова Нафосат
Абдусатторовна
тел: (+99897) 3988767

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишлари, тамойиллари, усуллари ва воситалари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатбардош мутахассис- кадрлар билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш корхонаси, самарадорлик, хизматлар турлари, инновацион ривожланиш, рақамли технологиялари.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш корхонасининг асосий мақсадларидан бири ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш орқали мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) омилларидан оқилона фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришишга имконият яратади. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш, хўжалик фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида корхоналар ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаштириш лозим[43].

[43] Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: учеб. пособие для-вузов / Г.А. Аванесова. – М.: Аспект Пресс, 2004. - 318 с.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий тармоқларида инновацион фаолиятини ривожлантириш жараёни тавсифи бўйича мураккаб таркибга эга. Шунга кўра, инновацион фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ресурсларга (дастлаб иқтисодий ва ахборот ресурсларига) зарурат сезилади. Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацияларни бошқариш тизимининг ривожланиши бўйича ёндашувлар ҳамда тамойиллар эътиборга олиниши зарур.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш қуйидаги вазифалар бажарилишини назарда тутади:

– соҳада инновацион ғояларни реализация қилиш учун истиқбол лойиҳаларини танлаш ва замонавий тармоқларнинг устувор йўналишларига мос инновацион лойиҳаларнинг портфелини ишлаб чиқиш;

– хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш;

– соҳа корхоналарида инновацион лойиҳаларни жорий этиш бўйича харажатларни оптималлаштириш.

– хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва жорий этиш мониторингини амалга ошириш;

– хизмат кўрсатиш соҳаси, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари, корхоналар ва ташкилотлар, ҳудудий, тармоқ ва бошқа инновацион тизимларга хизмат кўрсатиш субъектларини интеграциялаш асосида унинг илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш;

– хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш, меҳнат салоҳиятини ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини яратиш.

Хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни амалга ошириш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

– соҳада инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ахборот-услубий базасини такомиллаштириш;

– хизматлар бозорида инновацион хизматларга талаб ва таклиф ўртасида мувофиқликни таъминлаш, уларга бўлган талабни бозор механизмлари асосида шакллантириш;

– соҳада мақсадли ривожланиш параметрлари ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш дастурлари, лойиҳаларини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш;

– илмий-техник экспертизани объектив ва мустақил ўтказиш орқали инновацион лойиҳалар танловини амалга ошириш ҳамда уларни баҳолаш;

– соҳада муайян лойиҳаларнинг реализациясини оралиқ кўрсаткичлар бўйича реализация қилишнинг доимий мониторнинггини амалга ошириш.

Хизмат кўрсатиш соҳасини фан сиғими юқори тармоқларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш алгоритми қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

1. Соҳанинг тармоқ ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда устувор ҳисобланган инновацияларнинг рўйхатини тузиш.
2. Хизмат кўрсатиш корхонасида инновацион лойиҳалар рўйхатини тузиш.
3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқ ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион лойиҳалар рўйхати асосида уларнинг ўзаро нисбатини баҳолаш.
4. Юқори самарадорликка эга инновацион лойиҳани аниқлаш.
5. Юқори самарадорликка эга лойиҳани амалга ошириш қийматини баҳолаш.
6. Соҳада инновацион лойиҳаларни жорий қилиш ва амалга оширишга таъсир этувчи экзоген ва эндоген омилларни ҳисобга олиб, мавжуд манбалар ва имкониятлар бўйича лойиҳани реализация қилиш учун иқтисодий ва ахборот ресурслари рўйхатини шакллантириш.
7. Молиявий маблағлар ҳажмига кўра лойиҳаларни жорий этишни баҳолаш. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган даврда молиявий ресурслар билан таъминлашнинг қўшимча манбаини шакллантириш ҳамда истиқболли даврга лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш.
8. Хизмат кўрсатиш корхоналарида лойиҳаларни амалга ошириш учун уларнинг бўлимлари календар жадвалини аниқлаш.
9. Соҳада инновацион лойиҳаларни реализация қилишни бошлаш.
10. Соҳада инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторингни ўтказиш. Тизим мониторинг натижаларига кўра, лойиҳа молиялаштириш, лойиҳани реализация қилишга йўналтирилган ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда инновацион лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятини ривожлантириш муайян воситалар асосида уларнинг фаолияти билан мувофиқликда ҳар бир бўлим ўртасида инновацион фаолиятни амалга оширишда фойдаланувчи функцияларни тақсимлашни зарурат этади. Ҳозирги вақтда республикамиз иқтисодиётининг ривожланиши бевосита когнитив омиллар ҳамда рақамли технологияларга асосланган хўжалик юритишнинг таъсири остида бўлмоқда. Бу эса ходимларнинг билими, интеллектуал салоҳияти ҳамда ахборот технологияларининг ривожланиш даражаси корхоналар рақобатдошлигини белгилаб беради.

Шундай экан, хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатбардош мутахассис-кадрлар билан таъминлашда қуйидагилар муҳим стратегик йўналишлар ҳисобланади:

– хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат жамоалари ўртасида ижтимоий кафолатлар тизимини ва иқтисодий барқарорлигига эришиш;

– рақамли хизматлар кўрсатиш жараёнларига мос ишчи-ходимларнинг касбий билим, кўникма ва малакалаларини ошириш;

– хизмат кўрсатиш жараёнида инсон омилини ҳамда ходимларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш.

Дастлабки стратегик йўналиш сифатида хизмат кўрсатиш корхоналари ходимларини зарур ижтимоий кафолатлар, меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорликни таъминлаш кўзда тутилади. Бунда кафолатланган иш ҳақи ходимни такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Иккинчи стратегик йўналиш соҳа ходимларининг касбий маҳоратини ривожланиши учун шарт-шароит яратишни назарда тутади. Ушбу йўналишда асосий эътибор кадрларнинг касбий йўналтирилганлиги, уларни замонавий касбларга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш эътиборга олинади.

Учинчи стратегик йўналиш сифатида халқаро стандартларга мос рақобатбардош хизматларни ишлаб чиқариш бўйича интелектуал салоҳияти юқори ходимларни ривожлантириш учун инновацияларга зарурат пайдо бўлади. Акс ҳолда, кескин рақобат шароитида хизматлар бозорида ўз мавқеини сақлаб қолишнинг имконияти мавжуд бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

4. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: учеб. пособие для-вузов / Г.А. Аванесова. – М.: Аспект Пресс, 2004. - 318 с.

5. Бурменко Т. Д. Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т. А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. - М.: КНОРУС, 2007. – 328 с. – С. 64-65.

6. How big is China’s Digital economy? Bruegel, Working Paper, Issue 04, 17 May,2018.

7. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 8 бет.

Ўзбекистон агросервис соҳасида рақамлаштиришни ривожлантириш

Юлдашова Нилуфар Зиябаевна –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти “Иқтисодий таҳлил ва
статистика” кафедраси ассистенти
yuldashovan04@gmail.com

Аннотация: мақолада мамлакатимиз иқтисодиётни рақамлаштириш масалалари келтирилган, ҳамда рақамли иқтисодиёт шароитида агросервис корхоналарни рақамлаштириш жараёнида устувор вазифалар берилган. Рақамли технологиялар амалда аграр секторнинг барча соҳаларида жорий этилиши ва қўлланилишининг аҳамияти ва долзарблиги ёритилган.

Калит сўзлар: агросервис соҳаси, рақамли технологиялар, хизмат кўрсатувчи корхоналар, ахборот-технологиялар, веб-платформа.

Бозор иқтисодиёти шароитида республика иқтисодиёти ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадларни ўсишини таъминлайдиган муҳим соҳалардан бири – қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий этиш зарур. Қишлоқ хўжалик тармоғи иқтисодиётнинг йирик тармоқлардан бўлиб, унда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз агросервис соҳасида хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг самарадорлигини ошириш эса мураккаб ва серқирра жараёндир. Ҳозирги глобаллашув ва юқори даражадаги ахборот алмашинуви даврида, яъни рақамли иқтисодиёт шароитида аграр секторда аҳборот-технологияларнинг хаётимизда тутган ўрни юқоридир, чунки иқтисодиётнинг интеграциялашув жараёнларига рақамлаштириш тизимига кўпроқ эътибор берилмоқда. Рақамли технологиялар амалда аграр секторнинг барча соҳаларида жорий этилмоқда, янги маҳсулотларни яратиш, таъминлаш ва уларни сақлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва бошқариш тизимлари орқали рақобатбардошликни оширмоқда.

Иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш, тизимга оид меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кадрларни тайёрлаш ва бошқа бир қанча муҳим йўналишларда кенг қамровли ишларни бажариш – республикамизда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

2020 йил Ўзбекистонда “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили деб эълон қилинди. Бу миллий иқтисодиётни янги рақамли босқичга олиб чиқишига туртки берди. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий вазифаси унинг кўламини оширишдан иборат бўлиб, давлатимиз ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2024 йилга келиб 2 баравар, шу жумладан ишлаб чиқариш бошқаришда орқали аҳборот тизимлари мажмуасини жорий этиш, кенг молиявий-иқтисодий соҳаларда ҳисобот беришда дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш фаолияти, шунингдек технологик жараёнларни автоматлаштиришдир. Агросервис корхоналарнинг ривожланишида рақамлаштириш жараёни муҳим омиллардан ҳисобланади. Замонавий технологияларнинг етишмаслиги, рақамли маълумотларни ўз вақтида узатиш ва қайта ишлашини йўлга қўйилмаганлиги – аграр соҳада самарадорликни ривожлантириш салоҳиятида акс эттирилади. Агросервисда хизмат қилувчи корхоналарнинг замонавий ахборот билан паст даражада таъминланганлиги сезиларли даражада орқада қолишга олиб келади ва бошқа рақамлаштириш тизими юқори булган корхоналар билан меҳнат унумдорлиги, ҳосилдорлик, капитал билан таъминланганлиги ва бошқа кўрсаткичлар билан анча фарқланади; шунингдек агросервис корхоналари юқори сифатли IT- инфратузилмасига ишончли кириш имконига эга бўлмаса, қишлоқ хўжалигининг барча жиҳатларида ноқулай аҳволда қолишади. Рақамли иқтисодиёт шароитида агросервис соҳасини режалаштириш, прогнозлаш, таҳлил қилиш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда жадал рақамлаштириш жараёнини ривожлантириш тақазо этмоқда.

Мамлакатимизда ракамлаштириш борасида бир нечта карор ва қонунлар ишлаб чиқилди; айниқса аграр секторни рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган, чунки қишлоқ хўжаликда жами банд бўлганларнинг салмоқли сони фаолият кўрсатадилар, холбуки Республикамизнинг ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми аграр секторда ишлаб чиқарилади.

Аграр соҳада рақамлаштиришнинг биринчи жараёни Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни имзолаш билан бошланди. Ушбу стратегияни мақсади кўрсатилган йиллар давомида қишлоқ хўжаликда фан ютуқларини қўллаб, рақамли технологияларни киритиш ва такомиллаштириш, яъни Стратегиянинг устувор йўналишларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш – қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида белгиланган [1].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, рақамлаштириш жараёни тобора жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган экан, авваламбор аграр соҳада фермер ва деҳқонлар ўзларидан бошлаши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, яъни тадбиркорлар, ўз ресурсларини тежаб, самарадорликка эришиш бир вақтнинг ўзида веб-платформаларда ўзи учун қандай қулайликлар ва имкониятларга эга бўлади, ва бевосида ўз фаолиятида шуни қўллайди.

Рақамли иқтисодиёт туфайли тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ҳамда бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ҳамда тезроқ маълумот олинади. Рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади.

Агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналарда рақамлаштириш ташкилий-иқтисодий муносабатларни соддалаштиришга ёрдам беради, яъни:

- рақамли платформаларга кириш;
- ҳужжат айланишини осонлаштириш;
- имтиёзлар кредитлар олиш;

Рақамлаштириш жараёни тўлиқ жорий этилса, бевосита агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналарда қуйидаги устувор вазифалар бажарилади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича харажатлар камаяди;
- қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширади;
- маҳсулот таннарҳида моддий харажатлар улушини камайтиради;
- аграр секторнинг сервис соҳасида онлайн-хизматлар ва маълумотлар базасини рақамли интеграциясини такомиллаштиради;
- агросервисда барча агентлар учун бошқарув қарорларининг самарадорлигини оширади;

Ушбу вазифаларни тўлақонли бажарилиш мақсадида, бизнинг фикримизча рақамлаштириш жараёнида агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан барча регуляторлар манфаатларини оқилона бирлаштиришимиз керак. Рақамли хизматлар ва маҳсулотларнинг мавжудлиги, рақамли иловаларнинг яратилиши (маълумотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги) – булар барчаси кундалик фойдаланишда фермер хўжаликларинг, агросервис корхоналарнинг,

инвесторларнинг, консалтинг фирмаларнинг ва бошқаларнинг амалиётда кенг ва қулай қўлланилади, ҳамда ишни осонлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030- йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-6079-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3832-сонли қарори.

5. Гулямов С.С. ва бошқалар. “Рақамли иқтисодиёт” Дарслик. – Т.:ТДИУ, 2020 й. -409 б.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Озодбек Жумақулов – ассистент стажёр
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларининг миллий иқтисодиётда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан биргаликда рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар фаолиятига алоҳида урғу берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, миллий иқтисодиёт, аҳоли бандлиги, ҳаёт даражаси, фойда, самара, хизмат истеъмолчиси, хизматни бажарувчи.

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта заҳиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти

таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради.

Бу хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари яратиш бўйича жуда катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўналишда камида 160 минг қўшимча иш ўрни яратиш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларида ахборот технологиялари соҳасида йилига 50 минг доллар экспорт қиладиган ва Top Talent рейтингининг энг юқори 3 фоизига кирадиган 21 та ёш фрилансер дастурчи бор. Бугунги кунда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг замонавий хизматларни ўрганишига шароит яратиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳани ривожлантириш молиявий кўмаксиз бўлмайди. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ёки 1 триллион сўмдан зиёд кредит ресурслари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу маблағлар ҳам давлат, ҳам хусусий банклар орқали ажратилади ва кредит ставкаси
15 фоиздан ошмайди[44].

Шундай экан ушбу имкониятдан самарали фойдаланиб, хизмат кўрсатиш соҳасида кўп иш жойи яратадиган ва тез амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириши зарур.

Жорий йилда 451 мингдан зиёд ёшлар мактабларни ва 188 минг нафари коллежларни тамомлади. Бу йил қабул қамрови кенгайганлиги сабабли уларнинг 103 минг нафари олий таълим муассасаларига ва 90 мингтаси коллеж-техникумларга ўқишга кирганда ҳам, бошқаларининг бандлигини таъминлаш зарур. Шунингдек, 71 минг нафар талаба олий ўқув юртларини битирди. Бу эса шаҳар ва қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар ва сервиснинг хажми, ҳамда турларини кескин кўпайтириш лозимлигидан далолат беради.

Шундай экан, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг мухим омили сифатида янада жадал ривожлантириш устувор вазифа сифатида майдонга чиқади. Худди шунингдек устувор вазифа сифатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш лозимлиги ўз-ўзидан кўриниш бера бошламоқда.

---

[44] *Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши.* https://xs.uz/uzkr/post/har-bir-ishimizni-ehtiyotkorlik-bilan-oqibatini-pukhta-ojlab-nafaqat-ozimiz-balki-oilamiz-va-farzandlarimiz-oldidagi-masuliyatni-chuqur-his-etib-bazharishimiz-kerak-shavkat-mirziyoev. *2022 йил 16 июнь.*

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар фаолияти деганда якка тартибдаги хизматларни кўрсатиш орқали инсонлар талабини қондиришга йўналтирилган фаолият турини тушуниш лозим. Ушбу турдаги фаолият билан турли хилдаги ташкилотлар шуғулланишадилар. Улар жумласига якка тартибдаги тадбиркорлар ва турли мулк шаклига эга бўлган корхоналари киради. Улар меҳнатининг натижаси бўлиб хизмат ҳисобланади.

Хизмат деганда аввало меҳнат маҳсулотини тушуниш лозим. Ушбу маҳсулотнинг асосий белгиланиши бўлиб, инсонларнинг аниқ талабларини қондириш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда хизмат – бу инсонларнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга қаратилган фаолиятдир.

Ушбу фаолият маҳсулотда гавдаланиши (моддий хизматлар), ҳамда меҳнат жараёнининг ўзида истеъмол қилинадиган фойдали меҳнат самараси сифатида (номоддий хизматлар) намоён бўлади. Масалан тикувчининг хизмати шундан иборатки, у костюм, шим ва бошқа буюмлар тикади. Унинг фаолияти ушбу буюмларда гавдаланади (моддий хизмат).

Хизматнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, унинг истеъмолчи учун фойдалилиги ҳисобланади. Бу ерда шуни инобатга олиш зарурки, фойдалиликка ҳам моддий, ҳам номоддий хизматлар мажмуаси киради. Шу сабабли хизматнинг ижтимоий функцияси бўлиб, бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш, ҳаёт фаолияти учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади.

Хизматдан фойдали самара –бу инсоннинг у ёки бу талабини қондиришга бевосита йўналтирилган хизматнинг ялпи фойдали хусусиятидир.

Хизмат истеъмолчиси – бу шахсий эҳтиёж учун хизматни олувчи, буюртма берувчи ёки уни олиш ва буюртма бериш ниятида бўлган фуқародир.

Хизматни бажарувчи – истеъмолчига хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ёки тадбиркор.

Хизматнинг натижаси бўлиб, товарнинг истеъмол хусусиятларини қайта тиклаш (ўзгартириш, сақлаш), буюртмага биноан янги маҳсулот яратиш, истеъмол шароитларини яратиш, соғлиқни, шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш ва бошқа бир қатор муҳим вазифалар ҳисобланади.

Хизматлар фаолиятида идел ва реал хизмат тушунчалари мавжуд.

Идеал хизмат–бу фаолиятининг у ёки бу туридаги абстракт, назарий моделдир. У ўз ичига аҳолига хизмат кўрсатиш қоидалари, сифат стандартлари ва хизмат кўрсатиш технологияларини олади.

Реал хизмат – бу истеъмолчининг талабларини қондиришга йўналтирилган аниқ моддий ҳаракатлардир. Ушбу хизматлар бажарувчилар, истеъмолчилар, уларни кўрсатишнинг аниқ шароитларига қараб якка ҳолатда тартиблаштирилади.

Ҳозирги кунда корхона ва ташкилотларда моддий ва ижтимоий-маданий хизматларни амалга оширадилар. Моддий хизматлар деганда, инсонларнинг моддий талабларини қондирувчи хизматлар тушунилади. Ушбу хизматлар маҳсулотларнинг истеъмол қийматини қайта тиклайди (ўзгартиради, сақлайди) ёки истеъмолчилар буюртмаларига биноан янги маҳсулотлар ишлаб чиқаради, истеъмол учун шарт - шароитларни яратиб беради. Жумладан моддий хизматларга маиший хизматлар (маҳсулотлар, бино ва қурилмаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар, сартарошхона хизматлари, фото хизматлар), турар жой-коммунал хизматлар, оммавий овқатланиш хизматлари, транспорт хизматлари, қишлоқ хўжалик хизматлари ва бошқалар киради.

Ижтимоий-маданий хизмат деганда инсонларнинг маънавий, интеллектуал талабларини қондирувчи ва уларнинг нормал ҳаёт фаолиятини қўллаб қувватлашга мўлжалланган хизматлар мажмуаси тушунилади. Ушбу турдаги хизматлар соғлиқни сақлаш ва уни тиклаш, шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишини ва унинг профессионал тажрибасини оширишга қаратилган. Ижтимоий-маданий хизматлар таркибига, тиббий хизматлар, туризм, маданий ва таълим хизматлари киради.

Юқорида қайд қилинганидек моддий хизматларнинг натижаси бўлиб, бажарилган иш ёки маҳсулот ҳисобланади. Ижтимоий-маданий хизматлар натижаси моддий шаклга эга бўлмайди. Моддий ва ижтимоий-маданий хизматлар бир бирини доимий равишда тўлдирувчи ҳисобланади. Кўпчилик ҳолатларда товарларни харид қилишга хизматларни истеъмол қилиш ҳамроҳ бўлади. Масалан оммавий овқатланиш хизматларини истеъмол қилишда, истеъмолчи товар олади. Ушбу товарга озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қиладиган жой, таомлар ва ичимликларни бериш бўйича хизматлар, психологик дам олиш ва ҳокозолар киради. Истеъмолчиларга хизматлар уларга хизмат қилиш жараёнида амалга оширилади. Хизматларни тақдим этиш деганда, хизматнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган хизмат бажарувчисининг фаолияти тушунилади. Хизматларни тақдим этиш алоҳида босқичларга бўлинади. Улар жумласига зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш, бажаришнинг технологик жараёни, назорат ва баҳолаш, хизмат кўрсатиш жараёни киради. Шундай қилиб, хизматлар истеъмолчилар ва уни амалга оширувчилар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Хизматнинг хаёт даври бир неча босқичларга бўлинади:

- Истеъмолчиларга таклиф этилаётган хизматлар бўйича маълумот бериш;
- хизматга буюртмани қабул қилиш;
- хизматни бажариш;

- хизматни бажариш сифатини назорат қилиш;
- истеъмолчи буюртмасини бериш.

Хизматнинг истеъмолчиси ва бажарувчиси ўртасидаги ўзаро алоқалар хизмат кўрсатиш жараёнида содир бўлади. Ушбу узаро алоқаларнинг тавсифи тақдим этилаётган хизматларнинг шаклига боғлиқ бўлади, бевосита ва билвоситаларга бўлинади. Бевосита ўзаро алоқаларда хизматни бажарувчи ва унинг истеъмолчиси ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилади. Билвосита ўзаро алоқаларда эса, алоқа воситачилар орқали ёки хизматни бажарувчисининг ёрдамчи ходимлари ёрдамида амалга оширилган алоқа (хизматлар) киради.

Берилган таърифдан шу кўриниб турибдики, хизмат – инсоният жамиятида бўладиган махсус ҳаракатки, унинг бажарилишида албатта фалсафий категория ҳисобланган инсоннинг инсонга яхшилик қилиши харакатида эзгулик нияти бўлиши учун шу билан бирга хар иккала томонга ҳам манфаат келтиришни таъминлаши зарур. Яхшилик, эзгулик инсоннинг энг муҳим фазилати бўлиб, инсон фаолиятининг асл ва азалий моҳиятини англатади.[45]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши. https://xs.uz/uzkr/post/har-bir-ishimizni-ehtiyotkorlik-bilan-oqibatini-pukhta-ojlab-nafaqat-ozimiz-balki-oilamiz-va-farzandlarimiz-oldidagi-masuliyatni-chuqur-his-etib-bazharishimiz-kerak-shavkat-mirziyoev. 2022 йил 16 июнь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079 сонли Фармони. “Рақамли Ўзбекистон 2030”. https://lex.uz/docs/5030957.

3. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2014.384-б

4. Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис. – Ж.«SERVIS», №1. 2009. 56-64 б.

[45] Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис. – Ж.«SERVIS», №1. 2009. 56-64 б.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТЛАР ҲАЖМИ ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ

Бектемиров А., СамИСИ «Инвестиция
ва инновациялар» кафедраси
мудири, проф. в.б. и.ф.д. (DSc)
Маликова Д.М., СамИСИ
«Банк иши» кафедраси катта
Ўқитувчиси Бўтаев Ж.Э., СамИСИ
магистранти

Аннотация: Мақолада депозит операцияларининг аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари таркиби ва динамикаси таҳлили, миллий валютада қабул қилинадиган депозитларнинг фоиз ставкалари таҳлили, шунингдек банкларнинг депозит сиёсатини такомиллаштириш юзасидан таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: депозит, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит, муддатли депозит, жамғарма депозит, тижорат банклари

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиёти ривожланишига банклар томонидан депозитларга жалб қилинган маблағлар миқдори сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш учун аввало, уларга манфаатли фоизлар тўланиши ва янги банк хизмати турларини жорий этиш муҳимдир.

Хозирги кунда банкларда аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш энг омилкор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу биринчидан, пул-товар муносабатларини мужассамлаштиришда, аҳоли ва товар етказувчилар манфаатларини уйғунлаштиришга қаратилган йўналиш эканлиги, иккинчидан эса, халқни ўз шахсий маблағини банкларда сақлашининг энг самарали ва хавфсиз усули эканлигидир.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг ўсишини рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар, жумладан, доимий равишда жозибадор омонат турларини таклиф қилиш, узоқ муддатли банк депозит сертификатларини ва облигацияларини муомалага чиқариш ҳамда бу борада жорий этилган имтиёзлар ва қулай шарт-шароитларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ўз навбатида, аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги, банклардаги омонатларнинг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги, мижозларнинг биринчи талабига кўра омонатлар қайтарилишининг таъминланганлиги ҳамда банк омонатларидан олинган фоизли даромадларнинг солиқдан озод қилинганлиги аҳолининг тижорат

банкларидаги омонатлари ҳажмининг барқарор ошиб боришини таъминламоқда.

Банкларнинг депозит базасини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарасини тижорат банкларининг депозит ва депозит сертификатлари маблағлари қолдиғи бўйича ҳам кузатишимиз мумкин.



1-диаграмма. Тижорат банкларида миллий валютадаги депозитлар қолдиғи (млрд. сўмда)

1-диаграмма маълумотларидан кузатишимиз мумкинки, тижорат банкларида миллий валютадаги депозитлар қолдиғи 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра жами 109 076,4 млрд. сўмни ташкил этган, яъни ўсиш жорий йил бошига нисбатан 114% ни, 2021 йилнинг 1 июлига нисбатан 145% ни, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига нисбатан эса – 199% ни ташкил этди. Хусусан, 2022 йилнинг 1-ярим йиллиги якунига кўра жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажми 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 121% га, ўтган йилнинг шунга мос даврига нисбатан эса 155% га; юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари миқдори ҳам 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 112% га, ўтган йилнинг шунга мос даврига нисбатан эса – 141% га кўпайган.[46]

Тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағларнинг муддати ликвидлиликни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Банклар учун жалб қилинган маблағларни жойлаштиришда, жалб қилинган маблағларнинг барқарорлиги ва муддати аниқ бўлиши мақбул.

[3] https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/608103/ - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида

1-жадвал

Тижорат банкларидаги депозитлар қолдиғи
(турлари ва муддати бўйича)

млрд. сўмда

Сана	Жами	шу жумладан:			
		талаб қилиб олингунча	шундан банк пластик картала-рида	жамғарма	муддатли
01.01.2021 й.	114 746,9	53 819,2	7 515,2	11 115,6	49 812,1
01.04.2021 й.	115 088,5	50 519,5	6 512,4	10 873,0	53 696,0
01.07.2021 й.	126 114,5	54 153,7	7 619,2	11 325,9	60 634,9
01.10.2021 й.	134 405,8	58 201,8	8 241,0	11 400,9	64 803,1
01.01.2022 й.	156 189,8	69 207,7	10179,6	13 746,4	73 235,7
01.04.2022 й.	153 790,2	59 927,3	8 447,2	12 814,2	81 048,7
01.07.2022 й.	185 062,1	83 759,0	12688,8	13 947,1	87 356,0

1-жадвал маълумотларидан 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларидаги миллий ва чет эл валютасидаги депозитлари қолдиғи 185,1 трлн. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бунда муддатли депозитлар улуши 47% ни, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар улуши 45% ни, жамғарма депозитлар улуши 8% ни ташкил этмоқда. Жорий йил бошига нисбатан депозитлар қолдиғи 28,9 трлн. сўмга ошган, хусусан, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, жамғарма, муддатли депозитлар ҳажми ҳам ошган.

Бунинг сабаби сифатида бир қанча омилларни кўрсатишимиз мумкин, жумладан, инфляция суръатларининг жиловланганлиги, аҳолининг банкларга бўлган ишончининг ошганлиги, омонатларнинг фоизлари, муддатлари ва бошқалар. Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан аҳолининг талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги омонат турларини жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2-жадвал

Миллий валютадаги банк депозитлари бўйича фоиз ставкалари
(ўртача тортилган фоиз ставкалари, йиллик ҳисобда)

Депозит тури ва муддати	2021 йил				2022 йил		
	Янв	Апр	Июл	Окт	Янв	Апр	Июл

	.	.	.	.	.	.	.
1 йилгача бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари	**16,0**	**16,8**	**15,5**	**15,2**	**15,2**	**18,7**	**18,3**
1 йилдан юқори бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари	**15,9**	**18,1**	**17,9**	**17,6**	**18,4**	**19,7**	**20,0**
Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари	17,0	19,3	20,0	19,6	20,2	20,8	20,8
- 30 кунгача	12,6	13,8	10,7	14,1	10,9	16,3	11,2
- 31 кундан 90 кунгача	15,5	16,0	15,8	17,5	16,6	19,9	16,0
- 91 кундан 180 кунгача	16,0	16,1	16,7	16,8	19,6	21,0	20,4
- 181 кундан 365 кунгача	17,6	19,4	18,7	18,5	19,2	20,4	20,3
- 1 йилдан юқори	17,7	20,1	20,7	20,2	20,8	21,0	21,2
Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари	15,7	16,3	15,2	15,1	15,1	17,3	17,2
- 30 кунгача	15,0	15,5	14,5	14,5	13,3	17,2	18,9
- 31 кундан 90 кунгача	15,6	15,2	14,8	11,6	14,3	13,6	13,2
- 91 кундан 180 кунгача	17,0	18,2	15,3	14,8	14,1	18,4	14,2
- 181 кундан 365 кунгача	16,0	18,5	15,6	15,6	15,5	18,1	17,4
- 1 йилдан юқори	15,0	15,4	15,4	15,5	16,1	17,3	17,3

2-жадвал маълумотларидан миллий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкалари 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлигини яққол кўриниб турибди. Хусусан, 1 йилдан юқори бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2022 йил 1 июль ҳолатига 2021 йилнинг шунга мос даврига нисбатан 2,1 бандга ошиб 20,0% ни ташкил этди.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, банкларнинг депозитлари ҳажмини, айниқса, муддатли депозитлар улушини ошириш ва жалб қилинган ресурсларни оқилона бошқарилишига эришиш банк ликвидлигини таъминлаш ва банк фаолияти самарадорлигини оширишга замин яратади.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини амалга оширишда асосан аҳоли қатламлари, ҳудуд аҳолиси сони ва уларнинг даромадларини эътиборга олиш зарур. Тижорат банклари аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилишда янада кўпроқ ва жозибадор омонатлар яратиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрьдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ-580-сонли Қонуни.

3. “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида” Низом (3030-сон, 02.07.2018 й.)

4. Frederic S.Mishkin. The economics of money, banking and financial markets. Pearson Education Limited. 2015. 695 pages.

5. Абдуллаева Ш.З. ва б. “Пул ва банклар” Дарслик. Т.: - “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019 й. – 628 б.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бектемиров А., СамИСИ
«Инвестиция ва инновациялар»
кафедраси мудири, проф. в.б. и.ф.д. (DSc)
Маликова Д.М., СамИСИ
«Банк иши» кафедраси катта ўқитувчиси
Каримов М.А., СамИСИ магистранти

Аннотация: Мақолада банк кредит портфелини бошқариш тизими тамойиллари, кредит портфелини самарали бошқариш аҳамияти, кредит рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит портфели, муаммоли кредитлар, кредит риски

Ҳозирги кунда банк фаолияти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энг тез сураатларда ривожланаётган тизимлардан биридир.

Бироқ, бу тез ўсиш активлар сифати, хусусан, кредитлар ҳамда банкларнинг кредит рискларини бошқариш қобилиятини хатарга қўймоқда ва шу ўринда тижорат банклари учун муаммоли кредитлар билан ишлаш усулларини такомиллаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “муаммоли кредитларни қайтариш банкларнинг имкониятларини янада кенгайтиришини, уларни ундириш бўйича банклар, қарздор корхоналар, компания ва уюшмалар, ҳудудлар раҳбарлари биргаликда иш олиб бориши зарур”.

Шу боис, тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқариш муҳим вазифалардан биридир. Банк кредит портфелини бошқариш тизими фаолиятининг замирида тўрт асосий тамойил туради:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида» ги талаблари доирасида банк кредитлари асосий мезонлар бўйича мунтазам равишда баҳоланади;

Иккинчидан, банк томонидан ажратилаётган кредитларнинг таъминланиши устидан назоратни амалга ошириш. Бунда шуни ҳисобга олиш зарурки, таъминот кредит берилаётганда уни сўндиришнинг бош манбаи ҳисобланмайди. Банк таъминотдан кредит сўндирилмаслиги рискларини камайтириш мақсадида фойдаланади, холос.

Учинчидан, кредит мониторингини амалга ошириш. Кредит портфели мониторинги қуйидагиларни назарда тутади:

а) кредитни мониторинг қилиш;

б) кредит портфелини мониторинг қилиш.

Тўртинчидан, кредит портфелини аудитдан ўтказиш ва кредит рискларини бошқариш. Кредит портфели ички ва ташқи аудиторлар томонидан аудит текширувидан ўтказилади.

Банк тизимидаги рискларни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида рискларни бошқариш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- узлуксизлик: рискларни бошқариш жараёни доимий ва тўхтовсиз равишда амалга оширилади;
- интеграция: рискларни бошқариш жараёни банк корпоратив бошқарув тизимининг таркибий элементи ҳисобланади;
- хабардорлик: исталган турдаги банк операциясини амалга ошириш борасидаги қарор, мазкур операция натижасида юзага келиши мумкин бўлган рисклар таҳлилидан сўнггина қабул қилинади. Рискларга мойил бўлган операцияларни бажарувчи ходимлар, мазкур рискларнинг моҳияти, табиати ва юзага келиши мумкин бўлган холатларни билишлари, уларни идентификация қилишлари ва баҳолашлари лозим;

- уйғунлик: рискларни бошқариш жараёни банк фаолиятининг барча йўналишлари ва улар доирасида юзага келувчи барча турдаги рискларни қамраб олади. Назорат ишлари барча бизнес жараёлари ва бошқарув босқичларида олиб борилади;
- методологик базанинг ягоналиги: рискларни бошқариш жараёни банкнинг барча таркибий бўлинмалари учун ягона бўлган ёндашув ва стандартлар асосида амалга оширилади;
- устуворлик: банк биринчи навбатда фаолият учун энг хавф туғдирувчи рискларни бартараф қилишга интилади;
- мажбуриятларнинг тақсимланиши: банк ходимлари ва таркибий бўлинмалари ўртасида мажбуриятлар шундай тақсимланадики, бунда бажариш ва назорат функцияси бир ходим ёки таркибий бўлинма зиммасига юклатилмайди;
- мақбуллик: рискларни бошқариш юзасидан қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилаётган тадбирлар ўзининг ҳажми ва мураккаблик даражаси бўйича белгиланган вазифаларни бажариш ва рискларни бошқариш мақсадига мос келиши шарт;
- мувозанатлилик: банкнинг ходими ёки таркибий бўлинмаси назорат ва рискларни бошқариш йўналишидаги вазифаларини бажариш учун адекват ваколатлар билан таъминланади;
- аниқ регламент: банкдаги барча операциялар меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган тартибларга мувофиқ амалга оширилади. Меъёрий ҳужжатларда ёки операцияларни амалга ошириш тартибини аниқлаб берувчи коллегиал органларининг тегишли қарори билан тасдиқланмаган банк операциялари амалиётга жорий қилиниши ва бажарилиши мумкин эмас;
- маълумотларнинг ўз вақтида бўлиши: тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ваколатли шахсларга тўлиқ ҳажмда ва кечикмасдан етказилиши зарур;
- назорат ва тасдиқлаш: банкнинг барча молиявий – хўжалик операциялари рўйхати расман тасдиқланади ва уларни амалга ошириш ваколати тегишли тартибда аниқланади;
- функцияларни бажариш устидан назорат ўрнатиш: рискга мойил бўлган исталган банк операциясининг бажарилиши устидан дастлабки, жорий ва кейинги назорат амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк

тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони.

2. “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори, 14.07.2015 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 2696.

3. Юсупова О.А. Организация администрирования проблемной задолженности в кредитном портфеле коммерческого банка. Финансовая аналитика: проблемы и решения, (10 (292)), 2016, 54-66 б.

4. Каландаров А.Я. Банклардаги муаммоли кредитларни ундириш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №5, сентябрь-октябрь, 2020, 1-7 б.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.Д.Равшанов- ҚарМИИ,
“Инновацион иқтисодиёт”
кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда етиштираётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг аҳамияти таъкидланган. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг рақобатбардошлигини баҳолаш механизмлари, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш чора-тадбирлари, мазкур корхоналарнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Мева сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори, бозор, иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодий самарадорлик, рақобатбардошлик, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш, нарх, рақобат, маркетинг, инновацион фаолият, стратегия.

Жаҳонда аҳоли сони ошиши билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳажми ҳамда жаҳон бозорларида харидоргир бўлган маҳсулотлар экспорти кўламини ошириш сингари долзарб муаммоларни ҳал этишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўрни ортиб бормоқда. Зеро, БМТ маълумотларига кўра, “2050 йилга бориб жаҳон аҳолиси сони 9,2 млрд. кишига етиши қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини етиштиришни 70 фоизга ошириш заруратини келтириб чиқармоқда”[47].

Мамлакатимизда сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни, жумладан, мева-сабзовот маҳсулотларини етиштириш ва уларни сақлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асослари каби масалаларга долзарб аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан “Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш.” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган[48].

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини доимо ошириб боришда энг самарали ва тез натижа берадиган соҳа бу мева-сабзавот ва узум етиштиришда юқори даромадли рақоботбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев олий мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек, мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди[49].

Бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу билан бирга, соҳада айниқса мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларига мос келувчи, тармоқнинг рақобатбардошлигини таъминлашга имкон берувчи жаҳон аграр бозорларига интеграциялашув тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этиб бормоқда ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

---

[47]Позаботимся о будущем сельского хозяйства. – www.bayer.ru

[48] Ўзбекистан Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли Фармони

[49] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан боғдорчилик тармоғи хўжаликларида бошқарув тизимини яхшилаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, мева-сабзавотчиликда кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шу жумладан мамлакатимизда 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавотликда 28 фоизга етказиш имкониятлари мавжуд[50].

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда дунё бозорларида гилос, ўрик, олхўри, анор, узум, бодом, цитрус мевалар каби маҳсулотларга талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушумининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари экиладиган майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш, мазкур тармоқни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағларини фаол жалб этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20 сонли Қарорнинг қабул қилиниши айни муддоадир.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон юқори ҳосилдорлги янги навларни чиқариш, экинларни етиштириш ва парвариш қилишнинг илғор технологиялари ва илму фан ютуқларини жорий қилиш ҳисобига мевазорлар ва узумзорлар ҳосилдорлигини ошириш учун катта ички захираларга эга.

Мева-сабзавот ва узум етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ушбу хўжалик юритувчи субъектларда етиштирилаётган маҳсулот рақобатбардошлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Етиштирилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда юқори рақобатбардошлиги бу корхонанинг юқори рақобатбардошлигини англатади. Ва аксинча, агар маҳсулот бозордаги

[50] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

рақобатга бардош бера олмаса унда корхона рақобатбардошлиги ҳам паст бўлади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик ва узумчилик мажмуасидаги рақобат афзалликларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

а) табиий иқлим шароитларининг қулайлиги;

б) мева-сабзавот маҳсулотлари сифат даражасининг юқорилиги;

в) юқори малакали ишчи кучларининг мавжудлиги;

г) инновацион ва инфратузилманинг ривожланганлиги ва бошқалар.

Ушбу маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини баҳолашни мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори конъюктурасини ўрганишдан бошланади. Умуман олганда, мамлакатимизда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш экспортини ташкил қилишда катта имкониятларга эга Шу сабабли мамлакатимизда мева-сабзавот ва узумчиликнинг ривожланиш қуйидаги амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

- боғдорчиликда ва узумчиликда интенсив усулдаги боғлар етарлича ташкил этиш;
- боғ ва токзорлар яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли уларни янги интенсив боғларга алмаштириш орқали иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- минтақаларда ерлардан самарали фойдаланиш ва ҳосил бермаётган боғ ва токзорларни янгилаш;
- маҳсулот етиштириш, харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда экспорт кластерини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги кооперация тизимини жорий этиш;
- мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини ривожлантириш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” ПФ-5853-сонли Фармони.
5. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш //Инновацион ривожланиш

асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари. – 2015, 22 б.

6. R.X.Ergashev, S.N.Xamrayeva, Iqtisodiy o‘sish - (darslik) «Intellekt» nashriyoti, 2022. –243 bet.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

А.Н.Холиқулов – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири,и.ф.н., доцент

Аннотация: маколада хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни таҳлил қилиш йўллари рақамли иқтисодиёт талабларига мос янги тизими ишлаб чиқилган.

Калит сузлар: рақамли иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш**,** самарадорлик, хизмат, хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлиги кўрсаткичлар таҳлили.

Бозор иқтисодиёти такомиллашиб бориши натижасида, рақамли иқтисодиётга ўтиш энг долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётни миллий иқтисодиётнинг барча тамоқ ва соҳаларига кенг жорий этиш йигирманчи асрнинг сўнги йилларидан бошлаб кун тартибига қўйилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш барча хўжалик юритувчи субъектлар учун кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда. Умуман олганда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг зарурлиги нималарда намоён бўлади ва унга ўтишдан кузланган асосий мақсад нима, рақамли иқтисодиётга ўтишнинг қандай йўллари мавжуд ва шу каби саволларни кўплаб туғилади. Бу саволларга жавобни рақамли иқтисодиётга ўтишнинг объектив зарурлиги масаласидан бошласак. Албатта, ҳар бир мамлакат хизмат кўрсатиш соҳасини оптимал даражада ривожлантириш ва шу орқали халқининг моддий ва маънавий турмуш даражасини яхшилаш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида сўнгги бир неча йил ичида турли хил хизмат кўрсатиш соҳалари ўз фаолиятини яхшилашага эришган. Ҳозирги кунда бу соҳани янада ривожлантириш чора тадбирлари мамлакатимиз ҳукумати ҳамда Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида вазифаларни самарали бажариш учун инновацион фаолият ва ёндашувлар муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда берилаётган эътибор туфайли, хизмат кўрсатиш корхоналари сони ҳам йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида ҳам рақобат кучайиб

бормоқда. Ҳозирги вақтда рақобатда ютишнинг энг зарурий масалалардан бири хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳам рақамлаштиришдир. Ҳар бир корхона ўз мақсадига эришиш учун катта фойда олишни режалаштириш билан бирга фойда ресурсларни аниқлаш ва улардан ўз вақтида фойдаланиш тизимини ярата олиши зарур.



3.1-расм. **Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлиги юқори бўлиши учун доимо мижозларнинг фикр-мулоҳазаларини турли хил усуллар билан олиб бориши лозим, чунки замон

ривожланиши билан кечаги кундаги ўта муҳим бўлган хизмат тури бугунги кунда ҳеч нарсага арзимай қолиши мумкин. Харидорларга ҳозирги кунда қайси хизматлар зарурлиги билиб олиш учун турли хил сўровномалар, турли хил конкурслар ўтказиш орқали билиб олиши мумкин. Бундан ташқари, билдирилган шикоятларни бартараф этиш ҳам мижозларнинг кўрсатилган хизматлардан қониқиш даражасини орттириб боради.

Рақамли иқтисодиёт шароитида, хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини аниқлаш учун энг аввало, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаб олишимиз лозим. Умуман олганда самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар жуда кўп. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида уларни тўғри таснифлаб, бир тизимга келтириб олиш лозим деган хулосага келдик. Бунинг учун биз қуйидаги кўрсаткичлар тизимни таклиф қилмоқчимиз (1-расм).

Бу расмдан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни тўрт гуруҳга бўлиб, ўн битта кўрсаткични келтирганмиз. Лекин мана шу ўн битта кўрсаткич билан хизмат кўрсаткиш корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар чекланиб қолмайди. Чунки, хизмат кўрсатиш корхоналоари активлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан биринчиси, узоқ муддатли активлар рентабеллигини оладиган бўлсак, узоқ муддатли активлар таркибига кирувчи ҳар бир модда рентабеллигини аниқлашимиз мумкин.

Ўрганилаётган даврда ушбу кўрсаткичларнинг ҳолатига амалий жиҳатдан баҳо бериш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (1.-жадвал).

1.-жадвал

"ZILOL BAXT" mas'uliyati cheklangan jamiyati меҳмонхонасида самарадорлик кўрсаткичларининг 2019-2020 йиллардаги ҳолатининг ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати,%
Мутлақ кўрсаткичлар					
1.	Сотилган маҳсулот (хизмат) дан тушум, минг сўм.	4 961 528	2 531 388	-2 430 140	51,0
2.	Сотилган маҳсулот (хизмат) ларнинг таннархи, минг сўм.	2 004 196	1 718 592	-285 604	85,8
3.	Соф фойда, минг сўм	2 374 049	196 605	-2 177 444	8,3
4.	Узоқ муддатли активлар, минг сўм	4 866 456	6 302 743	1 436 287	129,5

5.	Жорий активлар, минг сўм	1 436 287	636 533	-1 372 634	44,3
6.	Моддий техникалар, минг сум				
7.	Тўлиқ фаолият кўрсатганда потенциал койка/ кунлари	100	100	0	100
8.	Фойдаланилган койка/ кунлари	90	45	45	50
9	Ходимларнинг ўртача сони, киши	28	30	2	107,1
Нисбий кўрсаткичлар					
9.	Узоқ муддатли активлар рентабеллиги,% (3к*100/4к)	48,78	3,12	-45,66	6,396
10.	Жорий активлар рентабеллиги, % (3к*100/5к)	165,29	30,89	-134,4	18,688
11.	Умумий инвестициянинг қопланиш коэффициенти (4к/3к)	2,05	32,06	30,01	1563,902
12.	Хизмат кўрсатиш корхонасида бир ўринга тўғри келадиган ўртача тушум, минг сўм 1к/7к	49615,28	25313,88	-24301,4	51,020
13.	Хизмат кўрсатиш корхонасида умумий моддий техникалардан фойдаланиш коэффициенти 8к/7к	0,9	0,45	-0,45	50
14.	Хизмат кўрсатиш корхонасида умумий моддий техникалар самарадорлиги коэффициенти 1к/8к	55128,09	56253,07	1124,98	102,04
15.	Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум (меҳнат унумдорлиги), минг сўм 1к/9к	177197,4	84379,6	-92817,8	47,619
17.	Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача хизматлар сони (меҳнат унумдорлиги, натурал)	532	356	176	66,91
18.	Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача хизматларнинг тури, коэффицентда	52	56	4	107,7
19.	Хизмат кўрсатиш корхонаси ҳисоботи даврида қилинган ҳаражатлар рентабеллиги, % (3к*100/2к)	118,45	11,44	-107,01	9,658
20.	Ҳар бир кўрсатилган хизмат турларининг ўртача таннархи	1376,5	1022,97	-353,53	74,32

"ZILOL BAXT" меҳмонхонасининг 2019-2020 йиллардаги иқтисодий самарадорлигига умумий хулоса берадиган бўлсак, меҳмонхонага ижобий хулосалар беришимиз жуда мушкул, фақатгина бу хизмат кўрсатиш корхонасига киритилган инвестициялар миқдори ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлган:

- Хизмат кўрсатиш корхонаси 2019 йилда 1 436 287 минг сўм узоқ муддатли активларга эга бўлган бўлса, 2020 йилда 6 302 743 минг сўм узоқ муддатли активларга эга бўлган. Бу кўрстакич ўтган йилга қараганда 1436287 минг сўмга кўпайиб, 29,5 фоиз ошганлиги кўриниб турибди.

Аммо шу билан бирга жуда кўп натижавий кўрсаткичлар хизмат кўрсатиш корхонасида салбий ўсиш тенденциясига, яъни камайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин:

- Сотилган маҳсулот (хизмат) дан тушум, ўтган йили 4961528 минг сўмни ташкил қилган бўлса жорий йилда 2531388 минг сўмни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 49 фоизга камайган.
- Сотилган маҳсулот (хизмат) ларнинг таннархи, ўтган йилга қараганда 285604 минг сўмга камайганлиги ижобий ҳолат сифатида қарашимиз мумкин, аммо ўтган йили хизмат кўрсатиш корхонасида кўрсатилган хизматлар самарадорлиги 2,47 сўмни ташкил қилган бўлса жорий йилда 1,47 сўмни ташкил қилмоқда, яъни ўтган йилга нисбатан харажатлар самарадорлиги 40 фоизга камайиб кетган.
- корхонада фойда ўтган йилга нисбатан камайган, бунинг энг асосий сабабларидан бири ҳозирги кунда жахонда бўлиб ўтаётган пандемия шароитининг таъсиридир, чунки туристларнинг келишига салбий таъсир кўрсатган. Бунинг натижасида соф фойда 2019 йилга қараганда 2020 йилда 91,7 фоизга камайиб кетганлигини куришмиз мумкин.
- Хизмат кўрсатиш корхонасида жорий активлар суммаси ҳам ўтган йилга нисбатан 1372634 минг сўмга ёки 55,7 фоизга камайиб кетган.
- Меҳмонхонада фойдаланилган койка/кунлари ўтган йилга нисбатан 50 фоизга камайиб кетган, бу кўрсаткич натижаси меҳмонхона соф фойдасига энг слбий таъсир кўрсатган кўрсаткичлардан биридир, чунки фойдаланилмаган 55 та койкаларнинг ўрнини сақлаш учун ҳам доимий ҳаражатлар қилинади, буларнинг барчаси охир оқибат меҳмонхона соф фойдаси камайишига сабаб бўлган. Шунга қарамай корхона жаҳонда бир қанча йирик корхоналар пандемия таъсири сабаб банкротга тушиб қолаётган иқтисодий инқироз вақтида Хизмат кўрсатиш корхонасида умумий моддий техникалар самарадорлиги коэффиценти 2,04 фоизга, Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача хизматларнинг тури 7,7 фоизга оширишга эришган. Бу ҳолатни албатта ижобий баҳолаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ш.М. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2022. -416 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- хар бир рахбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент: Ўзбекистон, 2022. -104 б.

3. Пардаева М.Қ., Холикулов А.Н., Жумаева Г.Ж. Инвестицион

лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 252 бет. Т.: “Инновацион ривож-ланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 252 бет.

4. Пардаев М, Хасанов Б., Исроилов Ж., Пулатов М., Эшбоев Ў, Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув-қўлланма, Т.: Чўлпон, 2012, 400 бет

5. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Рахимов Х.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография. Иқтисодиёт. – Тошкент. 2013, 210-бет

6. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Наврўз. – Тошкент. 2014, 236-бет

7. Холиқулов А.Н., Усманова Д.Қ., Рахимов Х.А. Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш. Ўқув қўлланма. Самарқанд, Туроннашр нашриёти, 2021 й. – 210 бет.

8. Худайбердиев У.Х., Холиқулов А.Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва муаммолари. Монография. Самарқанд, СамИСИ, 2020 124 бет.

IV ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ”

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ ТАЖРИБАСИ.

Аҳмаджонов Азимжон Каримжон ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси
akhmadjonov9696@mail.ru

Аннотация: МДҲ мамлакатларининг аудиторлар жамоат бирлашмаларини тадқиқ этиш натижасида, ушбу минтақа мамлакатларида аудиторлик фаолиятини давлат органлари ва жамоат бирлашмалари биргаликда назорат қилишини ўрганиб чиқилди.

Калит сўзлар: Аудиторлар палатаси, Солиқни режалаштириш, бюджетга мажбурий тўловларни ҳисоблаш, халқаро сертификатлар, ҳисобот фойдаланувчилари, инвестор.

Россияда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши барча мамлакатлардаги сингари акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши, шунингдек, кредит капиталини жонлантириш ва фонд бозорини фаоллаштиришга қаратилган банк ислоҳотларининг ўтказилиши билан боғлиқ бўлиб, бу охир-оқибат, замонавий тусда талқин қилинаётган аудитнинг шаклланишига олиб келди. Ўша вақтда, Россияда акциядорлик жамиятларининг аксарияти хорижий капитал, энг аввало, француз ва немис капиталларини жалб қилиш эвазига тузилган эди. Бу аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва ташкил этишга бўлган ёндашувда ўз аксини яққол топган. Айнан шу даврда тузилган акциядорлик жамиятларида аудиторлик текширувларини ўтказиш учун, кўпинча, хорижий аудиторлик ташкилотлари таклиф қилинган.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун муҳим меъёрий ҳужжат бўлишига қарамасдан, ушбу фаолиятга қўйиладиган асосий талаблар фақат у билан белгиланмайди. Ҳозирги вақтда Россияда аудиторлик фаолиятини аралаш шаклда тартибга солиш концепцияси қабул қилинган ва уни тартибга солишнинг барча асосий элементлари қонун билан мустаҳкамланган. Аудиторлик фаолиятини аралаш тартибга солиш тизими нафақат давлат тузилмалари томонидан қабул қилинадиган қонун ва

қонуности ҳужжатлари билан, балки жамоатчилик ташкилотларининг меъёрий ҳужжатлари билан ҳам амалга оширилади.

Россия аудитни ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги меъёрий ҳужжатларни 4 та даражага ажратиш мумкин (1-расм).



1-расм. Россияда аудиторлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизими[51]

Россия Федерациясининг умумий аудиторлик фаолияти тафнисланиши 1-жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

Россия Федерациясининг умумий аудиторлик фаолияти[52]

Аудиторлик фаолияти	Ташқи Ички
Ташқи	Мажбурий Ташаббус тарзидаги
Аудит хизматлари	Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш Молиявий ҳисобот тузиш Солиқ ҳисобини ташкил этиш ва юритиш Молиявий менежмент бўйича маслаҳатлар

Россия Федерациясида Молия вазирлиги ва Аудиторлар палатаси аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи давлат органлари ҳисобланади. Шунингдек, умумий аудиторлик фаолияти билан бир қаторда, давлат миқёсида давлат мулки, бюджет маблағларининг тўғри сарфланишини текшириш мақсадида давлат аудити ҳам юритилади. Россияда давлат аудити функциясини Ҳисоб палатаси олиб боради. Давлат аудити мустақил орган бўлиб, унинг таркибига иқтисодчилар, молиячилар, мустақил таҳлилчи-экспертлар ва бошқа мутахассислар киради.

[51] Тадқиқотчи томонидан тузилган

[52] Тадқиқотчи томонидан тузилган

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, Россия Федерациясида аудиторлик фаолиятининг умумий аудит ва давлат аудитлари ташкил этилган, қонун ва меъёрий ҳужжатлар халқаро стандартлар асосида қабул қилинган. Умумий аудит тизимида мажбурий аудиторлик текшируви салмоқли ўринни эгаллайди. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташаббус тарзидаги аудит текширувига қизиқиш жуда кам. Аудиторлик бозорида касбга доир профессионал хизматлар улуши юқори эмас, унда асосий улушни "катта тўртлик" компаниялари эгаллаган.

Озарбайжон Республикасининг 1994 йил 16 сентябрда қабул қилинган "Аудиторлик хизмати тўғрисида"ги 882-сон Қонунига мувофиқ, мамлакат ҳудудида аудиторлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ташкил этилган.

Ушбу соҳада Озарбайжон Республикасида амал қилаётган ва аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; давлат, хўжалик объектлари ва аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари)нинг манфаатларини ҳимоя қилиш; аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари)нинг "Аудиторлик хизмати тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқадиган талабларга риоя этишларини назорат қилиш мақсадида Озарбайжон Республикаси Аудиторлар палатаси тузилган. Озарбайжон Республикаси Аудиторлар палатаси мустақил молиявий назорат органи ҳисобланади. Аудиторлар палатасининг асосий мажбуриятига республикадаги барча хўжалик юритувчи субъектларда, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, молиявий ва бухгалтерия ҳисобини аниқ ва ишончли юритилишини таъминлаш, шунингдек, унинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ чора-тадбирларни амалга ошириш киради (2-расм).



2-расм. Озарбайжон Аудиторлар палатасининг асосий функциялари[53]

Озарбайжонда аудиторлик хизматлари, гарчи уларнинг қўлланишида муайян муаммолар бўлса-да, тезкор суръатлар билан ривожланмоқда. Муаммоларни ҳал қилишга аудиторлик хизматлари бозорида рақобатчилар сафининг кенгайиши таъсир қилади, яъни аудиторлар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Шунинг учун улар бу соҳада юқори даражада хабардорликка эга бўлишлари лозим, бу уларга ўзларининг доимий мижозларига эга бўлиш ҳамда мижозлари унинг ишидан қониқиш ҳосил қилишлари учун ёрдам беради. Шундай қилиб, бизнингча, аудитда ўзгаришлар бўлиши зарурлиги тўғрисидаги масала фақат ижобий характерга эга.

Бизнинг фикримизча, Озарбайжонда аудиторлик фаолияти тўлиқ Аудиторлар палатаси томонидан назорат қилинади. Аудиторлар палатаси мустақил давлат органи бўлиб, аудиторларни сертификатлаш, аудиторлик ташкилотларини назорат қилиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллатириш каби функцияларни бажаради. Охирги йилларда аудиторлар сонининг ошиши аудиторларнинг ўз устида ишлашлари, малакасини оширишларига мажбур қилди. Аудиторлар мижозларини йўқотмаслик ва янги мижозларни ўзига жалб қилиш мақсадида иш сифатига алоҳида аҳамият бера бошлади. Умуман олганда, аудиторлик фаолияти Озарбайжон иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

[53] Муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда Қозоғистонда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар, аудиторлар, аудиторлик ташкилотлари ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати Қозоғистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ҳисобланади. Ушбу қонунга мувофиқ, аудит – молиявий ҳисоботларни тузиш тўғрисидаги мустақил фикр ва молиявий ҳисобот билан боғлиқ бошқа маълумотларни баён қилиш мақсадида ўтказиладиган текширув. Ҳар қандай ташкилотнинг молиявий ҳисоботи ўзида унинг молиявий ҳолати, активлари ва мажбуриятларининг мавжудлиги, даромадлилиги, ўз капиталига эгалиги тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради.

Ҳисоботдан фойдаланувчилар шу ва бошқа маълумотлар асосида нафақат ташкилотнинг мулкий ҳолати, балки унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳам тегишли хулосаларни чиқаришлари мумкин. Бунда аудитор томонидан тасдиқланган ҳисоботлар анча ишончли бўлади, бу молиявий ҳисоботга ишончни орттиради. Масалан, инвестор бизнесга маблағ киритишга тайёр, у ўзининг капитал қўйилмалари ишончлилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши учун ушбу бизнеснинг жорий ва истиқболдаги омиллари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим. Бошқа томондан эса, сармоя маблағларини ўзлаштирмоқчи бўлган томон ҳам қўшимча молиялаштиришдан манфаатдор. Инвестор ишончли маълумотларга қараб ҳисоб-китоб қилади. Унга ишончли маълумотларнинг тасдиғи сифатида аудиторлик хулосаси хизмат қилади. Шунингдек, молиявий ҳисоботни тузишдан компания маъмурияти ҳам манфаатдор, чунки у ўз кўрсаткичларининг тўғри ва ишончлилиги учун фойдаланувчилар олдида жавобгардир.

Бугун ривожланган мамлакатлар аудиторларининг тан олишларича, аудитнинг мақсади барча муҳим жиҳатларда бухгалтерия ҳисобининг ишончлилиги тўғрисидаги фикрни шакллантиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун ўзига хос ёндашувлар, тартиб-таомиллар ва усуллар доирасидан фойдаланилмоқда.

Бугунги кунга келиб, мамлакатда аудиторлик фаолияти кенг ривож топди. Эндиликда аудит фақат пуллик хизматларни кўрсатибгина қолмасдан, балки муҳим ижтимоий функцияни ҳам бажармоқда, яъни у мўътадил иқтисодий муносабатларнинг юзага келишига хизмат қилади (2-жадвал). Аудиторлик текширувлари молиявий фаолият таҳлили билан биргаликда яхшигина рентабелликка эга.

2-жадвал

Қозоғистонда аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар[54]

№	Хизматлар тури
1.	Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, тиклаш ва юритиш, молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш
2.	Солиқни режалаштириш, бюджетга мажбурий тўловларни ҳисоблаш, солиқ декларацияларини тўлдириш
3.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш
4.	Молиявий, солиқ, банк ва бошқа хўжалик фаолиятига оид қонунчилик масалалари бўйича маслаҳат ва ахборот бериш хизматини ташкил этиш
5.	Қўшимча касбий таълим сифатида бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, аудит ва молиявий хўжалик фаолияти таҳлили бўйича ўқитиш
6.	Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича тавсиялар, ҳисоб юритишнинг автоматлаштирилган усулини ўргатиш
7.	Бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, хўжалик ҳуқуқи бўйича илмий ишланмалар, услубий қўлланмалар ва йўриқномаларни нашр этиш
8.	Бизнесни баҳолаш, баҳолаш фаолияти, қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият
9.	Адвокатлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган юридик хизматларни кўрсатиш

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, Қозоғистон Республикасида охирги йилларда аудиторлик фаолияти янги поғонага кўтарилди. Халқаро аудит стандартларига ўтилиши ва аудиторларга бўлган талабнинг ортиши аудиторлик фаолияти ривожланишига катта туртки бўлди. Қозоғистонда аудиторлик фаолияти Молия вазирлиги ва Аудиторлар палатаси томонидан назорат қилинади. Сўнгги йилларда Қозоғистон иқтисодиёти ва экспорт салоҳияти жадал суръатлар билан ўсмоқда, бу ҳолат, ўз навбатида, аудиторлик фаолияти замон талабларига мос равишда ривожланишини тақозо этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолияти янги поғонага кўтарилди. Халқаро аудит стандартлари асосида фаолият олиб бориш аудиторларга муайян масъулиятни юклайди. Бизнингча, аудиторлик ташкилотларига индивидуал аудиторларни, шунингдек, CAP, CIPA ва ACCA халқаро сертификатларига талабгорларни тайёрлаш ва ўқитишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу, ўз навбатида, аудиторлик ташкилотлари учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Халқаро сертификатга эга аудиторларга бўлган талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда, аудиторлик ташкилотларининг ўқув курсларидан келадиган даромадларини солиқ солиш базасидан 3 йил муддатга озод қилинишини таклиф қиламиз.

[54] Муаллиф томонидан тузилган

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори. www.lex.uz
2. IFRS Adoption and Implementation in Korea, and the Lessons Learned. //IFRS Country Report. 31.12.2012.
3. Ҳайдаров Ш.У, Б.Маматов Янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ. //Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби.-2016.
4. International Finacial Reporting Standards Committee https://www.ifrs.org/news-and-events/2021/02/february-2021-ifric-updateavailable/

RAQAMLI IQTISODIYOTDA AKTIVLAR HISOBINI YURITISH XORIJIY TAJRIBASI

Sultanova Sonya Mahmudovna,
professor v.b., PhD
Toshkent davlat transport universiteti
Telefon raqami +998 998308476
Elektron manzili: sofsul@mail.ru

Annotatsiya: Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobi va aktivlarini yuritish o’ziga xos hususiyatlarini yoritish yuqori ahamiyat kasb etadi. Shu sabali dolzarb masalalardan kelib chiqib ushbu ilmiy maqolada raqamli iqtisodiyotda xotij tajribasini qo’llashning muhim jixatlari yoritilgan.

Kalit so’zlari: raqamli iqtisodiyot, aktivlar, hisob, hisob-faktura, elektron hisob-faktura ,xorijiy tajriba, Oltin soliq loihasi

Raqamli iqtisodiyotni shakllanishi sharoitida buxgalteriya hisobining boshlang'ich hujjatlari, uslubi, hisob shakllari, hisob registrlari va hisobotlarida o'zgarishlar ro'y beradi.

Buxgalteriya hisobini raqamli iqtisodiyot shartlariga moslashtirish boshlag'ich hujjatlardan boshlanadi. Bunga yaqqol misol bo'lib elektron hisob-faktura hisoblanadi. Amerikalik operator "Edo Basware"ning qo'llab quvvatlashi asosida "Billentis" kompaniyasi tomonidan chop etilgan "E-invoicing/E-billing Digitisation& Automation” nomli hisobotda ko'rsatilishicha yildan yilga tuzilayotgan hisob-fakturalarning hajmi (soni) 2-3 foizga ko'payishi munosabati bilan biznesni rivojlantirishda elektron schet-faktura birinchi raqamga aylanadi. Buning asosida pul mablag'larining aylanishi tezlashadi hamda mol etkazib beruvchilar va xaridorlar bilan iqtisodiy munosabatlar yaxshilanadi. "Billentis" kompaniyasining ma'lumotlariga ko'ra 2019 yilda tuziladigan hisob-

fakturalaraning soni bir yilda dunyo bo'yicha 370 milliard bo'lsa, Evropa mamlakatlari bozorida 2025 yilgi 36 milliarddan 37 milliardgacha ko'payishi mumkin. Bu katta hajmdagi boshlang'ich hujjatlarni elektron hisob-faktura tuzishga o'tish yo'li bilan hal etish mumkin. Elektron hisob-fakturaga o'tishdan asosiy maqsad aktivlarning eng katta ulushini tashkil rtuvchi tovar moddiy zahiralarni sotish yoki sotib olishda tovar etkazib beruvchilar va xaridorlar o'rtasidagi hisob kitob munosabatlarini tezlashtirishadi [1].

Xorijiy tajribani o'rganish natijasida Xitoyda soliqdan qochishning oldini olish va qonunchilikka rioya qilish darajasini oshirish maqsadida zamonaviy axborot texnologiyaga asoslangan "Oltin soliq loihasi" (Golden Tax Project (GTP)) deb nomlangan moliyaviy islohatni amaliyotga joriy qilindi. Bu moliyaviy islohat bevosita QQSga ham tegishlidir. Zamonaviy axborot texnologiyadan foydalanishni takomillashtirish va qog'ozsiz hujjatlar aylanishini tezlashtirish maqsadida elektron Arxivlashtirish rivojlantirmoqda [2].

Hindistonda 2015 yil martdan boshlab qonunchilikka kiritilgan o'zgartirishlar asosida barcha hisob-fakturalar elektron shaklda berilishi shart.

Indoneziyada esa barcha soliqqa tortiladigan tadbirkorlar 2016 yil 1 iyuldan boshlab hisob-fakturalar (Faktur Pajak, FP) va soliq to'lovlari elektron shaklda Internet orqali amalga oshirishga majbur qilib belgilangan.

Qozog'iston Respublikasida elektron hisob-faktura tuzishga 2016 yil 1 yanvardan o'tilgan. Qozog'iston Respublikasi soliq kodeksining (2017) 412-moddasiga asosan 2019 yil 1 yanvardan boshlab elektron hisob-faktura tuzishga to'liq o'tikldi. Ushbu moddaga asosan tadbirkorlar QQS to'lovchisi bo'ladimi eki yo'qmi hisob-fakturani elektron shaklda tuzishga majburdir [5].

Schet fakturaga o'tishda Rossiya Federasiyasida 2010 yildan boshlab soliq kodeksiga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi. Ushbu qonunga asosan soliq kodeksida soliq munosabatlarida foydalanadigan elektron hujjatlar ro'yxati kengaytirildi va bu ro'yxatga hisob-faktura ham kiritildi.

Belarus Respublikasida hisob-fakturani qo'llanishi sanoat, Moliya, soliq va yig'imlar bo'yicha vazirliklarining 2017 yildan joriy etildi.

O'zbekiston Respublikasi soliq kodeksining (2019 yilda qabul qilingan) 47-moddasida hisob-faktura quyidagicha e'tirof etilgan: "tovarlarni (xizmatlarni) realizasiya qilishda yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar, agar mazkur moddada boshqacha qoida nazarda tutilmagan bo'lsa, ushbu tovarlarni (xizmatlarni) sotib oluvchilarga hisobvaraq-fakturani taqdim etishi shart [6].

Hisobvaraq-faktura, qoida tariqasida, elektron hisobvaraq-fakturalarning axborot tizimida elektron shaklda rasmiylashtiriladi" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 25 iyundagi "o'zaro hisob-kitoblar tizimida elektron shakldagi hisobvaraq-fakturalardan foydalanishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 522-sonli qarori bilan tasdiqlangan "o'zaro hisob-kitoblar tizimida elektron shakldagi hisobvaraqfakturalardan foydalanish tartibi to'g'risidagi Nizom"da "elektron hisobvaraqfaktura" tushunchasining ta'rifi

keltirilgan: "elektron hisobvaraq-faktura (keyingi o'rinlarda EHF deb ataladi) — tovarlarni (ishlar, xizmatlarni) realizasiya qilish va sotib olishni tasdiqlaydigan, EHF aylanish tizimi operatorlari orqali taqdim etiladigan va qabul qilinadigan, qonun hujjatlariga muvofiq belgilangan shakllarda rasmiylashtirilgan elektron hujjat" (1-chizma).



1-chizma. Elektron hisob-faktura aylanish tizimi

Elektron hisob-fakturani amaliyotga joriy etilishi elektron ishonchnomani ishlab chiqish va undan amaliyotda foydalanish zaruriyatini keltirib chiqardi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobining ob'ektlarida ham o'zgarishlar ro'y beradi. Chunki bu sharoitda nomoddiy aktivlarning jami aktivlardagi ulushi oshib boradi. Bu borada N.Jumaev quyidagi fikrlarni bildirgan: "raqamli texnologiyalarni rivojlanishi oxir-oqibat nomoddiy aktivlarni, ya'ni fizik jihatdan mavjud bo'lmagan nomonetar aktivlarni oshishiga olib kelmoqda. Masalan, 1975 yilda Amerikaning yirik korporasiyalarining nomoddiy aktivlari 17%ni tashkil etgan bo'lsa, 2019 yilga kelib, bu ko'rsatkich 85%dan oshdi. Aniqroq tushuntiradigan bo'lsak, buxgalteriya balansidagi moddiy va nomoddiy aktivlar o'z o'rinlarini almashtirishdi. Raqamli aktivlar – bu moliyaviy hisobotlarni tuzishda hisobga olinadigan raqamli shakldagi nomoddiy aktivlardir. Jahonning mashhur McKinsey ekspertlarining baholashi bo'yicha, bugungi kunda jahon YaIMning qariyb 10%i raqamli aktivlarga to'g'ri keladi, shu bilan birga, ularni ishlab chiqish sur'ati jahon iqtisodiy o'sishining 30%ga to'g'ri keladi.”

Mamlakatimizda raqamli mahsulotlarni buxgalteriya hisobida aks ettirish bo'yicha me'yoriy hujjatlar ishlab chiqildi va amaliyotga joriy qilindi. Bunga yaqqol misol bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 16avgustdagi "dasturiy mahsulotlar va axborot mahsulotlaridan foydalanish huquqini amalga oshirish hamda rasmiylashtirishning bojxona rasmiylashtiruvi (deklarasiyalash) va buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to'g'risida Nizom" 670-sonli qarori hisoblanadi. Ushbu Nizomda raqamli mahsulotga quyidagicha ta'rif

berilgan: "raqamli mahsulotlar – intellektual mulk ob'ektlarining elektron nusxalari (raqamli tovarlar), shuningdek elektron axborot muhitida moddiy natijaga ega bo'lmagan muayyan harakatlar yoki muayyan faoliyatni amalga oshirish, shu jumladan "bulutli texnologiyalar" xizmatini xarid qilish va unga obuna bo'lish xizmatlari (raqamli xizmatlar)".

Nizomga asosan raqamli mahsulotlarni buyurtma asosida yaratish ishlarini bajarishda quyidagi schyotlar korrespondentsiyasi tuzulishi belgilangan.

1. Raqamli mahsulotlar buyurtma asosida mol etkazib beruvchilardan olindi:

Debet - schyot 0830 - "nomoddiy aktivlarni xarid qilish",

Kredit - schyot 6010 - "mol etkazib beruvchilar va pudratchilarga to'lanadigan hisobvaraqlar".

2. Raqamli mahsulotlar foydalanishga topshirilganda:

Debet-schyot 0490-" boshqa nomoddiy aktivlar (raqamli mahsulotlar)" kredit-schyot 0830-"nomoddiy aktivlarni xarid qilish".

Yuqoridagi yozuvlardan ko'rinib turibdiki, raqamli mahsulotlarni buxgalteriya hisobida aks ettirish uchun 0400 schyotda alohida "raqamli mahsulotlar" schyotini ochish va unda ularning hisobini olib borishimiz maqsadga muvofiq.

Xulosa.

Korxona faoliyatida xarajatlarni kamaytirish va ayni paytda iqtisodiyotning ko'plab tarmoqlarida mehnat unumdorligi va samaradorligini oshirish uchun axborot texnologiyalari yordamida yangi imkoniyatlar mavjud. Raqamli iqtisodiyotga xos bo'lgan texnologik o'zgarishlar ishlab chiqaruvchilar va xaridorlar uchun yangi bozor qoidalarini yaratishi mumkin. Bunday muhitda kompaniyalar yangi raqobat strategiyalarini qidirishi va raqobat samaradorligini oshirishlari kerak. Omon qolish va ayni paytda yangi sharoitda rivojlanish uchun kompaniyalar raqamli axborot texnologiyalar sohasida o'z vakolatlarini oshirishlari zarur.

O'zbekiston Respublikasida davlat tomonidan buxgalteriya hisobini tashkil etish va yuritish, xo'jalik yurituvchi sub'ektlarda (tashkilotlarda, korxonalarda) buxgalteriya hisobotlarini tayyorlash uchun belgilangan majburiy qoidalar va me'yorlar majmuini belgilaydigan bozor iqtisodiyotida tartibga solishning belgilangan tizimi asosida tashkil etiladi. Buxgalteriya hisobini raqamli iqtisodiyot shartlariga moslashtirish boshlag'ich hujjatlardan boshlanadi. Bunga yaqqol misol bo'lib elektron hisob-faktura hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Бегалов Б..А., Султанова С.М. Информационные системы бухгалтерского учёта: проблемы, поиски, решения. Монография. – Ташкент, Фан, 2009 г. – 124 с.

2. Н. Жумаев.”Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакатга нима беради?”. https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/6699-ra-amli-i-tisodijotni-rivozhlantirish-mamlakatga-nima-beradi.

3. F. Safarov. Improving the t ving the taxation of n tion of natural resources and tural resources and Properties // International Finance and Accounting. Илмий-электрон журнал. 12-сонли 2019 й. https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?rticle=1797&context=interfinance.

4. Турсунова Н.Р. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. – 152 б., 9-бет.

5. Султанова С.М., Гаибназаров Б.К., Кодиров М.К. Цифровая трансформация системы учёта на транспорте. //1-я Международная научно-техническая конференция «Железнодорожный подвижной состав: проблемы, решения, перспективы». - Ташкент, 20-23 апреля 2022 г.

6. Sultanova S.M., Kamalov A.R. Auditorlik faoliyatini raqamlashtirish xalqaro standartlari. // “Yosh ilmiy tadqiqotchi” I- Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani . - Тошкент, 1-2 апрель 2022 й. , 733-737 b.

Доривор ўсимликларни етиштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси

ҚарМИИ таянч докторанти
Н.Р.Хўжақулова

Аннотация. доривор ўсимликларни етиштириш бўйича хорижий давлатлар маълумотлари таҳлил қилинган ва хориж давлатлар тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: доривор ўсимликлар, импорт, экспорт, хом ашё, иқтисодий самарадорлик.

Халқаро экспертлар прогнозига кўра, бугунги кунда дунёда табиий дори воситаларига бўлган талаб йилига 6-7 фоизга ортган бўлиб, 2020 йилда йиллик товар айланмаси 35 миллиард доллардан ошган. Хитой, Ҳиндистон, Канада ва АҚШ каби давлатлар ёввойи ҳолда ўсаётган доривор ва зиравор ўсимликларни сақлаш, маданий плантация усулида кўпайтириш борасида катта тажриба ва салмоққа эга. Хусусан, Хитойнинг доривор ўсимликлар ва дори воситалари ўртача йиллик товар айланмаси 100 миллиард долларни, экспорт ҳажми 1 миллиард долларни, импорт эса 274 миллион долларни ташкил этади[55].

[55] www.researchgate.net. https://big_medicine.academic.ru

Инсон томонидан доривор ўсимликлардан фойдаланиш жуда қадим даврлардан бошланган ва бу борада катта тажриба тўпланган.

Инсоният жамиятининг ривожланишининг дастлабки босқичларида ўсимликлар нафақат инсоннинг овқатланиши, кийим-кечак, воситалар ва ҳимоя манбаи бўлган, балки улар одамларга касалликлардан халос бўлишга ёрдам беришган. Археологик топилмаларни ўрганиш, австралияликларнинг ибтидоий қабилалари, Марказий ва Жанубий Африка қабилалари, Амазонкадаги ҳиндулар, этнографлар, ер юзида доривор ўсимликларни билмайдиган қабилалар йўқлигини аниқладилар.

Ўзининг ноёб бойлиги билан ажралиб турадиган Жануби-Шарқий Осиё, Ҳиндистон ва Хитойнинг флораси кўплаб минг йилликлар давомида турли касалликларни даволаш учун дориларнинг туганмайдиган манбаи бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Хитой тиббиёти бир неча минг йилларга тўғри келади. Унинг асосчиси 1100 йил олдин яшаган афсонавий император Шен-нун ҳисобланади, у қадимги тиббиёт китобининг муаллифи Бен-тсао (яъни ўсимлик дориси) деб номланган, чунки у асосан ўсимликларни даволайди. Ўша пайтда хитойлик шифокорлар гинсенг, эфедра, қушқўнмас, ит дарахти ҳақида билишган. Ҳиндистонда, Аюр-Веда ёки "Ҳаёт китоби", биринчи асрга оид асл тиббий композитсияси жуда машҳур. Милоддан аввалги бу китоб саккизта бобдан иборат. Тиббиётда "Барча касалликларга қарши дори-дармон тайёрлаш ва умрни узайтириш санъати" ҳақидаги еттинчи боб катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу боб “оғриқли организмни кучайтирадиган ва ҳаяжонлантирадиган дорилар" тўғрисидадир.

Олиб борилган изланишлар натижасида, Ҳинд тиббиётида 800 га яқин ўсимлик ишлатилган. Ҳозирги вақтда уларнинг катта қисми (чилибуҳа, рауолфия, кўплаб зираворлар) ишлатилади.

Инсонга минг йиллар давомида асосий шифо воситасида хизмат қилиб келган доривор ўсимликлардан тайёрланган табиий препаратлар XX ва XXI-асрларда тез ва кучли таъсир этувчи-тезкор ёрдам бериш имконини берувчи кимёвий препаратлар томонидан сиқиб чиқарила бошланди. Лекин, шу билан бир қаторда, доривор ўсимликлар хом ашёси даволаш амалиётида яхши самара берадиган, синовдан ўтган ишончли восита ҳисобланади.

Табиий доривор препаратлар, одатда секин-аста таъсир этади, организмда тўпланиб қолмайди, кимёвий препаратлар қўлланишдаги мавжуд бўлган бир қатор ножўя таъсирлардан ҳоли хисобланади. Бундан ташқари доривор ўсимликлар биологик фаол моддалар тўплаш хусусиятига эга бўлганликлари сабабли ҳам расмий тиббиёт ва халқ табобатида кенг қўлланилади.

Жаҳонда ҳозирги кунда доривор ўсимликларнинг истеъмол сифати-инсоннинг соғлом турмуш тарзи ва экологик хавфсизлигини ўта муҳим ташкил этувчилардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда Европа доривор ўсимликлар бозорида сотиладиган ўсимликлар маҳсулотининг умумий қиймати 1,1 млрд. АҚШ долларига тенг. Европада ўсимликлар ва уларнинг маҳсулотларини сотиб олувчи давлатлар Германия, Франция ва Италия ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Дунёдаги йирик доривор ўсимликлар хом ашёсини сотиб олувчи (импортер) давлатлар[56](2021 йил)

Давлатлар	Миқдори (тонна)	АҚШ доллари (млн)
АҚШ	51600	118
Англия	730	24
Германия	45400	107
Гонконг	80555	332
Испания	7350	24
Италия	10400	39
Корея	34200	53
Покистон	12550	43
Сингапур	8500	60
Франция	19800	46
Хитой	9300	36
Япония	57850	158
Умумий (Жами)	344900	1010

Асосий доривор ўсимликлар хом ашёсини етказиб берувчи давлатлар орасида энг йирик давлат Хитой бўлиб, 140450 тонна маҳсулот сотади, кейинги ўринларни Ҳиндистон - 35650 тонна, Германия-14900 тонна, Чили - 11700 тонна, Сингапур - 14400 ва бошқа давлатлар эгаллайди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларда ҳам доривор ўсимликлар ва улардан тайёрланадиган дори воситаларига эътибор кучайиб бормоқда. Айниқса, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда халқаро корпорациялар ва фармацевтик фирмаларда, доривор ўсимликлардан тайёрланган чойлар, йиғмалар, экстрактлар, дамламалар, қайнатмалар кенг қўлланила бошлади.

[56]Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Ҳозирги кунда хориждаги ривожланган давлатларда (Европа) Абу Али ибн Сино тавсия қилган ўсимликлар ва йиғмалардан фойдаланадиган йирик корхона ва ташкилотлар мавжуд.

Доривор ўсимликларни тиббиёт ва қисман озиқ-овқат саноати учун, шунингдек инсоннинг яшаш муҳитини соғломлаштириш мақсадида фойдаланиш аҳамияти кундан-кун ошиб бормоқда. Дунёнинг кўпгина етакчи давлатларидаги ҳолат фикримизнинг далилидир. Масалан, Россия Федерациясида яқин ўртада доривор ўсимликлар хом ашёсига талаб ва эҳтиёж ўсиб бораётганини эътироф этган ҳолда, жаҳон "тиббиёт маҳсулотлар" етишмаслиги инқирозини бошдан кечираётгани, фитотерапия асри бошланганини таъкидлаш ўринли бўлади.

Ҳозирги замон соғлиқни сақлаш тизимида барча дори-дармонлар ёввойи тарзда ўсадиган ва маданий етиштириладиган доривор ўсимликлар хом ашёсидан тайёрланади. Ривожланган давлатларда маданий доривор ўсимликлар ҳиссаси ички бозорда ишлаб чиқариладиган ва тайёрланадиган дори-дармонларнинг 60-70 % ига тўғри келади. Бу ҳолат доривор ўсимликларни маданийлаштириш хамда сифатли хом ашё олинишини кафолатлаши, уни ишлаб чиқаришнинг асосий босқичларини, йиғиб олишдан сўнгги ишлов бериш ва қуритишни технологик назорат қилиш имконияти, ишлаб чиқаришни талаб этиладиган даражасига мос майдонларни жойлаштириш, катта маҳсулдорлик ва турларни экологик ҳимояланганлиги кабилар билан изоҳланади.

Шунинг билан бир қаторда, Россия Федерациясида доривор ўсимликлар хом ашёсини етиштиришнинг мавжуд ҳолати бу соҳада инқирозли вазиятдан далолат беради. Масалан, 2000 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда доривор ўсимликларни етиштириш майдонлари 1,5 марта, ушбу ўсимликлар хом ашёсини ишлаб чиқариш ҳажми деярли 5 баробар камайган. Кейинги йилларда Беларусь Республикаси доривор ўсимликлар хом ашёси етиштиришда ва экспортда олдинги ўринларда бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал

2018-2020 йилларда Беларусь Республикасидан бошқа мамлакатларга доривор ўсимликлар хом ашёси экспорти[57]

Мамлакатлар	Йиллар			2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши % да
	2018	2019	2020	
Россия Федерацияси	1028,4	869	636,9	61,93
Латвия	396,3	305,5	362,2	91,40

[57]Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Қозоғистон	67,7	2,2	3,1	4,58
Украина	20,1	21,8	18,2	90,55
Польша	122,7	371,6	802,9	654,36

Беларус Республикасида давлат назорати остида авваллари 50-60 тоннадан кўпроқ маданийлаштирилган доривор ўсимликлар ишлаб чиқарилгани ҳолда, айни пайтда бор-йўғи 5-6 тонна ушбу ўсимликлар хом ашёсини етиштириб бераётган 10 га яқин ихтисослаштирилган хўжаликлар қолган холос.

Дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу боисдан, сўнгги йилларда ноозиқ-овқат товарларнинг нархи пасайиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин ошиб бормоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларига кўра, жаҳонда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари 2020 йилга келиб сўнгги 3 йил ичида энг юқори кўрсаткич қайд этилган.

Бу турдаги маҳсулотлар нархининг ошишига бўлган сабаб шуки, аввало дунё аҳолиси сонининг ошиши билан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ўртасидаги кескин тафовут ҳамда бугунги глобаллашув шароитида юзага келаётган турли хилдаги муаммолар кўламининг авж олиниши билан изоҳланади.

Шу боисдан, биргина Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ҳамда Агросаноат сиёсати департаментлари томонидан мазкур иттифоққа аъзо давлатларда бу каби муаммоларнинг олдини олиш ва уларнинг аҳолисини доривор ўсимликлар билан таъминлаш мақсадида, катта майдонларда саноат миқёсида доривор ўсимликларни етиштиришга қаратилган турли йўналишлардаги таклифлар берилмоқда.

Хусусан, доривор ўсимликларни етиштириш ҳажмини оширишни ривожлантиришда импорт ўрнини босиш, ҳамкорлик ва оптималлаштириш

бўйича таклифлар келтирилган.

Унга кўра, хом ашё базасини мустаҳкамлаш, доривор ўсимликларни етиштиришнинг рақобатбардошлик даражасини ички ва ташқи бозорларда ошириш йўлида ЕОИИга аъзо давлатлари учун ўрта ва узоқ муддатлар учун қуйидаги таклифлар берилган. Жумладан:

1. Доривор ўсимликлар экиш материаллари бозорида импорт ўрнини босиш йўналишида:

- доривор ўсимликлар уруғчилик корхоналари, селекция марказлари ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ва модернизация қилиш учун кредитларни субсидиялаш ҳисобига моддий-техник базани янгилаш;
- доривор ўсимликлар етиштириш плантацияларида янги маҳаллий

нав ва дурагайларини жадал жорий этиш, жумладан, хусусий компаниялар, уюшмалар иштирокида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини экиш ва ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар қўллаб-қувватлаш орқали самарали маркетинг сиёсатини юритиш ҳамда маслаҳат бериш;

- умумий сифатни ошириш учун уруғлик материалларини тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш;
- доривор ўсимликларни қайта ишлаш ва фармацевтика саноатининг замонавий стандартлари ва эҳтиёжларига жавоб берувчи доривор ўсимликларнинг янги навларини яратиш жараёнида молекуляр биология ва генетика ютуқларини қўллаш бўйича ЕОИИ давлатлари ўзаро бир-бири билан тажриба алмашиш;

2. ЕОИИ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини минерал ўғитлар, доривор ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва ишлаб чиқаришнинг бошқа айланма воситалари билан таъминлаш йўналишида:

- ЕОИИ қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштирувчиларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш;
- доривор ўсимликларни етиштириш воситаларини саноат корхоналаридан тўғридан-тўғри харид қилишни рағбатлантириш.

3. Қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликлар инфратузилмавий, логистик ва ташкилий ўзгаришлар ҳисобига ЕОИИга аъзо давлатлар ўртасида савдони ривожлантириш, соҳани техник ва технологик ҳамда иқтисодий такомиллаштиришга йўналтириш[58] каби таклифлар берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон мазкур иқтисодий иттифоққа аъзо эмас. Бироқ, 2020 йилнинг 11 декабрь куни “Олий Евроосиё иқтисодий кенгашида, Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо-мамлакат раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомини бериш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилинди”[59].

Маълумки, ЕОИИнинг мақсади — аъзо давлатлар аҳолисининг турмуш даражасини ошириш борасида барқарор ривожланиш учун шароитлар яратиш, ЕОИИ доирасида товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат ресурсларининг ягона бозорини шакллантиришга ҳаракат қилиш, глобал иқтисодиёт шароитида миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ҳар томонлама модернизациялаш ва ўзаро кооперацияни ривожлантириш[60] ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон мазкур иттифоққа аъзо бўлса, биринчидан, бугунги кундаги ўта мураккаб иқтисодий муаммолар кўлами

[58]Обзор масложировой отрасли государств-членов Евразийского экономического союза М.: 2017. 216 с. 104-105.

[59] https://yuz.uz/news/ozbekiston-va-eoiihamkorlikning-istiqbolli-yonalishlari

[60]https://xs.uz/uzkr/post/eoii-tarkibida-kuzatuvchi-davlat-maqomini-olish-ozbekiston-uchun-muvozanat-nuqtasi

бироз юмшаган бўлар эди. Иккинчидан, иқтисодиёт тармоқларига ҳорижий инвестициялар оқими янада кучаяди. Учинчидан, тармоқларни модернизацияланиши ҳисобига соҳаларда диверсификациялаш жараёнлари тезлашади. Тўртинчидан, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги янада ошади. Бешинчидан, томонлар ўртасида ҳар бир тармоқ ва соҳаларда ўзаротажриба алмашинувини йўлга қўйиш эркинлашади. Олтинчидан, монополлашган соҳаларга рақобат муҳити кириб боради.

ЕОИИга аъзо давлатларнинг доривор ўсимликларни етиштириш ҳажмини оширишни ривожлантиришда импорт ўрнини босиш, ҳамкорлик ва оптималлаштириш бўйича юқорида келтирилган таклифларини амалга оширишда қуйида келтирилган механизмларга амал қилиш Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон доривор ўсимликларни қайта ишлаш саноати корхоналарини тўла қувват билан ишлаши учун доривор ўсимликларни етиштириш билан дунёда етакчилик қилаётган давлатлар тажрибасига суяниш ҳам яхши натижа беради деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Почупайло О.Е. Государственная поддержка предпринимательской деятельности в сфере производства лекарственного растительного сырья (на примере Республики Крым Автореф.на соиск.уч.степ.канд.экон.наук. Симферепольь, 2019.-28 с.

2. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик -Тошкент: “Иқтисод-молия” ,2018.-402 б.

3. Хўжақулова Н.Р. "Пандемия шароитида доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш масалалари" // Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти // "Сервис" илмий-амалий журнали, махсус сон, 2020.- Б. 47-50.

4.https://xs.uz/uzkr/post/eoii-tarkibida-kuzatuvchi-davlat-maqomini-olish-ozbekiston-uchun-muvozanat-nuqtasi.

5. Обзор масложировой отрасли государств-членов Евразийского экономического союза М.: 2017. 216 с. 104-105.

6.https://yuz.uz/news/ozbekiston-va-eoiihamkorlikning-istiqbolli-yonalishlari

7. www.researchgate.net. https://big_medicine.academic.ru

CHALLENGES TO IMPROVE THE DIGITAL ECONOMY IN UZBEKISTAN

L.N.Khalikova – Associate Professor of the
Department of Vocational Education SamIES,
B.Yuldashev – student of SamIES

Annotation: In modern times, information technology is developing at a very fast pace. There is no area where modern digital technologies are not used. Around the world, including Uzbekistan, the transition to a digital economy is taking place at a rapid pace. One of the main indicators of the country's development is the formation of the digital economy and e-government. To achieve this, it is considered important the possibility of widespread use in all sectors of modern communications, the Internet and mobile Internet communications. The digital economy and modern information technologies create a lot of opportunities to increase the competitiveness of our country in the world market.

Keywords: digital economy, digital technologies, e-government, information technology, Internet communications.

Well-known Swedish economist and Nobel laureate Gunnar Мьrdal wrote in his 1968 book "The Asian Tragedy" that he had a deep analysis of the developing economies. not the lack of capital, but the lack of highly qualified specialists.

The increasing role of modern information technology in the development of economic relations, in the production of goods and services has led to competition among states and manufacturers around the world. Formation of digital economy is becoming a priority in economically developed countries, including the USA, Great Britain, Germany, Japan, etc.

In most developed countries, the National Strategic Program for Digital Economy and Society is adopted. For example, the German Strategy for Digital Development (Digital Strategy 2025) and other European Union countries (Digital Agenda for Europe).

The Republic of Uzbekistan also adopted the program "Digital Economy 2030". In particular, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № PP-3832 dated 03.07.2018 "On measures for the development of digital economy in the Republic of Uzbekistan", "Further modernization of the infrastructure for the development of digital economy" Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures for introduction of digital economy, e-government and information systems in public administration of the Republic of Uzbekistan" dated 13.12.2018 ".

Formation of digital economy and e-government is one of the main indicators of development of the country. To achieve this it is necessary to use

modern means of communication, Internet and mobile Internet in all spheres. But to manage any high-tech, you need experts who can make the most of it.

In our country, specialists in digital economics are being trained to solve human resource problems. In the 2019-2020 academic year at the Samarkand State University, a Master's degree program in digital economics is in place. Doctor of Philosophy (PHD) and Doctor of Science (Doctor of Science - DSC) have been established at the Higher School of Business and Management of the Republic - Institute for training scientific and scientific-pedagogical personnel on the specialty "Digital economy and international digital integration". According to the decision of the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated August 30, 2019, the passport, the composition of the Scientific Council and the Workshop of the Council were approved [3. (Article dated 06.09.2019]]. .

But this is not enough to build the knowledge and skills of the digital economy and e-government for the entire population of the country, so it is important to create short-term courses in the form of business trainings and online lessons. without the knowledge.

Another important issue is that all segments of the population, tourists, legal entities, individuals, and all members of the public have access to high-quality and affordable Internet access, mobile Internet access to take full advantage of the digital economy and e-government services. In the mountainous, steppe and remote areas of the country, access to mobile Internet services opens up many opportunities. Internet speed is very important in the search, transmission and reception of information. . This is particularly important when it comes to internet trading or stock trading, video conferencing and online conversations. Because in modern society, information is the most important. To sum up, digital economics and modern information technology are opening up a lot of opportunities to enhance our country's competitiveness on the world market, as we have already seen. Effective use of all opportunities will increase the national wealth of the country and contribute to the prosperity of our people.

The list of references used

1. Higher School of Economics - National Research University

Reported with the World Bank - Moscow - 9-12 April.

2. "History of Economic Education" Asatullayev X, Djumonov D, Allabergenova Z, Husanova D. Tashkent -2014.

Internet sites

3.https: //Kun.uz

4. https://Lex.uz

5. https://Uza.uz

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аҳтамова М.Э., – СамИСИ, Менежмент
кафедраси катта ўқитувчи
тел.:+998911879334,
mohigulahtamova8@gmail.com

Аннотация: в статье освещены концептуальные направления и предложения по перспективному развитию экологического туризма в республике, в том числе Самаркандской области в условиях цифровой экономики.

Ключевые слова: экологический туризм, концептуальные направления развития экотуризма, онлайн-платежи, веб-сайта, грантовые средства.

Сегодня экологический туризм является природно-ориентированным туризмом, включающий программы экологического образования и просвещения и осуществляемый в соответствии с принципами экологической устойчивости. Он представляет собой вид туризма, включающий путешествия в места с относительно нетронутой природой с целью получить представление о природных и культурно-этнографических особенностях данной местности, который не нарушает при этом целостности экосистем и создаёт такие экономические условия, при которых охрана природы и природных ресурсов становится выгодной для местного населения. Важным руководством в повышении эффективности работы в этом направлении послужили указы и постановления Президента нашей страны. В целях ускоренного развития инфраструктуры туризма, культуры, культурного наследия и спорта, эффективной эксплуатации объектов, создания благоприятных условий населению, а также в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2021 года № УП–6199 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления в сферах туризма, спорта и культурного наследия» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2021 года № ПП–5054 «Об организации деятельности Министерства туризма и спорта» были приняты мероприятия по реализации данной программы. В ней получили своё отражение и мероприятия по развитию экологического туризма, в частности с 1 мая 2022 года в целях поддержки молодёжных предпринимательских инициатив каждому инициатору предоставляются гранты в размере **50 млн. сумов**, в общей сложности **до 10 млрд. сумов**, за счёт средств, выделяемых Фонду поддержки туризма и спорта из государственного

бюджета. При этом грантовые средства направляются на создание современного веб-сайта, принимающего онлайн-платежи, участие в туристских выставках и ярмарках в зарубежных странах, а так же грантовые средства предоставляются с условием организации туров **для не менее 200 иностранных туристов** из зарубежных стран в Республику Узбекистан **в течение трех лет**.

Известно, что экологический туризм, в отличие от других сфер, является доходным и малозатратным бизнесом. Природа Самарканда представляет собой большие возможности для развития экологического туризма, обладающая широчайшим разнообразием ландшафтов и великолепным пейзажами. В связи с этим Самаркандском районе Самаркандской области при поддержке отдела по развитию инфраструктуры и отдела по привлечению инвестиции департамента по развитию туризма ведутся работы по строительству нового туристического объекта для экологического туризма. На данном объекте, будет возможность отдыха на свежем воздухе для всей семьи, а также возможность купание в открытом бассейне, любованием величественными горным пейзажами, установка палаток идеально подходящих, для того чтобы расслабиться после долгого похода. Такие места вы можете найти в Самаркандском области Xazrati Dovud, Oqbayro Garden, Ming Archa, Ming Chinor и другие.

Концептуальными направлениями развития экотуризма в республике, в том числе в Самаркандской области, являются:

1. Поиск и открытие новых объектов и видов экотуризма;
2. Развитие объектов экотуризма, создающих условия для отдыха, развлечения и наслаждения природой туристов;
3. Увеличить привлечение отечественных и иностранных инвесторов в сферу с целью финансовой поддержки экотуризма в республике, в том числе в Самаркандской области;
4. Уделить особое внимание объектам экотуризма с высокой доходностью, основанной на качественном обслуживании;
5. Организация обслуживания на высоком уровне на основе формирования и развития объектов инфраструктуры экотуризма;
6. Эффективным будет использование современных видов рекламных услуг экотуризма в направлении реализации рекламных услуг, в частности Интернет-рекламы экотуризма, QR-рекламы экотуризма и Блокчейн-реклам экотуризма;
7. Привлечение специалистов в области экотуризма, узкоспециализированных высококвалифицированных экотуристов;
8. В направлении формирования современной материально-технической базы объектов экотуризма;

9. Дальнейшее усиление научно-исследовательских работ по развитию экотуристических услуг.

В настоящее время в большинстве стран мира экологический туризм является одной из отраслей, приносящих весомый доход в национальную экономику. По сведениям Всемирной туристской организации, доход от этой отрасли составляет несколько триллионов долларов в год. Поэтому целесообразно привлечение специалистов в области углубленного изучения области, развитие экологического туризма, поиск решения существующих проблем в связи с этим. В первую очередь важно увеличить количество научных работ молодых учёных, проводящих научные исследования в области экологического туризма, а также реализовать на практике их научные мнения, предложения и рекомендации по результатам своих исследований. Для привлечения большего числа экотуристов к объектам экотуризма данного направления формируют научно обоснованную историю объекта, отличающуюся от других объектов экотуризма. Для этого необходимо создать их научно обоснованную историю с привлечением специалистов, историков, этнографов. Необходимо также предоставление качественного сервиса, основанного на привлечении на места опытных гидов, гидов-переводчиков и предоставлении им необходимой информации, а также создание для них возможности быть довольными экотуризмом, а так же уделение особого внимания качественному сервису и разработка критериев «качественная экотуристическая услуга».

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»;

2.Указ Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2021 года № УП–6199 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления в сферах туризма, спорта и культурного наследия»;

3. Постановление Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2021 года № ПП–5054 «Об организации деятельности Министерства туризма и спорта»;

4.Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №828 от 30 сентября 2019 года «Об эффективном использовании туристского потенциала Самаркандской области и дополнительных мерах по его развитию»;

5. Тухлиев И.С. Туризм: теория и практика. - Т.: Наука и техника, 2018. - 400 с.;

Развитие человеческого капитала в отраслях туризма Приаралья.

Досекеев Жугинис Идирисович
Каракалпакский государственный
университет
тел: 913734694, эл.почта:
juginisdosekeev75@gmail.com

Аннотация: Индустрия туризма обеспечивает занятость значительной части населения мира. Туристический бизнес приносит доход, а добавленную стоимость составляют люди, которые в нем работают. От профессионализма, умения управлять коллективом и доброжелательности зависит не только финансовая устойчивость любого туристического объекта, но и его процветание.

Ключевые слова: туризм, человеческий капитал, подготовка кадров, туристическая отрасль, туроператоры

Туризм — это индустрия, основанная на людях, которой руководят люди, оказывающие услуги другим людям. Даже с появлением на разных уровнях таких тенденций, как цифровизация и автоматизация, туризм по-прежнему является индустрией, ориентированной на предоставление услуг, которая зависит от гостеприимного человеческого взаимодействия. Именно поэтому развитие человеческого капитала имеет первостепенное значение.

Туристическая отрасль представляет собой разнообразную и трудоемкую деятельность, которая обеспечивает значительный потенциал для создания рабочих мест, повышения доходов домохозяйств и сокращения бедности в Каракалпакстане.

Первоочередной задачей туристической отрасли Каракалпакстана является защита рабочих мест, предоставление навыков для индустрии гостеприимства и возвращение людей к работе после пандемии. Отрасль должна обеспечить в будущем качество подготовленных кадров для индустрии туризма и гостеприимства, которые будут готовы к перезагрузке туризма, а также к прогнозируемому росту и реализации видения правительства Каракалпакстана, в отношении высококачественного, ориентированного на услуги туристического сектора.

Национальные профессиональные стандарты туризма находятся в стадии разработки для индустрии гостеприимства и туризма, с семью профессиональными областями –

- Ведение домашнего хозяйства.
- Фронт-офис.
- Сервис по предоставлению продуктов питания и напитков.
- Производство продуктов питания.

- Спа, отдых и оздоровление.
- Организация поездок и туров.
- MICE (Встречи, Поощрения, Конференции, Выставки).

Каракалпакстану необходимо усилить процесс обучения и профессиональной подготовки в области туризма. Тем не менее, многие учреждения, участвующие в процессе обучения в области туризма, находятся на ранней стадии развития и испытывают нехватку ресурсов, что затрудняет предоставление качественных навыков и знаний и обеспечение компетентности стажеров при устройстве на работу в отелях или других туристических компаниях. Нынешнее состояние области по предоставлению профессиональной подготовки в сфере туризма изобилует проблемами: нехватка квалифицированных преподавателей; устаревшие учебные программы и методы обучения, основанные на теории; нехватка практических учебных центров, оборудования и учебных ресурсов; неспособность студента оплатить реальную стоимость обучения; низкая государственная финансовая поддержка.

Чтобы удовлетворить потребности индустрии, центрам, занимающимся обучением и профессиональной подготовкой в области туризма, требуется активная поддержка со стороны правительства и инвестиции в предоставлении высшего образования (ВО), как и технико-профессионального образования и подготовки (ТПОП), в области туризма. Особое значение следует придавать наращиванию потенциала преподавателей и инструкторов, а также поддержке разработки учебных программ, ресурсов для преподавания и обучения, библиотечных материалов и систем, и особенно обеспечению доступа к высшему образованию в сфере туризма для женщин из нецентральных, довольно отдаленных регионов Каракалпакстана.

Учитывая относительно низкий объем иностранных туристов за последние три десятилетия и недостаточное инвестирование в сектор образования в прошлом, туристическая рабочая сила Каракалпакстана в настоящее время испытывает значительные трудности, связанные с предоставлением услуг, отвечающих международным ожиданиям. Двумя ключевыми вопросами являются:

1. Степень, с которой существующая рабочая сила может справиться с расширением индустрии туризма.
2. Скорость, с которой новые участники могут обучаться и продвигаться на должности, требующие более совершенных навыков.

Обеспечение качества, системы аккредитации и квалификация академического персонала также нуждаются в улучшении, поскольку индустрия туризма в настоящее время переживает значительный рост. Условия предполагают, что эта тенденция сохранится, что подчеркивает

необходимость наращивания потенциала рабочей силы в сфере туризма и устойчивого управления ростом.

Разработка стратегии развития людских ресурсов и наращивания потенциала в туризме необходимый элемент развития отрасли.

Разработка стратегии начнётся с общего аудита навыков и всесторонней оценки потребностей на нескольких отраслевых уровнях. Результаты аудита навыков и оценки потребностей помогут определить приоритетные области для вмешательства; определить ключевые целевые группы, включая обездоленных, таких как люди с ограниченными возможностями; и средства для эффективного предоставления необходимых знаний, навыков и компетенций. Характер оценки потребностей в обучении имеет решающее значение и будет включать:

- Общую оценку учебного и образовательного ландшафта, особенно в сфере туризма, включая как аппаратное, так и программное обеспечение.
- Понимание положения многочисленных и разнообразных групп заинтересованных сторон, как настоящих, так и будущих, на основе прогнозов роста (т. е. требуемых наборов навыков, количества должностей и т. д.), которые должны принимать форму анализа пробелов.
- Определение областей наибольшей необходимости для достижения неотложных целей правительства и отрасли.
- Способ охвата наиболее нуждающихся групп.
- Средства для наилучшего предоставления инновационного и творческого обучения;

Индикаторы мониторинга и соответствующие параметры для обеспечения эффективности и актуальности.

Известная мантра менеджмента гласит: «Вы ведёте людей и управляете делами». Возможно, именно поэтому в управлении туристическими направлениями, люди иногда рассматриваются как вещи, которые просто должны выполнять отведённую им функцию для надлежащего функционирования сектора туризма. Однако повседневная практика управления туристическими направлениями показывает, что в реальности всё происходит по-другому. Сектор туризма во многих туристических направлениях часто характеризуется фрагментацией, соперничеством между заинтересованными сторонами, отсутствием общего видения и непониманием того, какие шаги необходимо сделать приоритетными, чтобы продвигать туристическое направление вперёд, на благо всех участников. Эти симптомы не обошли стороной Каракалпакстан, которые хоть и связаны с элементарными навыками, но как правило, имеют очень сильное влияние на доходы от туризма.

Способ преодоления этих симптомов в рамках данной туристической стратегии состоит в том, чтобы придерживаться и развивать подход,

основанный на участии, при котором все заинтересованные стороны в сфере туризма в Каракалпакстане разделяют видение и миссию, воплощенные в этой стратегии. В результате стратегия не только позволяет сосредоточиться на практических аспектах, но и стремится стать подлинным выражением ценностей и идентичности всех игроков, вовлеченных в индустрию туризма Каракалпакстана.

Экономические последствия создания человеческого капитала:

- Повышение квалификации для удовлетворения ожиданий клиентов, обеспечение высокого уровня удовлетворенности услугами и стимулирование «сарафанного радио».
- Создание рабочих мест в сельской местности, способных соответствовать международным стандартам туризма.
- Лучшее формулирование цепочки создания добавленной стоимости в секторе туризма и управления туристическими направлениями благодаря более широкому мышлению, выходящему за рамки индивидуальных/непосредственных навыков.
- Более высокий уровень предпринимательства, позволяющий увеличить количество и качество предоставляемых туристических услуг.

Предложение. Проводить краткосрочное приоритетное обучение основным профессиям в сфере туризма и гостеприимства: определить приоритетные области для незамедлительной помощи в обучении, такие как производство продуктов питания, обслуживание продуктами питания и напитками, фронт-офис, ведение домашнего хозяйства, базовые навыки управления туристических агентств, подготовка гидов и управление турами; использовать ресурсы и средства для проведения тренингов, по мере их доступности.

Установить партнерские отношения с международными университетами и учреждениями: продвигать партнерские отношения с избранными университетами для поддержки совместной разработки учебных программ, а также обмена преподавателями и студентами и предоставления стипендий.

Предложить краткосрочные учебные курсы по туризму, маркетингу и ландшафтному планированию в туристических направлениях. Разработать или обновить учебную программу для подготовки гидов с упором на Каракалпакстан.

Литература

1. Н.А. Ковалева, Л.И. Ковалева. О влиянии качества человеческого капитала на эффективное развитие бизнеса в сфере туризма. Журнал правовых и экономических исследований. 2017, 1: 142–144

2. Друкер П. Ф. Задачи менеджмента в XXI веке: пер. с англ. [Текст] / П. Ф. Друкер. — М.: Изд. дом «Вильямс», 2004 — 215 с.

3. Шомиев Голиб Уктамович. Формирование человеческого капитала как фактор инновационного развития республики узбекистан. “Экономика и инновационная технологиялар” № 2, март-апрель, 2019

4. Добрынин А. И. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования. .[Текст] / А. И. Добрынин, С. А. Дятлов, Е. Д. Цыренова— СПб.: Наука, 1999. — 371 с.

5. Макаров В. Рынок рабочей силы в условиях перехода к экономике инноваций// Человек и труд. — 2006. — № 5. — С. 46—51

6. Schultz T. Capital Formation by Education // Journal of Political Economy. — 1960. — Vol. 68. — № 6. — P. 571—583.

7. Ревуцкий Л. Д. Человеческий капитал предприятий: понятие и методы определения [Электронный ресурс] — Режим доступа: www. hdirussia.ru

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САВДО СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.Ж Маматкулова-
СамИСИ доценти, и.ф.н
Темур Тиллаев-
СамИСИ, ММР-121 гуруҳ магистранти

Аннотация: мақолада инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида улгуржи ва чакана савдода инновациялар жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: инновация, хизматлар, тижорат, электрон савдо, чакана савдо, улгуржи савдо, хизмат сифати.

Ўзбекистон иқтисодиёти инновацион ривожланишга йўналтирилган бўлиб, ахборот-коммуникациялар тизимини, ишлаб чиқариш, бошқарув, таълим, савдо ва бошқа соҳаларда ўз аксини топиб бормоқда. Инновацион фаолият бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, иқтисодиёт таркибида чуқур ўзгартиришлар, саноатни диверсификация қилиш орқали амалга оширилмоқда. Замонавий иқтисодий шароитда ўзларининг рақобатбардош устунликларига эришишлари учун барча мавжуд ўзгаришларга тезда мослашишлари ва иккинчидан фойдаланишлари лозим.

Ҳозирги кунда дунё иқтисодиётини инновацион янгиликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда жамият ҳаётида инновацион соҳа шу даражада жадал ривожланмоқдаки, иқтисодиётда инновацияларнинг улуши кундан кунга ошиб бормоқда ва бунинг натижасида инновация худди фойдали қазилмалар, ишлаб чиқариш қувватлари ва интеллектуал салоҳият каби мамлакатнинг асосий бойлигига айланиб бормоқда. Шундай экан дунё бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашни хоҳлайдиган ҳар қандай мамлакат инновацион фаолиятнинг ривожланишига эътибор қаратиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади. Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”. 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси”да белгиланганидек, юртимизда изчил давом этаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи талабларини бажариш омилларидан бири сифатида инновацион ривожланиш йўналишида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республикамизда “ хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш” долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолиятлари ичида савдо-марказий ўринни эгаллайди. Бизга маълумки, товарларни сотиш, айниқса, юқори технологияли маҳсулотларни сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатишда муҳим омил саналади, бу соҳада турли хизматларни жорий этиш товарларни сотиш ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади. Тижорат фаолиятининг функциялари кўп қиррали ва мураккаб ҳисобланади. Тижорат функциялари аста-секин кенгайиб бориш хусусиятига эга. Тижорат фаолиятининг ривожланиши билан вазифалар ҳам кенгайиб боради. Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо корхоналарининг асосий тижорат вазифалари қенгайиб бориш характерига эга.Булар қуйидагилардан иборат:

- бозор субъектларининг ўзаро фойдали бўлган хўжалик алоқаларини шакллантириш;
- бозорни ўрганиш, талаб ва таклиф миқдорини ҳамда таркибини аниқлаш;
- ассортимент режаларни ишлаб чиқиш, нарх ва сифат сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол билан алоқа ўрнатиш;
- сотиб олиш ва сотиш ишларини бажариш;
- ишлаб чиқаришни ва истеъмолни турли йўллар билан рағбатлантириш;
- савдо фаолиятида логистик сервисни ивожлантириш;
- савдо хизмати ишларини олиб бориш;
- реклама ва ахборот ишларини олиб бориш;
- янги талабни барпо этиш ва қондириш;
- товар сотиш билан биргаликда харидорларга қўшимча хизмат кўрсатиш.

Умуман олганда тижорат фаолиятининг предмети олди-сотди жараёнлари ҳисобланади. Тижорат фаолияти бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда товар етказиб берувчилардан товар савдо корхоналарининг мулкига айланиши давомидаги товар-пул муносабатларидир. Тижорат фаолияти-аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва фойда олиш мақсадида моддий – товар бойликларни айирбошлаш борасидаги тезкор-ташкилий фаолиятдир. Истеъмол бозорида савдо корхоналари рақобат курашида товарларни сотадиган асосий субъектлар ҳисобланади. Савдо корхоналари харидорларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларини қанчалик яхши ўргансалар, шунча маҳсулот сотиш ва товар айланиши тезлашади.

Амалга ошириш технологиясига қараб савдо фаолиятида янгиликлар маҳсулотлар ва жараёнлар янгиликларига бўлинади. Маҳсулотлар бўйича янгиликлар асосан ишлаб чиқариш корхоналарига тегишли. Савдо корхоналари эса маҳсулотларни қайта қадоқлаш, ўраб-жойлаш борасида янгиликларни киритиши мумкин. Савдо корхоналарида асосан жараёнлар янгилиги киритилади. Савдо корхоналари эса маҳсулотларни қайта қадоқлаш, ўраб-жойлаш борасида янгиликларни киритиши мумкин. Савдо корхоналарида асосан жараёнлар янгилиги киритилади. Муаллиф савдо соҳасидаги инновацияларни икки гуруҳга ажратишни таклиф этмоқда. Улгуржи савдо фаолиятидаги инновациялар ва чакана савдо фаолиятидаги инновациялар. Умуман олганда савдо соҳасидаги тегишли янгиликлар савдо-сотиқнинг янги шакллари ва уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Муаллифлик тадқиқотлари натижасида муаллиф улгуржи ва чакана савдодаги инновациялар жорий қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқди. Инновацион иқтисодиёт шароитида улгуржи савдода тижорат фаолиятида янгиликларни киритиш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

-улгуржи товар айланмасини режалаштиришда ҳар бир товар гуруҳи бўйича талабнинг ривожланиш истиқболларини баҳолаш ва унинг товар гуруҳлари бўйича таклифи билан мувозанатини таҳлил қилиш учун саноат ва истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмол товарлари савати меъёрларини илмий асосланган прогнозлаштириш ҳамда иқтисодий-математик моделларини ишлаб чиқиш;

- улгуржи савдо корхона ва ташкилотлари маркетинг фаолиятида харидорларга сотувдан олдинги ва кейинги хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш;

-улгуржи товар айланмаси юқори бўлган ҳудудларда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириб, логистика марказлари ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш ва саралаш корхоналарини ташкил этиш, шунингдек уларни сақлаш бўйича совуткичли сиғимлар, марказий сақлаш омборларини қуриш ва модернизация қилиш;

-таъминотчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналар улгуржи савдо корхоналари билан аутсорсинг шартномалари асосида товарларга сотувдан кейинги кафолатли сервисни ташкил этиш, сервис марказлар фаолиятини йўлга қўйиш ва мутахассислар жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

-улгуржи савдо корхоналари ишлаб чиқарувчи корхоналарга хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб бериш, сотувидан кейинги сервисни ташкил этишда рақамлашган омборларни ташкил этиш;

-харидорларнинг эътирозларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, харидорлар манзилига мутахассислар ташрифини ташкил этиш ва товардан қандай фойдаланишни ўргатиш кабиларни икки томонлама электрон алоқаларни ўрнатишга имкон берадиган тизимлардан, яъни ижтимоий тармоқлар, мобил телефонлар, e-maiI маркетинг, SMS, тезкор қидирув қурилмаси, дисплей реклама ва бошқа рақамли воситалардан фойдаланиш орқали рақамли маркетинг технологияларини қўллаш.

Савдода логистик сервиснинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: муайян корхона маҳсулотларини харид қилишдан олдин потенциал харидорларга маслаҳатлар бериш, бу уларни онгли равишда танлаш имконини беради, сотиб олинган техникани энг самарали ва хавфсиз

ишлаши учун тайёрлаш, харидорларга мутахассислар томонидан ўз функцияларини тўғри бажариши учун зарур бўлган техник ҳужжатларни топшириш, потенциал харидорларнинг рад қилиш эҳтимолини бартараф этиш учун буюмлар намойиш вақтидаги ишларни сотувдан олдин тайёрлаш, минимум харажатлар билан маҳсулотни эксплуатация жойига етказиб бериш, маҳсулотни эксплуатация жойида иш ҳолатида бўлишини таъминлаш, маҳсулотни истеъмолчи томонидан эксплуатация даври давомида тўлиқ ишлашини таъминлаш, эҳтиёт қисмларни тезкор етказиб бериш. Савдода логистик хизматларнинг сифатини баҳолаш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланилади, яъни етказиб беришнинг мослашувчанлиги, етказиб беришнинг ишонлилиги, буюртманинг давомийлиги.

Инновацион иқтисодиёт шароитида чакана савдода тижорат фаолиятида янгиликларни киритиш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

-чакана савдо тармоқларида электрон тижоратни ривожлантириш, ҳар бир чакана савдо корхонасида анъанавий савдо билан бирга электрон дўконларни ҳам ташкил этиш;

-савдо автоматлари орқали чакана савдони ривожлантириш, ижтимоий объектларда таълим муассасалари, тиббиёт муассасаларида савдо автоматлари орқали энг соҳа учун зарурий товарлар савдосига ихтисослашган савдо автоматларини ўрнатиш;

-рақамли савдони йўлга қўйиш, масофали савдонинг замонавий шаклларини жорий қилиш.

Савдо соҳасини иқтисодий ривожлантиришга қаратилган инновацион йўналишлар савдо фаолияти самарадорлигининг ошиши, доимий ва ўзгарувчан харажатларни пасайтиришга қаратилган.

Савдо соҳасининг ижтимоий инновацион ривожланиши олис аҳоли пунктларига кенг ассортиментдаги, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, мижозларнинг вақтини тежаш мақсадида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, ПФ-60-сон 28 январь 2022 йил.

2. Ergashxodjaeva Sh.Dj., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing asoslari. - O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi - T.: “IQTISODIYOT”, 2019. - 305 bet.

3. Ergashxodjayeva Sh.J., Samadov A.N., Sharifxodjayev U.U., Ziyayeva M.M. Tarmoqlar va sohalar marketingi. Darslik. – Toshkent. Iqtisodiyot, 2019 y. 136 bet.

4. Белобородова А.Л., Шарафутдинова Н.С. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности – Казань: 2018. - 233с.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Элдор Ғайбуллоев -ҚарМИИ магистранти

Аннотация.Мақолада қишлоқ хўжалигида инсон капитали ҳақида тушунча, уни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар. Қишлоқ хўжалиги, инсон капитали, инсон капитали шуклланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти,инвестиция, капитал

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишчилар сонининг қисқариши қишлоқ аҳолисининг қисқариши билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий қишлоқ муаммолари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қисқартириш инсон капиталининг нормал ишлаб чиқарилишига халақит бера бошлади. Қишлоқ жойларида рақобатбардош мутахассисларнинг етишиб чиқишига кўмаклаш ва қишлоқ аҳолиси шаҳарни айланиб ўтишлиги жуда катта аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ва унинг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири зарур малака, кўникма ва сифатга эга бўлган манбалар "инсон капитали"дан тўғри фойдаланишдир.

Қишлоқ хўжалигидаги капитал ва умуман ишчи кучи-аграр саноатида - хусусан, ҳар томонлама баҳолаш, хусусиятлари иқтисодиётнинг ушбу муҳим таркибий қисмидир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида **инсон**-одамзод, башар, **капитал –** немисча “capital”, лотинча “capitalis” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “ўз ўзини кўпайтириш учун фойдаланиладиган, ўз эгасига фойда, даромад келтирадиган бойлик” маблағ, бисот, воситалар мажмуи деган маънони англатади[61]

Инсон капитали борасидаги илмий тадқиқотларида “камбағал” мамлакатларда аҳоли фаровонлигини ошириш учун қишлоқ хўжалиги

[61] Бегматов, Э. ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати Ўз. ФА. А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, Тошкент.

ерларининг сифатига, ускуналарнинг мавжудлигига эмас, балки фойдали билимлар тизимига эътибор бериш кераклигини, инсонга киритиладиган инвестицияларнинг асосий натижаларини инсонларда тўпланган иш қобилиятларида, уларнинг жамиятдаги самарали ижодий фаолиятида, уларнинг соғлиғида ва бошқаларда намоён бўлади. У инсон капитали унумдор хусусиятга эга бўлган хусусиятларга эга ва инсон капитали тўплаш ва кўпайтиришга қодирлигини бордир.

Инсоннинг барча қобилиятлари туғма ёки ортирилган ҳолда бўлади. Ҳар бир инсон алоҳида ген мажмуаси билан туғилади ва ўзининг туғма қобилиятларига эга бўлади. Иқтисодиётда инсон томонидан сотиб олинадиган (ўзлаштириладиган) қимматли сифатларга инсон капитали деб айтилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатида “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”[62] деб таъкидлаб ўтди.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётида глобаллашув ва рақобат муҳитининг шаклланиши қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва сифатини оширишни, уларни таннархини пасайтиришни заруратини намоён этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш нафақат табиий ва иқтисодий ресурсларни, балки юқори билим, малака, кўникма ва маданий ахлоқий сифат хусусиятларига эга бўлган инсон капиталини талаб этади.

Янги Ўзбекистонни барқарор тараққиётини таъминлаш ва аҳолини озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг асосий шарти, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш, техник технологик янгилаш ва диверсификациялаш ҳамда ишлаб чиқаришни инновацион “инсон капитали” билан таъминлашдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, шаҳар ва қишлоқ ўртасида тафовутларнинг мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нуфузининг пастлиги, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва турмуш шароитларининг етарлича ривожланмаганлиги, ёшларнинг қишлоқда қолиб яшаши ва ишлашига салбий таъсир этмоқда ҳамда қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга миграцион ҳаракатига сабаб бўлмоқда оқибатда қишлоқда малакали кадрларнинг камайиши, қўнимсизликнинг ошиши, кадрлар тақчиллиги, мавжуд

[62] Ўзбекистон Респуьликаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, 24-январь 2020 йил

кадрларнинг қариши ва аграр соҳада ресурслардан самарасиз фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини пасайиши каби салбий ҳолатлар юзага келмоқда.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида аграр соҳадаги иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришдаги даромадлар даражаси ва тақсимоти, ижтимоий соҳага ажратмалар каби қатор иқтисодий кўрсаткичлар бевосита инсон капитали билан боғлиқ бўлиб, аграр соҳада инсон капиталини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида, аграр соҳада инсон капиталини баҳолаш асосида унинг самарадорлигини ошириш, қишлоқда кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш ҳамда ёш мутахассис кадрларни қишлоқ жойларида яшаши ва ишлашини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳудуларини ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлаш долзарб вазифа саналади.

Қишлоқ хўжалигида инсон капиталининг ҳолати ва ривожланиши кўп жиҳатдан аҳолининг ижтимоий ва яшаш шароитлари билан белгиланади. Улар қишлоқ хўжалигида инсон капиталини шакллантириш, одамларнинг ривожланиши, ахлоқий тарбияси учун зарур шарт-шароитларни яратадилар. Шунингдек, улар демографик жараёнларга, одамларнинг соғлиғига, касбий тайёргарлигига, ишбилармонлик фаолиятига ва меҳнат унумдорлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида инсон капитали табиий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги ўрнидан ва аграр соҳа потенциалидан келиб чиқиб шаклланади ва ривожланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигида инсон капиталининг ўзига хослиги – бу унинг ўз-ўзини сифат жиҳатидан ривожлантиришидир.

Қишлоқ хўжалигида инсон капиталини умумий тавсифлашда ҳаётий нематларни яратиш учун бевосита фойдаланиладиган ҳар қандай қийматни ўз ичига олади. Бундай ҳолда, “инсон” тушунчаси, қишлоқ хўжалигида асосий ҳаётий аҳамиятга эга бўлган асосий омил ва асосий қиймат сифатида қабул қилинади, инсон иштирокисиз ҳеч қандай ҳаётни яратиш имконсиздир.

Қишлоқ хўжалигида замонавий қайта ишлаш жараёнининг динамикаси, мураккаблиги ва қарама-қаршиликлари, шунингдек, ҳаётий муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ўзгараётган ва ўзгарувчан талаблар нафақат инсон капиталининг жадал, балки илғор, диверсификацияланган ривожланишини ҳам талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигида инсон капиталининг турлари харажатлар элементларига ва унга киритиладиган инвестицияларга мувофиқ таснифланади.

Тадқиқотлар жараёнида қишлоқ хўжалигида инсон капиталини амалга ошириш шаклидан келиб чиқиб таснифлаш мезонлари қуйидагича:

- жонли капитал - бу одамда мавжуд бўлган билим;
- жонсиз капитал - бу жисмоний, моддий шаклларда намоён бўлган билим;
- институционал капитал жонли ва жонсиз капитал мажмуи. Бунга давлат ва нодавлат институтлари киради.

Қишлоқ хўжалигида инсон капиталининг тушунчаси инсон омили ва инсон ресурслари концепцияларининг табиий ривожланиши ва умумлаштиришидир, лекин инсон капитали янада кенгроқ иқтисодий категория ҳамдир.

Қишлоқ хўжалигида ”Инсон капитали” иқтисодий тоифаси аста-секин шаклланди ва биринчи босқичда одамнинг ишлашга қодирлиги ва билимлари чекланди. Бундан ташқари, инсон капитали узоқ вақт давомида фақат иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий омили, яъни иқтисодий назария нуқтаи назаридан қимматли омил ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида инсон капитали инсонга инвестиция киритиш йўли билан шакллантирилади - бу ўрганилаётган тушунчанинг кенг маъносида кўриб чиқилади. Инвестициялар қишлоқ хўжалиги ходимларини ўқитиш, соғлиқни сақлаш, даромад ва харажатларни баҳолаш кўринишида бўлади.

Қишлоқ хўжалигида инсон капитали бу кенг маънода - иқтисодий ривожланишнинг самарали омили, оила ва жамиятнинг, шу жумладан меҳнат ресурсларининг билимдон қисми сифатида, инсон капиталининг самарали ва оқилона фаолият юритишини таъминловчи, ривожланишнинг самарали омили сифатида билим, интеллектуал ва меҳнат бошқаруви воситалари, яшаш муҳити ва меҳнат фаолияти воситалари, жадал ишлаб чиқариш омилидир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ва капитал муайян ижтимоий ишлаб чиқариш шароитида долзарб саналади. Бугунги кунда жисмоний капиталнинг эгаси инсон капитали эгасига қараганда юқори даромад олади, чунки у бозорнинг катта қувватидан фойдаланади. Жамиятнинг тараққий этиб бориши, касаба уюшмаларининг фаол ҳаракати, ишчи кучлари мобиллигининг ошиши, давлат ҳокимияти органларининг иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулининг ривожланиши жисмоний капитал эгаси билан инсон капитали эгаси (ходим) ўртасида мувозанатни юзага келишига сабаб бўлади.

Қашқадарё вилояти ўзининг ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлари билан мамлакат иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайди. Бунда аграр соҳанинг ҳам улуши салмоқлидир (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқаларё вилоятининг умумий ЯҲМ ҳажмида қишлоқ хўжалиги тармоғининг ЯҲМнинг салмоқли улуши динамикаси таҳлили

/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
	Ялпи ҳудудий маҳсулот,амалдаги нархларда млрд сўм	10509,2	12880,1	14896,9	17366,1	28412,1
	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, амалдаги нархларда, млрд сўм	3078,8	3553,4	3939,93	5690,3	18321,2
	Қишлоқ хўжалигининг ЯҲМ даги улуши, %	29,30	27,59	26,45	32,77	64,48

Қишлоқ хўжалигида инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишида даромадлар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда ишчиларнинг маълумот даражаси ва даромадлар ўртасидаги боғлиқлик, соҳалар бўйича сезиларли фарқларга қарамай, умуман олганда барқарордир. Таъкидлаш жоизки, иш ҳақининг ўсиши таълим даражаси билан бир қаторда, ишлаб чиқаришнинг мураккаблигига ва жисмоний меҳнат улуши юқори бўлган жойларда ҳамда механизациялашган меҳнат ишчилари устунлик қиладиган соҳаларга қараб ўзгаради. Бу ҳолат қишлоқ хўжалигида нисбатан яққол кўриниб турибди.

Қишлоқ хўжалигида инсон капиталини шакллантиришнинг ҳал қилувчи шарти бу соҳа ходимларининг иш ҳақи даражасидир.

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўртача иш ҳақисини иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ходимлари иш ҳақиси билан таққослаб кўрганимизда, қишлоқ хўжалиги ишчисининг иш ҳақиси, саноат ишчисининг 70,33 ига, қурилиш ишчисининг 86,69 % ига, ташиш ва сақлаш соҳаси ходимининг 73,99 % ига, ахборот ва коммуникация ишчиси иш ҳақисини 58,60 % ига, молия ва суғурта ходимлари иш ҳақисини 53,74 % ига тенг, бироқ савдо ходими иш ҳақисига тенг ҳамда яшаш ва истиқомат ходимлари, таълим соҳаси ва соғлиқни сақлаш ходимлари иш ҳақисидан юқори даражани ташкил этади .

Қишлоқ хўжалигида иш ҳақининг пастлиги қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқ аҳолиси ўз фарзандларининг эртанги кунига ва келажагига ишонмайди. Уларнинг иш ҳақисининг мутлақ ўсиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда секинроқ суръатларда ўсмоқда. Бу қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб ўтишининг асосий сабабларидан бири саналади.

Аграр соҳада иш ҳақи даражасининг пастлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади, қишлоқ меҳнаткашларининг узлуксиз таълим ва маълумот даражаларига қизиқишини пасайтиради.

Қишлоқ хўжалигини иқтисодий ҳолатининг инсон капиталини шакллантириш имкониятларига бевосита боғлиқлигини англатади. Шундай қилиб, агросаноат мажмуининг ҳар уч гуруҳи учун қуйидаги боғлиқлик мавжуд: ҳудудда инсон капиталини шакллантириш имконияти қанчалик юқори бўлса, ўша ҳудудда қишлоқ хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади ва аксинча.

Хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ жойлардаги ноқулай ижтимоий-иқтисодий шароитлар аграр соҳада инсон капиталини шакллантиришда жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги кадрларнинг аҳволи, ушбу соҳанинг инсон капиталига жиддий таъсир этувчи тенденциялари ва муаммолари мавжудлигидан далолат беради.

Улар, хусусан:

- шаҳарларга қараганда қишлоқ хўжалигидаги кадрларнинг маълумот даражасининг пастлиги;
- қишлоқ хўжалиги ишчиларининг даромад даражаси бошқа тармоқлардаги ишчилар даромадларига нисбатан анча паст, уларнинг ўсиши бошқа тармоқлардаги даромадлар ўсиши суръатидан орқада қолмоқда;
- қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар улушининг камайиши кузатилмоқда;
- қишлоқ жойларидаги ижтимоий ва яшаш шароитлари шаҳарларга қараганда анча ёмон ҳолатда эканлиги;
- аграр соҳада ишчиларни қайта ишлаш, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва ҳунармандчилик, хизмат ва савдо соҳаларида қайта тақсимлаш ҳолатлари мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- ҳудудларни юқори малакали қишлоқ хўжалигини мутахассислар билан таъминлаш концепсиясини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалигида энг қулай тармоқ таркибини шакллантириш ва бунда юқори рақобатбардош, кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш;
- ҳудудларда нафақат ички истеъмол учун, балки экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунда ҳудудларда экспорт билан шуғулланадиган махсус тузилмалар ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалигидан олинган даромадларни аввало қишлоқ хўжалиги ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳамда тармоқни модернизациялашга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Япониянинг Нагоя Университети фаоллари билан учрашувидаги нутқидан. 2019 йил 18 декабр.gazeta.uz
2. Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. Тошкент-2018й
3. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маьлумотлари.qashqadaryo.uz

V ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БОШҚА ТАРМОҚЛАР ВА СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

RAQAMLI IQTISODIYOTI SHAROITIDA KOMMUNAL XIZMATLARNI DIVERSIFIKATSIYA QILISH

SamISI Raqamli iqtisodiyot kafedrasi v.b., dotsenti S.B.Boboqulov +998941891989, ferdu_www@mail.ru

Anotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotga o’tish sharoitida kommunal xizmatlarni diversifikatsiya qilish yo’llari bo’yicha fikrlar keltirilgan. Shuningdek, kommunal xizmat ko’rsatish sohasini raqamlashtirish bo’yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so’zlar: kommunal xizmat, servis, raqamli, raqamlashtirish, raqamli iqtisodiyot, raqamli xizmat, diversifikatsiya, modernizatsiya, innovatsiya.

Hozirgi globallashuv davrida dunyo mamlakatlari raqamli iqtisodiyotga o’tish jarayonini ildamlik bilan amalga oshirib kelmoqda. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi ijtimoiy-iqtisodiy sohada yuqori samaradorlikni ta’minlab bermoqda. Xusussan, AQSHda yalpi ichki mahsulotida raqamli iqtisodiyotning ulushi 3 trln, Xitoyda 1,7 trln, Buyuk Britaniyada 0,95 trln dollorni tashkil etishi[63] sohaga qaratilgan alohida e’tibor va rivojlantirish uchun kapitallarni to’g’ri yo’naltirilganini anglatadi. Bu borada mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev “…ma’lumotlarning taqsimlangan reestri texnologiyalari, «sun’iy aql», superkompyuterlar imkoniyatlaridan foydalanish, shuningdek, kripto-aktivlar bo‘yicha faoliyat jahonning ko‘plab mamlakatlarida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.”[64]deb ta’kidlagani raqamli iqtisodiyot sohasini rivojlantirishni toqazo etmoqda. Jahon tajribasidan ma’lumki raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish servis sohasida keng miqyosda amalga oshiriladi. Xizmat ko’rsatish sohasida raqamli texnologiyalarning o’rni beqiyos bo’lib xizmat ko’rsatish sifati, raqabobatbardoshligi, tezkorligi va samaradorligi bilan ahamiyatlidir.

Aholi turmush darajasini yuksaltirish, farovonligini oshirishda xizmatlar tarkibidagi kommunal xizmatlarni o’rni beqiyosdir. Aholiga kommunal xizmat ko’rsatish, xizmat sifatini yuksaltirish, korrupsiyani oldini olish, tizim shaffovligini ta’minlashda raqamli texnologiyalarning o’rni beqiyosligini

[63] www.statictika.com

[64] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni va kripto-aktivlar aylanmasi sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3832-son Qarori. 03.07.2018. www.lex.uz

ko’rsatib kelmoqda. Birgina elektr-energiya kommunal xizmatlari ko’rsatish jarayonida “aqlli hisoblagich”larni o’rnatilishi iste’molchilarda mavjud qarzdorliklarni keskin kamaytirdi.

Shuningdek, raqamlashtirish jarayoni uy-joy kommunal xizmat ko’rsatish sohasiga ijobiy tasir ko’rsatadi, bu esa kommunal xizmat ko’rsatish obyektlarida avariya holatlarini nolga kamaytirish imkonini beradi. Raqamli boshqaruv texnologiyalari va shaharning tezkor kommunal xizmatlarni markazlashtirish, uy-joy kommunal xizmatlarini yaxshilashga imkon beradi. Shuningdek, mamlakatimizda uy-joy kommunal xizmatlarni yaxlit yagona bir tizimga jamlashtirish imkonini beradi.

Xususan, resurslarni tejaydigan raqamli texnologiyalarni joriy etish hozirgi davrning asosiy talab va ehtiyojlaridan biri bo‘lib qolmoqda. Aholiga kommunal xizmat ko‘rsatishda energiya tejashga ustuvor ahamiyat berilmoqda, bu xizmat ko‘rsatuvchi hamda ist’emolchilar uchun ham manfaatli hisoblanadi. Shu munosabat bilan Prezidentimizning 2018 yil 23 oktabrdagi “Elektr energetikasi tarmog‘ini jadal rivojlantirish va moliyaviy barqarorligini ta’minlash to‘g‘risida”[65]gi Qaroriga muvofiq, 2021 yilgacha 7 milliondan ortiq iste’molchilarning barchasi hamda elektr-energiyasini ishlab chiqaruvchi, yetkazib beruvchi va taqsimlovchi korxonalar yagona elektr-energiyasini hisobga olish va nazorat qiliishning avtomatlashtirilgan tizimiga to‘liq o‘tkazildi. Shu maqsadda Andijonda 220 mingdan ziyod, Namanganda 570 mingdan ziyod, Farg‘onada 330 mingdan ziyod aholi xonadonlariga zamonaviy elektr hisoblagichlar o‘rtanatildi[66]. Shuningdek, issiqlik, suv va gaz ta’minoti kommunal xizmatlarini samaradorligini oshirish uchun ko‘p qavatli binolarni zamonaviy “online” dasturi asosida ishlovchi “aqlli” hisoblagichlar bilan ta’minlash jarayonlari jadal suratlarda amalga oshirilib kelinmoqda.

Ammo, kommunal xizmat ko’rsatish sohasidagi bazi kommunal xizmatlarda raqamli xizmatlarni joriy etilmagani xizmat ko’rsatish samarasini kamaytirmoqda[67]. Ayniqsa, xususiy uy-joy mulkdorlar shirkatlari faoliyatini raqamlashtirilmagani sohada qarzdorlik miqdorining ortishiga, podyezlarni ta’mirlash va zamonaviy jihozlash, ko’p kvartirali uylarning tom hamda podval qismlari o’z vaqtida rekonsturiksiya qilinmasligi hamda ko’p qavatli uylar atrofidagi bolalar maydonchasi, aftomobil turar joylari, umumiy foydalanadigan yerlarga o’z vaqtida xizmatlar ko’rsatmasligiga olib kelmoqda. Shuningdek, bugungi kunda xususiy uy-joy mulkdorlar shirkatlarida aholiga kommunal xizmat ko’rsatish darajasi pasayib borishinini ko’rishimiz mumkin. Bu jarayon

[65] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Elektr energetikasi tarmog‘ini jadal rivojlantirish va moliyaviy barqarorligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3981-son Qarori. 23.10.2018. www.lex.uz

[66] www.stat.uz

[67] Умаров Олимжон. Рақамли технологиялар инновациялар ривожига кенг йўл очади. http://xs.uz/uzkr/post/olimzhon-umarov-raqamli-tekhnologiyalar-innovatsiyalar-rivozhiga-keng-jol-ochadi

aholi tamonidan amalga oshiriladigan to’lovlarga nisbatan narozilik kayfiyatini vujudga keltirmoqda.

Ushbu muammolarni bartaraf etish maqsadida aholiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish orqali uy-joy kommunal xizmatlari ko‘rsatishni tashkil etish, xususiy uy-joy mulkdorlar shirkatlari faoliyatini raqamlashtirish, xavfsizlikni ta’minlash maqsadida tom va podval qismlarida intellektual datchiklar asosida jihozlash, shirkatlar boshqaruv, moliyaviy faoliyatini raqamlashtirish hamda uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatish sohasiga oid me’yoriy-huquqiy bazani takomillashtirish[68], rivojlangan xorijiy davlatlarning ilg‘or tajribasi hisobga olingan holda, uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatishning zamonaviy shakl va usullarini ishlab chiqish hamda joriy etish ishlarini amalga oshrish, kommunal xizmatlar bo‘yicha hisob-kitoblarni boshqarish uchun smart texnologiyalarni joriy qilish, intellektual servislarni joriy qilish va kommunal xizmatlarni tartibga solish uchun “aqlli uy” tajribasini joriy etish xususiy uy-joy mulkdorlar shirkatlar faoliyatini rivojlantirishga hissa qo’shadi.

Hozirgi davrda rivojlangan mamlakatlarda raqamli kommunal xizmatlarni tashkil etishda “aqlli uy” tizimini keng miqyosda tadbiq etib kelmoqda. Chunki, “aqlli uy” tizimi resurslarni tejash, xafvsizlikni ta’minlash, qulay shart-sharoit yaratish, aholin turmush farovonligini yuksaltirishda samarali faoliyat ko’rsatmoqda. Bizga ma’lumki dunyoda tabiy resurslar chegaralanganligi va qayta ishlab bo’lmasligi ushbu “aqlli uy” tizimini keng miqyosda joriy etishni talab etmoqda.

Xulosa qilib aytganda aholiga uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatish tizimiga raqamli, resurs va energiya tejaydigan texnologiya hamda uskunalarni joriy etish, jumladan, uy-joy kommunal xo‘jalik ob’ektlarini zamonaviy “aqlli” hisobga olish-o‘lchash priborlari, “suniy intelekt” texnologiyasi bilan ta’minlash, qurilish-montaj ishlari tannarxini kamaytirish imkonini beradigan, shuningdek, xafvsizligini ta’minlaydigan texnologiyalarni joriy etish hamda ushbu texnologiyalarni mamlakatimizda ishlab chiqarishni yo’lga qo’yish va undan samarali foydalanish, kommunal xizmat ko’rsatish sohasini rivojlanishiga va natijada aholi turmush farovonligini yuksalishi, tizim samaradorligini ortishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni va kripto-aktivlar aylanmasi

[68] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Uy-joy joy kommunal xizmat ko‘rsatish tizimini boshqarishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5017-son Farmoni. 2017 yil 18 aprel. www.lex.uz

sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3832-son Qarori. 03.07.2018. www.lex.uz

2. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Elektr energetikasi tarmog‘ini jadal rivojlantirish va moliyaviy barqarorligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3981-son Qarori. 23.10.2018. www.lex.uz

3. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Uy-joy joy kommunal xizmat ko‘rsatish tizimini boshqarishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5017-son Farmoni. 2017 yil 18 aprel. www.lex.uz

4. Умаров Олимжон. Рақамли технологиялар инновациялар ривожига кенг йўл очади. http://xs.uz/ uzkr/post/olimzhon-umarov-raqamli-tekhnologiyalar-innovatsiyalar-rivozhiga-keng-jol-ochadi

5. www.statictika.com

6. www.stat.uz

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРНИ

Джалилов Фахриддин Азимович**,**
ассистент, Ш.Рашидов номидаги
СамДУ тел: +998 97 910 80 40.
faxriddindjalilov68@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада товарларни ишлаб чиқариш учун янги технологияларни қўллаш, янги усулда ишлаб чиқариш, илмий-техникавий фаолият давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инновацион бизнес тузилмаларини шакиллантириш, иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида илмий-техникавий тараққиётни татбиқ этишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатиш соҳасини, инновацион тадбиркорларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини яратиш, инновацион маҳсулотлар бозори кенгайтириш, инновацион тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш йўлларини шакиллантириш асослари татқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Инновацион тадбиркорлик, илмий-техникавий тараққиёт, Инновацион маҳсулотлар бозори, давлат томонидан инновацион тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш, технология, инновацион инфратузилма.

Иқтисодиётда инновацион тадбиркорликни таърифлашга иқтисодий адабиётлардаги турли ёндашувларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, деярли барча олимлар инновацион тадбиркорлик тижорат мақсадларида фойдаланиш натижасида тадбиркорлик даромади олинадиган фаолиятнинг маълум бир тури деб ҳисоблашга мойил. Илмий-техникавий фаолият

натижалари. Инновацион тадбиркорлик бизнес ҳаётининг энг мослашувчан шаклидир. Иқтисодиётнинг айнан шу тармоғида ғояларнинг асосий қисми яратилган бўлиб, у ўрта ва йирик бизнес учун замин бўлиб, инновацион тадбиркорлик имкониятлари билан тўлдирилмоқда. Инновацион бизнес тузилмалари истеъмолчи ва истеъмол товарлари ва хизматларини ишлаб чиқарувчилар сифатида бир вақтнинг ўзида ҳаракат қиладиган, ўзгарувчан шароитларга сезгир ва ўз вақтида жавоб беришга қодир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш зарурати қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

– Иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида илмий-техникавий тараққиётни татбиқ этишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг интенсив омилларини кучайтириш;

– Ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиқиб, муайян тармоқда янги хизмат турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш самарадорлигини оширишда фаннинг ҳал қилувчи роли;

– Янги технологияни яратиш, ишлаб чиқиш вақтини сезиларли даражада қисқартириш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш, ихтирочи ва ихтирочиларнинг оммавий ижодини ривожлантириш зарурати;

– Натижаларнинг ноаниқлиги, хавфнинг мавжудлиги ва салбий натижаларни олиш имконияти билан ифодаланган илмий-техникавий фаолият жараёнининг ўзига хос хусусиятлари;

– Янги маҳсулотларни ишлаб чиқишда харажатларнинг ошиши ва корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларининг ёмонлашиши; ускуналар ва технологияларнинг тез эскириши; янги техника ва технологияларни жорий этишни жадаллаштиришнинг объектив зарурати ва бошқалар.[69]

Таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион тадбиркорликнинг ривожланиш суръати кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, энг асосийси, бизнингча, институтсионал муҳитдир. Бунда давлат асосий рол ўйнайди. Айни пайтда вазият қуйидагича:

- Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш бўйича тегишли қонунчилик чораларининг шакиллантириб бориш зарур;
- Муҳим маъмурий ва бозор тўсиқларининг мавжудлиги;
- Инвеститсион ресурслардан фойдаланиш имконияти кенгайтириб бориш;
- Солиқ қонунчилигининг мукаммал жорий қилиш;
- Инновацион тадбиркорларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларининг етарли даражада ҳимоялаш;
- “Инновацион маҳсулотлар бозори” нинг кенгайтириш.

[69] Ибрагимов Б.М. Механизмы управления инновационными процессами в переходной экономике / Дисс. На соискание уч. Степени к.э.н., Махачкала, 2001.

Илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида инновацион тадбиркорлар воситачи ролини ўйнайди. Инновацион тадбиркорлар илмий-техникавий фаолият маҳсулини маҳсулот сифатида фойдаланиш имконини берадиган ҳолатга келтириш билан бирга, тижорат шерикликларини ҳам излайдилар.

Инновацион тадбиркорлик фаолияти субъектлари деганда юридик шахс ташкил этмасдан илмий-техникавий соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар тушунилиши керак, яъни якка тартибдаги тадбиркорлар.

Инновацион тадбиркорлик фаолиятининг ушбу субъектига иқтисодиётнинг турли соҳаларида инновацияларни ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган ихтирочилар, конструкторлар, технологлар ва бошқа ижодий шахслар киради. Инновацион фаолиятнинг этакчи субъектлари юридик шахслар, қоида тариқасида, инновацион ғояларни муайян лойиҳаларда амалга оширадиган ва бунинг учун фойда шаклида молиявий натижалар оладиган тижорат ташкилотлари ҳисобланади. Демак, инновацион фаолият субъектларига мулкчилик шаклидан қатъи назар, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари, халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртлари киради. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ инновацион фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари хўжалик ташкилотлари ва жамиятлари, давлат ва мунитсипал унитар корхоналар, муассасалар бўлиши мумкин, улар орасида илмий ташкилотлар инновацион фаолият субъекти бўйича алоҳида ажралиб туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бизнингча, иқтисодиёт, инновацион инфратузилма талабларига мослашувчан жавоб берадиган олий та’лим билан илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг яхлит тизими каби элементларни ўз ичига олган ҳудудий инновацион тизимни шакллантириш, ва интеллектуал мулк бозори институтлари, инновацияларни рағбатлантириш механизмлари ва бошқалар.

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион тури тадбиркорлик ташаббуси учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, хусусий компанияларининг рақобатбардошлиги ва инвеститсион жозибадорлигини ошириш, шиддатли рақобат шароитида очиқ жаҳон бозорларида ишлаш қобилиятини кенгайтиришни талаб қилади, чунки бу хусусий бизнесдир. иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Давлат тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имтиёзларни яратиши.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм фанни 2030 йилгача ривожлантириш консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони. –httpc://lex/uz/docs/5073447
2. Вахрамов И.В. К вопросу о методах стимулирования инноваций в РФ/ И.В. Вахрамов// Инновации[Электронный ресурс]. - 2007,- № 5.
3. Демидова Л. Сфера услуг: изменение динамики производительности // Мировая экономика и международные отношения, 2006, №12, с. 40-52.
4. Инновационный менеджмент. Учебник / Под. Ред. Проф. В.А. Швандара, проф. В.А. Горфинкая. - М.: Вузовский учебник, 2006. - 382 с.

RAQAMLI IQTISODIYOTDA AHOLI BANDLIGI

SamISI “Raqamli iqtisodiyot”
kafedrasi v/b dosenti, PhD
G’.S.Mustafoyev
gmustafoyev@gmail.com
UrDU “Iqtisodiyot” kafedrasi
dosenti, i.f.n B.N.Egamov

Annotasiya: Raqamli iqtisodiyotda aholi bandligini ta’minlash muhim ahamiyat kasb etib, o’ziga xos hususiyatga ega. Aholi bandligiga qaratilga raqamli iqtisodiyot ushbu ilmiy maqolada yoritilgan.

Kalit so’zlar: Raqamli iqtisodiyot, aholi bandligi, axborot texnologiyalari, yoshlar, ayollar.

Raqamli iqtisodiyot, to'rtinchi sanoat inqilobi natijasida, asta-sekin rivojlanmoqda zamonaviy taraqqiyotning yetakchi yo‘nalishi sifatida boshqa texnologiyalardan farqli o'laroq, raqamli texnologiyalar har qanday texnik jarayonlarga kirib borish, raqamlashtirish ajralmas texnologik platformaga aylanmoqda bozor hududining barcha sub'ektlarini yagona iqtisodiy mexanizmga birlashmoqda. Texnologiyaning rivojlanishi ushbu jarayonning iqtisodiyotga ta'sirini har tomonlama o'rganishni talab qiladi va jamiyatning ijtimoiy hayoti, ayniqsa, yosh avlod va yoshlar muammolarini tahlil qilish bandlik va ishsizlik, raqamli iqtisodiyotning o'zgarishlar kabi oqibatlarini ko'rish mumkin ishning mazmuni va tashkil etilishida, bandlar uchun faol aholining tarkibiy o'zgarishlari va ish bilan ta'minlangan, xodimlar toifasidagi dinamik o'zgarishlar kasbiy, jinsiy, mintaqaviy, milliy va gender jihatlariga ahamiyat qaratish zaruratini kuchaytiradi.



1-rasm. Raqamli iqtisodiyotning umumiy ko’rinishi[70]

1-rasm ma’lumotlaridan ko’rinib turibdiki raqamli iqtisodiyot insonlar turmush tarzini yengillashtirish, ularga zamonaviy munosib turmush tarzini yaratish, mavjud talab va ehtiyojni maksimal qondirish kabi yuqori vositalarni o’zida jamlagan.

Zamonaviy axborot va telekommunikatsiya texnologiyalari, ularning jadal o'sib borayotgan salohiyati va xarajatlarni kamaytirish, mehnat va bandlikni tashkil etishning yangi shakllari uchun katta imkoniyatlar yaratadi alohida korporatsiyalar va umuman jamiyat doirasida. Bularning doirasi insonlar hayotining barcha sohalariga ta'sir ko'rsatganligi sababli imkoniyatlar juda kengayib bormoqda oilalar, ta'lim, mehnat, inson jamoalarining geografik chegaralari va boshqalar shular jumlasidan. Hozirgi kunda axborot texnologiyalari o'zaro aloqalarni mustahkamlashga katta hissa qo'shmoqda mehnat unumdorligining o'sishi, ishlab chiqarish, investitsiyalar va bandlik o'rtasida bog’liqlik kuchaymoqda. Xizmatlarning yangi turlari internet tarmoqlarida taqsimlanganlari ko'plab ish o'rinlarini yaratishga qodir, buni so'nggi yillar amaliyot ham tasdiqlaydi.

[70] https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html



2-rasm. Dunyoda internet tarmog'i orqali ishlaydigan band yoshlar to'g'risida ma'lumot (2021 yil)[71]

2-rasm ma'lumotlaridan ko'rishimiz mumkinki internet platformalarining xodimlari dunyoning har bir mintaqasida joylashgan. Miqdoriy tadqiqotda platformalardagi ishchilar orasida erkaklar va ayollarning nisbati mos ravishda bir xil 52% va 48% (1.2.2-rasm). 26-30 yosh guruhida ikkala jins teng darajada namoyon bo'lsada, yosh va katta guruhlar o'rtasida ahamiyatsiz gender farqlari mavjud. Yoshlar (18-25 yosh) orasida ayollar erkaklarnikidan sezilarli darajada ko'p 41 yoshdan yoshi kattaroq guruhda vaziyat o'zgargan. Umuman olganda, dunyoda onlayn ishda ishlovchilar orasida yoshlar ustunlik qiladi.

"Yoshlar uchun raqamli ish o'rinlari: "Raqamli iqtisodiyotda yosh ayollarga e'tibor" eng muhim hisoboti birinchi navbatda yoshlar uchun genderni qamrab oluvchi raqamli ish o'rinlari aralashuvini ishlab chiqish va amalga oshirish bo'yicha operativ tavsiyalar berishga mo'ljallangan. Yangi ishlab chiqilgan raqamli ish o'rinlari tipologiyasidan foydalangan holda, hisobot raqamli ishlarning turli toifalari bo'yicha talab omillarini aniqlaydi. Keyin hisobot Yoshlarni ish bilan ta'minlash yechimlari (S4YE) koalitsiya a'zolari tomonidan amalga oshirilgan o'tmishdagi va davom etayotgan dasturlarga asoslanib, yoshlarning raqamli bandligi yo'lidagi talab va taklif to'siqlarini yengib o'tish bo'yicha olingan saboqlarni keltirib chiqaradi. Bunda, hisobot yosh ayollarni raqamli iqtisodiyotga ulashda ayniqsa foydali bo'lgan dizayn elementlari va strategiyalarini aniqlaydi. Nihoyat, ushbu hisobot yoshlar uchun genderni qamrab oluvchi raqamli ish o'rinlari dasturlarini ishlab chiqish va amalga oshirish bo'yicha tavsiyalar beradi. Ushbu hisobotning natijalari S4YE tomonidan ishga tushiriladigan genderga yo'naltirilgan raqamli ish uchuvchilarini loyihalash va amalga oshirishga kirishni ta'minlash uchun mo'ljallangan.

[71] www.data.worldbank.org ma'lumotlari asosida muallif ishlanmasi

Xususan, O’zbekistonda ham bu bo’yicha tegishli ishlar amalga oshirilayapti. 2021-yilning 20-dekabr kuni O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag’allikni qisqartirish vazirligi (MEDPR) va BMTTDning O‘zbekistondagi “Yoshlarning raqamli iqtisodiyot va raqamli tadbirkorlikni qo‘llash imkoniyatlarini kengaytirish” yangi qo‘shma loyihasining boshlanishi bo‘ldi. Loyiha Hukumatning raqamli va yashil transformatsiyalar, faol mehnat bozori siyosatini takomillashtirish, shuningdek, yoshlarning tadbirkorlik ko‘nikmalarini oshirishga qaratilgan sa’y-harakatlarini qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha BMTTDning joriy dasturiy tadbirlarining mantiqiy davomidir. U Rossiya Federatsiyasi tomonidan moliyalashtiriladi, qo'shma moliyalashtirish MEDPRning naturadagi badallarini va umumiy loyiha byudjeti - 2 100 000 AQSh dollari bo'lgan IT Parkning parallel moliyalashtirishni o'z ichiga olgan[72].

Ko’plab jahon mamlakatlarida yoshlar bandligini hususan yosh ayollar bandligini ta’minlashga alohida e’tibor bermoqda. Aynan bu dasturni “Laboratoriya” dasturi deb nomlagan raqamli iqtisodiyot ko’nikmalarini shakllantirishga e’tibor bermoqda.

Laboratoria - bu 2014-yilda tashkil etilgan, amaliy kodlashni birlashtirgan kodlash bootcamp va ishga joylashtirish, imkoniyatlar yaratish, ta'lim, ijtimoiy-emotsional tayyorgarlik va chuqur ish beruvchini jalb qilish kabilardan iborat. O'quv lageri o'rtacha yigirma yoshlardagi kam ta'minlangan ayollarga mo'ljallangan. Laboratoria Peru, Chili, Meksika va Braziliyada faoliyat yuritadi va har yili 5000 nafar yosh ayollarni qamrab olishni maqsad qilgan.



3-rasm. Yosh xotin-qizlar bandligini ta’minlashda “Laboratoriya” dasturining modeli[73]

3-rasmdan ko’rish mumkinki “Laboratoriya” dasturi doirasida yosh xotin-qizlarni o’qitish va bandligini ta’minlashga ham yo’naltirilgan.

[72] https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/presscenter/pressreleases/2021/12/empowering-youth-to-embrace-the-digital-economy-and-digital-entr.html

[73] https://www.laboratoria.la/ ma’lumotlari

O’zbekiston Respublikasida ham bunga alohida e’tibor berilmoqda va hukumat siyosati darajasiga ko’tarilgan. Xususan, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oila va xotin qizlar Qumitasi faoliyatini tashkil etish to’g’risida”gi 2022 yil 1-martdagi 146-son qarori shular jumlasidan. Aynan ushbu qarorda mahallalar kesimida xotin-qizlar bandligini ta’minlash asosiy maqsad qilib olingan.

Bozor iqtisodiyotini raqamlashtirish sharoitida davlatning eng asosiy vazifalari bo’lib, ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni yechimini topish, mavjud davlat dasturlari ijrosini ta’minlash, kambag’allikni kamaytirish va aholi turmish darajasini yaxshilash hisoblanadi. Mazkur ustuvor vazifalarni amalga oshirishda aholini ish bilan ta’minlashning samarali ijtimoiy-iqtisodiy va tashkiliy-huquqiy mexanizmlarini tatbiq etish muhim ahamiyatga ega. Bu esa ayniqsa, qishloq joylardagi ishsizlik, norasmiy ish bilan bandlik va kambag’allik darajasini kamaytirishga bevosita ijobiy ta’sir ko’rsatadi. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan Oliy Majlisga murojaatnomasida 2020 yil - “Ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb e’lon qilish bilan birga qishloqlarni ham ijtimoiy rivojlantirishning eng muhim muammolari alohida ta’kidlandi va ularning yechimlari ko’rsatildi: “Kambag’allikni kamaytirish – bu alohida tadbirkorlik ruhini uyg’otish, insonning ichki kuch-quvvati va salohiyatini to’liq ro’yobga chiqarish, yangi ish o’rinlarini yaratish bo’yicha kompleks iqtisodiy va ijtimoiy siyosatni amalga oshirish, demakdir”[74]. Qishloq joylarda ish bilan ta’minlash va yangi ish o’rinlarini yaratish bo’yicha hukumatimiz tomonidan kompleks chora-tadbirlar olib borilyapti, maqsadli, jumladan, tarmoq va hududiy dasturlar amalga oshirilmoqda, qishloq xo’jaligi ishlab chiqarishida klasterlar va kooperasiya tizimlari joriy etilmoqda. Shuning uchun birgina 2019 yilda respublika bo’yicha jami 370047 ta yangi ish o’rinlari yaratildi. Bu ko’rsatkichning 64,3%i qishloq hududlariga to’g’ri keladi. Lekin, erishilgan ijobiy natijalar qoniqarli emas. Qishloq joylarda kambag’allikni kamaytirishning asosiy yo’nalishlari bo’lgan norasmiy ish bilan bandlikni qisqartirish va yangi ish o’rinlarini tashkil etishni ko’paytirish hamda yoshlarni zamonaviy mutaxassisliklar va kasb-hunarlarga tayyorlashni strategik yondashuvlari (yo’nalishlari) bo’yicha amaliy va ilmiy tavsiyalar ishlab chiqishni taqozo qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati.

1. https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html
2. www.data.worldbank.org

[74] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил, 29 февраль Kun.UZ сайти.

3. https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/presscenter/pressreleases/2021/12/empowering-youth-to-embrace-the-digital-economy-and-digital-entr.html
4. https://www.laboratoria.la/
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил, 29 февраль Kun.UZ сайти.

ANALYSIS OF THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY IN THE GLOBAL VALUE CHAIN RECONSTRUCTION

Peng Xinge Researcher,
Samarkand State university
E-mail: 452161501@qq.com

Abstract: The role of services in trade has been ignored until in recent years, with the liberalization of trade in services, we realized that the service industry has a value-creating role. From the perspective of global value chain, using the latest global value chain position measurement method, the production length of the global value chain is growing, and the global value chain reconstruction has three characteristics: digital, intelligent, networked technology, regional and localized geographical pattern, integrated manufacturing and service industry.

Keywords: service industry; global value chain; digital; intelligent; networked.

Trade in services is increasingly important in global economic activity. However, according to traditional gross trade statistics, services trade only accounts for about 20% of global trade. However, from the perspective of value-added trade, according to the trade in value-added database (TIVA), the service industry accounts for roughly 50% of global export trade. The proportion of service exports in exports measured by different statistical methods is quite different, mainly due to the existence of “duplicate statistics” in traditional gross trade statistics (Koopman et al., 2014). Under the global value chain division of labor system, the traditional gross trade method underestimates the role of the service industry in international trade.

The importance of services in the global value chain is determined by its positive role in controlling, coordinating value chain activities and increasing added value in manufacturing. Information transmission service industry, trade and logistics, and business services are the basic elements of the smooth operation of the global value chain, promote the cross-border flow of goods and information, and coordinate the global value chain production activities in various regions. The global value chain will not exist without well-functioning information transmission, computer software services, finance, insurance,

logistics, business services, and logistics services to coordinate and support industrial production and trade.

The shocks of external uncertainties such as China-US economic and trade frictions and the COVID-19 crisis have driven the restructuring of global value chains. In the context of the deepening development of the global value chain, the economic and trade friction between China and the US is actually a global trade war, and it will also have an impact on the global supply chain and the industrial chain. Similarly, because the US raises the tariffs on China's intermediate goods, and the cumulative tariffs attached to the global value chain have seriously hurt the partners downstream of the US industry, the China-US trade war will bring about a profound adjustment of the global value chain.

The following comparative analysis of China, the US, Japan, Germany, South Korea, India, Brazil and other countries is conducted. Tables 1 and 2 list the production lengths of the tertiary industries in China, the United States, and Japan. The main findings are as follows: 1) From the internal structure of the production length, the pure domestic production length and Ricardo production length are generally lower than the production length of the value chain, and the complex GVC production length is higher than the simple GVC production length. The length of the different internal structures is inconsistent, and the essence is the difference in the number of production stages experienced by the various parts, resulting in the different cumulative output values. The pure domestic forward production length of China's service industry is 2.27, Ricardo's forward production length is 3.28, and the value chain production length is 5.25. This shows that China's service industry is deeply involved in the global value chain, with relatively more production stages involving the global value chain activities, and more involving complex cross-border production activities.2) From the comparison between China and major developed countries, the production length of China's service industry is generally longer than that of developed countries, and the gap between the pure domestic production length and the length of Ricardo production is greater. This shows that in the forward perspective, the added value of the Chinese service department has to experience more downstream stages to reach the final product; in the backward perspective, the final service goods produced in China need more upstream production process. 3) The backward production length has similar characteristics with the forward production length, and the production length of the backward value chain is greater than the pure domestic backward production length and the Ricardo backward production length. However, the horizontal value of the backward production length is generally lower than the forward production length.

The global value chain experienced major setbacks in 2008, followed by a major change in global production patterns during the slow economic recovery following a rapid rebound in 2010 – 2011.At the global level, the share of added

value of global value chain activities decreased, while the share of pure domestic and traditional trade activities increased, which means that there is a reversal trend of global value chain activities.

In addition to the leapfrog development of the global value chain in the past 30 years, there are also two reasons, including the broad decline in trade barriers and the right-leaning of capitalist ideology. Since the 1990s, the GATT has begun to revive, and with the expansion of the EU in the early 20 00s, the common market (Merco-sur) and ASEAN signed smaller preferential trade agreements under the framework of GATT, and China joined the WTO at this moment, which laid the conditions for the decline of trade barriers. The weighted average tariffs on global trade in manufacturing products fell from 5.14% in 1996 to 3.03% in 2010.

Because of its attribute of investment as an intermediate, the service industry has deeply participated in the global value chain with the global production of manufacturing products. First, in the global value chain, the service industry should not only focus on the trade part involving directly transnational, but also on the investment part of the service industry as a transnational production intermediate product. Second, the service industry is an important investment in downstream commodities. The development of services such as transportation, communications and computing (or ICT services) makes it possible to diversify and coordinate production globally and develop global value chains. Companies can increase their total factor productivity when their participation in the global value chain includes finance, communications, transportation, professional services, and other commercial services. Third, the nature of global value chain policies in relation to services is different or different in quantity from goods. Fourth, there is a considerable unilateral liberalization in the service market, which promotes the emergence of global value chains for service input and output. Services and goods complement the global value chain, so the role of services in the global value chain is very important.

1. Technology development trend of the global value chain: digital, intelligent and networked

With artificial intelligence, robotics, 3D printing, information and communication technology, biotechnology, representing the rise of the fourth industrial revolution is within enterprises and between enterprises to create a new mode of production, in the whole production process between producers and customers increasingly using digital technology, parts remanufacturing and reuse to enhance the environmental sustainability of production process and consumption. The technological revolution affects the global value chain from two aspects: First, the increased productivity brought by technological progress can offset the low factor cost of overseas production and reduce the attractiveness of labor arbitrage in developed countries from developing

countries; second, the application of big data and artificial intelligence can improve the production flexibility, the products can be customized according to customer requirements and production close to the market."Backback" occurs when the trade-off between cost advantage, market and knowledge seeking, trade costs and maintaining control no longer benefits the company. The increased productivity brought about by the technological revolution is the main driving force for the developed countries to transfer the original outsourcing industry back to China.

2. Development trend of the geographical pattern of the global economy: regionalization and localization

Trade frictions between China and the United States and COVID-19 will have an important impact on the global industrial system, and the production network system will be impacted. From the history of the evolution of the global industrial chain, it has two directions: one is to shorten the vertical division of labor, reducing product production to a single multinational enterprise, which may contain different processes and links; the other is to reduce the production of different enterprises from scattered around the world to centralized production in a region, forming a trend of industrial space agglomeration.

The future development of manufacturing industry is guided by digitalization, network and intelligence, and will realize the integrated development of emerging service industry and traditional manufacturing industry. On the one hand, it is the requirements of its transformation to modern service industry; on the other hand, data service, communication service and software service are embedded in the manufacturing industry, which is also the key to realize digital, network and intelligent manufacturing industry. The business strategy of bundling products and services in manufacturing is called manufacturing servicing. The application of new technologies such as digital and artificial intelligence will bring about changes in the production mode, which can promote the integration of the service industry and the manufacturing industry from the production input end and the output end. We will give full play to the efficiency of digital, intelligent and networked productive services to achieve high-quality development of the manufacturing industry. Product and service innovation, service through the product life cycle, with product services instead product ownership. The service sector plays an important role in supporting and coordinating value chain activities and increasing the added value of the manufacturing industry. Service-oriented is an important trend of manufacturing development.

Conclusion and suggestion

Service industry in the global value chain and play a key role of coordinate the production link, technological progress, epidemic, trade friction to promote the global value chain reconstruction, and with the development of digital,

intelligent, network, in the global value chain reconstruction to achieve a higher level of manufacturing service will be the future development direction.

In order to promote the restructuring of the global value system in the post-epidemic era and accelerate economic development, the suggestions for the development of the service industry are as follows:

First, promote the integration of the service industry and other industries, and improve the position of the service industry in the global value chain.In fact, with the development of mechanization, automation and other technology, most of the work in manufacturing enterprises is not directly participate in manufacturing activities, but to provide the manufacturing process management organization, business and financial business, sales related, law and accounting, computer related services, research and development design and engineering technology and other services, manufacturing service trend is increasingly obvious.

Second, promote service innovation and develop new service models. The development of new technologies such as the digital economy, the Internet, artificial intelligence and 5G has not only changed the production model, but also changed the development model of the service industry.

Third, accelerate the transformation and upgrading of the traditional service industry, and improve the level of the service industry. We will promote the transformation and upgrading of the service sector, Not to throw away from traditional service industries, instead, we need to strengthen the upgrading of traditional service industries, Improve the efficiency and energy level of the traditional service industry; We the conditions to liberalize access standards and control of the service industry internally and externally, We will actively promote market-oriented reform in finance, telecommunications and other services.

Reference:

1. Xia Jie chang, Ni Hongfu. China's leading industry in economic growth: services or industry? [J]. Journal of Nanjing University (Philosophy, Humanities, Sciences and Social Sciences), 2016 (3): 43-52.
2. Antras P., Chor D. On the Measurement of Upstreamness and Downstreamness in Global Value Chains. CEPR Discussion Papers No.DP12549,2018.
3. Ni Hongfu, Xia Jie chang. The role of China region in the global value chain and its changes [J]. Finance and trade economy, 2016 (10): 87-101.
4. Cheng Dazhong, Zheng Lekai, Wei Ruqing. Reevaluation of China's service trade competitiveness from the perspective of global value chain [J]. World Economic Research, 2017 (5): 85-97.

5. Koopman R,Wang Z,Wei S J.Tracing Value Added and Double Counting in Gross Exports［J］.Social Ence Electronic Publishing,2014(2)：459-494.

6. Ni Hongfu, Wang Liping, Tian Ye. The Position of the Service Industry and Its Policy Logic in the Global Value Chain Reconstruction [J]. Journal of Hunan University, 2021 (1): 73-83.

7. Niu Hua, Zhang Mengjin. Estimculation and international comparison of global value chain participation in China's service industry [J]. Statistics and Decision-making, 2020 (19): 127-130.

8. JohnsonRC,Noguera G.Accounting for Intermediates:Prodution Sharing and Trade in Value Added［J］. Journal of International Economics, 2012(2):224-236.

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

Ашурова Олтин Юлдашевна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти.
(тел. +998-90-605-22-47)
Муродов Рустам – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит – 320 гуруҳ талабаси

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишидаги блокчейн, рақамли платформа, телекоммуникацион инфратузилмалар, рақамли маълумотлар каби қатор унсурлари кўрсатилган. Рақамли иқтисодиётга оид мамлакатимиздаги ўзгаришлар кўриб чиқилган. Рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига таъсири натижаси кадрларга бўлган талабнинг ўзгариш кўрсаткичлари ифода этилган. Инсон капиталини ўсишини секинлаштирувчи қатор тўсиқлар баён этилган ва уларни бартараф этишга оид таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли маълумотлар, рақамли платформа, телекоммуникация инфратузилмалари, блокчейн.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар шуни англатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг ўрни каттадир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ислоҳотларни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилишда инновацион ёндашув муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда илғор технологиялар ва инновацияларнинг ривожланиши ҳисобига катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Рақамли иқтисодиёт глобаллашувнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Рақамли иқтисодиётнинг миқёси жадал ўсиб бориши рақамли ва мобил технологиялар билан чамбарчас боғлиқ. Жаҳондаги мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг ўрни ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам рақамли иқтисодиётнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2021 йилда 3.2 фоизни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзизоев 2022 йил 16-17 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқида иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш муҳимлигини, ҳамда бу масала минтақада барқарорликни таъминлаш ва мамлакатлар аҳолиси фаравонлигини оширишнинг асосий шартларидан бири эканлигини таъкидлади. Шуни қайд этиш керакки, замонавий технологиялар бизга маданиятлараро мулоқотнинг рақамли платформаларини ишга тушириш имконини беради. Бу – виртуал музейлар ва ижодий кўргазмалар, илмий видеоконференциялар бўлиб, улар аҳоли, жумладан, ёшларни бундай лойиҳаларга фаол жалб қилиш орқали ҳалқларимизнинг янада яқинлашишига кўмаклашишига эътибор қаратди.

Рақамли иқтисодиётда бизнес тизимнинг янги ташкилий тузилмаси-блокчейн ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2сентябрдаги Қарорига кўра “ Рақамли ишонч ” жамғармаси ташкил этилди. Унга кўра рақамли иқтисодиётни, шу жумладан, “блокчейн” технологияларини жорий этиш ва крипто-активлар айланмаси учун платформалар ташкил этиш ҳисобига янада ривожлантириш борасидаги, айниқса ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар белгиланди.

Блокчейннинг кучли томони – марказлашмаганлиги, бундай хусусият туфайли тўловлар глобал маконда бир зумда ва шаффоф ҳолатда жойини ўзгартира олади. Блокчейн ичида озроқ ички мутахассислардан иборат арзон бизнес – тузилмани яратишга имкон беради. Глобал демарказлашув мамлакатлар орасидаги чегараларни йўқотишга ва катта мультимиллий компанияларни яратилишига олиб келади. Бу бизнес учун фирманинг ички трансакцияларини йирик даражада тежашни англатади. Рақамли иқтисодиётга ўтишда кўпгина муассасалар ўзининг ташкилий шалини ўзгартиради. Муаммолар тез ва юқори эксперт даражасида ҳал қилинади. Блокчейннинг камчиликлари қаторига давлатнинг солиққа тортиш ва тартибга солиш масалаларидаги пайдо бўладиган катта муаммолар киради. Ҳуқуқий муаммоларни эса блокчейннинг ўзи ҳал қилади.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир ҳаракатлантирувчи кучи рақамли платформа ҳисобланади. Рақамли платформа-ягона ахборот муҳитида

иқтисодиёт тармоқларининг нуфузли миқдордаги иштирокчиларининг ўзаро манфаатли ва ўзаро муносабатларини алгоритмлаштирилган тизимидир. Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги изланувчи ва амалий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш тизимини, яъни рақамли платформаларнинг тадқиқот инфратузилмасини яратиш зарур. Бу рақамли технологияларнинг ҳар бир йўналиши бўйича технологик мустақиллик, глобал даражада рақобатбардошлик ва миллийхавфсизликни таъминлайди.

Рақамли иқтисодиётнинг муҳим жиҳати рақамли маълумотлар ҳисобланади. Ўзбекистондаги муҳим тенденциялардан бири интернет фойдаланувчиларнинг сони ошиб бораётганлигида акс этади. Республикамизда технологиялар инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш борасида қатор имтиёзлар берилган, жумладан узоқ ва қишлоқ жойларда телекоммуникация хизматини яратишни таъминловчи ташкилотларга 10 йил фойда солиғи ва ягона солиқ бўйича имтиёзлар берилган ва 2022 йил 1 январгача бож тўловларидан озод этилган. Шунингдек учинчи шахсларнинг телекоммуникация объектларига аралашуви фақат мулкдорларнинг розилиги билангина амалга оширилиши кўзда тутилган.

Рақамли иқтисодиётдатурли тармоқлар институционал бошқарув тузилмалари ва электрон ҳукуматнинг шаклланиши ахборот алмашуви ва ҳамкорлигини кучайтиради. Рақамли иқтисодиётни шаклланиши дастурий қурилмалардан фойдаланишнинг интенсивлашуви, 3D босма, янги материаллар каби фаолиятлар инсон ҳаёти тарзини ўзгартиради. Яна энг муҳим томонларидан бири меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгаришига олиб келади.

Меҳнат бозорининг рақамли иқтисодиётнинг ўсиб бориши натижасида ўзгариши кадрлар масаласига катта таъсирини ўтказади. Оғир сиғимли операцияларнинг қисқариши, заковатни қўллашнинг янги соҳалари ва рақамли кўникмаларни пайдо бўлиши билан боғлиқ ўзгаришлар меҳнат бозорини қамраб олади. Айрим мутахассисларнинг иш жойлари қисқаради ва янгилари пайдо бўлади. Рақамли иқтисодиётда менеджер ва ходимнинг муносабати тубдан ўзгаради. Бунинг учун рақамли иқтисодиётни олиб боришда янги мутахассисларга бўлган талаб ошиб боради.

Ўзбекистонда бозор трансформацияси рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб бериши мақсадида олий таълимни такомиллаштириш ва рақамли иқтисодиётдаги соҳани биладиган кадрлар билан таъминлаш -энг масалалардан бирига айланди. Рақамли иқтисодиётда мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало турли даражаларда турли тармоқ ва рақам компетенцияларига эга бўлган жамғарма ва инсон капитали ёрдамида аниқланади. Юқори билимли инсонлар, ҳаётнинг фаровонлиги ва сифати ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бош драйверлари ҳисобланади.

Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодиётини талабларига жавоб берадиган инсон капиталини олиб борувчилари бўлган ва ахборот тармоқ хусусиятлари ва компетенциялари ривожланган юқори даражали мутахассислар зарур бўлмоқда.

Шундай қилиб, биз Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланишида қуйидаги таклифларни тавсия этамиз:

- Республикамизда меҳнат бозори талабларига мос равишда инсон капиталини олиб борувчилари бўлган юқори даражали мутахассисларни тайёрлашда олий тизимни такомиллаштириш.
- Рақамли платформаларнинг тадқиқот инфратузилмасини яратишни юзага келтириш.
- Телекоммуникацион инфратузилма ва алоқанинг ўсиш суръати ҳали етарли даражада юқори эмаслиги сабаб давлат томонидан рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини янада кучайтириш.
- Рақамли саводхонликни янада ошириш мақсадида аҳоли орасида рақамли кўникмаларни ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил

16 сентябрда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари

кенгашининг мажлисидаги нутқи.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2018 йил 2сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2019 йил 6 апрель.

XIZMATLAR SOHASINI JADAL RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI

Iqtisodiyot va servis instituti iqtisodiyot fanlari doktori, prof. Mirzayev Q.
Toshkent davlat Iqtisodiyot universiteti SF magistranti Sadinova B.B.

Annotatsiya: Maqolada xizmatlar sohasining mamlakatimiz iqtisodiyotidagi ulushini ko‘paytirish, joylarda xizmatlar sohasidagi mavjud imkoniyatlarni to‘liq ishga solish, xizmatlar turlarini kengaytirish va sifatini oshirish bo‘yicha o‘z yechimini kutayotgan muammoli masalalarni hal qilish, mazkur yo‘nalishda tadbirkorlik subyektlarini yanada qo‘llab-quvvatlash, ularning g‘oya va tashabbuslarini rag‘batlantirish, xizmatlar sohasini yanada yaxshilashga to‘sqinlik qiluvchi muammolar va ularni bartaraf etishning asosiy yo‘nalishlari yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Moliyaviy resurslar, infratuzilma, Elektron hukumat, soliq, kambag‘allik, tadbirkorlik.

O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiyotni jadal rivojlantirishda xizmatlar sohasining alohida o‘rni bor. Ta’kidlash zarurki Respublikamizda YaIM tarkibida xizmatlar sohasining salmog’i 35,7% (2021 y) tashkil etilishi bu borada ushbu sohani yanada taraqqiy ettirishini taqozo etmoqda. O`zbekiston Respublikasi prezidentining 2022 yil 22 avgustdagi tadbirkorlar bilan ochiq muloqotda

Tadbirkorlikni rivojlantirish uchun 70 dan ortiq farmon va qarorlar qabul qilingani aloxida e`tirof etib o`tilgan. Jaxon bozoridagi tebranishlar dunyo bozorida iqtisodiyotning pasayishiga, tashqi savdo, logistika, hom ashyo narxlarini, energiya blekautlarni yuzaga keltirmoqda. Shularni hisobga olgan holda mamalakatimizda tadbirkorlarni qullab quvvatlash uchun bir qancha imtiyozlar yaratilmoqda.

Bugungi kunda Respublikamizda xizmatlar sohasining quyidagi turlarini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda:

- transport;
- aloqa va axborotlashtirish;
- yashash va ovqatlanishni tashkil etish;
- ta’lim sohasi;
- sog‘likni saqlash sohasi;
- moliyaviy va boshqalar.

Iqtisodiy tadqiqotlar va islohotlar markazi ekspertlari Davlat statistika qo‘mitasi hisobot ma’lumotiga asoslanib Samarqand viloyatining 2022 yilning I-yarim yilligida erishgan asosiy makroiktisodiy ko’rsatgichlarning uzgarish dinamikasini ko’rib chiqqanimizda, Samarqand viloyati YaHM (yalpi hududiy mahsulot) hajmi 24927,6 mlrd. so’mni tashkil etgan xolda o’tgan yilning mos

davriga nisbatan 105,1% ga o’sgan, shuningdek YaIM tarkibida viloyatning hissasi 6,4% ni tashkil etgan. Aholi jon boshiga to’g’ri keladigan YaHM hajmi esa 6 154,5 ming so’mni tashkil qilgan va o’tgan davrga nisbatan 102,9% ga oshgan. Hudud iqtisodiyotining barcha tarmoqlarida yaratilgan yalpi qo’shilgan qiymat hajmi YaHM ning 96,9% ini tashkil etgan bo’lsa, mahsulotlarga sof soliqlar 3,1% ni tashkil etgan.

Respublika makroiktisodiy ko’rsatkichlarning shakllanishida viloyatning hissasi ahamiyatli hisoblanadi. YaIM viloyatning xissasi 6,4%ni tashkil etib, hududlar ichida 4-o’rin, Respublika sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishdagi hissasi 5,2%ni tashkil etib, 6-o’rin, asosiy kapitalga investitsiyalar kiritish 4,5%ni tashkil etib 10-o’rinni egallagan.

Respublikada xizmatlar sohasining tarkibi:

- Transport, avtotransport xizmatlari;
- Ta’lim sohasidagi xizmatlar;
- Yashash va ovqatlanishni tashkil etish xizmatlari;
- Maishiy texnika tovarlarini ta’mirlash;
- Shaxsiy;
- Moliyaviy;
- Aloqa va axborotlashtirish;
- Sogliqni saqlash;
- Ijara va prokat xizmatlari;
- Me’morchilik, muxandislik izlanishlari, texnik sinovlar va tahlil sohasidagi xizmatlar;
- Ko’chmas mulk bilan bog’liq bo’lgan xizmatlar;
- Boshqa xizmatlar.

Quyidagi diagrammada iqtisodiyotning asosiy turlari buyicha xizmatlar hajmining 2010 yildan 2021 yilgacha o’zgarish dinamikasi keltirilgan.



1-rasm. Republikada xizmatlar hajmining dinamikasi[75]

Ushbu diagrammadan ko’rinib turibdiki, respublikada transport va savdo xizmatlari eng yuqori o’sish sur’atlarini qayd qilmoqda. Shu bilan birga, 2018 yildan keyin moliya xizmatlarining o’sish sur’ati keskin oshganini ham ko’rish mumkin. Qolgan xizmat turlari hajmi dinamikasi esa 20 trillion so’mdan kam bo’lgan miqdor atrofida tebranib turibdi. SHundan kelib chiqqan holda, mamlakatda bugungi kundan barcha xizmat ko’rsatish turlarida o’sish kuzatilyapti deyish mumkin, ammo ular orasida transport, savdo va moliya xizmatlari hajmi eng yuqori ko’rsatkichlarni qayd qilmoqda.

Xulosa va Takliflar

Yuqoridagilardan kelib chiqib, O’zbekiston Respublikasi prezidentining 28.01.2022 yildagi PF-60 sonli farmoyishi asosidagi 2022-2026 yillarga mo’ljallangan “Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” asosida Respublikamizda Xizmatlar sohasini rivojlantirishning asosiy ustuvor yo’nalishlari quyidagilar hisoblanadi:

1. Respublikamizda ilm-fan va innovatsiyaga asoslangan agro xizmatlar tizimini rivojlantirish (30-maqsad);
2. Respublikamizda muhim hisoblangan agrologistik xizmatlarni rivojlantirish (31-maqsad);
3. Chorvachilik ozuqa bazasini rivojlantirishga mos servis xizmatlarni rivojlantirish (32-maqsad);

[75] O’zbekiston Respublikasi Davlat Statistika qo’mitasi ma’lumotlari

4. Viloyatlarda tibbiy xizmatlarni rivojlantirishda ustuvorlik berish (61-maqsad);
5. Respublikada ta’lim xizmatlarini yanada rivojlantirishga ustuvorlik berish (42-maqsad);
6. Respublika iktisodiy rivojlanishning drayveri hisoblangan turizm xizmatlarini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratish va ayniqsa “Samarqandni turizm darvozasi”ga aylantirish orqali kelgusi 5 yilda turizm xizmatlar hajmini kamida 10 baravarga oshirish (35-maqsad);
7. Respublikada savdo xizmatlarini rivojlantirish hamda ushbu sohaga xizmat qiluvchi xizmat obyektlarini ko’paytirish (34-maqsad).

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 2021 yil 11-mayda davlatimiz rahbarining “Xizmatlar sohasini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori;
2. O’zbekiston Respublikasi prezidentining 28.01.2022 yildagi PF-60 sonli farmoyishi;
3. https://www.lex.uz/ru/docs/-5421233;
4. https://yuz.uz/news/xizmatlar-sohasini-jadal-rivojlantirish-chora-tadbirlari-togrisida;
5. https://iiv.uz/news/xizmatlar-sohasini-rivojlantirish-boyicha-ustuvor-yonalishlar-belgilandi.
6. O’zbekiston Respublikasi prezidentining 2022 – yil 22 avgustdagi «Tadbirkorlar bilan ochiq muloqot»
7. Xizmat ko`rsatish sohasini innovattsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida rivojlantirish muammolari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (V qism). 2021 yil 19-20 fevral kunlari Samarqand, SamISI, 2021— 300 bet

O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini raqamlashtirish sharoitida inson kapitalini boshqarish

Boltayev Burxon Sadinovich,
SamDU tadqiqotchisi
+998995296088,
b.boltayev1982@gmail.com

Annotatsiya. Raqamli texnologiyalarning keng joriy etilishi davlat boshqaruvi va jamiyat faoliyati samaradorligini oshirish, ijtimoiy sohani rivojlantirish, umuman, odamlar hayotini tubdan yaxshilashga xizmat qilmoqda.

Kalit so‘zi: inson kapitali, strategik menejment, raqamli texnologiya, intellektual salohiyat, kelajak avlodga sarmoya.

Iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida strategik menejment doirasida biz iqtisodiy tizimning doimiy o‘zgaruvchan bozor sharoitlariga minimal yo‘qotishlar va xarajatlar bilan moslashish, inqirozli vaziyatlarning rivojlanishini oldindan ko‘ra bilish va rag‘batlantirishga yordam beradigan uzoq muddatli chora-tadbirlar majmuini nazarda tutmoqdamiz.

Har bir soha va mintaqaviy yetakchi raqamli iqtisodiyotda keskin burilish yasashi kerak. Bu o‘zgarishlarni byurokratiya va korruptsiyani kamaytirish, davlat xizmatlari ko‘rsatishni tezlashtirishda odamlar his qilishi kerak.[1]

Raqamli texnologiyalarning keng joriy etilishi davlat boshqaruvi va jamiyat faoliyati samaradorligini oshirish, ijtimoiy sohani rivojlantirish, umuman, odamlar hayotini tubdan yaxshilashga xizmat qilmoqda.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, ushbu tadqiqotning maqsadi O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida inson kapitalini rivojlantirishni boshqarish bo‘yicha nazariy qoidalarni umumlashtirish va ishlab chiqish hamda uslubiy tavsiyalarni ishlab chiqishdan iborat.

Bunga erishish uchun quyidagi mahalliy vazifalar belgilandi:

- ta’lim tizimidagi tizimli islohotlar orqali mamlakat intellektual salohiyatini saqlash va rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarni tahlil qilish;
- inson kapitalining O‘zbekistonni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishdagi rolini va raqamlashtirishning iqtisodiyotga ijobiy ta’sirini baholash;
- inson kapitalini shakllantirish imkonini beradigan ta’lim sifatini oshirishning bir qator strategik yo‘nalishlarini shakllantirish.

“Raqamli iqtisodiyot” atamasi nazariy jihatdan ham, amaliyotda ham keng qo‘llaniladi, biroq uning talqini bo‘yicha konsensus mavjud emas.

Raqamli iqtisodiyotga o‘tish mamlakat iqtisodiyotini yaxshilash yo‘lidagi qadamdir. Harakat qilish uchun davlat tomonidan ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni boshqarishni tartibga solish zarur. Hukumat, ish beruvchi va ta'lim tizimi o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarni shakllantirish uchun davlat tomonidan tartibga solish zarur. Bu erda raqamli iqtisodiyotning asosiy yo‘nalishlari 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. Raqamli iqtisodiyot faoliyatining eng muhim yo‘nalishlari

“Raqamli O‘zbekiston – 2030” Milliy strategiyasi konsepsiyasi mamlakatimizning raqamli rivojlanishini jadallashtirish, ma’lumotlarga asoslangan raqamli iqtisodiyotni yaratish, innovatsion mahsulotlarni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, davlat boshqaruvi va qulayliklarini takomillashtirishga qaratilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni O‘zbekiston iqtisodiyotining barcha tarmoqlarida AKT sohasini rivojlantirish yo‘nalishini belgilab beruvchi asosiy dasturiy hujjatlardan biridir. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori asosida 2023-yilga borib mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi raqamli iqtisodiyot ulushini ikki baravar oshirish va bu boradagi AKT xizmatlari hajmini uch barobarga oshirish, ularning eksportini 100 million dollarga yetkazish ko‘zda tutilgan.[2] Shunga ko‘ra, respublika iqtisodiy faoliyatining turli sohalarida 268 ta loyihani amalga oshirish rejalashtirilgan.

So‘nggi yillarda dunyoda raqamli shahar tushunchasi keng tarqaldi. Bu borada to‘plangan tajribani inobatga olgan holda raqamli Toshkent tizimini joriy etish ko‘zda tutilgan. Ikki yillik tizim sinovlaridan so‘ng dasturiy ta’minot mamlakatning boshqa hududlariga ham chiqariladi.[3]

O‘zbekistonda raqamlashtirishning ijobiy ta’siri COVID-19 pandemiyasi davrida yaqqol namoyon bo‘lgan bo‘lsa-da, takomillashtirish zarur bo‘lgan qator sohalar mavjud. Mamlakat bo‘ylab internetga kirish notekis, raqamli iqtisodiyot YaIMning atigi 1,8 foizini tashkil qiladi. 700 ta davlat axborot tizimining 70 foizi “Elektron hukumat” tizimiga ulanmagan, atigi 27 ta davlat muassasasi Davlat xizmatlari agentligi bilan integratsiyalashgan.

Raqamli iqtisodiyotning joriy etilishi va samarali ishlashi, albatta, mutaxassislarga bog‘liq. Shuning uchun inson kapitalini rivojlantirishga katta e'tibor qaratish lozim.



2-rasm. Inson kapitalini rivojlantirish omillari

“Raqamli O‘zbekiston – 2030” loyihasining amalga oshirilishi inson kapitalidan samarali foydalanish va O‘zbekiston uchun raqamli kadrlar platformasini shakllantirish imkonini beradi. Inson kapitali rivojlanishining ijtimoiy-iqtisodiy omillarini oltita asosiy quyi tizim shaklida ifodalash mumkin (2-rasm).

O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida inson kapitali asosiy rol o‘ynaydi. Inson kapitali - bu shaxs va umuman jamiyatning turli ehtiyojlarini qondirish uchun foydalaniladigan bilim, ko‘nikma va malakalar yig‘indisidir. Ushbu formula bilim, salomatlik, intellektual qobiliyatlar, amaliy ko‘nikmalar va hayot sifatini tashkil etuvchi inson kapitali elementlari to‘plamini qayta yaratadi. Birgalikda, bu insonning kasbiy faoliyatga hissa qo‘shish qobiliyatidir.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining rasmiy veb-sayti. [Elektron resurs]. URL: https://president.uz/ru/lists/view/3440 (kirish sanasi: 01/12/2022).

2. Abdurakhmanov K. Labour Economics. Theory and practice. / textbook. - London, United Kingdom: Scientific publishing House IVG, 2020. – 221 p.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯГА АСОСЛАНГАН ПЛАТФОРМА ЯРАТИШ

Солиева Навруза Ахмадилло қизи
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида
стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар
халқаро маркази таянч докторанти
Телефон: 93 7880408; e-mail:
nannishkooo@gmail.com

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизмининг аҳамияти ва бу борадаги муаммолар ёритилган бўлиб, қишлоқ хўжалигини суғурталаш механизмини рақамли технологияга асосланган платформасини жорий этиш муҳим аҳамият касб этиши ва бундай платформанинг амалиётга жорий этиш афзалликлари илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар. қишлоқ хўжалигини суғрталаш, экинлар ва чорва моллари суғуртаси, рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, электрон платформа, мобил илова, дастурий таъминот.

Маълумки, муҳим бозор инфратузилмаси бўлмиш суғуртани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётни бароқарорлигини таъминлаш мумкин эмас, шунинг учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарорлиги кўп жиҳатдан суғурта тизимини нечоғлик ривожланганлиги билан чамбарчас боғлиқ, яъни уларга бозор шароитида эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларини кўрсата оладиган замонавий суғурта хизматларини кенг ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қишлоқ хўжалигидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти самарадорлигига об-ҳавонинг кескин ўзгариши билан ҳар-хил табиий офатлар натижасида етказилган зарар бевосита таъсир этади. Айниқса, Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармонида “**Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш йўналишида қ**ишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш” масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 505-сонли қарори ҳамда 2019 йил 30

сентябрдаги “Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда парваришланаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 830-сонли қарорлари қишлоқ хўжалигида суғурта тизиини кенг ривожлантиришга қаратилган муҳим хуқуқий–меъёрий хужжатлар ҳисобланади.

Лекин шунга қарамасдан суғурта тизимида бир қатор муаммолар мавжуддир, яъни суғурта тизимида малакали кадрлар етишмаслиги ва соҳа ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш ва улар билан таъминлаш тизимини янада яхшилаш зарурлиги, суғурта ташкилотлари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мукаммал эмаслиги ва бошқалар қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизими ривожланишига тўсиқ бўлаётган асосий омиллардандир.

Ҳозирда Ўзбекистон суғурта бозорида 40 га яқин суғурта ташкилот фаолият юритмоқда. Улар орасида “Кафолат”, “Ўзбекинвест” ва “Ўзагросуғурта” энг йириклари саналади. Айниқса, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасида катта мавқе ва бой тажрибага эгалиги, фаолияти серқирралиги, молиявий аҳволи барқарорлиги билан кескин ажралиб туради. “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан ўз фаолиятини бошлаган даврларда 35 турдаги суғурта хизмати кўрсатган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 100 тадан ошди. Лекин айтиш жоизки, суғурта компанияси томонидан кўплаб тадбирларни амалга оширилаётганлигига қарамасдан суғурталанувчиларни қамров даражаси ҳам нисбатан пастлигича қолмоқда, жумладан, “Ўзагросуғурта” АЖ қишлоқ хўжалигида асосий суғурта компанияси бўлишига қарамасдан туманлар кесимида тахлил қиладиган бўлсак фермер хўжаликларини қамраб олиш даражаси 20-30 фоизини ташкил этади холос. Бу суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилса, иккинчи томондан фермер хўжаликларининг табиий офатлар олдида катта зарарлар кўришига омил бўлиб қолмоқда.

Шу боисдан рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларини суғурталаш механизмини рақамли технологияга асосланган платформага (электрон шакл) ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва тўлиқ жорий қилиш долзарб вазифалардандир.

Қишлоқ хўжалигини суғурталаш механизмини рақамли технологияга асосланган платформасини амалиётга жорий этилиши қуйидаги бир қатор афзалликларга эга бўлади, жумладан:

- қишлоқ хўжалиги экинларини суғурта турлари, жумладан экинлар кесимида ҳосилни суғурталаш, мол-мулк суғуртаси, чорва молларини суғурталаш, маҳсулотларни суғурталаш ва бошқа йўналишларни суғурталашнинг ягона яхлит тизимга солинган норматив-хуқуқий асосларининг электрон базаси тайёрланади;

- қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича суғурталаш ишларини амалга ошираётган суғурта компаниялари тўғрисида маълумотларнинг электрон базаси яратилади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар (деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрокластерлар) учун интерактив суғурта хизматларини кўрсатиш амалиёти, жумладан суғурта шартномаларини интернет орқали онлайн тарзда тузиш механизми жорий қилинади;

- махсус мобил илова дастури ишлаб чиқилиб, қишлоқ хўжалиги суғуртасининг алоҳида турлари бўйича суғурталаш тартиблари; суғурта шартномасини тузиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар мажмуаси; суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта қилдирувчилар томонидан суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида хабарнома бериш (онлайн) тартиби; суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисида далолатнома тузиш ва суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг наъмуналари юкланади;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан онлайн тарзда фойдаланиш, расмийлаштириш бўйича хизматлар ва маслаҳатлар шакллантирилади;

- суғурта таърифлари, суғурта мажбурияти, суғурта мукофоти ва суғурта товонини ҳисоблаш тартиблари бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилади;

- қишлоқ хўжалиги экинлари кесимида етиштириладиган ҳосилни суғурталаш, чорва моллари турлари кесимида суғурталаш, қишлоқ хўжалиги техника воситалари ва бошқа мол-мулкларни суғурталаш бўйича суғурта шартномаларини тузиш учун зарур бўлган маълумотлар базаси, суғурталанган экин майдонлари, чорва моллари ва бошқа мол-мулклар бўйича йиллик статистик маълумотларнинг электрон базаси шакллантирилади ва бошқалар;

Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари суғурта компаниялари билан бўладиган муносабатларни онлайн тарзда амалга ошириш энг аввало агросуғуртага тегишли барча янги маълумотларни тезкор муддатда олиш ва фойдаланиш, хўжалик субъектларининг фаолиятида суғурта механизмига тегишли барча саволлар ва муаммоларга тезкор жавоб олишга имконига эга бўладилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар (деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрокластерлар ва бошқа агробизнес субъектлари) учун интерактив суғурта хизматларини кўрсатиш амалиёти, жумладан суғурта шартномаларини интернет орқали онлайн тарзда тузиш, суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта қилдирувчилар томонидан суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида онлайн хабарнома бериш; суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисида далолатнома тузиш ва бошқа суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг наъмуналарини юклаш, суғурта бадалларини онлайн тўлаб бориш ва бошқа суғурталашга оид онлайн имкониятлар яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари онлайн мониторинг олиб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар (деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрокластерлар ва бошқа агробизнес субъектлари) хосилдорлиги онлайн кунлик киритилиши, бунинг натижасида қўшиб ёзишга бархам бериш, шунингдек хокимиятнинг бевосита аралашуви яъни назорати ва босимига барҳам бериш имкониятлари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелида қабул қилинган ва 2021 йил 23 ноябрда янги тахрирда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

3. Белова Е.В. Организация сельскохозяйственного страхования с государственной поддержкой в растениеводстве : учебно-методическое пособие. – Саратов: АМИРИТ, 2018, 49 с. ISBN 978-5-907035-47-8. https://www.rssm.su/upload/iblock/1f6/k99nxr2tmslikpsxzh0jhphbo9u5kn2b.pdf

4. Агрострахование ждет взрывной рост - в столице прошла первая международная конференция по страхованию в сельском хозяйстве. https://xs.uz/ru/post/agrostrakhovanie-zhdet-vzryvnoj-rost-v-stolitse-proshla-pervaya-mezhdunarodnaya-konferentsiya-po-agrostrakhovaniyu

Туристик ва инновацион кластерлар туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш шакллари

Хаитов Охунжон Намоз ўғли
Ш.Рашидов номидаги СамДУ тадқиқотчи
тел: +998993375995

Аннотация. Ушбу мақолада туристик ва инновацион кластерлар туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш туризмининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: туризм, кластер, туризм соҳаси, туризм индустрияси, инновация, туристик маҳсулот, туристик хизматлар, инновацион фаоллик.

Ҳудуднинг туристик жозибадорлигини ошириш ва унинг туристик салоҳиятини рўёбга чиқариш вазифаси Кластер ёндашувига асосланиши керак. «Кластер» тушунчасининг талқинлари ўртасидаги фарққа қарамай, аксарият олимлар унинг қийматлари, қамров кенглиги ва ривожланиш даражаси билан фарқ қилувчи бир қатор хусусиятлар билан тавсифланган тизим эканлигига қўшиладилар.

Шундай қилиб, баъзи кластерлар асосан кичик ва ўрта корхоналардан иборат, бошқалари йирик ва кичик фирмаларни ўз ичига олади. Кластер - бу қўшма фаолият учун фирмаларнинг оддий бирлашмасидан анча мураккаб ҳодиса ва чуқур технологик ҳамкорликни ўз ичига олади. Корхоналар нафақат Кластер ичида ҳамкорлик қиладилар, балки алоҳида соҳаларда бир-бири билан танлаб рақобатлашишда давом этадилар. Бу доимий маҳсулот ва технологик инновацияларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, уни амалга ошириш барча ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, инновацияларнинг тез ва кенг тарқалишини таъминлайди.

Анъанага кўра, Кластер ёндашуви саноат ишлаб чиқаришига нисбатан қўлланилган. Шу билан бирга, кластерлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда, хусусан, сайёҳлик марказларини шакллантиришда, уларга ташриф буюрувчиларни жалб қилишда ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин.

Ҳар қандай ҳудудий даражада Кластер шаклланишининг асосий сабаби мамлакат, минтақа, шаҳар, саноат, тадбиркорлик тузилмасининг рақобатбардошлигини оширишдир. Туризмда рақобатбардошлик даражаси истеъмолчи-сайёҳнинг қониқиш даражасига боғлиқ. Шу билан бирга, замонавий сайёҳлик маҳсулоти нафақат туристик хизматлар тўплами (турар жой, транспорт, екскурсиялар, озиқ-овқат), балки истеъмолчининг маънавий, ҳиссий эҳтиёжларини қондириш, сайёҳ учун ғайриоддий муҳитга шўнғиш орқали ғайриоддий шароитларда бўлиш тажрибаси.

Товарларни ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ, туристик маҳсулотни шакллантириш иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнидир. Шунинг учун кўплаб олимлар туризмни туристик компаниялар, транспорт ташкилотлари, музейлар, коллектив ва индивидуал турар жой воситалари, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган мураккаб тармоқлараро комплекс деб таърифлайдилар.

Туризм соҳаси Кластер ёндашувига аҳамият берадиган бир қатор хусусиятларга эга. Асосий хусусиятлардан бири шундаки, туризм соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо турли хил ва мураккаб туристик талабни қондиришда иштирок этади. Туризм индустриясининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар туристик маҳсулотни бошқача қабул қилишади. Истеъмолчи учун туристик маҳсулот кенг қамровли хизматдир - битта пакетда сотиладиган хизматлар тўплами ва туризм индустрияси корхонаси учун бу пакетга киритилган хизматларнинг ўзига хос тури. Шундай қилиб, сайёҳлар туристик маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларга қараганда кенгроқ қабул қилишади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, ташриф буюрувчининг олис сайёҳлик марказида етти кунлик фаолияти давомида ушбу занжирларнинг 10 дан 20 соатгача ишлайди. Улар экскурсия бюросидан, сайёҳлик адабиётининг ихтисослашган дўконларидан ва суғурта компанияларидан тортиб ёдгорлик дўконларига, валюта айирбошлаш шохобчаларига, таксиларга ва бошқаларга қадар 30-50 хил фирмалардан иборат.

Тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш натижасида туристик кластерларни таснифлаш хусусиятларини аниқлашнинг асосий ёндашувлари аниқланди (1-жадвал): ҳаёт циклининг босқичи, туризм турлари, туристик ресурслар турлари, кўлами, бошқарув шакли, истеъмолчиларнинг мақсадли гуруҳлари, шаклланиш усули бўйича. Биз туристик кластерлар таснифига инновацион жараёнда иштирок этиш даражаси каби хусусиятни киритишни таклиф қиламиз, бу эса туристик кластерни таснифлаш хусусиятлари бўйича тавсифлашни мураккаблаштиради. Шу асосда туризм инновацион кластерлари илмий марказлар ва университетлар иштирокида шакллантирилиши ёки туризм соҳаси корхоналарининг инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган консорциумлари ташкил этилиши мумкин.

Ҳудудларда кластер сиёсатини амалга ошириш саноатни инновацион ривожлантириш ва ҳудудий иқтисодиётни жонлантиришда муҳим рол ўйнаши мумкин, жумладан:

- инвестицион жозибадорликни ва ҳудудий бюджетларга тушумларни ошириш;

1-жадвал

Туристик кластерлар турларининг таснифи (ТК)[76]

	Таснифлаш белгиси	Туристик кластерлар турлари
1.	Ҳаётий цикл босқичи бўйича	Пре-кластерлар, бошланғич, ривожланаётган, етук, йўқ бўлиб кэтиш
2.	Инновацион жараёнда иштирок этиш даражаси бўйича	ТК доирасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича туризм соҳаси корхоналари консорциуми илмий марказлар ва университетлар негизида ТИС
3.	Туризм турлари бўйича	Спорт, экологик, етнографик, курорт, маданий ва тарихий ва бошқалар.
4.	Туристик манбалар турлари бўйича	Сув (денгиз, Дарё, кўл), ўрмон, тоғ, аралаш
5.	Миқёси бўйича	Маҳаллий, минтақавий, минтақалараро (миллий ва халқаро), трансмиллий
6.	Бошқарув шакли бўйича	Давлат ҳокимияти органи томонидан

[76] Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

		бошқариладиган, давлат-хусусий шериклик асосида бошқариладиган бизнес тузилмалари томонидан бошқарилади
7.	Мақсадли истеъмолчилар гуруҳлари бўйича	Туристик ва дам олиш, автотуристик
8.	Шакллантириш усули бўйича	Мақсадли ва тарихий

- бандлар сонининг кўпайиши ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг миграция жараёнларининг қисқариши;
- тадбиркорлик ва маҳаллий ишлаб чиқаришни субсидиялаш, маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талабни таъминлаш;
- шакллантирилган ва молиявий қўллаб-қувватланадиган экологик дастурлар орқали атроф-муҳитни яхшилаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.
2. Сафарова Н.Н. Миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини прогнозлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Тошкент 2018 й. -19-21 б.
Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 151-б.

“БУЛУТЛИ” ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ИНТЕРНЕТ РЕКЛАМА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

Раббимов Элбек Абдуллоевич
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация. Республикада интернет реклама хизматларини ривожлантиришда “булутли” техналогиялардан фойдаланиш янги имкониятларни очиб беради. Бунда энг муҳими “булутли” ҳисоблашдан

фойдаланиш ҳамда ушбу техналогиянинг реклама хизматларини ривожлантиришдаги ўрнига устуворлик бериш ҳисобланади.

Таянч иборалар. “булутли” техналогиялар, интернет реклама хизматлари, “булутли” ҳисоблаш, интерфейс, веббраузер,

Иқтисодиётни ўсиб бораётган ҳоззирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда реклама хизматларини тараққиётининг алоҳида ўрни мавжуд. Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларини ўсиш тенденсиясининг муҳим асоси ҳисобланган хизмат кўрсатишга асосланиш уларнинг келгуси тараққиёти билан бевосита боғланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики барча ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқ ва соҳаларини жахон андозасига мос, халқаро талаб даражасидаги маҳсулот ва хизматларга бўлган эхтиёжини қондириш реклама хизматларини у ёки бу субектларда қандай даражада ташкил этилганлиги билан бевосита боғланган. Жахон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки юқори сифатли ҳамда эхтиёжманд товар, маҳсулот ва хизматларни бозорда ўз ўрнини топиши ҳамда юқори даромад (фойда) олиб келиши реклама хизматларини қандай ташкил этилганлиги билан белгиланади.

Шундай экан иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини келгусида жадал ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган реклама хизматларининг орасида интернет реклама хизматларининг алоҳида ўрни мавжуд. Рақамли иқтисодиёт шароитида у ёки бу корхона ва ташкилотларнинг тараққиётида “булутли” техналогияларга асосланган интернет реклама хизматлари алоҳида аҳамият касб этади.

Интернет реклама хизматларида “булутли” атамаси мутахассисларнинг фикрича “интернет” атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Бошқача қилиб айтилганда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасида юқори сифатли товар, маҳсулот ва хизматнинг жахон миқёсидаги истемолчисини топишда “булутли” яъни “узоқ серверли интернетга асосланган” тизимдан фойдаланиш бугунги кунда муҳим вазифа сифатида ифодаланади.

“Булутли” техналогияларга асосланган интернет реклама хизматларининг яратилиши ўтган ХХ асрнинг 50 йилларида асос солинган ғоя ва технологиялар асосида яратилган бўлиб улар кейинги йилларда эволутсион тараққиётга эга ҳисобланади. Шундай экан интернет реклама хизматларини “булутли” техналогиялардан фойдаланган ҳолда янги истемолчиларни топишга йўналтирилган иқтисодий имкониятларни очиб беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда **интернет реклама хизматларида “булутли” техналогиялар дейилганда-реклама хизматлари бўйича маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун қулай восита бўлиб у турли дастурий таъминот, алоқа каналларини ўз ичига олган ҳамда ундан фойдаланишлари учун қўйилган мақсадлар,**

вазифалар ва техник лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олган жараёнлардан иборат бўлади.

Интернет реклама хизматларида “булутли” техналогиялар қуйидаги ҳусусиятларга эга:

Биринчидан, реклама хизматлари бўйича зарур маълумотлар, тахлиллар ҳамда чиқарилган хулосалар барчаси “булут”да сақланади;

Иикинчидан, ушбу техналогияларга асосланган ҳолда масофадан туриб реклама хизматлари дастурларини бошқариш имкониятига эга бўлинади;

Учинчидан, булутли техналогиялар бўйича реклама хизматларида фойдаланиладиган маълумотлар миқдорида чекловга эга бўлмайди кўпинча бундай реклама хизматлари хажми миллионлаб гигабайтни ташкил қилади;

Тўртинчидан, “булутли” техналогияларда реклама хизмати бўйича керакли хужжатларни кириш имконияти берилади;

Бешинчидан, “булутли” техналогияларда “булут”дан хар қандай операцион тизимда фойдаланиш имконияти яратилиб ушбу технологиялардаги дастурларга кириш wеббраузерлар орқали амалга оширилади;

Олтинчидан, бундай технологияларда ушбу жараённи юрутувчилар иштирокини минималлаштириш учун технологик ечим сифатида алоҳида асосий блоклар ажратиб кўрсатилади;

Еттинчидан, “булутли” техналогиялар муҳим реклама хизматлари маълумотлари йўқолишидан ҳимоя механизмига эга ва бунда зарур маълумотлар автоматик тарзда сақланади, нусхалари захира серверларида ташланади яъни уларнинг тўлиқ хавфсизлиги таъминланади.

Шунингдек реклама хизматларидан фойдаланишни ушбу “булутли” техналогиялардан қўллашнинг фақатгина интернет мавжуд бўлмаганда кириш имкони бўлмайди ва уни сифатли тизимли ташкил этилиши учун интернет тез ва сифатли бўлиши талаб этилади. Бу эса “булутли” техналогияларни интернет реклама хизматлари билан бевосита боғлиқлигини ва улар бир бирини тўлдириб туришини билдиради.

Шу билан бирга интернет реклама хизматларида “булутли” техналогияларга асосланган “булутли” ҳисоблашдан фойдаланиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Интернет режклама хизматларида “булутли” ҳисоблаш дейилганда реклама хизматлари бўйича маълумотларни интернет сервислари шаклида ҳамда улардан фойдаланувчиларга компютер ресурслари асосида тақдим этиш тизими тушунилади. Бунинг муҳим жихати реклама маълумотлари бўйича манбалари фойдаланувчига “тозаланган” шаклда тақдим этилади. Шу билан бирга реклама хизматларидан фойдаланувчилар томонидан “булутли ҳисоблаш” шундан иборатки бунда провайдер томонидан ташқи манбадан реклама хизматлари кўринишидаги маълумотлар манбаларини олиш шунингдек турли тўлов

тўлаш жараёнларини амалга ошириш белгиланган тарифга мувофиқ истемол қилинган ресурслар ҳажмига мос ҳолда амалга оширишдан иборат.

Такидлаш жоизки интернет реклама хизматларида “булутли” ҳисоблашнинг муҳим хусусиятлари кўпинча вертуаллашув ҳамда катталик ўзгарувчанлигига боғлиқ бўлади. Виртуаллашув бўйича интернет реклама хизматларида булутли хисоблашда ундан фойдаланувчилар учун қулай интерфейсни таъминлайдиган ҳамда уни амалга оширишнинг маълум мураккабликларини батафсил яшира оладиган тизимни яратиш жараёнини ўз ичига олади. Шунингдек, интернет реклама хизматларида ”булутли” ҳисоблашнинг катталик ўзгарувчанлиги ҳусусияти реклама ахборот ресурслари ўзгарувчанлик юкига қараб динамик равишда мослашиш қобилияти жараёнини ўз ичига олади.

Умуман юқоридан келиб чиқиб интернет реклама хизматларидан “булутли” техналогиялар республика иқтисодиётида муҳим ҳисобланган рекламалар ривожлантиришга асосланган янги иқтисодий тараққиёт имкониятларини вужудга келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60-сонли Фармонига кўра тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2022 йил 28 январь
2. “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 январдаги ПФ-6079 сонли фармони
3. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг “Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 702-сон қарори, 2018 йил 18 август

ДАРОМАД ЁНДОШУВИ АСОСИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ ДИСКОНТЛАШ УСУЛИ ЁРДАМИДА БИЗНЕС(КОРХОНА) НИНГ ҚИЙМАТИНИ БАХОЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Собиров И.Х.- СамДАҚИ, “Қиймат инжиниринги ва кўчмас мулк экспертизаси” кафедраси доцентив.б.,
Асқаров Б. -магистр СамДАҚИ.

Аннотация: Мазкур мақолада даромад ёндошув асосида пул оқимларини дисконтлаш усули ёрдамида бизнес(корхона) қийматини аниқлашнинг назарий масалалари тадқиқ этилиб, аниқ бир амалий холат бўйича бизнес қийматини даромад ёндошувидан фойдаланилиб пул оқимларини дисконтлаш усули асосида бахолаш кўрсатилган.

Калит сузлар: даромад ёндашуви, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, дисконтлаш, пул оқими, бизнес қиймати.

Пул оқимларини дисконтлаш усули ёрдамида ҳар қандай бизнес(корхона)ни бахолаш мумкин, бу усул бизнес(корхона)нинг аниқ бозор қийматини аниқлаб беради ва бу усули муаян молиявий-хўжалик фаолиятига эга бўлган фирмалар бизнеси қийматини бахолашда ўзини оқлаган усул бўлиб ҳисобланилади.

Бу усулнинг қўлланилиши иқтисодий ўсишдаги ялпи харажатлар ва даромадлари мавжуд бўлган салоҳиятли корхонани бахолаш учун тўлиқ асосланилган.

Кейинги хисоб-китоблар учун хусусий капитал учун пул оқимлари танлаб олинди.

Пул оқимларининг истиқболини белгилаш фойда ва зарар хақидаги хисоботдан бошланилиб, охирги мақсад якуний соф фойдани аниқлаб олиш билан якунланилади.

Соф фойдадан пул оқимларига ўтиш мазкур модел доирасида хусусий капитал учун қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ДП = ЧП + АМ ± ДЗ ± ОК ± КВ,

Бу ерда: ЧП – соф фойда;

АМ – хисобот давридаги амартизация ажратмаларининг миқдори;

ДЗ – ўзоқ муддатли қарздорликнинг ўсиш/камайиш;

ОК – айланма капиталнинг ўсиши/камайиши;

КБ – капитал қўйилмалар.

Корхонанинг истиқболдаги фаолият муддатини икки даврга бўлиш мақсадга мувофиқ: истиқболдаги ва истиқболдан сўнгги давр. Истиқболдаги давр сифатида фирманинг ўсиш суръати давом этаётган, меъёрлашмаган давр олинади (фараз қилинадиким, истиқболдан сўнгги давр бир меъёда ўсиш суръати таъминланади). Истиқболдаги даврни 3 йил деб қабул қиламиз, яъни 2021 йилгача.

Бундан узоқ муддатда истиқбол даврнинг кўзда тутилиши Ўзбекистон иқтисодиёти учун мураккаброқ бўлиб, тадбиркор фаолиятига қўйган инвестициясининг оқланиши (1-2, максимум 3 йилда) тарфдоридир.

Соф фойда: Соф фойданинг миқдори 1 074 357 минг сўм.

Амортизация ажратмаси:Хисобот даврининг бошида асосий воситаларнинг амартизацияси 362 000 минг сўмни ташкил этади, хисобот даврининг охирида 387 000 минг сўм.

Айланма капиталнинг ўсиши

$С_{ай}$ = қ. 290 – қ. 690 (ш.1)

$С_{ай.м.}$ = 9 046 427- 9 447 535 = - 401 108

$С_{ай.к.}$ = 16 528 375 - 16 541 533 = - 13 158

$С_{ай.}$= -13 158 – (- 40 1108) = 387 950

Шундай қилиб, пул оқимларини хисоблаш учун айланма капитанинг ўсишини 387 950 минг сўм деб қабул қиламиз.

Капитал қўйилмалар:Хисоблашларни бажариш учун Шакл №1 нинг 140 ва 250 қаторларидаги маълумотлардан фойдаланамиз.

Жадвал 1

Капитал қўйилмалар

Қатор коди	Номланилиши	Хисобот даврининг бошида	Хисобот даврининг охирида	Ўзгариши (+/-)
140	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	600	0	- 600
250	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	49 037	0	- 49 037
Жами капитал қўйилмалар				- 49 637

Шундай қилиб, пул оқимларини хисоблаш учун +49 637 минг сўм деб оламиз.

Пул оқимлари миқдорини қуйидагича хисоблаймиз:

ДП = 1 074 357 + 387 000 + 387 950+ 49 637 = 1 898 944 минг сўм

Яъни, хисобот даврида қурилиш фирмаси 1 074 357 минг сўм миқдорида фойда олган бўлиб ва 1 898 944 минг сўм миқдоридаги ижобий пул оқимларига эга бўлган.

Мазкур моделда дисконт ставкасини аниқлаш бахоланаётган бизнесга қўйилган мабағларнинг хавф-хатарларни эксперт бахолашга асосланилган коммулиятив қуриш усулидан фойдаланамиз.

Хусусий капитал учун дисконт ставкасини аниқлашда коммулятив усул асосида қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

I босқич – пул оқимларига мос келувчи хавф-хатарсиз ставка аниқланилади ;

II босқич – бахоланилаётган бизнес хавф-хатари учун қўшимча мукофот кўрсатгичлари аниқланилади.

Бахоланилаётган корхона учун дисконт ставкасини хисоблаш қуйидаги формула билан аниқланилади:

$$К = КТ + К2 + КЗ + К4 + К5 + К6 + К7 ,$$

Бу ерда, К – дисконт ставкси;

КТ – хавф-хатарсиз ставка;

К.1 - К7 – бахоланалиётган корхона учун инвестициялаш учун қўшимча мукофот ставкадлари.

Хавф-хатарсиз ставкани аниқлаш. Муқобил умум хавф-хатарсиз ставка бўлиб, тижорат банкларининг депозит хисоб рақамларининг фоиз

ставкаси хисобланилади. Хавф-хатарсиз ставка сифатида корхона ва ташкилотларнинг 1 йилдан ортиқ муддатга депул оқимзитларга жалб қилинган маблағларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобланилади. Фараз қилайлик бундай ставканинг 2016 йилдаги ўртача миқдори 6,8 % ташкил этган.

Жадвал 2

Хавф-хатар омилларини бахолаш

Хавф-хатар омиллари	Мукофот, %	«Талъат техно», МЧЖ учун танланган мукофот%
Хавф-хатарсиз даромад меъёри		6,8
Фирма ўлчами	0 - 5	1,7
Фаолиятининг диверсификацияси	0 - 5	1,5
Харидорлар диверсификацияси	0 - 5	1,0
Бошқариш сифати ва менежмент	0 - 5	1,5
Молиявий таркиби	0 - 5	2,5
Фойда даражаси ва унинг истиқболи	0 - 5	2,0
Бошқа хавф-хатарлар	0 - 5	0,5
Жами дисконт ставкаси		17

Бахолаётган тижорат корхонаси фаолиятининг тахлили асосида аниқланган хавф-хатар омилларини бахолаш қуйидагича амалга оширилди:

Фирма ўлчами. Бизнес қиймати бахоланаётган корхона кичик корхона бўлганлиги сабабали бундай корхоналарга мукофот ўртача ўқув-услубий адабиётларда 1,7% белгиланган, шунинг учун биз ҳам хавф-хатар учун мукофотни 1,7% деб белгиладик.

Молиявий таркиби. Агарда фирманинг кўрсатгичлари миқдори шунга ўхшаш фирмаларнинг ўртача кўрсатгичлари миқдоридан 2 марта кам бўлса, хавф-хатар мукофоти 2 марта ўртача кўрчатгичдан кўп бўлиши назарда тутилган. Мазкур фирма таққосланилган фирмаларга нисбатан активлари ликвидлигининг пастлиги молиявий таркибда хавф-хатарнинг юқорилигини кўрсатади. Шунинг учун мазкур мукофотни 2,5% деб белгиладик.

Фаолиятининг диверсификацияси. Бахоланаётган фирма «Талъат техно» МЧЖ дивесификациялаш даражаси ўртача бўлганлиги сабабали , унга нисбатан мазкур мукофотни 1,5 % белгиладик.

Харидорлар диверсификацияси. Бизга маълумки, кўпгина корхоналар олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг товар сотади ёки хизматлар кўрсатади. Шунинг учун дебитор қарздорликнинг тахлили харидорларнинг диверсификацияланиши даражасини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, мазкур мукофотни 1,0% белгиладик.

Бошқариш сифати. Бошқариш сифати – мухум омил бўлиб, инвестициялаш қарорларини қабул қилишга бевосита таъсир кўрсатади. Корхонанинг ўлчами кўпинча бошқа омилларга боғлиқ. Шунинг учун

бошқариш сифатига мукофотни бошқа мукофотларнинг ўртача арифетиклиги асосида топишни мақул кўрдик.

(1%+2,5% + 2,5% + 1,5%) /3 = 1,5 %.

Фойда даражаси ва унинг истиқболи. Рентабеллик хавф-хатари ва даромадларнинг истиқболининг белгиланиши тушумнинг истиқболли қанчалилиги ва махсулотнинг рентабеллининг меъёрийгига бевосита боғлиқ. Бахолаш муддатида бундай турдаги хавф-хатарлар ўртача миқдордан юқорилиги маълум бўлди ва бу бевосита қарз маблағларнинг миқдорига боғлиқ. Мазкур корхонанинг мажбуриятлар бўйича тўловлари фирма даромадини -2% га камайтиради. Шунинг учун мазкур мукофотни 2% га тенг деб олдик.

Бошқа хавф-хатарлар: 0,5%

Шундай қилиб, дисконтлаш ставкаси хавф-хатарсиз ставка ва хавф-хатарлар бўйича мукофотларнинг йиғиндиси сифатида аниқлаймиз. У қуйидагига тенг:

6,8% + 1,7% + 1,5% + 1,0% + 1,5% + 2,5% + 2,0% + 0,5%; = 17%

Хар бир истиқол даври учун пул оқимлари миқдорини хисоблаш

Пул оқимларини хисоблаш усули бухгалтерия хисоби балансидаги даромадлар ва харажатлар статьялари бўйича тахлилга асосланилади.

ПУЛ ОҚИМ = Соф фойда + Тадқиқод даври учун хисобланган эскириш + Узоқ муддатли мажбуриятлар + Ўсиш (камайиш) Айланма капитал – Капитал қўйилмалар, (ҳамма вақт пул оқимларидан ажратишни талаб этади пул оқими) + ИЖФ.

«Талъат техно» МЧЖ йиллик балансларининг тахлили натижасининг кўрсатишича, ПУЛ ОҚИМларининг ўсиш суръати 0,01 % ни ташкил этади. Албатта, 3 йил давомида ПУЛ ОҚИМнинг ўсиш суръати 3% ни ташкил этади (биз истиқбол йилни 3 йил деб танлаганмиз).

Корхонанинг пул оқимларини бизнес қийматини бахолаш учун ҳар бир истиқбол йили учун, ҳамда биринчи истиқболдан кейинги йил учун ҳисоблаш керак бўлади.

Пул оқимларининг келгуси қийматини хисоблаш учун коэффицент олти омилли мураккаб фоизлар жадвалидан(4 та сатр) фойдаланилиб, бунда дисконт ставкаси 17% деб олинади.

Жадвал 3

Базис давридаги пул оқим	Истиқбол даври	Йиллик ўсиш суръати 1%	Истибол давридаги пул оқим	Қайта ҳисоблаш коэффиценти	пул оқимнинг амалдаги қиймати ПВ
1	2	3	4	5	6
1898 944	Базис йили				
	1	0.01	1917933= 1898944 *	0,854701	1638741

			1,01		
	2	0.01	1937112= 1917933 * 1,01	0,730514	1414641
	3	0.01	1956483= 1937112 * 1,01	0,624371	1221186
	4	0.01	1976048= 1956483 * 1,01		

Истиқбол йилларидан кейинги давр учун корхона қийматининг миқдорини хисоблаш.

В = СФ (т+1) / (Рд – г),

Бу ерда В – Истиқбол йиллардаин кейинги давр учун бизнеснинг қиймати,

14 667 104 – Истиқболдан кейинги биринчи йил учун пул оқими,

Рд –дисконт ставкаси,

г – Пул оқимларининг ўзоқ муддатли ўсиш суръати Рд - г = 17% – 3% = 14%

Уч йил давомида пул оқими амалдаги қийматининг суммаси:

СФ (т+1) = 1 638 741 + 1 414 641+ 1 221 186= 4 274 567 минг сўм.

Реверсия қиймати: 1976048 / 0,14 = 14 114 629 минг сўм.

Реверсиянинг амалдаги қиймати: 14 114 629 * 0,736 528 =10 395 819 минг сўм.

«Талъат техно» МЧЖнинг бахолаш кунидаги жами қиймати ташкил этади:

4 274 567 + 10 395 819 = 14 670 386 минг сўм.

«Талъат техно» МЧЖнинг даромад ёндошуви асосида хисобланган қиймати 14 670 386 минг сўм. ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Оценка бизнеса»: Учебник под ред. А.Г. Грязновой, М.А. Федотовой -М.: «Финансы и статистика»,2010.-736с.
2. «Оценка бизнеса»: Учебник для вузов под ред. В. Есипова, Г. Маховиковой, В.Тереховой - С-П.: «Питер», 2013-415с.
3. «Оценка стоимости предприятия (бизнеса)»: Учебник под ред.Н.А. Абдуллаева, Н.А. Колайко М.: «ЭКМОС», 2010-662с.
4. «Международные стандарты оценки» под ред. Г.И.Микерина, М.И.Недужной, Н.В.Павлова, Н.Н.Яшина- М.: «Новости», 2009г.кн.1-248с,кн.2-357с.

ТАҚҚОСЛАНМА ЁНДОШУВ АСОСИДА БИЗНЕС(КОРХОНА) ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Собиров И.Х.- СамДАҚИ доценти,
Жураева М.- СамДАҚИ ўқитувчи.

Аннотация: Ушбу маколада қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлили кўриб чиқилган. Қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ўрганилган. Бизнесни бахолаш бўйича маълумотларга асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чикилган.

Калит сузлар: таққосланма ёндашув, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, мультипиликатор, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштириш соф фойда.

Abstract: This article analyzes the economic consequences of expanding the revenue base of the state budget and the fact that property taxation plays an important role in increasing the competitiveness of property and creating a tax base.

Keywords: local tax, market value of property, real estate, cadastral value, personal card, tax items.

Қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлилига асосланади. Қиёсий ёндашув доирасида капитал бозори усулидан ва битимлар усулидан фойдаланганда баҳоловчи камида учта ўхшаш корхонани танлаб олиши лозим. Таққослаш учун ўхшаш корхоналарни танлашда қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ва зарурий ахборот мавжудлиги билан белгиланади.

Қуйидагилар баҳоловчи ҳисобга олиши лозим бўлган асосий мезонлар ҳисобланади:

баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналар бир тармоққа мансублиги;

миқдор жиҳатидан қиёсийлик, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштириш ва бошқа кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин;

даромадларнинг ўсиш суръатлари жиҳатидан қиёсийлик.

Баҳолаш объектининг бозор қийматини қиёсий ёндашув усуллари билан аниқлаш учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган мультипликаторлар қўлланилади:

$$M = \frac{H}{K}$$, бу ерда:

М – мультипликатор;

Н – ўхшаш корхонанинг сотув нархи (ёки қийматни белгиловчи ўзга асос);

К – корхона фаолиятини тавсифлайдиган молиявий, ишлаб чиқаришга оид ёки моддий кўрсаткич. Тегишинча, баҳолаш объектининг нархи молиявий кўрсаткични тегишли мультипликаторга кўпайтириш йўли билан аниқланиши мумкин:

Н = М * К

Мультипликаторлар умуман корхона бўйича ёки бир акцияга нисбатан ҳисобланиши мумкин.

Бизнесни баҳолашда мультипликаторларнинг қуйидаги асосий турларидан фойдаланилади:

нарх/даромад (фойда, пул оқими);

нарх/дивидендлар. Бу мультипликатор амалда тўланган дивидендлар асосида ёки бундай тўловларга хос бўлган ўхшаш корхоналар бўйича соф фойдага нисбатан фоиз ҳисобида ўлчанадиган эҳтимол тутилган дивиденд тўловлари асосида ҳисобланади;

нарх/реализациядан келган тушум;

нарх/ишлаб чиқариш физик ҳажми;

нарх/хусусий капитал (соф активлар)нинг баланс қиймати.

Баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналарнинг хусусиятларига қараб баҳоловчи бошқа турдаги мультипликаторларни қўллаши ҳам мумкин.

Баҳолаш объектини баҳолаш учун ўринли бўлган мультипликаторларнинг танланишини асослаш ва ҳисоблаш таомилининг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

Баҳолаш объектининг бозор қиймати қиёсий ёндашув ёрдамида мультипликаторларнинг танланган қийматларини баҳолаш объектининг тегишли молиявий ёки бошқа кўрсаткичларига кўпайтириш орқали олинган натижаларни мувофиқлаштириш ва якуний тузатишлар киритиш йўли билан аниқланади:

агар қийматни белгиловчи асос сифатида инвестицияланган капитал қиймати олинган бўлса, узоқ муддатли қарзлар айириб ташланади;

хусусий айланма капиталнинг тақчиллиги айириб ташланади (ортиқча айланма капитал қўшилади);даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активларнинг (агар улар мавжуд бўлса) бозор қиймати қўшилади;

одатдаги харидор учун жалб қилувчан бўлмаган ишлаб чиқариш диверсификацияси мавжуд бўлса, пул оқимртфелли чегирма айириб ташланади;

ёпиқ корхона акциялари фонд бозорида котировка қилинадиган ўхшаш корхоналар бўйича баҳоланган ҳолда, ликвидлик учун чегирма айириб ташланади;

мулкнинг баҳоланаётган улуши унинг ўхшашлари билан таққослаганда берадиган назорат қилиш имконияти даражасига қараб, назоратнинг йўқлиги учун чегирма айириб ташланади ёки назорат учун мукофот қўшилади.

«Қурилишресурс» МЧЖ қийматини таққосланма ёндошув асосида аниқлаш учун учта ўхшаш объект танлаб олинди, уларнинг ҳар бири баҳоланаётган корхонага максимал яқиндир. Яъни - «Инфрастрой» МЧЖ, «Альтера» МЧЖ, «Стройсервис» МЧЖ.

Жадвал 1

Таққосланма ёндошувда ўхшаш объектлар классификацияси

Тавсифноманинг номланиши	1 ўхшаш	2 ўхшаш	3 ўхшаш	Баҳолана ётган
Корхонанинг номланиши	МЧЖ «Инфрастрой»	МЧЖ «Альтера»	МЧЖ «Стройсервис»	МЧЖ «Қурилишресурс»
Тушум, минг сўм.	22500	18000	25300	24 875
Соф фойда, минг сўм	1450	1230	1690	1074
Жойлашиши	марказ	Марказ	Марказ атрофи	Саноат зонаси
Бахолаш муддати	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.
Корхонанинг қиймати, минг сўм	13500	10700	15000	

Ҳар бир корхона учун қуйидаги формула ёрдамида мультипликаторни хисоблаймиз:

$$\mathbf{M = Q / СФ,}$$

Буерда, М – мультипликатор,

Q – корхона қиймати,

СФ – соф фойда.

$$M_1 = 15\,000 / 1\,690 = 8{,}9$$
$$M_2 = 10\,700 / 1\,230 = 8{,}6$$
$$M_3 = 13\,500 / 1\,450 = 9{,}3$$

Ўртача арифметик мультипликаторни хисоблаймиз:

$$M = \frac{8{,}9 + 8.6 + 9.3}{} = 9.0$$

3

Корхона қийматини қуйидаги формула билан хисоблаймиз:

Нарх = ЧП * М

Нарх = 1 074 357 * 9,0 = 9 669 213 минг сўм.

Корхонанинг бозор қиймати таққосланма ёндошув бўйича 9 669 213 минг сўмни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Оценка бизнеса»: Учебник под ред. А.Г. Грязновой, М.А. Федотовой -М.: «Финансы и статистика», 2010.-736с.
2. «Оценка бизнеса»: Учебник для вузов под ред. В. Есипова, Г. Маховиковой, В.Тереховой - С-П.: «Питер», 2013-415с.
3. «Оценка стоимости предприятия (бизнеса)»: Учебник под ред.Н.А. Абдуллаева, Н.А. Колайко М.: «ЭКМОС», 2010-662с.
4. «Международные стандарты оценки» под ред. Г.И.Микерина, М.И.Недужной, Н.В.Павлова, Н.Н.Яшина- М.: «Новости», 2009г.кн.1-248с,кн.2-357с.
5. «Оценка недвижимости»: Учебник под ред. А.Г.Грязновой, М.А.Федотовой.- М.: Финансы и статистика,2012.-496с.
6. «Финансовый анализ в аудите: Теория и практика».: под ред. Нитецкого В.В., Гаврилова А.А..-М.:Дело, 2010.

СОЛИҚ СОЛИШ МАҚСАДИДА КЎЧМАС МУЛКНИ БОЗОР ҚИЙМАТИДА БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Собиров И.Х. – СамДАҚИ,
“Қиймат инжиниринги ва кўчмас мулк экпертизаси” кафедраси доценти, и.ф.н..
Абдувалиев Б. – СамДАҚИ,
магистр II - курс
Email: sobirov.i@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада давлат бюджети даромадлари базасини кенгайтиришда кўчмас мулкларнинг иқтисодий ахамияти, кўчмас мулкка солиқ солиш мулкнинг ракобатбардошлигини ошириб, солиқ солиш базасини белгилашдаги муким ўринга эга эканлиги хақидаги қарашлар тахлилий асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сузлар: маҳаллий солиқ, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, шахсий карточка, солиқ элементлари.

Abstract: This article analyzes the economic consequences of expanding the revenue base of the state budget and the fact that property taxation plays an important role in increasing the competitiveness of property and creating a tax base.

Keywords: local tax, market value of property, real estate, cadastral value, personal card, tax items.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш масалалари ёритиб берилган асосий хужжатлардан бири хисобланади .

Унда қуйида келтирилган долзарб йуналишидаги масалаларни хал этиш белгилаб берилган.

- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад кисмини мустахкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун хар бир худуднинг табиий, минерал- хомашё, саноат, кишлок хўжалиги, туристик ва мехнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

Ушбу вазифаларни амалга оширилиши натижасида тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожланиши таъминланиб маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаи ошади.

Ўзбекистан Республикаси Президента Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси туғрисида» ПФ-5468-сонли Фармонини имзолаб, унда солиқ соҳаси олдида турган бир қатор долзарб муаммоларни санаб ўтилди.

Ушбу фармонга асосан қуйидагилар Ўзбекистан Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йуналишларидан бири этиб белгиланди:

- солиқларни унификация килиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга булган солиқларни бирлаштириш, солиқ хисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш белгилаб қўйилди.

Кўчмас мулкни тасарруф этиш ва ундан оқилона фойдаланиш кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамиятини белгилаб беради.

Маҳаллий бюджет даромадлари базасини ташкил этишда кўчмас мулкларнинг иқтисодий ахамияти юқори бўлиб, даромад манбаидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат Махаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги бу соҳада тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш хамда кенг қўллаш орқали ушбу масалага тизимли ёндашиш кераклигини тақозо этади.

Хозирги даврда солиқ сиёсатининг устувор йуналишлари сифатида бюджет даромадларини ошириш, солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш оркали махаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқларни унификация килиш каралади.

Мол-мулк ва ер солиқлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этмасада бирок давлат бюджетини шакллантиришда ўзининг ўрнига эга. Ер ва мол - мулкни солиққа тортиш тизими азалдан мавжуд бўлиб иқтисодий соха олимлари уни солиққа тортиш буйича турли хил қарашларини ифода этиб келганлар.

Ўзбек олимларидан Ниязметов Исламбек Машарипович хам бу борада фикр юритиб мол-мулк солиғи объекти таркибида факат кўчмас мулк объектларини колдириб, уни ер солиғи билан бирлаштириб юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил тартибда амал киладиган кўчмас мулк солиғига боскичма-боскич ўтиш таклифини илгари сурган. Биз хам юқоридаги айтилган фикрга қўшилган холда кўчмас мулк солиғини боскичма-боскич жорий этиш, юридик шахслар учун мол-мулк солиғини белгилашда ўртача йиллик қолдиқ қиймат, жисмоний шахслар учун кадастр ёки (бозор) нархига якин нархда белгилаш тизимини ривожлантириш лозимлигини таъкидламокчимиз.

Фикримизча кўчмас мулк солиғини жорий этиш негизида давлат ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ер ва мулк ресурсларидан

самарали фойдаланиш, аҳолининг мулкка бўлган хукукларини янада мустахкамлаш даражаси ётади.

Юкоридагилардан келиб чикиб ресурс хамда мулкни солиққа тортиш тизимини бозор иктисодиёти талаблари асосида шакллантириш зарурдир. Давлатнинг солиқ сиёсатини тўғри белгилаши кўчмас мулкдан окилона фойдаланишни таъминлайди.

Бугунги кунда кўчмас мулкка солиқ солиш дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларига амал килади. Баъзи мамлакатларга мулкка нисбатан солиқ мавжуд эмас. Жумладан Эстонияда кўчмас мулк солиқа тортилмайди. Словакия ва Швеция хам шулар қаторида. Хар бир давлатда мулк солиғининг ўзига хос тизмим мавжуд. Жахон амалиётида кўчмас мулк учун солиқ ер ва

унинг устида курилган бино, яшаш ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мулжалланган иншоотлар учун ундирилади.

Баъзи мамлакатларда мол-мулк ва ер солиғи ўрнига икковини кўшган холда кўчмас мулк солиғи жорий этилган. (АК,Ш, Италия, Испания, Япония).

Кўчмас мулкни солиққа тортишдан мақсад



Сунги йилларда солиқ тизимини ислох килиш максадида Жахон банки, Халкаро валюта фонди мутахассислари жалб килиниб уларнинг тегишли таклифлар урганиб чикилиб амалиётга жорий этилмокда.

2018 йилнинг 1 январига кадар бино ва иншоотларнинг инвентар нархида белгилаш тизими амалиётда эди.

1-жадвал

Кўчмас мулкка нисбатан солиқ хисоблаш учун шартли белгиланган қийматлар

(млн.сум.)

№	Йиллар	Вилоят марказлари ва Тошкент шахри учун	бошқа шахарлар ва қишлоқ жойларда	Изох
1	2016	20,328	8,833	инвентар бахоси мавжуд булмаганда
2	2017	20,328	8,833	инвентар бахоси мавжуд булмаганда шартли киймат
3	2018	210,0	90,0	кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли қиймат
4	2019	210,0	90,0	кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли киймат

5	2020	210,0	84,0	кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли қиймат

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ солиш максадида кўчмас мулк объектлари қийматини кадастр бахоларида белгилаш тизими жорий килинди. Бунинг натижасида бюджет тушумларида мулк солиғининг улуши сезиларли даражада ошди.

2020 йилда мол-мулкнинг шартли қиймати учун база кирк икки миллион сум килиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 29 июнда «Узбекистон Республикасининг солиқ, сиёсатини такомиллаштириш концепцияси туғрисида»ги ПФ- 5468-сонли Фармонида кўрсатиб ўтилган еттинчи тизимли муаммо «**Махаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ хисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг имкони мавжуд эмас»** лиги хисобланади.

Шунингдек солиқ хизмати органлари билан кадастр ташкилоти маълумотлар базасининг ўзаро тулиқ интеграциялашмаганлиги оқибатида солиқ туловчиларнинг маълумотларида номувофиклик юзага келмокда. Кадастр дастурларида қуйидаги камчиликлар кўринмокда:

- Кадастр рақами берилган объектнинг эгаси билан хақиқатдаги эгасининг бошқалиги. Кадастр рақами терилганда мулк эгаси бошка шахс бўлиб чиқади.
- Битта мулк эгасининг номига бир нечта кадастр рақамлари бириктирилган.
- Кадастр ташкилоти дастурга объект киритганда бу объект солиқ органи базасига маълумот киритилган куннинг ўзида кўринмайди. Солиқ органи дастурига кўриниши учун 1-3 кун ўтиши керак. Солиқ тўловчини кадастр ташкилоти кадастр базасига киритгач солиқ тўлашга келганда солиқ тўлаш имкони мавжуд эмас. Сабаби солиқ тўловчи солиқ органининг базасига кўринмайди. Солиқ тўловчи 3 кундан сўнг қайтиб келиши лозим.

Кадастр ташкилоти дастурининг тўғри шакллантирилмаганлиги солиқ ундиришда ноқулайликларни, солиқ тўловчилар сони ва базасини аниқлаш имконияти мураккаблаштирмокда. Фукаролар солиқ тўлаш учун кўп вакт сарфламокда. Бу халқаро солиқ тўлаш учун кетадиган вақт меъёридан жуда юқори.

2-жадвал

Кўчмас мулк солиғининг элементлари

№	Солиқ	Изох
1	Солиқ туловчилари	Кўчмас мулк эгалари ва ижарачилар
2	Солиқ объекти	Ер ва мулклар (ер устидаги бино, иншоот

3	Солиқ базаси	Бозор қиймати ёки бахолаш органлари томонидан бозор якинлаштирилган
4	Кўчмас мулк қийматини аниклаш	Даромад усули, харажат усули, таққослаш усули
5	Кўчмас мулкни баҳоловчи органлар	Солиқ органлари, бахолаш органлари
6	Солиқ ставкаси	Катъий ва фоизларда
7	Имтиёз	Ижтимоий катлам доирасидаги ахолига берилади
8	Солиқ тури	Махаллий

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, солиққа тортиш максадида кўчмас мулкни қийматини бозор бахоларида белгиланиши асосий солиқ базаси хисобланади.

Кўчмас мулкни кадастр ёки бозор нархига яқин килиб белгиланиши мулкнинг рақобатбардошлигини ошириб, мулк эгасининг хуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Кўчмас мулк қийматини аниқлаш усулларининг турли хиллиги иккала томоннинг ўзаро манфаатларига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан **«Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари»** деган тамойил асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси ҳар бир соҳада улкан ислоҳотларни амалга ошириш билан бошланган бўлса, Тараққиёт стратегиясида эса мазкур ислоҳотлар узвийлиги таъминлангани ҳолда давом эттирилади, тўпланган катта тажриба ва имкониятлар асосида ислоҳотлар янада қатъийлик ва жадаллик билан такомиллаштирилиб борилади. Бунда натижадорлик коэффициенти ортиб, олиб бориладиган ислоҳотларнинг самарадорлиги ортади.

Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш борасида алохида мақсадлар белгилаб олинган.

Хозирги кунда жисмоний шахслар эгалигидаги мол-мулк ва ер солиқларини хисобга олишда, белгиланган тартибда солиқлар хисобланишида, имтиёзлар куллашда ва бошка бир катор солиқ элементларини хисобга олишда такрорланишлар ва ер солиғи хисоблашнинг мураккаблиги мавжудлиги солиқ туловчилар учун кийинчилик ва муаммоларнит туғдирмокда.

Жумладан:

- Бир объект учун иккита шахсий карточка юритилади;

- Бир объект учун иккита хисоб ракамга туловлар амалга оширилади;
- Солиқ тўловчилар битта объект учун иккита хисоб рақамга тўловларни тўлашлари лозим.

Юкоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф киламиз:

1. Ривожланшган давлатлар тажрибасидан келиб чикиб, мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб кўчмас мулк солиғини жорий этиш.

Бунинг натижасида солиқни хисоблаб чикариш механизми соддалашади, адолатлилик, шаффофлик принципи таъминланади. Солиқни хисобини юритиш, тўлаш жараёни соддалашиб унинг харажатлари камаяди.

2. Дастурий махсулотда ишлаш тезлиги ошади.
3. Жисмоний шахсларга тегишли булган 7 млн дан ортик шахсий карточка камаяди.
4. Жисмоний шахсларга тегишли булган мол-мулк ёки ер солиғидан карздорлик мавжуд ортиқча тўловлар хисобидан камаяди.
5. Солиқни тўлаш механизми соддалашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президента Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг солиқ, сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тутрисида» ПФ-5468-сонли Фармони.

3. Кенэ, Ф. Физиократы. Избранные экономические произведения/ Ф. Кенэ, А.Р.Ж. Тюрго, П.С. Дюпон де Немур. [тарж. франц., англ., нем.] - М.: Эксмо, 2008. - 1200б.

3. Дрожжина И.А. Формировани систем налогообложени объектов недвижимости на основе дифференцированног подхода. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферата.-О.:2005.-б.12.

4. Михина Е.В. Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диис. автореферата.- М.:2005й.б.-6.

5. Ниязметов И.М. солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири тахдили. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диис..-Т.:2008й.-б.99

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кумитаси маълумотлари асосида тадкикотчи томонидан мустакил хисоблаб чикилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИНГ АҲАМИЯТИ

Хайитов Жамшид Холвоевич - “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси ассистенти. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти. Ўзбекистон. jamshidhayitov@sies.uz

Аннотация ушбу мақолада ободонлаштириш хизматларини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда ушбу тармоқни такомиллаштиришга эътиборнинг камлиги бу хизмат турининг энг долзарб муаммоларидан бири эканлигига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: ободонлаштириш, ободонлаштириш хизматлари, шаҳарлар ободлиги, ҳудудларни ободонлаштириш, ободонлаштириш объектлари, ободонлаштириш ҳудудлари.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи «Рақамли Тошкент» комплекс дастури амалга оширилмоқда[77].

Кейинги йилларда мамлакатимиз шаҳарлари, қишлоқлари ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини шакллантиришга, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини замонавий шаҳарсозлик меъёрлари ва талабларига мувофиқлаштириш мақсадида уларни

[77] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

реконструкция ва модернизация қилиш борасида кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шаҳарлар, вилоят ва туман марказларини, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини, шу жумладан ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий махсус транспорт ва механизация воситалари билан жиҳозлаш ҳисобига, ободонлаштириш тубдан яхшиланди. Ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, аҳолига муносиб яшаш шароитларини яратиш, мамлакатимизда санитария ва экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарали фаолиятини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун бутун дунёда энг глобал муаммога айланиб улгурган соҳалардан бири ҳисобланган ободонлаштириш хизматлари, бу хизмат тури барча ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларни ўз ичига қамраб олади. Айниқса бутун дунё мамлакатларининг пойтахтларидаги экологик тозалик барча даражадаги расмий хокимият органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари ва шу билан биргаликда аҳолининг алоҳида диққат марказидадир.

Ободонлаштириш хизматларини самарали ривожлантириш ҳамда ушбу хизмат турига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 4 июнда қабул қилган “Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4351-сон қарори”га эълон қилинди, ушбу қарорга биноан, мамлакатдаги мавжуд шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларига замонавий қиёфа бахш этиш масаласи илгари сурилди. Ушбу масалани ҳал этишда республика туманлари ва шаҳарларидаги мавжуд ободонлаштириш масалалари бўйича ташкилотлар (бўлинмалар) негизида ободонлаштириш бошқармаларини ташкил этиш йўли билан ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан изчил чоралар кўрилиши аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, ободонлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий база, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва янгилаш бўйича янги вазифалар белгилаб берилди.

Ҳудудларни ободонлаштириш объектлари - ободонлаштириш ишлари олиб борилиши белгилаб қўйилган, вилоят, туман, кўп қаватли биноларнинг олди, маҳаллалар ва бошқа ҳудудлар шу билан биргаликда ўйин майдончалари, ҳовлилар, функционал режалаштириш тузилмалари, туманларнинг маъмурий бинолар ва шаҳар туманлари ҳудудлари, шунингдек ягона шаҳарсозлик регламенти принципига мувофиқ ажратилган ҳудудлар (хавфсизлик зоналари) ёки визуал-фазовий идрок ҳудуди (бинолари бўлган майдон, қўшни ҳудуди ва бинолари бўлган кўча), алоҳида белгиланган бошқа ҳудудларини ўз ичига олади.

Ободонлаштириш меъёрлари - ободонлаштириш нормалари ва қоидалари белгиланадиган алоҳида белгиланган ҳудудларни ободонлаштириш элементларининг нормаллаштирилган тўплами, уларни ушбу ҳудудга жойлаштириш нормалари ва қоидалари орқали назорат қилиб борилади.

Бундай ҳудудларга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин: турли функционал мақсадлар, пиёдалар коммуникациялари, йўллар, жамоат жойлари ва зоналари, турар-жойларни ривожлантириш, саноат ривожланишининг санитария ва ҳимоя зоналари, дам олиш масканлари, турар-жойнинг кўча ва йўл тармоғи, муҳандислик коммуникацияларининг техник (хавфсизлик ва эксплуатация) зоналарини.

Ҳудудларни тозалаш - бу ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, бошқа ахлатларни, қорларни йиғиш, махсус белгиланган жойларга олиб чиқиш, шунингдек аҳолининг экологик ва санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган бошқа тадбирлар билан боғлиқ вазифаларни ўз вақтида бажаришни тақозо қилади. Мамлакатимиз шароитида ҳовли (томорқа) ер участкаларининг ўлчамлари шаҳарсозлик вазияти хусусиятларига боғлиқ ҳолда 300-600 $м^2$ ташкил этади.

Мамлакатимиздаги мавжуд шаҳарлар қиёфасини шакллантириш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини замонавий ободонлаштириш меъёрлари ва талабларига мувофиқлаштириш янги жойларни қуриш, борларини қайта таъмирлаш ва модернизация қилиш мамлакатга ташриф буюрувчи ички ва ташқи туристлар сони ва салмоғини кўпайишига олиб келади бу ўз – ўзидан аҳоли бандлигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2013 йилдаги 4-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2017 йилдаги ПҚ-3182-сонли Қарори, Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида. https://lex.uz/docs/3302438.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. (2020 йил 24 январь). https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzieevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar)

4. Б.А. Ходжаев (раис), А.Р. Тохтаев, Ш.Т. Шоназаров, Х.Х. Очилов. “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” / Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2009-177 б.

5. Хмельченко, Е.Г. Роль управления благоустройством территории в формировании имиджа города / Е.Г. Хмельченко, К.И. Заиц // Вестник университета. – 2017. – № 4. – С. 38–42.

6. Конышева, Л.А. Благоустройство территории муниципального образования как метод повышения качества жизни населения / Л.А. Конышева // Фундаментальные и прикладные исследования: проблемы и результаты: материалы Международной конференции. – 2017. – С. 552–556.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲУДУДЛАР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Хайитов Жамшид Холвоевич “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси ассистенти. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти. Ўзбекистон. jamshidhayitov@sies.uz.

Аннотация ушбу мақолада ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аҳоли пунктларининг санитария жиҳатдан тозалигини яхшилаш масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: ободонлаштириш, атроф–муҳит, аҳоли пунктлари, тозалик, қаттиқ маиший чиқинди.

Аннотация В данной статье особое внимание уделяется вопросам благоустройства, исследуются вопросы повышения санитарной чистоты населенных пунктов.

Ключевые слова: благоустройство, окружающая среда, населенные пункты, чистота, твердые бытовые отходы

Abstract In this article, special attention is paid to the issues of landscaping, and the issues of improving the sanitary cleanliness of settlements are studied.

Key words: beautification, environment, settlements, cleanliness, solid household waste.

Мамлакатимизнинг шаҳарлари ва қишлоқларидаги аҳоли пунктларида мавжуд бўлган аҳоли сони, иқлимий, жуғорфий ва бошқа ижобий ва салбий шароитлардан қатъий назар ўзлари учун зарур бўлган санитария–гигиеник шароитларни ва аҳолининг меҳнати, маиший турмуши ҳамда дам олишлари учун зарур қулайликларни юксак даражада таъминлашлари учун ободонлаштириш хизматларидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ.

Мамлакат ободлиги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи “ойна”дир, шунинг учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ободлиги, экологик вазиятлари ҳақидаги маълумотлар оммага очиқ бўлиши ва етакчи ўринлардан бирини эгаллаши бежиз эмас. Шундай экан ободонлаштириш жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини белгилаб беради деб бемалол айта оламиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли пунктларининг санитария жиҳатдан тозалигини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги «Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 315-сонли, ҳамда 2021 йил 31 августдаги 553-сон қарорлари мамлакатимизда ушбу хизмат турига алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан дарак беради[78].

2014 - 2016 йилларда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармаларини замонавий махсус техникалар билан таъминлаш дастурлари амалга оширилди. Ана шу дастурлар доирасида 1427 та техника воситаси харид қилинган бўлса, уларнинг 990 таси маиший чиқиндиларни ташиб кетадиган автотранспортлардир.

Мамлакатимиз шаҳар ва туман марказларидаги турар жой мавзеларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида 14 мингдан ортиқ чиқинди тўплаш пункти ташкил этилди ва 10 мингдан зиёд контейнер ўрнатилди.

Комплекс тадбирлар ва дастурларни амалга оширишга давлат бюджетидан 343,1 миллиард сўм йўналтирилди ва тижорат банкларининг 20 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари жалб этилди.

Истеъмолчиларга санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари кўрсатиш бўйича норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Ҳукумат қарорлари асосида маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматлари

[78] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 31.08.2021 йилдаги 553-сон. Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

кўрсатиш қоидалари, санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатадиган участка ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом ва бошқа бир қатор норматив ҳужжатлар тасдиқланди.

Шу билан бирга, қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш соҳасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳали ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ишларини ташкил этиш масаласи, аввало, бундай чиқиндиларни тўплаш, утилизация қилиш ҳамда қайта ишлаш бўйича аниқ ва амалий тизимни йўлга қўйишни талаб этади. Ҳозирги вақтда чиқиндилар тўпланадиган мавжуд полигонлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена меъёрларига тўлиқ жавоб бермайди. Аксарият жойларда чиқиндилар тартибсиз равишда тўпланадиган пунктлар ҳамон сақланиб қолмоқда ва улар туташ ҳудудларнинг санитария-эпидемиология ҳолатини ёмонлаштириб, юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалишига шароит яратмоқда.

Бу борадаги энг муҳим вазифа ва муаммолар инобатга олинган ҳолда қабул қилинган Президент қарори мамлакатимиз туман ва шаҳарларининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, 2017 - 2021 йилларда чиқинди билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантиришни янада кучайтиришга қаратилган.

Жумладан, мазкур қарор билан қуйидаги дастур ва лойиҳалар тасдиқланмоқда:

2017 - 2021 йилларда чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тадбирлари;

2017 йилда мамлакатимиз шаҳарларидаги санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармаларига 237 та махсус техника харид қилиш, 94 та гараж қуриш, қаттиқ маиший чиқиндилар учун 168 та элак қурилмалари ўрнатиш режа кўрсаткичлари;

Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Наманган шаҳарларида йирик лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олган, 2017 - 2021 йилларда халқаро молия ташкилотларининг 161 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағларини жалб этган ҳолда шаҳарларда чиқиндиларни тўплаш, ташиб кетиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари рўйхати;

114 минг погон метр тўсиқ, 152 та санитария узели, 158 та маиший хона, 163 та автомобилларни ювиш жойи, 269 километр электр таъминоти тармоқлари, 166 та техник сув таъминоти қудуғи ҳамда 240 километр

асфальтланган кириш йўлларини қуриш орқали қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланадиган 168 та полигонни ободонлаштириш манзилли дастури;

2017-2018 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган технологияларни жорий этиш прогноз кўрсаткичлари, жумладан, келгуси икки йилда Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини қуриш кўзда тутилиб, мазкур лойиҳаларга 27 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилган. Ана шу комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари учун янада қулай ижтимоий шароитлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2013 йилдаги 4-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2017 йилдаги ПҚ-3182-сонли Қарори, Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида. https://lex.uz/docs/3302438.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. (2020 йил 24 январь). https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzieevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar)

4. Б.А. Ходжаев (раис), А.Р. Тохтаев, Ш.Т. Шоназаров, Х.Х. Очилов. “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” / Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2009-177 б.

5. Хмельченко, Е.Г. Роль управления благоустройством территории в формировании имиджа города / Е.Г. Хмельченко, К.И. Заиц // Вестник университета. – 2017. – № 4. – С. 38–42.

6. Конышева, Л.А. Благоустройство территории муниципального образования как метод повышения качества жизни населения / Л.А. Конышева // Фундаментальные и прикладные исследования: проблемы и результаты:материалы Международной конференции. – 2017. – С. 552–556.

МУНДАРИЖА

I ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ”		
Қ.Ж.Мирзаев Н.Т. Саттарова	**Республикада савдо хизматларининг ривожлантиришда назарий асослари ва хориж тажрибаси.....**	4
O.Y.Ashurova U. Qodirova	**Raqamli iqtisodiyot sharoitida malakali kadrlar tayyorlashning ma’naviy jihatlari ……**	9
D.Z.Norkulova	**Raqamli iqtisodiyot sharoitida inklyuziv ta’limni rivojlantirish ahamiyati.....**	12
Н.У. Арабов Б.А. Исмаилов	**Хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли иқтисодиётнинг ўрни ва аҳамияти.....**	16
Ш.Ш.Файзиева Б.Б.Абиддинов И.Ҳ.Ибрагимов	**Рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ривожланишидаги аҳамияти.....**	20
Н.А. Яхшиева	**Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида рақамли иқтисодиётнинг ўрни.....**	23
Q.J. Mirzayev F.F. Ulug’murodov	**Maishiy xizmat sohasini raqamlashtirishning muhim hususiyatlari.....**	26
Қ.Ж. Мирзаев Н.Т. Саттарова	**Республикада савдо хизматларининг ривожлантиришда назарий асослари ва хориж тажрибаси……...**	28
Х. Каржавова	**Миллий иқтисодиётимизнинг ривожида ижтимоий хизматларнинг ўрни……..**	33
II ШЎЪБА “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ”		
Исхакова С.А.	**Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси ролининг ошиб бориши ва ходимлар меҳнатини рағбатлантириш стратегияси…….**	37
J.K. Yusupova	**O’zbekistonda raqamli iqtisodning sohalar boyicha tahlili.....**	40
Ш.Ж.Маматкулова	**Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳмонхона хизматларида талаб ва таклифни тартибга солиш.....**	44

Ф.А. Ишонкулова	**Цифровая экономика Узбекистана сегодня: её значение, проблемы и пути их решения…….**	47
И.А.Усманов	**Ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солиш механизмлари …….**	50
Sh.K.Yuldashev L.N.Xalikova	**Innovatsion g‘oyalar va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish muammolari …….**	54
Н.Б. Атамуратова	**Ҳозирги босқичда глобал ва маҳаллий АКТ хизматлари бозорининг динамикаси ва унинг ривожланиш истиқболлари……**	57
F.F.Ulug’murodov D.Mirzaaxmedov	**Raqamli iqtisodiyot sharoitida transport xizmatlarini rivojlantrish yo’nalishlari…….**	62
Э.Ғайбуллоев	**Қишлоқ хўжалигида инсон капиталини баҳолашда ижтимоий-синергетик ёндашув.....**	65
Ш.Ш.Файзиева Н.А.Яхшиева М.Ш.Номозова	**Ўзбекистоннинг ривожланишида рақамли иқтисодиёт истиқболлари.....**	69
А.Қ.Тўраев	**Бандликни таъминлашга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таҳлили……**	72
Д.Э. Умурзакова	**Мактабгача таълим муассасалари ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари……**	76
А.С.Шералиев	**Республикада агросервис хизматларини кластерлаш асосида такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари…….**	80
III ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ”		
С.А.Исхакова	**Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси ва соҳа ходимлар даромадлари ўртасидаги таҳлил…….**	87
Sh.X.Xalimov	**Qishloq joylarda raqamli xizmatlarni tashkil etish yo’llari …….**	91
Ф.А. Джалилов	**Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион тадбиркорликни ривожлантиришни хорижий тажрибалари ……**	94
С.А.Абдукахарова	**Ўзбекистон тижорат банкларида рақамли технологияларини қўлланилиши ……**	97
Д.Д. Джалалова	**Қишлоқ хўжалигида рақамли инновацион технологиялар жорий этиш бўйича хориж**	

	тажрибаларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари.....	101
Н.А.Иброҳимова	**Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари….**	105
Н.З.Юлдашова	**Ўзбекистон агросервис соҳасида рақамлаштиришни ривожлантириш ……**	109
О. Жумақулов	**Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни……**	112
А.Бектемиров Д.М.Маликова Ж.Э.Бўтаев	**Тижорат банкларида депозитлар ҳажми динамикаси таҳлили.....**	117
А.Бектемиров Д.М.Маликова М.А.Каримов	**Тижорат банкларида кредит рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш……**	121
А.Д.Равшанов	**Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ……**	124
А.Н.Холиқулов	**Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ……...**	128
IV ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ”		
А.К.Аҳмаджонов	**Мдҳ мамлакатларида аудиторлик фаолиятини ўрганиш тажрибаси.....**	133
S.M.Sultanova	**Raqamli iqtisodiyotda aktivlar hisobini yuritish xorijiy tajribasi.....**	140
Н.Р.Хўжақулова	**Доривор ўсимликларни етиштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.....**	144
L.N.Khalikova B.Yuldashev	**Issues of improving effective management in real sector chemical industry enterprises archives-project topics CHALLENGES TO IMPROVE**	

	THE DIGITAL ECONOMY IN UZBEKISTAN	151
М.Э.Аҳтамова	**Концептуальные направления развития экотуризма в самаркандской области в условиях цифровой экономики ……**	153
Ж.И. Досекеев	**Развитие человеческого капитала в отраслях туризма Приаралья……..**	156
Ш.Ж Маматкулова Т. Тиллаев	**Рақамли иқтисодиёт шароитида савдо соҳасини инновацион ривожланиш йўналишлари …….....**	160
Э. Ғайбуллоев	**Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инсон капиталининг аҳамияти……..**	165
V ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БОШҚА ТАРМОҚЛАР ВА СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
S.B.Boboqulov	**Raqamli iqtisodiyoti sharoitida kommunal xizmatlarni diversifikatsiya qilish.....**	172
Ф.А. Джалилов	**Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда инновацион тадбиркорликни ўрни……..**	175
G’.S.Mustafoyev B.N.Egamov	**Raqamli iqtisodiyotda aholi bandligi……**	178
Peng Xinge	**Analysis of the role of the service industry in the global value chain reconstruction.....**	183
О.Ю. Ашурова Р. Муродов	**Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши.....**	188
Q.Mirzayev Sadinova B.B.	**Xizmatlar sohasini jadal rivojlantirish imkoniyatlari……**	192
B.S. Boltayev	**O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini raqamlashtirish sharoitida inson kapitalini boshqarish……**	195
Н.А.Солиева	**Қишлоқ хўжалиги суғурталаш тизимида рақамли технологияга асосланган платформа**	199
О.Н. Хаитов	**Туристик ва инновацион кластерлар туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш шакллари……**	202
Э.А. Раббимов	**“Булутли” технологиялардан фойдаланган ҳолда интернет реклама хизматларини ривожлантириш масалалари……..**	205
И.Х.Собиров	**Даромад ёндошуви асосида пул оқимларини**	

Б. Асқаров	**дисконтлаш усули ёрдамида бизнес(корхона) нинг қийматини бахолашнинг амалий масалалари……..**	208
И.Х.Собиров М .Жураева	**Таққосланма ёндошув асосида бизнес(корхона) қийматини аниқлашнинг амалий масалалари……...**	214
И.Х.Собиров Б.Абдувалиев	**Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари…….**	217
Ж.Х. Хайитов	**Ўзбекистонда ободонлаштириш хизматларини кўрсатишда “электрон ҳукуматнинг аҳамияти…….**	224
Ж.Х. Хайитов	**Ободонлаштириш хизматларининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири…….**	227

«ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(II қисм)
(2022 йил 10-11 ноябрь)

“STAP-SEL” MChJ. nashriyot - matbaa ijodiy bo`limi, Samarqand - 2022.

ISBN: 978-9943-8583-5-0

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
Chop etishga ruxsat etildi: 10.11.2022 y.
© **“STAP-SEL” MChJ.** nashriyot - matbaa ijodiy bo`limi, Samarqand.

10.11.2022 yilda chop etildi.
Qog‘oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog‘i 14,75
Buyurtma № 0145A. Adadi 35 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo‘limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.

ISBN: 978-9943-8583-5-0

